

ОМИНА Шенликўгли

ИШҚИДА  
ЕНГУЛ-  
МАЙМАН

Омина Шенликўгли

# ИШҚА ЕНГИЛМАЙМАН



“ZUKKO KITOVBXON” нашриёти  
ТОШКЕНТ – 2021

УЎК 821.512.161-31  
КБК 84(5Туц)  
Ш 45

Таржимон  
Ноила Холмуҳаммад

**Шенликўғли, Омина**

Ишққа енгилмайман [матн] : Оммабоп нашр / таржимон: Ноила Холмуҳаммад . – Тошкент: “Zukko kitobxon” номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2021. – 272 б.

Дунёга келишининг ўзи курашдан иборат бўлган одам боласи то умри охирлагунига қадар мудом икки қутб ўртасида муаллақ яшайди. Қайси томонни танлашига қараб у яхши, ёмон, ноинсоф, виждонли, манфаатпараст, олижаноб шу каби сифатлар билан танилади. Қўлингиздаги асар ҳам инсон қийматини белгилайдиган танлов ҳақида. Бош қахрамон - Юнус худосизликдан то Аллоҳни танишгача бўлган йўлга чиқади. Сафар давомида жуда кўп қадриятлари, ишонган ва таянган ҳақиқатларини қайта кўриб чиқади, ўзини таниш изтиробини ва лаззатидан баҳраманд бўлади. Онаси ва суйган қизи Асуман унинг ҳаётидаги асосий аёл инсонлардир. Бири Юнусни енгил, аммо худосиз яшашга ундаса, иккинчиси мураккаб, аммо Яратганни таниш ва имон келтириш бахти билан шарафланган ҳаётга чорлайди. Бир умр исломни инкор этиб келган, мусулмонларда тинч ҳаёт ва тараққиёт душманларини кўриб келган йигит муҳаббат туфайли ўзгаришга аҳд қилади. Асуманнинг эътиборига тушиш учун динни ўргана бошлайди, ақлан Аллоҳнинг борлигига амин бўлади. Тоғ кийигидек хуркак ва мағрур қиз Юнусга қарайдими? Юнус имон келтирадими? Болалиқдан онгига сингдириб келинган ногўғри қарашларни муҳаббат синдира оладими? Дахрий оила эътиқоди ҳаётдан ҳам муҳим бўлган қизни қабул қиладими?

*Омина Шенликўғлининг «Ишққа енгилмайман» асари бу саволларга жавоб беради, сизни ўйлантираётган баъзи масалаларга ечим таклиф қилади, қандай яшаш керак - ўзи яшашдан мақсад нима деган фалсафий муаммога бутунлай бошқа ракурсдан туриб ёндашади.*

*Ёқимли мутолаалар!*

УЎК 821.512.161-31  
КБК 84(5Туц)

ISBN 978-9943-7592-7-5

© “ZUKKO KITOBXON” номидаги  
нашриёт-матбаа уйи, 2021.

## Омина Шенликўгли

1953-йил Туркияда Гиресун вилояти Дарали туманига қарашли Анбаралан қишлоғида дунёга келди. Кичик ёшларида Адапазарига, сўнгра Истанбулга кўчиб келишди.

Илк ижод намуналарини 1978-йилда битган. Ёзганлари «Бурса Мармара», «Миллий Газета», «Янги Осиё» газеталари, «Сур» ва «Рибат» ойномаларида чоп этила бошлади. 1985-йил февралида турмуш ўртоғи билан бирга «Мактуб» ойномасини чиқарди. 1984-йилда нашр этилган «Ёшлар иймонини саволлар билан ўғирлашди» асари сабабли 1985-йилда ҳукуматга ва сиёсий тузумга қарши чиқишда айбланиб — 2 йили шартли — умумий 8 йилу 5 ойга озодликдан маҳрум этилди. Икки ярим йил ҳибсда ётгандан сўнг (афв қилиш) муносабати билан озодликка чиқди. Адиба ҳибсда эканида ҳам 7 та китоб ёзди. Улардан «Бу ер жазо уйи» (Burası ceza evi) китоби расман тақиқланди - тарқатишга рухсат берилмади. Шундан сўнг адиба «Бу ер ҳам жазо уйи» (Burası da ceza evi) номли яна бир китоб ёзди. Ёзувчининг «Биз бу Ватаннинг нима симиз?» (Biz bu vatanın nesi oluyoguz?), «Мен кимнинг қурбониман» (Ben kimin kurbanıym) номли асарларига ҳам жиноий иш очилиб, сотувдан йиғиб олинди. Омина Шенликўгли назмда ҳам ижод қилади — унинг учта шеърий китоби бор. «Маҳкум туйғулар» (Mahkum duygular) номли шеърий тўплами сотилиш бўйича Туркияда рекорд ўрнатди. «Янги давр» газетасида баъзи шеърлари эълон қилинган.

Ёзувчи бошланғич мактабни кеч — йигирма ёшдан кейин, ўрта мактаб ва Имом Ҳатиб (сиртки) лицейини қирқ ёшдан ўтиб тамомлади. Олий таълим даргоҳини эса элик ёшдан кейин битирди. Адиба Туркия ва хорижий давлатларда ўзининг маърузалари билан машҳур. Унинг анжуманлари, радиоэшиттирувлари ҳам ўз мухлисларини топган. Ёзувчининг икки нафар фарзанди бор.

## Муқаддима

Кўз билан кўриб бўлмайдиган атомнинг ичида ҳам улкан мўъжизалар яратиб қўйган Аллоҳнинг номи билан!

\* \* \*

Узоқ йўлда бирга юрган ҳамроҳларим, қадрли дўстларим, иншааллоҳ, бирга кетсак — жаннатдаги қўшнилариим, сизларга саломлариим.

Ниҳоят, умримнинг охириги фаслидаман. Бундан кейин қалби, юраги ёш бўлганларни ҳам унутмаслик муҳри билан қолган вақтимни ёшларга бағишламоқчиман. Улар менинг умидимдир — мени севган барча ёшларни дўстлариим, деб эълон қиламан. Менга «қандайсиз, опам», «яхшимисиз, устоз» дея олганлари каби бемалол «қалайсиз, дўстим» дейишлари ҳам мумкин. Кўзларим ва юзларимга ажинлардан чизиқлар тушган бўлсада, асло қаримаган руҳимнинг кўзлари билан уларни кузатаман ва дуоларини кутаман ҳамда уларнинг дуогўйи бўламан, иншааллоҳ.

Қўлингиздаги «Ишққа енгилмайман» романини ҳам ич-ичимдан севиб, истаб ёздим. Аллоҳдан сўрайманки, сиз ҳам севиб, тушуниб, юракдан ўқийсиз. Аллоҳга омонат бўлинг!

10.02.2018

Омина Шенликўғли

## 1-БЎЛИМ

### Ниқобли дунё

Америкага келганим илк кунни ҳеч унута олмайман. Чикаго аэропортидан чиқар-чиқмас тиланчиларга рўпара келгандим. Аввалига кўзларимга ишонмадим. Америкадек жойда ҳам тиланчи бўлар эканми?

Бўларкан!

Қаттиқ ҳайратда турган ҳолимда дўстим Булент етиб келди. Биз Булент билан бирга улғайганмиз. Бир марта яхши кўрган қизимга кумуш тароқ совға қилганда уни ургандим. У пайтлар иккимиз ҳам саккиз ёшларда эдик. Булент мени ўша куни кутиб олишга келганди. Биз дастлаб унинг уйига, сўнг ўқиш жойига бордик. Кейинроқ мени қолдириб, ўзи Вашингтонга кетди. Мен янги ҳаётимни буткул нотаниш янги дўстлар билан бошладим.

Университетни битирганимизда ҳамманинг ўз орзу-мақсадлари бор эди. Мендан бошқа ҳамманинг.

Бир куни бир америкалик бўйнимдаги занжир тақинчокқа диққат билан қаради, ундан кўзларини олмай сўради:

«Сенинг бирорта орзу-мақсадинг йўқ, шундайми?»

«Қаердан биласан?» деганимда кутилмаган ғалати жавобни берди.

«Чунки сен бадавлатсан, баъзи истисноларни ҳисобга олмаганда бойларнинг орзулари бўлмайди» деди. Ҳамсуҳбатим буларни қатъий ишонч ва ҳукм оҳангида гапирди. Мени эса унинг бундай ўйлаётгани ҳайрон қолдирганди.

«Менинг бадавлат эканимни қаердан билдинг?» дедим ҳавотиримни яшира олмай, у эса жилмайди: «Чунки бўйнингдаги занжир жуда қимматбаҳо». Ўша қора танли одам ҳақ эди — менинг ростдан ҳам орзум йўқ эди. Мен фақат жумҳуриятчи эдим. Жумҳуриятим, давлатим учун жонимни берардим. Менинг учун энг муқаддас тушунча шу эди. Америкада турли динларни кўрдим, шунчалар ҳайрон қолдирадиган динлар бор эди-ки, сигирга сиғинадиганлардан баттарроқ эди. Бирорта динга эътиқод қилмадим. Бир муддат атеизмга динни рўпара қилмоқчи бўлдим. Фақат бунга журъатим етмади: «дин ғолиб чиқсачи...»

Онамнинг тутумлари, диндорлар, айниқса, имом ҳатиб лицейларидан нафратланиши мени ҳам таъсирлантирмай қолмаганди. Диндор эркакларни ажратиш қийинроқ, аммо диндор қизларни бошидаги рўмолидан дарров таниб олардик. Улардан қанчалар нафратланишимизни нигоҳларимиз орқали билдирар эдик. Бу нотўғри эди, кин ва адоватимиз ҳаддан ошириб юборилганди, буни билардим. Аслида мен инсонпарвар даҳрий бўлсам ҳам диндорларга нима учун раҳмсиз эканимни тушунардим. Диндорлар инсонпарварликни ҳам динсизлик деб баҳолармиш. Менинг эса бу борада фикрим бошқачароқ эди.

Америкадан қайтганимда дадам менга фабрика бошқарувини топширди. Онам эса кутилмаган вазифа берди. Фаол диндорлар ўзаро мужоҳида атайдиган университет талабаси — Асуман исмли ёш бир қизни



Ўзимга ошиқ қилиш ва бошидагини ечиб, очилса, унга уйланиш ваъдасини бериш. Онамнинг хоҳиши шундай эди. Хоҳиш ҳам эмас, «Буни қиласан, бажарасан, амалга оширасан» шаклидаги аниқ буйруқ эди.

Инсонпарварликнинг барча тамойилларига зид бўлган бу топшириқни дарҳол рад қилдим, бажаришдан бош тортдим. Зотан бу вазифа ўзлимга зид эди. Шунда бу қизнинг ашаддий жумхурият душмани эканини билдиришди. Айниқса онам такрор-такрор уқтирди. Шундагина рози бўлиб, қабул қилдим ва оиламдагилар, дўстларимга эълон қилдим.

Ўқиётганингиз ҳолат худди турк фильмларини ёдга солади...

Асуман онамнинг талабаси экан. Онам тезгина вазифа бажарилишига киришди. «Бирор баҳона билан уни сенга кўрсатаман, сен ҳам нимага қодирлигингни кўрсатасан» деди. Эътироз билдирмадим. Ҳатто ўзимга ишонган ҳолда «яхши» дедим. «Менга қайси қиз йўқ дейди, қачонгача йўқ дея оларди?» ўйлардим. Бугунгача қизлар мени эркалатиб, истагимга қарши чиқишмаган эди. Назаримда, мени рад этадиган, қўлимга қўнмайдиган қизнинг ўзи йўқ эди. Ўзимга ишончим шунчалар юқори эдики, «Асуман деган қиз мен учун шунчаки газак, десерт бўлади» деб ўйлаётгандим. Онамни университетда барча ҳурмат қилар, эътибор марказидаги профессор эди. Университетга борганимда, онам бир баҳона билан Асуманни хонасига чақирди. Эшик очилди ва бир қиз оҳиста қадамлар билан ичкарига кириб, онамнинг рўпарасида ҳурмат билан тўхтади. Тиниқ овозда: «Чақиртирган экансиз, устоз» деди ҳурмат билан. Онам нима дейишини ўйлаб кўрмаган экан, шошиб қолди. «Бир пас кутиб тур, шу ҳужжатни тугатиб олай» деди. Мен га-

пиришим учун замин ҳозирланган эди. Бошимни ўгириб биринчи марта у қизга қарадим. Кошки қарама-сайдим...

Илк қарашнинг ўзидаёқ унга таслим бўлдим. Нимадир дейишим керак, аммо нималигини тополмасдим. Ниҳоят, топдим. «Ҳалиги... сизни ўтган кунги газеталарда кўрдим шекилли?»

«Бўлиши мумкин, замонавий мутаассиблар ҳақимизни қўлимиздан олиб қўйгандан бери кун тартибидан тушмаяпмиз» дея жавоб берди.

Ўх, бу — онам ва унинг тарафдорлари учун қақшатқич жавоб эди. Мен бўлса фақат гаплашиш, гапиртириш учун дарҳол «Лекин сиз ҳам ҳаддингиздан ошяпсиз» дедим.

Қиз биров жилмайиш билан бошини кўтармай табассум қилди. Сўнг одоб билан сўради: «Масалан, қайси ҳаракатимизда ҳаддан ошишни кўрдингиз?»

Ана бўлмасам! Бу сафар зарба менга қаратилган эди. Нима дейишни билмай қолдим. Ўзимга бўлган ишончим мени тарк этаётган эди. Чайнала бошладим. «Масалан, шундай ўраниб юришингиз» дея олдим зўрға. «Нима учун ўранмаслигим керак, сизга бунинг қандай зарари бор?»

Мен жим эдим. У давом этди: «Бу ҳаддан ошиш эмас, жаноб, эътиқодимизнинг амалдаги ифодаси, кўринишидир».

Ҳавотир билан онамга қарадим. Онам «миқ» этмади, кўзойнаги тагидан «нега тўхтадинг» дегандек тик қараб турарди. Онамнинг нигоҳлари кўз ўнгимда михланиб қолгандек бўлди.

Худди беҳабар кишидек қиздан исмини сўрадим.

Мени эшитмагандек жавоб бермади. Аммо мен ўжар эдим. Яна савол бердим: «Қайси соҳада ишламоқчисиз?». Қатъият билан «Замонавий мутаассиблар рўмолдан кўрқмасликни ўрганишса, ўқитувчи бўлман, иншааллоҳ» деб жавоб берди.

Унинг бу жавоби онамни ғазаблантирди: «Такаб-бурлик қилма, Асуман! Сенга буни доим такрорлаяпман. Рўмолларингизни ечасиз, очиласиз, сизга ҳукуматни ағдартириб қўймаймиз» дея асабий оҳангда гапирди. Асуман бошини аста чайқаб истехзо билан кулди. «Бизнинг рўмолимиз сеҳрлидир. Ушлаганини йиқитмасдан қўймайди. Бироқ биз сизларга ҳайрон қоляпмиз. Биринчидан, нега давлат тўнтариши қилишимиз керак? Иккинчидан, Сизлар бундай қарашда давом этсангиз, бу ўлка тез орада ибтидоий тузумга қайтади. Жумҳуриятдан асар ҳам қолмайди бунақада» деб жавоб берди.

Унинг жавобларидаги мантиқ мени ҳайратда қолдирди. Онам ҳам нималардир деди, лекин онамнинг гаплари ҳатто қулоғимга кирмади.

Асуман хонадан чиқиб кетганида онам ғазабдан худди кутургандек ўзини қўярга жой топа олмас, жазавада қичқирарди:

«Бу қизни қалбига ўт ёқмасдан таслим этиб бўлмайди. Бошқа йўли йўқ! Сен уни юрагидан уриб, йўлдан чиқарасан. Қара, биз давлатни ер билан яксон қиламиз, деди!»

Мен ҳам онамга қўшилдим: «Ҳа, биз роса яксон қилдириб қўямизда! Тарбиясиз қиз. Бўлди, она, сизга сўз бераман — унинг юрагини эгаллайман, мени деб ақлини йўқотади ҳали, рўмолини ҳам ечтираман... Ортимдан югуради, мана кўрасиз». Шу тариқа онамга сўз

бердим, юпатдим. Шунчалар нафратга тўлганимдан жойимда туролмасдим. Бир тарафимдаги ҳайрат бир тарафимдаги нафрат билан қўшилиб мени сочимдан тирноғимгача қоплаб олгандай эди гўё. Атрофимда солиҳа қизлар кетидан югуриб, юрагига кириб, сўз бериб, ёлвориб, ўзларига ўргатиб, севдириб, кейин эсашлаб кетадиган ёш йигитлар кўп эди. Улар муҳаббатларидан жуда осонлик билан воз кечар, шу йўл билан диндан интиқом оларди. Илгари мен бу тубанликка доим қаршилик қилган бўлсамда, Асуман ҳаддан ташқари жаҳлимни чиқаргани учун шу ўйинни ўйнашга қарор қилдим.

Баъзан юртимизни аслида кимники ўзи дея ўйлаб қолардим. Онаминг таъбири билан айтганда Туркия фақат бизникидир. Аммо виждоним овозини ўчиролмайдиган вақтларимда «Агар бу ўлка фақат бизники бўлса, бошқалар ким, уларнинг мамлакати қаерда? Истиқлол урушида улар нега ўлдилар, нега ўзларини қурбон қилдилар?» деб ўйлаб қолардим. Ишончим комил — бу ерда бир ҳақсизлик бор...

Онам «Мени ишимга олиб бориб қўй. Шунда анави мутаассибни ҳам учратармиз. Унга илтифот қил, бирор йўлини ўйлаб топ! Аҳмоқ, шунча қизларни бир деганда маҳлиё қилиб, бошини айлантирган одам Асуманни кўриб мунча довдирадинг» дея уришарди. Мени эса... ерга урилган иззат-нафсим ортиқ безовта қилмас, нега қиз менга қизиқмаётганидан ҳайрон қолаётган эдим. Онамни «қиз ҳатто юзимга қарамади, нима қила оламан? Энди бошлаймизда, қаерга ҳам шошардик» деб тинчлантирмоқчи бўлардим, у мени эшитмас, ўй-фикрини Асуман эгаллаб олганди.

«Шошилаётганимнинг сабаблари кўп. Уларни имкон бориचा тезроқ эътиқодидан суғуриб, қўпориб

ташлашимиз керак. Чунки лаънатиларнинг иймони юқумли. Биргина Асуман кўзларимизга тик қараб туриб бутун синфга иймонни тарқатди. Уни ўлдираман!!! Ундан нафратланаман. Ярамас, чўчка... ҳатто Филизни ҳам диндор қилди. Уни ўзингга ошиқ қил, севгидан кўзлари кўр бўлсин, акс ҳолда сени кечирмайман. Асло!!!»

Онам жиддий ва қатъий эди. Мен ҳам.....

Улардан кучли интиқом оламан. Унинг менга «Рўмолим сенга фидо бўлсин» дейдиган кунларини кутиб яшайдиган даражага келдим. Ортиқ шу умид билан яшайдиган бўлдим.

Бугун уни яна кўрдим...

Ўзига ишончи жуда баланд. Унинг ҳатто юриши мени ҳаяжонлантирди. Севган қизим Вилдага ҳам телефон қилмай қўйдим. Севган юрак иккига бўлинса, ақл ҳам иккига бўлинармиш. Менда шундай бўлди — Вилда учун ҳеч виждоним қийналмади. Чунки уни бугун ташлаб кетсам, у эртага ўзига бошқасини топади. Унда севги деган нарсанинг ўзи йўқ. Унинг учун ҳамма нарса вақтинчалик кўнгилхушлик.

Асуманга «Салом» дедим. У ҳам «Салом» деб ёнимдан ўтиб кетди.

Ёпишқоқ ва сурбет қизлардан бўлганида дарров ёнимга келиб «яхшимисиз... ҳалиги...» деб гаплашишга ҳаракат қилган бўларди. Бу қизнинг шахсиятига, ўзини тутишига лол қолганимни, хаста бўлганимни инкор эта олмайман. Аммо давлат тўнтариши қилишга аҳд қилган қизга кўнгил бермаслигим керак. Иккига бўлиниш ҳам гапми, тўртга бўлиндим мен....

Фабрикага ҳоламнинг қизи келди. У билан озгина гаплашдик. Уни севадиган бир лўли, тўғрироғи, Ўйхан

деган бир йигит бор экан. Гапириб бераётганида кулавериб ёрилай деди.

«Мен ва лўли! Ҳеч замонда бўладиган ишми, Юнус? Сен ҳам мен ҳам бир онадан, бир отадан тарқалдик. Менинг онамдан сен туғилишинг мумкин эди. Сенинг онангдан мен. Қайси жиҳатларинг сени шарафли қилиб кўрсатяпти? Ҳоооооо... Манякни қара. У билан мен бир эмишман!»

Бонуга ҳеч нарса демасдан диққат билан узоқ кузатдим. Охири чидолмай сўрадим: «Бону! Ўйханнинг қайси гапи нотўғри? Мен тушунмадим, изоҳлаб бера оласанми?»

Менинг бу саволим унинг жаҳлини чиқарди, бақира бошлади.

«Сен жиннимисан, мен лўли билан жуфт, эр-хотин бўла оламанми?»

Кўзларига диққат билан тикилиб «Ўзинг нима деб ўйлайсан?» деб сўраганимда ақлдан озай деди.

Ҳа, бу саволим уни яхшигина жазавага туширди. Мен билан бу мавзуда ортиқ гаплашишни истамаслигини ўрнидан шарт туриб, қарсиллаб юриб чиқиб кетаётганидан тушундим. Аслида, саволимга жавоб бера олмасди ҳам. Аммо офисдан ижирганиб жавраганча чиқиб кетди.

Кечки овқатдан кейин онам яна менга ташланиб, танбеҳлай бошлади.

«Сени кечирмайман... Асуман ҳалиям сенга эътибор бергани йўқ. Овсар! Ҳее, сендақа ахмоқни...»

Онам ва унинг ҳаммаслаклари учун диндорларни йўлдан уриш, сўнг уларни оёқ ости қилиб ташлаш янгилик эмасди. Бу доим қилиб юрилган одатий юмуш

эди. Кўпчилик буни бемалол бажаришнинг уддасидан чиқарди. Мен эса бу ролларда биринчи марта иштирок этаётган эдим. Ичимдан, виждонан бу ҳолатдан безовта бўлаётган эдим. Шунинг учун кечалари хузурсиз, ухлай олмай чиқардим. Аслида ҳам бу шармандалик эдида. Лекин, бошқа томондан, уларнинг «Давлатни ағдарамиз» дейишга ҳам ҳақлари йўқ эди.

Диндорларни йўлдан уриш таклифи онам тарафидан энди берилиши эмасди. Ҳеч эсимдан чиқмайди — бу таклиф биринчи бор университет талабаси эканимда берилганди. Эшитганимда чўчиб кетган, «Ҳар ҳафта биттадан рўмолли талабани йўлдан урасан, алдаб, хафа қилиб, умидларини йўққа чиқарасан» деганида қаттиқ ҳадиксираган эдим. Ўша таклиф ҳозир тўсатдан ёдимга тушди.

Деразадан қарадим. Қуёш ер юзига нурларини тик сочмоқда. Кўп ўтмай денгиз юзасида ҳам шу гўзал манзара кўринди. Денгизда қуёшнинг акс этиши мен доим бошқача завқлантирарди. Қолаверса, уйқум қочиб кечаси ухлай олмагандим. Мени ташвиш ва муаммолар ичига отган хаёллар кўзларимни юмишга изн бермаган эди. Биз Сариер денгизининг қирғоғида жойлашган, кўпчилик ҳавас ва ҳасад билан қарайдиган замонавий қасрлардан бирида яшардик.

Онам ва дадам пастки, мен, опам Белгин ва унинг эгизак қизлари тепадаги қаватда ётардик. Белгин эри билан ажрашгани учун жуда эзгин эди. Унга тасалли бериш менинг зиммамда эди. Оиламиз диндан йироқ, ота-онам ҳамкасб эдилар. Фақат дадам нафақага чиққан, вақтини асосан кафе, дискотека, қиморхоналарда ўтказарди. Онам эса, аксинча, ундай жойлардан ўзини тортарди. Чунки онам ўз олдида улкан мақсадлар қўйган ва улар рўёби учун курашадиган

аёл эди. Қолаверса, жангарилар ўйин-кулгу бўладиган жойларга боравермайди. Онам ҳамиша китоб ўқир, кўпинча ўзи аъзо бўлган ташкилот ва турли жамиятларга борарди. Белгин бир пайтлар сиёсатшуносликка астойдил қизиқарди. Аммо севиб қолгач, ўзгарди. 2-курс талабаси эканида севгилисига турмушга чиқди... Ҳозир ўқишини тиклаган, яна университетда таълим олмоқда.

Дадамни Корай Сечиўғли деб чақиришади... Келишган, ораста ва ўзини яхши кўрадиган одам. Эрта кетиб, кеч келади.

Бувим жуда кексайиб қолган, аммо хотираси жойида. Уйга кираверишдаги охирги хонада, кулранг каравотда ётади. Бувимга қаровчи энага — ёрдамчи бор. У кечгача қарайди, ётиб қолмайди, табиий, бувим тунда ёлғиз бўлади. Ўзи аслида бувим бобом тириклигида ҳам бир ўзи алоҳида ётган экан. Пешоб тута олмаслик касали туфайли ўрнаб кетган ҳид ва хуррак туфайли бобомга бувим билан бир хонада тунаш азобга айланган экан. Бувим эса буни билгандан эътиборан бобом билан гаплашмай қўйган экан.

Бувим билан боғлиқ ғалати ҳикоялар, қизиқ тарих бор. Уларни бошқа вақт бафуржа айтарман. Айтишим керак бўлгани, онам бувимнинг олдига ҳеч чиқмас эди. Бешафқатларча... Онам каби одамлар ўзларини худди асло қаримайдигандек, бувимнинг ёшига кирмайдигандек тутадилар.

Менинг яна аммам ҳам бор эди. У тадбиркорлик билан шуғулланади. Аммам энди алоҳида қисса, буткул бошқа муаммо... Эсимни таниганимдан бери аммамни ёлғиз кўрардим, у ҳозир ҳам ёлғиз. Эркаклар билан чиқиша олмайди. Қаттиқ эътиқод қилгани феминизм эркак билан мурасасизликни ўргатди. Эркак-



лар ҳам мурасасиз аёл билан мураса қилишни ўрганмагунларича ҳалокатли зиддият ва яширин душманлик юзага келди.

Юрагим сиқилиб кетаётганди. Тонг отгунча ухлолмадим, уйқум келмади.

Бувим бу тун ҳам эрталабгача инграб чикди. Кечаси учун алоҳида энага ёллашмоқчи — бу яхши... Аммо бувимнинг истагани бу эмас. Бувим кўчадан келган бегона эмас, ўз жигарлари парваришлаши, эътибор қилишларини истарди. Бувимнинг бу ҳолатига ҳам ачинар, ҳам хафа бўлардим. Ачинишим сабаби — бувим мен учун жуда қадрли эди. Ундан қарздорман, менга ҳақи жуда кўп ўтган. Болалагимда анча вақт уни онам деб ўйлагандим, она деган тушунчани бувим орқали танидим. Ўз онамнинг иши бошидан ошиб ётарди. Шу боис мени доим энагага ташлаб кетарди. Эркалангим, ўпилгим, меҳр кўргим келганида барчасини менга бувим берарди. Унинг меҳр тўла бағри мен учун ҳамиша очиқ турарди. Онам мени ҳатто ўпишга вақт тополмаганда бувим мени жон деб қучиб эркаларди. Бундан ҳеч қачон чарчамас ва оғринмас эди.

Бувимнинг бу даражада эътиборсиз қолдирилиши, кўксидан итарилиши, унга «қачон ўларкан» дея қарашлар мени ҳаддан ортиқ эзарди. Менга оналик меҳри ҳароратини туйдирган бувим уймизнинг ертўласида ўлимга ташлаб қўйиларкан, хурсанд бўлишим мумкинмиди? Ўйин-кулги ҳақида ўйлашимчи? Шу сабабли охирги кунларда уйқу ва хотиржамлигимдан асар ҳам қолмади. Вақт топишим билан бувимнинг ёнига ошиқар, у ерда бўлиш менга ёқарди, ўзимни яхши ҳис этаётгандим. Лекин бу ҳол онамни асабийлаштираётганди.

Бу аҳволда магистратурани битира олмаслигимни айтиб танбеҳ берди. Авваллари эса тонггача кўчада санғиб юрсам ҳам бирор марта «нега уйга келмай дайдиб юрибсан» деб уришмас эди. Қуёш юрагимдан чиқаётгандек сочаётган нурлари ва порлоқлиги билан кўзларимга муҳташам гўзалликни кўрсатаётган эди. Ўзимнинг яхши инсон бўлмаганим ёдимга тушиб, бу гўзалликни кўришга лойиқ эмаслигимга ишонсамда, барибир умидимни узмасдим. Туйғулар, инсон беҳабар ҳолда, коинотда бўлакларга бўлиниб, парчаланиб совурилиб учиб юради.

Балки ботган қуёш қайтиб чиққани каби инсонлик ҳам бир куни яна туғилар ва қуёшдек порлар. Ана ўшанда дунё чиндан ойдинлашади, ёруғлашади.

Энди балиқчиларнинг қармоқларини кўряпман. Мовий денгиз қучоғидаман. Тўлқинларнинг қирғоққа урилишини томоша қиляпман, худди соҳил каби улар эпкинини ҳис қиляпман. Негалигини билмайман — охири кунларда ёлғизликни, дунёдан чекинишни истаб қолганман, худди тарки дунё истагидаги дарвеш каби таҳайюлий ҳолдаман. Қарашларим, руҳиятим остин-устун бўлиб кетди. Ўзимизни «ойдинлармиз» дея таърифлаймиз. Ҳақиқатдан ойдинлик шуми? Онамни ўйлаяманда...

Иккита фарзандни дунёга келтирган она болалари билан қизиқмаса... Уларга озгина, бир чимдим бўлсада, меҳр бермаса...

Аммо унинг «ойдин она» деган унвони бор.

Мен аксар агностик таълимотга таяниб фикрлайман. Диндорлар агностларни ҳам даҳрий дейишади. Бу тўғрими ё нотўғрими билолмадим. Чунки мен ик-

кала томонга ҳам очикман. Бундай икки ё уч томонга очик бўлиш яхшими-ёмонми — уни ҳам билмайман.

Мартин Хайдеггерга кўра «Инсон бу дунёга улоқтирилган ва ўлгунча шу ҳолатда қолади». Мен бу ҳақида кўп ўйладим. «Яратилган» дея иддао қилинадиган инсон, инсонлик улоқтирилган!

Лекин улоқтирилиш учун ҳам у аввало яратилиши керак. Мана шу ерини ақлим ҳеч қабул қилмаяпти. Инсон бетакрор бир мавжудлик. Бунинг устига ҳеч отиб юборилганга ўхшамайди. Ташлаб юборилган нарса қандай қилиб бунчалар мукамал тизимланиши, йиғилиши мумкин?

Ҳайратланарли, тўғрими? Ота-онам ҳам улоқтирилган ва шу боис инсонликка оид маълумотлардан маҳрум қолганми? Йўқ, асло ундай эмас... отилган нарсада тартиб бўлмайди. Бўла олмайди.

Турли хаёллар бошимни оғритса ҳам, кўзларим ҳамон денгиз устида учиб юрган чағалайлар, балиқчи қушларда. Улар мутлақо бошқа олам. Бири олиб-бири қўйиб сувга шўнғиб чиқмоқдалар...

Нигоҳларимни қушлардан айириб, йўлга қарадим. Сийрак бўлса-да, кўчадан машиналар ўтиб турибди. Шаҳарликларнинг аксари ҳали уйқуда. Шу манзараларни бирор рассом кўрганида уни албатта чизган ёки шоир одам шеър битган бўларди. Жуда гўзал, одамларга илҳом берувчи неъмат...

Аммо кўпчилик бунинг фарқига бориб томоша қилиб, завқланиш ўрнига, шунчаки эътиборсиз ўтиб кетишни танлайди. Ҳатто биз учун мавжуд бўлган табиатга қарашдан, ундан баҳра олишдан ожиз. Бувим пастдан «кимдир борми» дея бақиряпти. Ҳеч бўлмаса инсон эканимни, ўзгача яратилганим, тош каби

отилмаганим, белгиланган тўққиз ойда бутунликка айланиб тушганимнинг исботи бўлсин, дея бувимга яхши қарашда давом этаман. Чунки инсон бўлишнинг маъноси ва тотини яхшилик қилганда, яхши ишларни амалга оширганда кўпроқ ҳис қиляпман.

Ҳамонки ухламаётган эдим, кечаси билан овози эшитилиб турган бувимнинг олдига тушиш учун ўрнимдан турдим. Меҳр-муҳаббат билан бувимга қараб, каравотининг бир четига ўтирганимда бувимнинг кўзлари порлаб кетди. Сувсизликдан чанқаб тили ва томоғи қуриб қолган бувимга сув узатганимда бир кўтаришда ҳаммасини ичиб юборди. Кейин илтижоли қараганча «Кўрқяпман, ёнимда ёт» деди. Кексаларнинг кўпчилиги вақт ўтиб кўрқоқ бўлиб қоларкан. Рўпарасидаги каравотга чўзилиб бувимнинг юзига термулиб ётдим. Чарчаб шу ҳолатда ухлаб қолибман.

Уйғонганимда онам уйдаги ёрдамчимизга буйруқ бериб, ишга кўмаётганди: «Бугун уйни бошдан-оёқ тозала, кампирнинг кийимларини ювиб-дазмолла, бирортаси кўриб қолса, қарамаяпти экан деб ўйламасин».

Бугун душанба эди. Соат 9.30 лар атрофида. Даддам залда телевизор кўряпти. Белгин ишга кетмоқчи, мен ҳам тараддуд кўришим керак. Фақат кечаси ухлай олмаганим учун ҳолсизман, қувватимни бир ерга йиғиб ўрнимдан туролмаётибман. Менинг тебраниб, уйқусираб туришим, албатта, онамнинг эътиборидан четда қолмади. Кўзлари қинидан чиққудек бўлиб юзимга тикилди, қошларини чимириб: «Юнус! Соат неччи бўлди?» деди.

Ҳали ҳам улғайганимни тан олгиси келмайди. Онамни аслида қизиқтираётган саволга, у ҳали янграмасидан, жавоб бердим:

«Бугун анави иш билан шуғулланмайман»

Гапим умуман ёқмагани авзойидан маълум эди. Кўзларини пирпиратганча устимга бостириб келди.

«Нимага энди?»

«Чунки жуда ҳам чарчадим, она».

«Жумҳуриятчилар чарчамайди. Бизнинг чарчашга ҳақимиз йўқ!»

Қара, диндорларни. Кўриб турибсанку, муштдек қизлар бизга қарши қандай ўйинлар қилаётганини. Университет ҳовлисида бемалол юрибди, ҳеч ҳавотирсиз фикр билдираяпти, полициядан ҳам кўрқмаяптилар. Биз онг ости билан шуғулланишни давом эттиришимиз лозим».

Бу борада онам билан яқдил эмасдим. Тўғри, баъзан агностман, фақат кимдир нимагадир ишонса, эътиқод қилса — хоҳ у чин дин бўлсин, хоҳ уйдирма — унга ҳурматда бўлишимиз лозим.

Шунинг учун, онамга ёқмаса ҳам, эътироз билдирдим.

«Она, биласиз... Бизнинг қарашларимиз фарқли, ўша қизларнинг ўраниб юриши — бу уларнинг ҳақлари...»

Гапларимни охиригача эшитмади. Ғазаб билан юзимга тарсаки туширди. Озгин, суяклари бўртиб турган бармоқ излари юзимда қолган бўлса керак.

«Сен давлатимизга қаршиларни ҳимоя қиляпсанми? Кўзингни оч, аҳмоқ, уйғон, давлат қўлдан бой берилмоқда!» деганида онамнинг юзига ҳайрат билан боқдим. Қаршимда ўрта бўйли, саксон кило атрофидаги саркарда тургандай эди гўё.

Урган тарсакиси бефойдалигини кўрсатиб мунозарадан тўхтамадим, мендан ғазабланаётгани ҳисобига яна сўрадим:

«Давлатимга қандай қарши чиқяпти булар, нима билан? Бошини ёпиш биланми, рўмол ўраш биланми?!

Она! Давлатимиз шунчалар заифми, кучсизми? Бу қадар кўрқув, ваҳиманинг илдизи қаерда? Ҳамма Асуман эмас, она. Ахлоқли, соф, фақат эътиқоди туфайли ўранганлар бор. Мен бу ҳолатдан, бу ишлардан уяляпман»

Бу гапларим онамни баттар ғазаблантирди. Айтгани айтган, дегани деган, «хўп»дан бошқа жавобни эшитмаган ва бунга ўрганган волидам учун бу ғайритабиий эди, қарши жавобни қабул қила олмас эди.

Лабларидаги шафтоли ранг лаб бўёқ, қош-кўзларидаги қалам, юзидаги пардоз, сочларининг калта ва жигарранг эканига энди эътибор бердим. Улар ичида ҳақиқий онам йўқолиб қолгандай эди. Дўстлари каби онам ҳам ўранган қизлардан кўрқар эди. Мен эса, аксинча, кўрқмас эдим. Давлатимизни ҳеч ким ҳеч қачон йўқ қила олмайди. Биз бунга йўл қўймаймиз. Лекин Асумандан интиқомимни ҳам олмай қўймайман. Бугунгача бирорта қиз менинг қизиқишларимга ва муносабатларимга, ҳаракатларимга рад жавоби бермаган эди. У эса ҳатто юзимга қарамади. Аслида ундан ниманинг қасосини олишим ҳам ноаниқ ва муаллақ эди. Ақлимда лат еган эркаклик иззат-нафсим, қалбимда жумҳуриятимга муҳаббатим.

Қай бирининг тоши оғир келишини вақт кўрсатади.

Онам қизил кофта, қора юбка кийган, тақинчоқларини ҳам шунга мослаб танлаган эди. Онам модага астойдил қизиқар эди. Кийган кийими, тағинчоғи,

сумкаси — ҳамма нарсанинг ранги ва услуби ўзаро уйғун бўлишига жиддий эътибор берар, бунинг учун эринмай вақт сарфлар, ранглаб кийинишга касал эди.

Бақир-чақирларимизни эшитиб, дадам зина бошига келди. Бизни кўриб хўрсинди.

«Тангри ҳаққи, нима бўляпти?»

«Ҳеч нарса бўлгани йўқ, дада. Бугун ишга бормаётганимга онамнинг жаҳли чиқяпти»

Онам асабийлашганидан тишлари такиллаганча янада яқинлашди.

«У ер сенинг иш жойинг, сен бошида турмасанг, иш унмайди, йўққа чиқади. Ҳеч жаҳонда одам ўзига қарши чиқадими, зарарига ишлайдими? Бўлақол, тур ўрнингдан, ишингга жўна!»

Онам айтганини қилдирмай қўймайди, ҳаддан ортиқ авторитар... Талабаларга ҳам жуда қаттиққўл. Ёлғон гапириб нима қилдим, онам одамни чарчатиб, зериктириб юборади, нимадир топшириқ бердими — уни бажармасликдан бошқа чора қолдирмайди. Шу босим туфайли муваффақиятга эришганлар ҳам бор.

Онам арабча сўзлардан фойдалансам, қаттиқ асабийлашади. Аммо бугунги мунозарада онамни чорасиз қолдирдим. У «Жумҳуриятнинг фарзанди принципларига содиқ бўлади....» сўзларини деярли қичқириб айтаётганида гапини бўлиб: «Онажоним, муҳтарам профессорим, жумҳурият сўзининг ҳам арабча эканини биласизми» деганимда ёмон бўлди.

«Биз бошидан шундай деб келганмиз» дедию қошишга жой топа олмай қолди. Энди мен босим қилиб, онамни таъқиб эта бошлагандим.

«Араб тилига бу тарзда қаршилик қилиш билан ўзингизни ҳам инкор этяпсиз!»

«Туркия Буюк Миллат мажлисини илк бор очганимизда мажбуран...»

Онажонимнинг гапларини яна бўлдим. «Миллат сўзи арабча, буни қарангки, мажлис сўзи ҳам. Мустафо арабча, Камол арабча! Онажон, биз ҳаётни арабча билан бошлабмиз, аммо арабчага қаршимиз шундайми? Тиллар гўдак кабидир. Барча тиллар софдир. Ростдан ҳам, бироз бўлса ҳам ойдин бўлайлик».

Олдида 11 яшар бола тургандек онам бор овозда шанғиллай бошлади — бу гапларим уни ақлдан оздирган эди.

«Юнус, ҳаддингни бил! Бундай нарсаларни ўрганиб-гапириш ўрнига бир кун ишхонасига бормаган тадбиркор қанча пул йўқотиши, қанча зарар кўриши ва карьерасидан узоқлашишини ўйла! Нима деганинг бу — ишга бормайман?! Бўл, шофёрга айт, тайёрлансин».

«Шофёр келмайди, бугунга рухсат бердим».

Бу сафар бизнинг овозларимизга Белгин югуриб чиқди. Онам сочларини асабий тўғрилаганча жаврашда давом этди.

«Шофёрга изн бердим» нима дегани? Одамнинг хушини бошидан учириб, юрагимни ўйнатяпсан».

«Она, қаранг, инсон арабча, қалб-юрак арабча. Сиздан илтимос, арабчага душманликдан воз кечинг, майлими?»

Кўзлари косасидан чиқай деди. Кўзойнак устидан менга қараб шарт қўйди: «Ҳозирдан эътиборан қатнаётган арабча курсингни йиғиштирасан ва унутасан».



Араб ўлкалари билан олди-сотди қилишни ҳам тўхтатасан». Дарҳақиқат, араб ўлкалари билан ҳам савдо ишимни яхшилаш ҳамкорлик учун тил ўрганаётган эдим. Аммо охириги вақтлар курсга бормай қўйгандим, бормаётганимни эса ҳеч кимга айтмаётгандим.

Аввал асабийлашган онамга, сўнг менинг хотиржам юзимга қараб турган Белгин орага суқилди.

«Юнус! Сен ҳаддингдан ошиб кетяпсан, нима бўляпти ўзи, тинчликми?»

Ўрта бўйли озғингина, калта сочлари жигарранг, кўзлари яшил Белгин опам ҳам онам сингари даҳрий эди.

«Бугун ишга бормайман дедим. Муҳтарам проффесоримизнинг шунга жаҳли чиқаяпти. Бувимнинг қийналганини кўриб, кечаси ухлай олмадим». Бу гапимдан опам менга ажабланиб қаради.

Кейин улама кипригини ёпиштиришга уринганча кесата бошлади...

«Нима дарди бор экан бувимнинг? Уйда кечгача ётади. Ўқиш йўқ, дарс йўқ. Қандай яхши, тинмай тўйиб-тўйиб ухлайверасан!»

Унинг кўзларига кўзларимдаги оғир-оғир саволлар билан қарадим.

Унга худди биргина гап етиб ортадигандек гапирдим.

«Сен буни қачондир — кун келиб ётиб қолганинда тушунасан».

Онам уйдан чиққач, бувимга қарайдиган энагамиз олдига бир илтимос билан кирдим. Мени кўриб у жилмайди. Мен эса унга айтмоқчи бўлганларим-

ни бошқалар эшитмаслиги учун пичирлаб гапирдим. Чунки Белгин билан дадам уйда ўралашиб юришибди.

Фақат бизга қулоқ солаётганларини билмасдим.

«Бу уйда бувим билан ҳеч ким гаплашмаяпти, ҳеч бўлмаса, сиз гаплашиб туринг, илтимос».

Туркан хоним ўз ишини яхши биладиган аёл эди. У илтимосимни эшитиб кулди: «Албатта, мен доим гаплашаман. Кўп гаплашамиз улар билан. Биласиз, ҳозирги кунларни фарқлай олмаяпти. Аммо ўз ҳаёти ва ўтмишини яхши хотирлайди. Буни Самира хоним билмай қўя қолсин».

Мен асло дегандек бош чайқадим ва иккимиз ҳам бирданига кулиб юбордик.

«Ҳавотир олманг, сир сақлашни биламан. Бувим билан нима ҳақида гаплашасизлар?»

«Жумҳурият эълон қилингандан кейин 29-октябрда ўтказилган илк тадбирда бувингиз ҳам бўлган экан. Отатурк уни ёқтирибди, рақсга таклиф қилибди. Отатурк билан рақсга тушаётганида ҳаяжондан унинг оёғини босиб олибди. Шунда Отамиз унга «Маданиятли бир давлатнинг қизи рақсни яхши билиши керак» дебди. «Бўлди, пошом, хатоларимни дарҳол тuzатаман» деган эмиш. Шундай севги билан хотирлаб ҳикоя қилиб бердики... Ўтмишини ўйлаб овунади».

Унинг ширин хотираларини эшитиб маҳзун бўлдим.

«Бечора нима қилсин, ҳозирги ҳаётида овунадиган ҳеч нарсаси йўқ... Ҳеч ким уни одам ўрнида кўрмайди».

Шу пайт дадам пайдо бўлди. Мен эса бизни эшитмадимикан деган ҳавотиримни яширишга уриндим.

«Нима бўляпти, Юнусбей? Менга тош отяпсанми?» деганида дадамга жилмайган бўлдим.

«Ҳа, бувимни одам ўрнига қўймаганлар ичида сиз ҳам борсиз. Бирор марта кирмайсиз бечора бувимнинг олдига, афсусланмайсизми, раҳмингиз келмайдими? Уни фақатгина ити инсон ўрнида кўради. Ўша ҳайвон олдига келади, ўйнайди, ўтиради ёнида...»

Дадам истехзо билан «ҳа, иккита қария бир-бирини тушунадида, тушунсинда...» дея безрайиб жилмайдиганида қалбимдаги вулқон ташқарига отилиб чиқди. Дадамнинг кўзларига нафрат билан қараб сўрадим: «Дада, тан олинг, бераҳмсиз! У ҳам инсон. Қандай айби бўлган тақдирда ҳам инсон! Ҳеч бўлмаса, бир кунда бир марта киринг олдига, битта ўзи ётади, кун бўйи ёлғиз қолиб кетади. Кечаси қарайдиган энагани кетказдингиз. Нима эмиш, яна чақирармишсизлар. Ростдан шундай бўлганида уни кетказиб юбормасдингиз».

Дадам йўталиб тиқилган томоғини очди. Гапларим ёқмаётган эди.

«Нима қилайлик, моддий тарафдан бироз тежашга мажбурмиз, Ишларимиз яхши кетмаяпти. Вақтинча камарни тортиброқ туриш керак».

«Дада, кириб озгина гаплашинг, ҳеч бўлмаса, бир оғиз ширин сўз айтинг. Эҳтиёжи бор, бунга муҳтож — ишонинг. Онамнинг у билан қон-жон боғлиқлиги йўқ, майли, кирмайди. Аммо сиз унинг фарзандисизку».

Дадам қўл силтаганча жавоб берди.

«Ўххў, сен эҳтиёж деяпсанми? Биласанми, менинг ҳам бир пайтлар онамга эҳтиёжим бор эди. Аммо у мени бувимга топширди. Дадам ундан нолиганча оламдан ўтди. Дадам «мен уни, у эса бошқасини севади» деганди. Севгиси сотилган инсонда марҳамат

бўлмайди. Унга раҳмим келмайди. Мен онасиз улғайдим. Унинг менга раҳми келмади. Мана энди табиат ундан шу тарзда қасос оляпти».

Қошларимни ҳайрат билан керганча сўрадим:

«Қандай қилиб? Дада, табиат сиз учун қасос олиши кераклигини қаердан билади? Табиатнинг калласи, ақли қаерда?»

Дадам ҳайрон бўлиб қолди.

«Мен у томонларини билмайман, қолаверса, мени дада демаслигини юз марталаб таъкидлаганман. Америкадан гапга кирмайдиган бўлиб қайтдинг».

Дадам тўғри айтди. Америкада беш йилча яқинларни соғиниб қийналдим. Қариндошлар орасида чегара йўқ. Ғарбни кўрганимдан кейин оила тушунчаларига жиддий қарай бошлагандим.

Дадам ўзини ёш кўрсатиш учун, мен тенги ўғли борлигини билдирмаслик мақсадида дада деб чақиришимни истамас эди.

Аммо мен оилавий муносабатларнинг қанчалар муҳим эканини англаган кунимдан бери дадамга исми билан эмас, «дада» деб мурожаат қила бошладим.

Дадам билан суҳбатимизни лол қолганча кузатиб турган Белгин «сендан эскичанинг ҳиди келяпти» деб чиқиб кетди. Белгинни сизга ҳали батафсил таништирмадим. Буни биров кейинга қолдирамиз.

Белгин тадбиркор аёлга айланди. Бир томондан ўқийди. Дардини унутиш учун доим банд бўлишга интилади. Кечки пайт инглиз тили ўқитувчиси келади, ундан инглиз тилини ўрганмоқда. Аслида инглизчани билади. Лекин шунда ҳам инглиз тили ўқитувчисини топди. Бу ўқитувчи унга тилни академик даражада ўргатмоқда.

Қирқ беш ёшлардаги бу ўқитувчи аёл Англия бош вазирининг таржимони бўлиб ишлаган. Ўзига ишонган, кучли шахсият эгаси. Менинг араб тили ўқитувчим ҳам аёл киши эди. Бошқача тафаккурли ажойиб одам эди. Кейинги пайтларда шу икки шахс мени лол қолдираётганди. Кучли шахсларни кўргачгина шахсиятсиз инсонлар заифлигини фарқлай бошладим.

Уйимизнинг яна бир аъзоси бўлган итимиз Дора ҳақида сўз юритсам. Дорани онам икки минг долларга ҳали кўзи очилмаган кучукча пайти сотиб олган. Итимиз ҳозир йигирмага кирган. Ўшанда мен саккиз яшар бола бўлганман. Дорани биринчи марта кўрганнимдаги қувончни эслайман.

Жуда қаттиқ севингандим. Лекин ўша пайтда қизамиқ билан оғриганим туфайли ҳаммасини батафсил хотирлай олмайман. Итимиз жуда ақлли эди. Уйимизни тунги қоровулдан яхшироқ кўриқлайди. Икки марта уйга кирган ўғрини ушлади.

Қаср уйимизнинг кўркама ва баҳаво боғи бор. Боғда қуёшда тобланадиган жиҳозлардан тортиб дам олиш учун зарур ҳамма нарса бор. Яшилликка кўмилиб ётган боғ ўртасида мен қилдирган сунъий шаршара атрофида турфа рангли гуллар очилиб ётибди. Бошқа томонда кўм-кўк суви кўзни қамаштирадиган ҳовуз ичида ранг-баранг балиқлар у ёқдан бу ёққа сузиб юрибди. Ўзларига кичиклик қилаётган шу ҳавзада ҳам одамнинг руҳига борлиги билан завқ, ҳузур, ижобий кайфият улашмоқда. Баъзан боқчага бироз қуёш кўрсин дея бувимни олиб чиқаман. Мен инсонман, инсон номига ярашадиган ишлар қилиб қолиш тарафдориман. Инсон бўлиб қолиш инсоний амаллар билангина мумкиндир. Инсоннинг инсонлиги яхшилик қилгандагина намоён бўлади.

Дадам узун бўйли, яшил кўзли, ўзини жуда қадрлайдиган гавдали одам. Онам билан бошқа-бошқа олам эканини ҳам айтишим керак. Масалан, дадам Юнонистоннинг катта шаҳарларидан бири Салоник шаҳрида, онам эса Булғористонда туғилган. Мен муҳожир оила фарзандиман. Дадам доим мен Отатурк шифокорининг ёрдамчиси, фельдшери бўлганман деб фахрланиб юради. Узр, бошқа мавзуга ўтлаб кетдим, қасримиз ҳақида ҳикоя қилаётгандим. Саройимизнинг ташқи кўриниши жуда муҳташам. Ташқи деворлари оч мовий, ичкари эса ажиб уйғунлашган оқкулранг тусда. Ётоқхоналаримиз ҳар биримизнинг ис-тагимизга кўра алоҳида бўялган. Менинг хонам осмон каби мовий, Белгинники эса кулранг ва пушти ран-глар аралашмаси, зинапоялар қаймоқранг, бувимни-ки эса оқ рангда. Умуман олганда бутун уйимиз очиқ рангларга бўялган.

Саройимиз уч қаватдан иборат. Учта йирик тўқимачилик корхонамиз бор. Дадам «Мен энди чарчадим» деб менга корхоналар назоратини топширди ва ўзини саёҳатларга бағишлади. Лекин ҳафтада корхонага бир марта келиб, ҳамма ёқни назорат қилиб, қўрқитиб кетишни канда қилмайди.

Мен бўйдоқман. Кунларимни қиз «дўстларим» билан ўтаказаман. Лекин охирги йилларда бундай яшаш тарзида ахлоқий жиҳатлар йўқлигини ўйлай, бу оилавий қадрият ва тушунчаларни ўлдиришини англай бошладим. «Мен қачон оила қураман, қачон фарзандим бўлади» деган саволлар қийнай бошлади. Шу тарзда давом этсам, қирқ ёшимда фарзанд кўрсам керак. Кейин кўлимга ҳассани олиб болам билан ўйнаб юраман.

Мен «Ўйлаяпман, демак, борман» деб эмас, «Борман, демак, ўйлаяпман» деб ҳисоблайман. Менинг қа-

ноатим тўғрироқ бўлсада, файласуф эмаслигим учун шуҳрат қозонмади. Агар «Борман, демак, ўйлаяпман» деган гапимни дунёга ёйсалар эди, ҳеч шубҳасиз, айтганимга эътибор қаратиларди. Чунки менинг фикрим моҳиятан кучли ва чуқур маъноли эди.

Ўйлаяпман, демак, борман — ундай эмас!

Борман, демак ўйлаяпман — айнан шундай!

Оила қуришим, уйланишим керак. Лекин боламга она бўлишга лойиқ аёлни қаердан қандай топаман, билмайман. Ҳозирги пайтда кучли шахсиятли она, аёл, жуфт, умр йўлдошини топмоқ бирам қийинки...

Мен зиддиятларга тўла, қарама-қаршиликлар ичида умр кечираётганимни биламан. Ўзим номусли эмасман, лекин номусли қиз билан оила қуришни истайман. Атрофимдаги қизлар ор-номус тушунчасини қаттиқ ушлайдиганлар билан келишмас эди. Аммо билишмасдики мен ҳам бу тушунчалар тарафдориман. Қиз «дўстларим»ни кузатаман — уларнинг бирортасида шу кунгача номус, иффат, ҳаё, шахсият тушунчаларини кўрмадим. Буларни мен, даҳрий бўлсам-да, жуда қадрлайман. Энди мен ўша қиз ёки аёлларнинг фарзандим онаси бўлишини қандай исташим мумкин?

Асуманни эса ёқтирдим. Худди мен истаган аёл у. Авваллари ҳаётимда Сузан исмли қиз бор эди. Қалби тоза, покиза ва яхши қиз эди. Дадаси катта табиркор бўлишига қарамасдан, Сузан камтар, ўзига бино қўймаган, кибрланмаган эди. Бошқалардан фарқ қиларди, кўнгилхушлик ва енгилтакликдан узоқ эди. Бугунгача уйланиш масаласида уни ҳаёл қилардим. Унга ошиқ эдим...

Уни шунчалар яхши кўрардимки, бу севги менга куч берарди. У мени тушунарди, сабрли ва самимий

дўстим, яқиним эди. Мен уни шунчалар қаттиқ севган, у билан ҳаётимни боғлашни истаганим ҳолда Сузаннинг ҳаётида бошқаси бор экан. У билан ёшликдан бир-бирига кўнгил қўйган экан. Вояга етиб оила қурмоқчи бўлганларида севган йигитига умрбод қамоқ жазоси берилибди. Йигит ҳамиша айби йўлигини таъкидлар экан. Ҳақиқатдан ҳам, беш йилдан сўнг айбсизлиги исботланиб, озодликка чиқарилибди.

Бир куни Сузан ранглари оқарган, тушкун ва парижон аҳволда олдимга келди. «Бирор жойга борайлик» сўради масъумлик билан. Ранжитмаслик учун таклифини қабул қилдим.

Бўғозда биз яхши кўрадиган балиқчи бор эди. Ўша жойга бордик. Мен иштаҳа билан балиққа буюртма бераётганимда Сузан йиғламсираган, юраги сиқилиб кетгандек муомала қиларди. Буни сезсамда, ўтиб кетар деб бир муддат кутдим. Ахийри ҳавотирланганимдан чидай олмай ҳол сўрашга қарор қилдим. Унинг жавоби мутлақо мен кутмаган, ҳатто тахмин ҳам қилмаган, ҳаёлимнинг кўчасига ҳам келмаганди.

«Сенда бир гап бор, Сузан».

Гапни айлантирмай, дарров жавоб берди.

«Ҳа».

Шунда негадир юрагим тез-тез ура бошлади.

Менинг ички сезгиларим ҳеч панд бермаган, ёқимсиз жиддий гап борлигини дарров пайқадим. Қалбимда шундай оғриқ сездимки, сўз билан ифодалаб беролмайман.

«Айт, нима гап?»

«Айтаман лекин ҳаммасини бирданига айтолмайман, сенинг ошиқ юрагингни яхши биламан, танийман»



Бу гап мени баттар ҳаяжонга солди.

«Илтимос, гапир».

Кўзларим ичига тикилиб бироз ўйчан, бироз хафа, раҳми келган бир алфозда: «Юнус, сени яхши кўраман, биласан, аммо бу севги эмас, сенга ошиқ эмасман — буни ҳам биласан»

Гапини бўлдим: «Лекин мен сени севаман».

«Биламан», деди ҳижолатли қиёфада.

«Хўп, давом эттир».

«Биласан, сен билан танишганимизда севган йигитимдан эндигина айрилгандим. Эндигина деганим икки йил бўлган эди. Табиат қонуни: инсон ўлганнинг ортидан ўла олмаганидек, кетган билан ҳам бирга кетолмайди. Раамзи ҳибсга олиниб, умрбод қамоққа ҳукм қилинганида менга қатъият билан «Сен менга керакмассан, ҳам умрбод қамоқни, ҳам сени ўйлай олмайман, мени унут» дея ўзидан узоқлаштирган эди. Бу гаплар менга жуда оғир ботган эди.

Шунда ҳам бир йил сабр қилдим. Аммо кейин қарасам, жуда безовта бўляпти, мени кўришни истамаётгандек эди. Айрилдим. Икки йилдан сўнг сен билан танишдим, танишганимизга уч бўлди, тўғрими? Ҳозир нима бўлганини биласанми? Раамзи қамоқдан чиқди. Яна ҳам тўғрироғи, чиқиши биланоқ мени топди. Уни кўришим билан яна ҳаммаси қайтадан жонланди. Раамзи иккимиз доим эшитадиган қўшиғимиз менда ҳозир ҳам яшамоқда.

Кўзимда жонланар,

Буюк бир ўтмиш.

Севгилим қаерда,

Мен қаердаман.

Айбимиз не эди?

Айрилдик бундай...

У кўшиқ менда тирилди, менда жон топди, менда яшамоқда.

Аммо мен боши берк, чиқолмайдиган бир йўлда қолдим. Бир томонда сен, иккинчи томонда у. Илтимос, мендан хафа бўлма, ҳисларим унга ён босмоқда, унинг салмоғи оғирроқ... У менга оила қурайлик деяпти».

Сузан юзимга қаролмасдан, ерга қараганча сўзлар, икки ёноғи қизариб кетган эди.

«Шу боис ёнингга келдим. Рамзига бугун кечки пайт жавоб бераман, деганман. Мен унга қайтишни истайман. Илтимос, мени қарғама, менга очик - хуш кўнгил билан рухсат бер».

Бу гапларни эшитаётганимда ичимга худди бир қуюн ёпирилиб келдию юрагимда нима бўлса, бари-ни учириб, бузиб, қўпориб ташлади. Миямни исканжага олган таърифсиз оғриқ танам ва томирларимда, бутун ҳужайраларимда оқаётгандай эди. Қалбим ўша куни шунчалар чуқур яраландики, шунчалар оғридики, эсласам, яна оловга тушгандек ёнардим.

Дунём жаҳаннамга айланди. Оёғим остидаги ер ўпирилди, осмон ерга қулади. Менинг дунёмда нималар бўлмади...

Бу айрилиқ азоби ўтмайди, кетмайди, унутилмайди деб ўйлардим.

Яхшиямки, вақт ҳаётнинг энг яхши дориси. Баъзи яраларни даволайди, баъзиларини унуттиради. Унутдим ҳаммасини. Гоҳ-гоҳ уни эслаганимда симиллаган оғриқни, изтиробли туйғуларни ҳис этаман. Демак,

бир аёл етказган жароҳатни бошқаси даволай олиши мумкин экан...

Бу қиз-жувонларда ҳам шундай кечса керак. Ўша куни ундан хафа бўлдим, аммо ғазабланмадим.

Унга қисқагина жавоб бердим: «Бўлди, Сузан, сен шуни истаётган бўлсанг, мен нима ҳам дердим». Кўзларим ёмғири ёғишга шай булут каби эди. Ўтирганимизда буюртирган балиқларимизни олиб келишди. Бир чимдим ҳам емадик. Узоқ жим ўтирдик. Унга қараганимда йиғлаётганини кўрдим. Аслида мен ҳам йиғлаётгандим, фақат кўз ёшларим ичимга оқаётганди. Юрагимдаги оғриқлар таъсирида ўтираркан, яна ҳавотиримга асир бўлиб сўрадим: «Рамзи мен ҳақимда билладими?»

«Бугун унга ҳаммасини айтаман, тушунтираман. Шу ҳолимда қабул қилса қилди, бўлмаса, ўзи биллади. Яна шуни ҳам айтай, агар Рамзи қабул қилмаса ҳам сенга қайтмайман».

Албатта, менга қайтмасди. Чунки у иззат-нафсли ва номусли эди. Қайта олмасди... Агар қайтса ҳам энди уни қабул қилолмасдим. Чунки бошқаси танланган эди. Унинг танлови мен эмасдим.

Сузанга Рамзи қабул қилмаса, ўзимга қайт, демадим.

Ишончим комилки, у ҳам буни тушунган эди.

Кетди...

Орқасига қарамасдан...

Мендан мени олиб...

Мени чиндан эзиб-эзиб...

Сузан ўша оқшом ҳаммасини Рамзига айтибди, тушунтирибди.

Рамзи эса «Сени мен ўзимдан узоқлаштирган эдим. Сен хиёнат қилмадинг, шунинг учун сени қабул қиламан»дебди.

Кейин уларнинг тўйлари бўлди. Эшитишимча, ўғил фарзанд кўришибди. Кинолардаги каби отини Юнус кўярмикин дегандим. Аммо, биламанки, бу болаларча умидворлик эди. Сузан ақлли қиз эди. Асло бундай қилмасди. Бундай қилиш турмуш ўртоғига нисбатан хиёнат каби бўлишини биларди. Шунини била туриб ҳам Сузандан бунини кутганим учун ўзимга ҳайрон қоламан баъзан.

Сузанни унутишим учун икки йил керак бўлди.

Оқмаётган сув эдим — тошларга урилмадим  
Тўлқинларим бўлмади кўпикланиб тарқалган  
Кўрқинч зулматда қолдим азобга чидаб  
Ёнаётган тоғ бўлдим, тугамай ёнаверган...  
Эсди майин бир шамол, ортидан ёғди ёмғир  
Кунларим кулди менга, кўзлари мағрур  
Оловларим ўчирди, ҳўл қилди чўғ-кулларни  
Мен кўрмаган қўллар бор  
Ушлади қўлларимни

Ва Сузан ҳикояси тугади...

\* \* \*

Онам эътиқодсизлигига жуда содиқ одам. Бизни шундай вояга етказдики, бирор тангликда, жавобсиз

кийналганимда ёки қаттиқ қизиққаннимда ҳам бирор нарсани сўраб-суриштиришдан кўрқардим. Аллоҳ ҳақида билгим келган вақтларда ҳам кўрқув мени босиб оларди. Савол беришдан тўсарди.

Бу мавзуда онам ҳамиша ҳукмрон ва таъсир ўтказувчи бўлган.

Менга доим «Асло тушкунликка тушма, табиатни суриштира, қидирсанг — бир нарсалар топиб ишониб қоласан, сен опанг сингари эмассан» дерди.

Асуманни ҳамон йўлдан урмаганим учун фурсат топди дегунча мени ерга ура, ҳақоратларга кўмиб ташлай бошлади. Гаплари билан босиб тушаётган, оғзимни очирмаётган эди. Мен эса уни тинчлантириш учун «Она, у қиз чўнтакда, кўрқманг, озина вақт керак, холос» деб чўзиб юргандим. Онам эса режа тузиш билан банд.

«Унинг сенга «мен сенсиз яшолмайман» дейдиган кунни кутяпман. Шунда рўмолингни ечсанг, уйланаман дейсан. Бунга жавобан унинг рўмолим сенга қурбон бўлсин, эътиқодим ҳам сеники бўлсин дейишини тез кунларда эшитишни орзу қиляпман. Ўша куни мен севинчдан учаман, ўғлим...»

\* \* \*

Бу тонг ҳам ҳаммамиз нонушта устида биргамиз. Одатда, кутилмаган ҳолатлар бўлмаса, эрталаб соат 7да ҳаммамиз дастурхон бошига йиғиламиз. Ҳеч ким кеч қолмайди. Бунга онам офицер сингари йўл қўймайди.

Мен ўша тонг бувим ҳам биз билан нонушта қилади, деб туриб олдим. Биринчи онам, сўнг опам эъ-

тироз билдирдилар. Бу қандай муносабат — одамда одамгарчиликдан асар ҳам бўлмаса? Ишонгим келмади. Умид билан дадамга қарадим. Жим... ҳеч нарса демади. Хизматкоримиз Нурсияга қарадим. Ҳатто у ҳам, бегона киши, оиламдагиларнинг инсонийликдан узоқлашганидан уялаётган эди. Бирдан шунчалар ғазабландимки... мен ҳам одамликдин чиқдим. Аммо бу ўзимга билинмаётган эди. «Бу қандай гап? Мен бувимни нонуштага олиб чиқаман. Кимга ёқмаса, дастурхондан туриб кетаверсин. Бувимга бир оғиз ёмон гап гапирганни хафа қиламан» дея тилимга келганини қайтармай қатъий гапирдим. Ҳамма менга қараб қолди. Ҳеч кимга қулоқ солмай ўрнимдан турдим. Шаҳдам юриб бувимнинг хонасига кирдим. Бувим кирганимда уйғонган ва шифтга тикилиб ўтирар эди. «Туринг, буви» дедим, бувим эса нималар бўлаётганини тушунмас эди.

«Қаерга болам?» деди ҳайрон бўлиб. Охирги вақтлар менинг боққа олиб чиққанганимни ҳисобга олмасак, бувим хонасидан ҳеч қаёққа чиқмаётган эди.

«Туринг, буви, нонуштага чиқамиз, биз билан нонушта қиласиз» дедим. Кўзларини катта-катта очиб кўрқиб қаради.

«Лекин онанг мени кўришни истамайдику, болам, жаҳли чиқса, «Қариялар уйи»га ташлаб келиши мумкин. Жон болам, уни ғазаблантирма, раҳмат, мен чиқолмайман, менга шу хонам яхши, мен яхшиман...»

«Буви, бу нима деганингиз? Мен чиқасиз деяпман. Буви, сиз нималар деяпсиз? Ким сизни қариялар уйига ётқизаркан, у ерга ётқизиш тугул шу сўзни оғзига олганни ёқаман, буви! Мен бор эканман — сизни бирортаси «Қариялар уйи» га олиб боролмайди. Қайтиб бу гапни эшитмай сиздан, буви».

Бувимнинг ичига ботган кўзлари порлади.

«Соғ бўлгин, болам. Сени берган табиатга ташаккур» деди миннатдорона. Бувимни қучоқладим. Юз-қўллари ювиб қўйдим. Кейин дастурхон бошига олиб келдим. Дадамни тургизиб, ўрнига бувимни ўтирғиздим.

«Дастурхонимизга хуш келдингиз, Қироличам, нима буюрасиз?» дедим жилмайиб. Онаминг юзига қарадим кайфияти тушиб кетган, опамга қарадим юзи тунд. Дадамга қарадим: чехраси очилган, худди миннатдордек эди.

Нима бўлганда ҳам боласида. Қалби тошдан бўлса ҳам, ҳар қандай фарзанд ота-онасига яхшилик қилинса, бундан албатта қувонади.

Эсимдан чиқмайди. Социал демократ бир дўстим бор эди.

«Мен онанг билан яшамайман» деган севгилисидан сўрабди: «Ҳозир онам ҳеч кимга муҳтож эмас, муҳтож бўлиб қолганда нима бўлади?» Қиз: «Мен нима қилишим керак, қариялар уйи бекорга қурилмаган» дебди. Дўстим ундан воз кечибди.

Шу дўстимдан қизиқиб сўрагандим: «Севган қизинг отам ёки онам менга муҳтож бўлганида уйимга олиб келишга мажбурман, деса нима қилган бўлардинг». Қўлини иягига тираб бироз ўйлангач, «Қийин савол. Биз доим ўзимизга мослаштириб оламиз...» дея олди.

«Офарин» дедим. Ҳатосини тушунган одамларни яхши кўраман.

Тўғри, бувим қариб ёши ўтгач, ҳаммани ва ҳамма нарсани танқид қиладиган бўлиб қолганди. Бувимга қанча танбеҳ берсам ҳам, буни тушунишни истамайди. Ўша куни ҳам дастурхонни танқид қила бошлади.

Ҳаммага «жим» ишорасини қилдим. Бувимнинг қулоғи оғир, яхши эшитмайди. Баъзан нега ҳаммангиз оғзингизни очиб-ёпаверасизлар, деб жаҳли чиқади. Бувим сўзининг охирида онамга қараб: «кўзларинг худди тошбақаникига ўхшайди» деганида онам портлади.

«Бўлди, етар, бу кампирнинг жойи қариялар уйида» дея ўшқира кетди.

Мен шунда «Майли, бунга розиман, фақат бир шарт билан. Мен ҳам сизни қариганингизда қариялар уйига ётқизаман, майлими, она? Агар рози бўлсангиз - унда яхши!» дедим. Онам кўзлари ҳайратдан олайиб менга қараб тураркан, шокка тушиб қолганди. Нонуштамиз мана шундай қизгин ноталарда якунланди. Онам ва опам хўмрайиб чиқиб кетишди. Белгиннинг икки фарзанди борлигини айтгандим. Аммо неча ойдирки уларни кўрмайман. Келганда улар билан битта қаватда ётамиз. Мен фақат бувимни эмас, жиянларимни ҳам жуда яхши кўраман. Жиянларим келганларида кўп вақтимни улар билан ўтказаман. Ўша куни нонушта дастурхонидан туриб кетаётганимда кутилмаган нарса бўлди. Дадам ёнимга секин келиб «Раҳмат ўғлим, мени хурсанд қилдинг, бу гапимни онанг эшитмасин» деди.

Унинг бу ҳолига ҳайрон қолдим ҳам асабим бузилди. Миямда чақмоқлар чақиб ўчди. Ўзимни босишга уриниб, дона-дона гапира бошладим.

«Дада, эээ, узр, Корайбей... Мени ҳайрон қолдирдингиз. Бувимнинг дастурхонда бирга ўтиришини ис-таган бўлсангиз, нега буни ҳеч амалга оширмадингиз?»

Юзимга ва кўзларимга тикилиб қаради.

Шунчалар кўп гапирдики, худди бир китоб эди. Саҳифалари тез-тез очиб ўтказилганидан ўқий олма-



дим. Кейин чуқур-чуқур нафас олиб «Кўрққанимдан болам, онангдан кўрқаман». Мен дадамнинг бу эътирофидан ғоят ажабланган эдим.

«Қандай қилиб? Бир эркак хотинидан кўрққани учун, онасини дастурхонга олиб кела олмаса, унинг инсонийликдан гапириши қанчалар тўғри?»

Бу фалсафани чиндан тушунмас эдим. Ақлим бундай нарсаларни қабул қилолмасди. Фарзанд ўз онаси билан бирга ўтириб овқат ейиш ёки онасини дастурхонга таклиф қилишга хотинидан кўрққанини эшитиб хафсалам мутлақо пир бўлган эди.

Дадам юзи қизарган бир алфозда жавоб берди: «Ўғлим, онангга ўхшаган аёл билан яшаб кўрмагунигча сен буларни тушунолмайсан. Менга дада дейишингни таққлаш ҳам аслида онангдан чиққан фикр. Ота-она калималари ҳам динга бориб тақалар эмиш. Диндан аввал бундай тушунчалар бўлмаган эмиш. Ғарбда ҳозир ота-она дейиш йўқ экан. Мен ҳам диндор эмасман, тўғри. Аммо онангга ҳам ўхшамайман. Агар тўғри ва гўзал ишлар бўлса, динга тегишли бирон нарсадан нафратланмайман».

Дадамнинг тин олмай бир нафасда айтганлари мени лол қолдирмаслигининг иложи йўқ эди.

«Ота-она сифати динга боғлиқ эканми?»

Ҳақиқатдан тушунмаётган эдим. Истаган профессорнинг илмий маневрларга бой тилини бундан яхшироқ ва осонроқ англашим мумкин эди. Америкада ўқиб юрганимда дўстим Макс шундай деганди: «Ота-она атамаси қўлланмайдиган жамиятларда қариндошлар ўртасида ишқий муносабатлар кўпроқ учраркан. Демак, дин яшаш тарзи экан».

Дадам бу гапимга жавоб бермади. Менимча, бироз кўрқитган эдим.

«Ўргилдим ўша ҳаддан ошган, оилавий қадриятларни йўққа чиқарадиган ижодидан.... муносабатларидан... Ҳозир ёшман, аммо вақт ўтиб мен ҳам қарийман. Фарзандларим бўлади. Боламда ота деган тушунча бўлмайди. Ҳолбуки инсон она меҳрига, ота сининг қўллаб-қувватлашига муҳтож бўлади. Дадам билан биринчи марта дардлашиб ўтирган шу дақиқаларимда мен буларни яхшироқ ҳис қилаётгандим. Ҳавотир билан сўрадим.

«Бувимнинг сизга қарамаганини, отангизга хиёнат қилганини, шунинг учун унга меҳр кўрсатмаётганингизни айтган эдингиз. Ростдан шундай бўлганмиди, дада?»

Бу саволим унинг ҳаёлларини остин-устун қилганди. Дадамни ҳеч бунақа жавоб тополмай чорасиз қолганини кўрмагандим. Саволим худди чаккасига тўппонча тираган каби таъсир қилди.

Нима қилсам экан? Эътибор бермаслик учун бир баҳона топишим керак. Онам бувимга яқинлашишимни истамайди. Бувингни талтайтиряпсан, дейди. Бу шунчалар ғашимга тегадики... Озгина бувимга эътибор берганимни кўрса, бўлди, ёнида бўлишимни истаб қолади. Шу тариқа мени бувимдан узоқлаштиради.

«Дада, ўзи бувимнинг ёши нечада? Улуғ ёшнинг ноқулай тарафлари албатта бўлади, буни қабул қилиш керак эмасми?»

Дадам қора чарм оромкурсига ёйилиб ўтирди, яна эски ҳолига қайтди.

«Гапинг тўғри, аммо менда бунга истак ҳам, куч ҳам йўқ».

«Бўлиши керак, дада. Агар инсонийлигингизни йўқотишни истамасангиз, ота-онангизга инсонлигингиз-

ни кўрсатишингиз керак. Бобом ўлди, кўмдингиз-қутулдингиз. Бувимга нисбатан ҳам сизда фарзанднинг яхши муносабатини кўрмайман. Буни айтишим керак эди, дада» дедим ишонч билан. Дадамнинг менга қараб қолган кўзлари маҳзунлик билан тўлган, аммо ичида мен билан ғурурлангандек эди.

«Сен билан фахрланаман, Юнус. Сени бундай виждонли инсон қилиб мен ўстирмадим. Аммо барибир фахрланишим мумкинлигини биламан, раҳмат» деди.

У бу гапларни айтаётганда ўзимни тутолмай кулиб юбордим: «Арзимайди, дада. Олма тагига олма тушади ахир».

«Бу гапингни онанг эшитиб қолмасин».

«Дада, сиз онамдан кўрқиш касалига учрабсиз», дедим.

«Тўғри» тасдиқлади дадам. Бундан ҳайратланмадим. Чунки асл вазиятни дадамнинг ўзи ҳам билиб турганди. Юзимга қараб жилмайди, шарфини олиб уйдан чиқди.

\* \* \*

Тушдан кейин уйга келдим. Залга ўтаётганимда тепадан овоз эшитилди. Қулоқ тутдим, Белгин инглиз тили ўқитувчиси билан дарс қилаётганди. Уларнинг ёнида ўтирсам яхши бўлади деб ўйлаб, ҳузурларига чиқдим. «Кирсам майлими» деганимда Белгиннинг қошлари чимирилди. «Фақат тушлик вақтигача» дея аввалдан вақт белгилаб қўйди. Бу қиз ростдан ҳам онамнинг ўзгинаси эди. Оромкурсига ўтираркан Элизабет хонимга қарадим: «Хуш келибсиз, яхшимисиз?»

Аёл мукаммал туркчада одоб билан жавоб берди: «Катта раҳмат. Ўзингизчи?»

Суҳбатимиз энди қўр олаётганида онам захар пуркаганча келиб қолди.

Онамнинг ҳеч кутилмаган оғзидан чиқаётган сўзларни эшитиб шокка тушдим. Билмадим, юзим нималарни акслантирди экан? Қувончми, ғазабми, ҳайратми — қай бири? Онам менга қарамас, Элизабет хонимга баланд овозда танбеҳ берарди: «Элизабет хоним, сизни бир эскича кийинган қиз эшик олдида кутиб турибди, зудлик билан чиқаркансиз. Бу қиз кўпдан бери бош оғриғим. Сизга бирор жиҳати билан ўхшамаган, бирон нарсаси уйғун бўлмаган бу Асуман бизнинг университет жодугари. Очиғи, унга қандай алоқангиз борлигини тушунмаяпман».

Элизабет хоним онамнинг ғазабнок гапларига хотиржамлик ва табассум билан жавоб беришга ҳаракат қиларкан, мулоҳазали кўринарди.

«Уми? У менинг қизим. Ҳеч қандай жодугар-фалон эмас, у менинг ёқимлигим, фариштам. Телефонимнинг қуввати тугаб ўчиб қолганди. Ишонинг, агар зарур бўлмаса, у келмасди» деди ва хавотир билан зинадан тушди.

Онамга бошқа ҳеч нарсаси демади. Онам аренага чиққан захоти иягидан зарба еб нокаут бўлган жангчи ҳолида эди. Таслим бўлган каби бир неча дақиқа жим қолди. Аммо ўзига келгач, яна тутақа бошлади.

«Ишонмайман, бўлиши мумкин эмас, шундай замонавий аёлнинг қизи ўранган, рўмолли бўлса-я? Шу кепатада эшигимга келса... Вой тавба... вой, вой, вой... тушуна олмаяпман, нималар бўляпти ўзи?»

Кўллари билан бошини чангаллаб, сочларини ғижимлаб норозилигини билдиришда давом этди. Ғазабдан ўзини йўқотиб қўйганди.

«Ақл бовар қилмайди... бўлиши мумкин эмас... душманларимдан бири менинг эшигимда. Ҳозироқ Элизабетдан тил ўрганишни йиғиштирасан, Белгин» бармоғи билан эшикни кўрсатаркан, қатъият билан деди. Белгин онамнинг бундай кутилмаган реакциясидан ажабланди.

«Она! Менга биринчи марта ўқитувчи ёқди, ундан хурсанд бўлдим, яхши кўрдим. Қизи диндор бўлса нима қипти? Онаси ҳам шундай дегани эмаску бу. Элизабет жуда маданиятли ва зиёли инсон. Қизи билан нима ишим бор, менга нима?»

Онам қаттиқ нафас олганидан бурун катаклари керилиб, залда телбаларча у ёқдан бу ёққа юра бошлади. Мен эса Асуман эшигимизнинг тагида турганини эшитиб жойимда қотиб қолгандим. Ичимни тўлдириб потирлаётган капалаклар қаердан келганини ҳам билмасдим. Онам менга ва Белгинга эътибор бермай қўйган, ўзига ўзи бақириб, жавраб-асабийлашарди.

«Отатуркчи она бўлганида, қизини позитив билимга йўналтирган бўларди. Замоनावий она қизига эскичани, негатив билимни раво кўрган бўлса, демак, у ойдин эмас, у ойдин бўлолмайди. Ундан ташқари, менинг ҳудудимга кирмайди».

Белгиннинг биринчи марта эртароқ дарс қилгани бошимизга дард очди. Онамнинг жаҳли қанчалар чиққан бўлса, Белгин ҳам бу тутумдан шунчалар ақлдан озай деганди.

«Аҳмоқлик қилманг. Чидасангиз шу, муҳтарам профессор! Элизабет — менинг ўқитувчим! Ва у ўргатишда давом этади».

Она-қиз зиддиятлари чўзиларкан, мен секин қочиб, пастга тушдим. Аввал бувимга учрадим, кейин тезроқ чиқиш учун эшикка йўналдим. Шунда... бўладигани бўлди. Эшик олдида Асуманни кўрдим. Воҳ, Тангрим! Нафас олишни, ютинишни эсимдан чиқардим. Ҳаракатларимга ҳайрон қолгандим, қандай юриб чиққанганимни, нима қилмоқчи эканимни эсимдан чиқаргандим. Бола сингари довдираб қалтирардим, ҳаяжондан қўлларим ҳам титраётган эди. Ёшгина қиз шунчалар ўзига ишонганча салобат билан турадимми?

Унинг имо-ишоралари ва қарашларида ҳам сир борлиги, ахлоқ-одоб ва назокат эгаси эканини истаган киши фаҳмлай олиши мумкин эди. Онаси билан гаплашаётганида юзимга ҳам қарамади. Бошқа вақтлар ҳам қарамасдику-я...

Уларга одоб билан бошимни эгиб салом бердим. Асуман ҳам салом берди. Мен ўзим учун нотаниш ҳолатда эдим. Мен қизни бу сафар кўрганимда янада жонсиз аҳволда қолдим. Шунчалар таъсирланганимдан эшик олдидаги машинамни кўрмабман, машинага урилиб кетганимда билдим. Бир соатча сархуш каби кўчаларни айланиб юрдим. Йўқ, Асуман гўзал эмас, бу муҳим ҳам эмас. Шу билан бирга уни хунук деб ҳам бўлмайди. Фақат шундайки... у худди шахсият обидаси кабидир. Уни гўзал кўрсатиб турган қандайдир сир, қандайдир яширин таърифлар, салобатли ҳаракатлари... Бирор соат ўтгач, хизматкоримиз Нурсияга телефон қилиб, уйдаги об-ҳавони сўрадим.

Элизабет хоним қизи билан гаплашиб бўлиб, уйга кирганида онам унга зуғум қилибди: «Сендек замонавий аёл қандай қилиб қизингнинг эскича кийиниши, ўраниб юришига изн бердинг, тушунмаяпман?». Элизабет эса: «Сиз ўзингизга бундай услуб ва савия-

ни муносиб кўраётган бўлсангиз, мен бир нарса деёлмайман» деб жавоб берибди. Шу шаклда онам ўқитувчи хонимдан кутилмаган зарбани олибди.

\* \* \*

Уйга қайтишим керак эди. Қорним ҳам роса очганди. Кўчаларда сандирақлаб юришни тўхтатиб, уйга келдим. Залга шарпасиз кириб келганимда стол устида дастурхон ёзилган, кечки овқат тайёр ва уйдагилар кутилаётганди. Ҳаммамиз бирга ўтириб овқатландик, озгина суҳбатлашдик. Кейин чой ичишга ўтирдик. Онам ҳамон жаҳлидан тушмаган, қарашларидан нафрат ёғиларди.

Бирдан менга ўтирилиб университетдаги таклифни такрорлади «Юнус! Элизабетнинг эскича қизини йўлдан уришни буюргандим. Ҳалиям ҳеч нарса қилмай юрибсан. Ўзи тайинлаганларим эсингдами? Сен учун рўмолини ечмайдиган қиз йўқ, сен учун ҳатто эътиқодидан кечмайдиган қиз йўқ. Нега ҳалиям буни бажармай юрибсан?»

Онамнинг гапларига ўзимни тутолмай кулиб юбордим.

«Она, менинг бир дўстим бор. Айтишича, ўранган қизларни ҳеч ким алдай олмасмиш. Асуман ҳам шундай алданмаслар тоифасидан бўлсачи? Қолаверса, мен бундай ишлар қилмайман, буни биласиз. Унинг ўша гапи бўлмаганида бу таклифингизни ҳаётда қабул қилмасдим».

«Сен нега уларга бунчалар ён босиб қолдинг ўзи? Қачондан бери диндорларга ўхшаб виждонли бўлиб қолдинг?»

«Она! Диндорлар виждонли бўлса, унда нега динга қаршимиз?»

Онам ўша ғазабнок аҳволда бармоғини менга қаратиб ҳавода нуқиб гапирди: «Мен сени қандай йўлга солишни биламан. Ўша қизнинг ҳукуматимизга қарши барча гапларини сенга йиғиб ўқитаман, кўрсатаман. Ана ўшанда сен ҳам чидолмайсан, қасос олишга интилиб қоласан. Адабинини берасан. Мен сени биламан, сен давлатимизга қарши чиқадиганлар билан бир бўлолмайсан, бунга асло тоқат қилолмайсан».

Буларни гапираётган онам Асуманга нисбатан бошқача ҳисларни туяётганимни билса борми...

Шоир айтганидек, бошимга ишқ тўфони келди шекилли...

Кечга яқин чакмоқ урди

Шамолга бердим бўлақларимни

Йўқолдим чексиз чўлларда

Чорасиз йўлладим Аллоҳга дуоларимни

Бу шеърни Асуманга мен ёзганимни билса, онам ақлдан озиши аниқ. Даҳрийман, лекин Аллоҳ деяпман. Қизни алдашга тайёрланаяпман. Лекин уни севаман ёки сева бошлаганман. Онажон, кечир мени... Бир оқшом чакмоқ урди. Аҳволим нима бўлишини билмайман. Ҳеч билолмаяпман. Мен умидсизларча ошиқ бўлаётган, тушкунлик домига ва ҳаддан ортиқ ўша севги таъсирига тушаётган меланхолик ҳолатда эдим.

Тақсимда бир ўзи ижарада турадиган синоплик дўстим Салжукнинг ёнига бордим.

Салжук жуда тарбияли, вазмин, яхши хулқли диндор йигит. Буни унинг уй тутиши, жиҳозларидан ҳам билиш мумкин. Зал деворини кутубхонадаги каби катта китоб



жавони эгаллаган. Уй жиҳозлари, гиламлар бир-бирига уйғун тушган ва ҳузур берадиган бир атмосфера касб этганди. Деразага илинган пардалар — барча-барчаси муҳташам эди. Бўйдоқ ва ёлғиз яшайдиган йигитларнинг уйи, одатда, пала-партиш ва тўзиган, исқирт бўлади. Аммо Салжук ундайлардан эмас. У ҳаддан ташқари тартибли ва озода. Мен келмасимдан столга ювилган меваларни қўйибди. Эшик қўнғироғини босишдан олдин «Бу уйда сигарет чекилмайди ва спиртли ичимликлар ичилмайди» деган ёзувни кўрдим. Мийиғимда кулдим. Эшикни очган Салжук ичкарига таклиф қилди. Бироз об-ҳаво ҳақида гаплашган бўлдик. Мен асл дардимни унга тўкмоқчи бўлдим. Сабрсизланаётганимни кўрган Салжук «гапир» деди. Мен ҳам дарҳол унга Асуманни гапира кетдим. Мени диққат билан эшитиб турган Салжук кулги билан фикрини билдиришга уринди.

«Сен учун хафаман. Айтаётганинг мен танийдиган ўранган, шахсиятли қизлардан бўлса, сенинг севгингдан адо бўлса ҳам, динини сен учун фидо қилмайди. Улар исломни қалблари ва ҳиссиётларига қараб, математик ҳисоб-китоблар, атрофидан келаётган «месаж»ларга қараб амал қилишмайди. Улар фақат эътиқодидан келиб чиқади».

Салжукқа аҳволимни очиқлаш ва тушунтириш учун қатор-қатор гапларни тизарканман, унинг деганларини ҳам ўйлаётган эдим.

«Онамнинг айтишича, бугунгача бирорта қиз мени кўксимдан итармади. Балки Асуман ҳам мендан юз ўгирмас, мен учун эътиқодидан воз кечар. Сенингча, мен қадрсиз йигитманми? Арзимаيمانми?»

Салжук ҳаҳолаб кулиб юборди. Оппоқ юзидаги қора мўйловларини қўллари билан силаб, текислаб туриб жавоб берди:

«Иймонли, шахсиятли ўша қиз аслиятини сен умуман билмайсан. Қолаверса, онангга тортгансан, ўзингни диндан устун қўядиган бўлибсан. Юнус, сен шахсиятли эркакларни ҳам, аёлларни ҳам билмайсан. Улар олтин ёмби кабидир. Ҳеч қандай лой кирлата олмайди. Исломга онгсиз амал қилаётганлардан ташқари. Асуман хонимни танимайман, аммо фикримни айтдим. Ҳамма нарсадан олдин миллионларча мусулмонларни йўққа чиқариб «Ҳақиқий инсонлар бизмиз. Биз ойдинлармиз» дейдиган онанг ўша қизга бу даражада душман бўлса, демак, у қиз чин мусулмон ва кучли шахсият эгасидир. Хоҳласанг, мен уларнинг қандай экани ҳақида сенга сўзлаб беришим мумкин».

«Керак эмас, соғ бўл. Яъни мени севмайди, мен учун рўмолидан воз кечмайди. Шундайми?»

«Агар ақлли ва иймонли қиз бўлса, ҳа, шундай...»

«Салжуқ мен онамнинг таклифини қабул қилолмадим, бир соат аввал ҳам онамнинг буйруғини қилмасамчи... қилмайман, деб тургандим. Аммо ҳозир бу фикримдан воз кечдим. Сен ҳам ноҳақ бўлишинг мумкин. Мен буни исботлай оламан. Кўрасан, бошини очтираман, рўмолини ечтираман, ўзимга телбаларча ошиқ қиламан. Унинг чойини ичишга келаман, мана кўрасан».

Салжуқ кулиб қараб туриб гапирди: «Мен ҳеч бир қиз билан айтганларингни қилолмайсан, демадим. Асуман хоним иймонли қиз бўлса, унда бу режанг амалга ошмайди дедим».

У бундай гапларда давом этгани сари менинг истагим кучаярди.

«Мен шунчалар ахлоқсизманми? Ҳали яхши танишмай туриб унга ноҳақлик қиляпман, аммо яна

нима қилишим мумкин? Биламан, Асуман мени қайтаролмайди, рад этолмайди. Рўмолини ечса, у билан оила қуришим мумкин».

Сухбатлашган сайин менда бу истак шунчалар кучайдики... Ҳам Асуманни севиб қолдим, ҳам Салжукнинг иддаолари мени таъсирлантириб юборганди.

Ичимда иккита Юнус бор эди. Бири яхши, бири ёмон. Бири қиласан дейди, бири қилмайсан дейди. Ва иккисининг ўртасида қолган ақлим...

Энди билдим, менинг жуда заиф тарафларим бор экан. Салжукнинг гаплари мени масхаралагандек туюлди. Бу эса менимга яхшигина зарба бўлди, ҳаддан ортиқ заҳарлади. Шундоқ ҳам онам тинмай ҳақоратлаб тургани устига бу гапларни эшитишим мени яхшигина тўлиб-тоширганди.

Ҳамонки Асуман давлатга душман экан, унда кўлимдан келганини қиламан. Ичимдаги анави Юнус ўртага чиқса, дарров бошқача ўйлашни бошлайман. Йўқ, қила олмайман, қилмайман! Бундай хиёнат менга ярашмайди. Воз кечдим. Ундай ишни қилмайман. Ўша масъума қизга бундай нарсаларни раво кўролмайман.

«Салжук... Сени кўрганимдан кейин ўзгарибсан. Сен атеист эмасмидинг? Қачон тўлиқ мусулмон бўлдинг?»

Жилмайди.

«Ҳали тўлиқ мусулмон эмасман, ҳозирча мўминман»

Ҳайрон бўлиб унинг юзига қарадим..

«Бу нима дегани?»

«Мусулмонлик Аллоҳга таслим бўлиш демакдир. Мен Аллоҳнинг динига ишонапман, лекин буйруқла-

рига ҳозирча таслим бўлолмаяпман. Исломга хилоф бўлган маркалар ва кийимларни кияман, намозда оқсаяпман. Ўзимни ислоҳ қилишга ҳаракат қиляпман, Иншааллоҳ.»

Ҳайратдан музлаб қолдим. Шу ҳолатда унинг юзига қараганча қолгандим.

\* \* \*

Заъфарон япроқлар дарахтлардан айрилиб ерга шитирлаб тушар, атроф худди санъат асаридек кўринадиган мавсум ўрталари эди. Кузнинг олов хазонлари чойшаб каби тўшалган гўзал манзара ҳукмрон, майин шамолда учаётган япроқларнинг овози атрофни қоплаб олган эди. Кечки пайт уйга келишим билан бувимнинг хонасига кирдим. Бувимдан ҳол сўраб, бироз кўнглини олгач, залга чиқдим. Онам атрофига дадам, аммам ва Белгинни йиғиб олганча ҳаяжон билан кўлидаги газетадан ниманидир ўқиб бераётган эди. Мени кўриши билан дарров мурожаат қилди.

«Энди таклифимни қабул қиларсан, Юнусим. Бу қиз расман давлатимизнинг душмани экан. Қарагин, суриштириб, Ватан хоини эканини аниқладим. Бу қиз аслини ҳозир танийсан ва нима қилиш керак бўлса, ўшани қиласан. У бир илон!»

Унинг бу қатъиятига қарши бўлган Белгин ҳаяжон билан сакраб турди: «Вақтида айтиб қўйяпман, қизи билан нима қилсангиз қилинг, мен инглиз тили ўқитувчимдан ажрамайман».

Онам ҳуши бошидан учиб, жавраб, қарғаниб менга деди:

«Ўшандек қизни тукқан онага қандай сабр қилманман? Илтимос, мени ўйла, Белгинга тушунтир, уни бу фикридан қайтар, йўқса, ақлдан озаман, болам».

Онамнинг бу ситамларига жавоб бериш учун ўйлаб ўтириш шарт эмасди.

«Она, бизнинг маданиятимизда қизи сабабли онасини айблаш борми? Сиз ишонмайдиган ўша исломда ҳам Қуръоннинг бир оятида: Бировнинг гуноҳи учун биров жавоб бермайди, дейилган экан».

Уйимизга бомба тушгандек бўлди. Онам телбаларча бақира бошлади. Кўзлари косасидан чиқиб кетай дерди.

«Менга қара, сен бола! Оғзингдан қандай қилиб бу оят-моятлар чиқяпти, қаердан келяпти? Ёки сен исломга қизиқиб қолдингми, суриштириб юрибсанми?»

«Йўқ, она! Илтимос, менга ўқувчиларингиздек қараманг. Мен сиздан диплом олмайман. Менга жиддий ва эътиборли муносабатда бўлинг».

Ҳар мунозарамиздан сўнг онамнинг юраги ўйнаётганди.

Бу сафар орага аммам қўшилди.

«Манавини ўқиб чиқсанг, онангнинг қайғусини тушунасан», деди.

Онам ҳали ҳам оғзига келганини қайтармай гапираётганди.

«Тушунмаяпман, Юнус, ўша дўстингнинг мақсади нима? Нега сенга бундай оят ҳақида гапирди? Мендан беркитиб миянгни захарлайдиганларни ҳашарот каби эзиб ташлайман, билдингми?»

Ўрнидан туриб гиламни қўнғиз эзгандек эзди. Бир сўз билан айтганда, онам ақлдан озганди. Қўлига га-

зетани беришди. Онам қалтираганча бояги ёзилганларни кўрсатди.

«Қара! Эшит, ўша «қорақўнғиз»ни эшит... Уларга қарши ҳаракатимиз кучли бўлиши керак. Уларни ер билан яксон қилиб ташлаш керак. Айниқса, таъсирчан гапирадиган, саводлиларни эргаштира оладиган, кўпчиликка ёқадиганларнинг барчасига махсус тузоқ қўйишимиз керак. Лицейда ўқиётганлар ҳам... қара, лицей газетасида нималар ёзилган. Камига бу Имом Ҳатиб газетаси...

«Соғлом фикрли барчага Саломлар. Қадрли дўстлар, ака-укалар, опа-сингилларим, юлдузли йўлнинг йўловчилари, Қуръон устозлари, сизларга саломлар.

Мен сизнинг ўқув юртингизни тамомладим. Эндиликда эса Халқаро ҳуқуқ факультетида ўқияпман. Икки йўналишни тенг бирга олиб боряпман. Аслида менга биттаси етар эди. Бироз афсусдаман. Қолган вақтимни Қуръони Каримни ўрганиш ва Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи вассаламни танишга сарфлашим керак эди. Мен Имом Ҳатиб лицейида ўқиётганимда ҳаво сиз нафас олаётган ҳаво каби эди. Бир ҳовуч оғиздагина ойдин «динозаврлар» ёруғ дунёмизни зимистон қилаётган эди. Биз ҳам бошимизда рўмол бор дея кўпинча сизлар каби ошхонадаги картошка қоплари орасига яширинишга мажбур қолаётгандик. У вақтларда олийгоҳларда ҳам шундай зулм ишлари кучайган, золимлар рўмол овига чиққан эди. Узр, рўмол эмас, ўранганлар овига. Уларнинг «ишонтириш-тан олдириш» хоналари бор эди».

Онам ўқишдан тўхтаб менга қаради.

«Қара, бизни динозавр демоқда. Бизни золим, диктатор демоқда, тан олдирадиган хоналар демоқда».

Онамнинг гапини бўлдим: «Лекин булар ёлғон эмаску, она. Ечинтирамиз деб махсус хоналар ташкил этгансизлар, уларга босимни ҳаддан оширдинглар».

Онам мени эшитмади, яна ўқишда давом этди.

«Минглаб ёш қизларни жазолаш учун газли хоналардан ўтказдилар, аммо барибир мақсадларига етолмадилар.

Бизни кўнғиздек оёқда эзиб ташлаймиз деб ўйландилар. Ичимизда оз бўлса-да, дунёқараши тор, билими саёз бўлган қизларимизни ўртак сифатида кўрсатиб, бизга доим тухматлар қилдилар.

Нима эмиш — ўранганлар эркаклар билан ҳилват жойларда юрармиш. Юзта қизнинг ичида битта номуссизи чиқиши мумкин. Ҳаммамизни ана ўшалар билан тенг кўрсатишга, доғ туширишга ҳаракат қилмоқдалар. Уларнинг дарди давлат ё жумҳурият эмас, улар исломнинг душманлари. Аллоҳнинг изни билан улар рўмолимизнинг бир четини ҳам торта олмайдилар. Бизга лойиқ кўраётган қораловчи сифатларни бир куни ҳақиқатлар ойнасига қараганларида ўзларида кўрадилар. Аслида бизга босилган доғ эгалари ўзлари эканликларини ҳам тушунадилар.

Сабр қиламиз...

Кутинг, кўрқманг. Меҳмет Акиф айтганидек:

Ҳақнинг сенга ваъда қилган кунлари келади...

Балки эртага, балки ундан ҳам аввал

Улар ухламаётган эди, аммо биз кемамизни ҳозирлаётган ва Аллоҳдан денгизни оёғимиз остига олиб келишини сўраб дуо қилаётган эдик».

Онам яна тўхтади.

«Ўғлим, кўряпсанми, бу қиз давлат душмани. Бу ҳатто давлат мадҳиясига ҳам душман, ишонавер».

Бирдан авзойим бузилди.

«Она! Бу қиз ҳозир қайси бўлимда ўқийди, биласизми?»

«Албатта биламан, мен ниманидир ўйласам, режа қилсам, у ҳақида билмасликка ҳаққим борми?»

«Она бўлди, менга қайси бўлимда эканини айтинг ва ўн беш кун муҳлат беринг».

Қизнинг ёзганлари мени ҳам ақлдан оздирди. Ҳақли тарафлари, тўғри гапирган жойлари бор эди, аммо ёшгина қизнинг бу қадар журъат, бу қадар қатъият билан бизга қаршилар сафида бўлишига ортиқ чи-долмайман.

Онам ҳам бу гапларимдан севиниб кетди.

«Балки ўн беш кун етмас, йигирма кун деявера-лик».

Ўзимга ишонимни кўрсатгим келиб кетди.

«Адашяпсиз она, ҳатто бир ҳафта ҳам кифоя, асло хавотир олманг».

Демак, кемаларини тайёрлашибди, шунақами? Сенинг ўранганингни махсус хоналар ҳал этолмабди, мен ечтираман уни. Менга етишиш учун ўзинг оёғим остига отасан ўша рўмолингни. Демак, сиз давлат тўн-тариши қилмоқчисиз. Демак сиз Истиқлол мадҳиясига қаршисиз, шундайми? Бунинг бадалини тўлатаман ҳали мени чакмоқ бўлиб урган қиз. Бу сафар мен чакмоқ бўламан...

Шуларни ҳаёлдан ўтказганча туриб қолдим.



Ётоққа кириб, Асуманни эътиқодидан қандай қайтаришим, очилиб-сочилиб мен билан айланиб юришларини ўйлай бошладим. Салжукнинг истехзоли кулишлари ҳам ҳалигача кўз олдимда турганди.

Агар Асуман Салжук айтгандек қиз бўлсачи? Йўқ, йўқ. Бугунгача мени рад этган қиз чиқмади. Бу ҳам ўшалардан навбатдагиси...

Мен истиқлол мадҳиямизга тил теккиздириб қўймайман, мен давлатим учун ўлишга тайёрман.

\* \* \*

Бир неча кун уни ўзига билдирмасдан кузатиб юрдим. Қачон қаердан келиб қаерга боришини ўргандим. У билан «тасодифан» учрашиб қолиш режаларини туздим. Қай бирини қилиш мумкин, қай бири ҳақиқатга яқин... Ва у университетдан чиқаётганида «учрашиб қолдим».

Юзма юз дуч келганимизда юрагимнинг дукиллашини сездирмаган ҳолда ўзимча тасодифдек гапираркетдим:: «Ооо! Сиз Асуман хоним эмасмисиз?» деганимда, юзимга ҳайрон қаради.

«Сиз билан танишганимни эслолмаяпман!»

«Анча аввал танишгандек бўлгандик. Онамининг хонасида гаплашгандик. Онангиз дарс берадиган вилламизда ҳам кўргандим сизни».

Ниҳоятда оддий ва эътиборсиз равишда «Онангизнинг ёнида гаплашгандик, тўғри. Фақат сизнинг ўша эканингизни эслолмадим, бирор гапингиз борми?»

«Ҳа». Негадир бирдан кайфиятим ўзгарди.

Нега бу лаънати қиз мени ҳар сафар бунчалар ҳаяжонга соляпти? Гап топа олмай қолдим. Унинг кичик кўзларида қанчалар жозибали эди. Бу сафар унинг тутумларидаги аслик мени мафтун қилаётганди.

«Ҳалиги... Сиз билан чой ичсакми дегандим...»

Тўхтаб қолди... Тушунмагандек ўнг-чапга қаради. Сўнгра жиддий оҳангда: «Мен нима учун сиз билан чой ичишим керак?» деди.

Ҳаяжонимни яшириш учун табассум билан «танишиб оламиз» дедим.

«Мен сиз билан танишишни истаётганим йўқку?! Рухсатингиз билан ўтиб кетсам».

Бу кўпол муносабатдан кайфиятим яхшигина бузилди. Мен бу учрашув учун атайлаб бошдан-оёқ янги кийиниб, ясаниб келгандим. Устимдагилар мени янада узун бўйли ва келишган қилиб кўрсатадиган танлов натижалари эди. Қора костюм ичидан қора чизикли нимпушти кўйлак кийгандим. Сартарош ҳам узоқ вақт сарфлаб сочимни махсус турмак қилганди. Қора кўзойнак эса кўркам кўринишимни тўлдирувчи якуний детал бўлганди. Бир аёллар бўйича мутахассис бўлган дўстим «Ақлли аёллар характерга, аҳмоқлари эса кўринишга қарайди» деган эди. Бу давлат душманининг қайси категорияга киришини мен қаердан билай... Аслида билардим...

«Сиз билан гаплашишим керак» дедим қатъий оҳангда.

Бироз асабийлашди. Юзимга қараб киприкларини пиратиб, кўзларини ярим очиб жавоб берди.

«Марҳамат, гапиринг» деди.

«Бунақа оёқда туриб гаплашиб бўлмаса керак, бирор кафедра гаплашсакчи?»

«Сизга ҳеч қаерга бормаслигимни айтдимку. Узр, ўтиб кетай» дея ёнимдан ўтаётганида уни тўхтатиш учун бироз баланд овозда «бир дақиқа!» дедим.

Ўгирилиб қаради ва қошларини кўзлари билан бирлаштиргандек:

«Сиз мен билан фарқли нарсаларни гаплашмоқчисиз, шекилли. Бунақа гаплар фақат бир тараф билан бўлмайди, айбга буюрмайсиз» деди ва университетнинг чиқиш томонига юриб кетди.

Нима қилишимни билмай турган жойимда қотдим. Тезроқ нимадир ўйлаб топиб, эътиборига тушим керак. Унинг таъсирида ҳаяжондан бўлмағур гапларни айта бошладим. Уни ўзимга қаратишнинг бошқа чораси қолмагандек эди.

«Менга турмушга чиқасизми?» дедим.

Кетаётган жойида тўхтади. Оёқларини жуфтлади. Бошини ўгириб, орқага — менга қаради. Ақл акс этиб турган кўзлари билан биринчи марта юзимга тик қаради. У нима деб жавоб беришини юрак ҳовучлаганча кутиб турарканман, бироз титраётган эдим. Тўсатдан оғзимдан чиққан бу таклиф юрагимни ёқиб, ҳароратимни кўтарган бўлиши ҳам мумкин эди. Унинг назарида қандай эканимни билмасдан қилган бу таклифим мени ё ўлдириши ёки жон бахш этиши мумкин эди.

«Сиз учун хафа бўлдим. Ҳолбуки, кўринишингиздан ақллига ўхшайсиз. Илтимос, йўлимдан қочинг».

Уни фақат эътиқоди билан енгишдан бошқа чорам қолмаган эди. Тушган ҳолимга ҳайрон бўлсамда, ортга қайтиш ниятим ҳам йўқ эди.

«Аллоҳ учун эшитинг. Аллоҳ розилиги учун!»

Айнан шу гапларим унинг жаҳлини чиқариб юборди.

Қошлари шунақанги чимирилдики... нигоҳлари кўрқинчли эди. Мен берган таклифимни эшитгач, қучоғимга отилишини ҳаёл қилиб ғафлатда қолибман. Ҳозир мени уриб юборадиган аҳволда эди. Нима дейишини тасаввур қилиб, ютиниб қўйдим.

«Сиз гапга тушунмаяпсиз, шекилли. Мен Аллоҳ розилиги учун бундан бошқа кўп ишларни қилишим мумкин, йўлимдан қочинг».

Турган жойимда ўзим билан бирга қотиб қолган ақлимни, ҳаёлимни қандай йиғишни билмасдим. Жуда паст овозда бўлиб-бўлиб унинг исминигина айта олдим. Бу сафар мен жуда ачинарли, масъум ҳудди бир бечора мушук аҳволида эдим.

«Асуман!»

Чимирилган қошлари ҳайрат билан кўтарилди. Менга қадалган нигоҳлари остида ўзимни қуёшда қолган қордек ҳис этдим. Унда ҳам ғазаб-нафрат уйғотаётганим, ҳамда унинг таъсир қилувчи оламига, чегарасига кирганим мени ҳайратда қолдирган эди.

Ақлим остин-устун бўлиб кетганди.

«Асуман, Аллоҳни яхши кўрсангиз, мени эшитинг».

Қўлларини қимирлатиб, тез-тез юриб кетди. Мен эса назарга илинмаслик аламини тотганча ортидан қараб қолгандим. Қатъият билан юрганча орқасига бир ўтирилиб ҳам қўймай темир эшикдан чиқиб кетди.

Чиқиши билан «Такси» деб бақирди. Таксига отилган кўйи кетиб қолди. Кўчада юзлаб одамлар бор эди. Назаримда, ҳамма менга қараётгандек эди. Таслим бўлмайман. Бу биринчи уринишим, холос. Мен эса

қароридан осон воз кечадиганлардан эмасман. Энди ҳеч бўлмаса мени билади ва танийди. Барибир эрта-ми-кеч унинг диққатини ёниб турган кўзларим, сеҳрловчи нигоҳларим, узун қора киприklarим, люкс автомашинам, ёш бўлишимга қарамай тадбиркор эканим тортади.

Бу дунёда пулга қизиқмайдиган нечта аёл бўлиши мумкин?

Кейин унинг охирги гапларини эсладим. «Ҳолбуки, кўринишингиздан ақллига ўхшайсиз».

Ҳа-а, нима демоқчи эди бу билан? Демак, мен ақлли эмасман, шундайми? Менга «Аҳмоқ, сен душманнинг ўғлисан, сенга турмушга чиқмаслигимни билмайсанми?» демоқчи бўлдими?

Ўзингни тутишингни қара, худди сенга етишиб бўлмайдигандек. Менга ялиниб-ёлворишларингни ҳали кўраман... кўраман шу кунларни.

\* \* \*

Ишхонага кайфиятсиз кириб бордим (офисим Бешиктошда бўғознинг рўпарасида эди). Учрашувларни белгиладим, буюртмалар варақасини кўрдим, корхонани айландим. Офисимга келиб ўтириб яна уни ўйлай бошладим. Унинг назарига туша олмаган эдим. Мени бунчалар менсимаслигини, писанд қилмаслигини кутмагандим.

Офисимга кенг йўлакдан кирилади, деворларининг бири қаймоқрангда, иккинчи томонига тош терилган. Хона ўртасида иккита қора чарм оромкурси бор. Катта столимнинг ёнида бир ярим метрли ак-

вариум бор. Аммо ҳозир унга қараб ҳеч қандай завқ туймаяпман. Оромкурсига ястанганча кунлик газеталарни очиб варақлай бошладим. Бугун сарлавҳаларда яна фаол қизлар мавзуси кўтарилган эди.

Бир томондан уларга кўшилсам, иккинчи томондан эътирозим бор эди.

Таслим бўлмадилар... Чарчамадилар...

Резинка таёқлардан, дарралардан, танклардан кўрқмадилар. Ҳақларининг ортидан чопавердилар. Шу жиҳатдан мен бу қизларни танимасамда қутлардим. Ғалати аҳволда эдим.

Дилимни зиддиятлар, тушунмовчиликлар, чарчоқ ва кайфиятсизлик тарк этар дея денгизни томоша қилдим. Кемалар ва қайиқлар сув юзига тўш уриб сузмоқда. Қуёшнинг хира нурлари денгизга урилади. Куз эмас, кўпроқ ёзга хос намхуш ҳаво. Фикрларимни йиғиб, бироз ўзимга келмоқчи бўлдим — чиқмади. Ҳаёлимдан, кўз олдимдан Асуманнинг нигоҳлари кетмаяпти.

Мен авваллари чиройли кўзлар деса фақат катта-катта кўзларни тушунардим. Асуманда кўрганим кўпчиликда бўлмаган оддий кичик кўзлар эди. Аммо улар ҳам юракларга ўз имзосини босар экан. Ўчмайдиган бир шаклда...

У билан гаплашганда довдираганларим, валдираганларим...

Ҳеч эсимдан чиқмаяпти. Мен нималар деб юбордим...

«Менга турмушга чиқасизми?»

Қиз ҳам боплаб лойиқ бўлган жавобимни берди. Бошқа нима дейиши мумкин эдики...

«Ҳа, розиман» деб қучоғимга отилмаслиги аниқ эди албатта.

Бугун соат бешда Элизабет хоним уйимизга келар экан. Озгина бўлса ҳам қизи ҳақида бирор нарса ўрганарман, дея уйга қайтмоқчиман. Бу сафар кўлим бўш қолмаслигидан умид қилаётган эдим. «Аҳмоқ аёлга учрасанг, у сенинг қулингдир. Ақллисига учрасанг, сен унинг қули бўласан» деганди бир мутаффакир.

Бу Асуман деганлари шунчалар ақллими?

Ана шу ақли билан мени ўйин қиляптими?

Қиз менга имкон бермаганидан бироз ғазабда, кўпроқ ҳайратда эдим. Ўйлаганим сари ғазабим ошарди. Худди ҳамма хотин-қизлар мендан қарздордек...

Бу сафарги жиддий вазият ўз устимдан кулишга мажбур қиларди. Лекин бир ҳақиқатни ҳам инкор этиб бўлмасди: бундай ўйлашимга олиб келган ҳам қизлар ва аёллар эди.

Бугунгача менга учраган қиз ва аёлларнинг бирортаси мени рад этмаган, айбламаганди. Эркак бадавлат бўлса кифоя эди. Айниқса мендек келишган бўлсаку иш чўнтакда эди. Аёлларни бундай қийматсиз ва арзон кўриш мендаги сифатларга таъсир қилмай қолмасди албатта.

Ажабо, менинг ўйлаётганларим нотўғрими? Мен хато йўлдаманми?

Воқеаларга бошқа томондан қарасам, аксини ўйлай бошлардим. Ахир вазиятга фақат ўзимдангина келиб чиқиб баҳо бераманку. Бошқа эркакларчи? Улар қанақа? Уларнинг камчиликлари борми, уларнинг қай жиҳатлари танқид қилинади?

Агар гап аёлда бўлса, у чиройли бўлмаса ҳам эркакка имконият берса, «яшил чироқ»ни ёқиб қўйса, унда юз эркакдан тўқсон бештаси ҳеч бир ўлчов-мезон, принципни тан олмайди ва «Асло хиёнат қилмайман» деган қарорини унутади.

Унда кўпчилик турк аёллари ва эркаклари шахсиятсиз ўзликсиз қолибди ва улар ер билан битта бўлмоқда, тўкилмоқда. Булар ҳақида ўйлаб қалб гўзаллиги ва софлигининг эътиқод билан боғлиқлигини ўйлай бошладим.

Ўша куни Элизабет хонимнинг келишига мўлжаллаб уйга йўл олдим. Тартибли хоним бир дақиқа ҳам кечикмай ўз вақтида етиб келди. Дилимдаги режаларни тилга чиқармасдан аввал Белгиндан Элизабет билан гаплашишга рухсат олдим.

Залда ўтирган эдик. Қисқа суҳбатдан кейин инглиз тилида ўзим учун ҳам кутилмаган саволни бердим.

«Мен ҳам сиздан дарс олишни истаяпман, мумкинми?»

Элизабет хоним илиқ ифода билан жавоб берди:

«Сиз инглиз тилини инглиз адабиётчилари сингари яхши биласиз, назаримда. Гап-сўзларингиздан яққол кўриниб турибди. Эҳтиёжингиз йўқ, менимча».

«Такрорлаб, амалиётда қўлламоқчиман. Тарих ва назарияларда камчиликларим бор».

Элизабет биров ўйланиб жавоб берди: «Бўлиши мумкин. Менга фарқи йўқ. Қачон бошлайлик?»

Жуда зўр савол бўлди. Ҳаяжонимни яширишга уриниб дедим:



«Мен ҳозироқ бошлашга тайёрман. Белгиндан кейин бир соат шуғуллансак бўладими? Жуда зарур эдида...».

Бундай тез бошлайлик деганимга ажабланиб ўйланиб қолди.

«Бир дақиқа. Қизим билан гаплашиб кейин сизга жавоб бераман»

Телефонини олиб қизининг рақамини топаётганда яна ҳаяжонлана бошладим. Юрагимнинг дукиллаб уриши ҳаммага эшитилаётгандек эди гўё. Ерга тўшалган гиламни томоша қилаётгандай турардим. Гўшакдан Асуманнинг овози эшитила бошлади. Яхшироқ эшитиш учун кўлидан телефонни тортиб олишга ҳам рози эдим.

«Асуман, қизалоғим, бугунги келишувимизни эртага кўчирсак бўладими?»

Асуманнинг овозини эшитганимда тиззаларим жонсизланиб қолди.

«Онажон, қизлар олдида ҳижолатга қолмайлик. Очиғини айтсам яхши кўрган дугонам Баҳорнинг туғилган куни, уни бугун уймизга олиб келайлик. Ўгай отаси уйда қутлашга рухсат бермабди».

Элизабет қизини тушунди ва давом этди:

«Ҳа-а, бўпти гулим. Эртароқ қайтаман, Аллоҳга омонатсан, қизим».

«Сиз ҳам, онажон».

Хоним телефонда гаплашиб бўлганида унинг охириги гаплари миямда айланар ва мени ҳайратлантирарди.

Исми Элизабет бўлган бир аёл... Ҳайратимни яширмадим: «Сиз ҳам мусулмонмисиз?»

«Алҳамдулиллаҳ, албатта, мусулмонман»  
Яна саволга тутдим.

«Оилангиз ҳам мусулмонми? Илтимос, ҳайратим-  
ни тўғри тушунинг».

«Бемалол, бу табиий. Оиламдан фақат укам Жони  
мусулмон бўлди, бошқалар ҳали ҳам насроний».

«Нега сиз замонавий динни ташлаб, мусулмон бўл-  
дингиз?»

Бу саволим уни ҳайрон қолдирди. Бироз ўйла-  
ниб турдида, жилмайиб саволимга савол билан жа-  
воб берди:

«Насронийликнинг замонавий дин эканига далил  
келтира оласизми?»

Бироз каловландиму кўп ўйланмай жавоб бердим.

«Аввало, у ғарбнинг дини...»

«Сиз Инжилда тул хотинга уйланган эркак зино  
қилган ҳисобланиши ва жазоланишини биласизми?»

«Йўқ».

«Аммо тул эркак билан оила қурган аёлга жазо йўқ.  
Сизнингча, бу нормал ҳолатми? Ишончим комилки,  
агар бу ҳукм Қуръони Каримда бўлганида бутун дун-  
ёга жар солинарди».

Берган жавоби шунчалар таъсирли эдики, ҳатто на-  
фас олишга ҳам ботинмай унга кулоқ тутардим. Эли-  
забет хоним албатта буни пайқамаётган эди. Қанча-  
лар мантиқли жавоб! Аммо бу менда янги саволлар  
пайдо қилаётганди.

«Насронийликдан шунинг учун воз кечдингизми?»

«Йўқ, бошқа сабаблари ҳам бор».

«Ислоннинг қайси устунлуғи эътиборингизни тортди? Ниқоби десам, сиз ҳатто рўмол ўрамагансиз...»

Мен ҳали тугатмагандим, аммо хоним чидолмай гапимни бўлди:

«Яъни ислоннинг ниқобдан бошқа нарсаси йўқ демокчимсиз?»

Бирдан ўзимга келдим, чиндан Элизабет хонимга қўпол гапиргандим. Унинг мендан жаҳли чиқмади, табассум билан давом этди.

«Ислонда ниқоб фарз эмас. Сизлар юз миллионлаб очиқ кийинган аёлларни кўрмайсизлар лекин бештагина ниқоблини кўриб, ислон фақат ниқобдан иборат деб ўйлайсизлар. Ислонда бор нарсаларни билганингизда эди, бу саволни беришга журъат қилмасдингиз».

«Қандай фарз эмас? Мен бизнесим юзасидан кўп-лаб араб ўлкаларига бориб юрганман, у ерлик аёлларнинг ярмидан кўпи ниқобда».

«Кишилар серқирра ҳаёт тарзини яшамоқдалар. Баъзи ўлкаларда бу урф бўлган. Ҳар бир динга фарқли қарашлар ва тушунчалар хос. Лекин буларнинг ҳеч бири насронийларнинг Исо алайҳиссаломни илоҳийлаштиргани, пайғамбарни Худо атаганига етмайди».

«Сиз мени тобора ҳайрон қолдириясиз. Агар мумкин бўлса, ислонни қабул қилганингиз сабабини ҳам айтсангиз, жуда қизиқяпман» деганимда Белгин учиб келиб ўртага тушди.

«Бўлди, жаноб Юнусбей, бунчалик эмас энди. Мен чой ичгунча девдим, сен бир йилга етадиган қилиб гаплашдинг. Илтимос, бизни ёлғиз қолдир».

Белгиннинг кескин кириб келиши унга бўйсунмишга мажбур этди. Ўрнимдан туриб залдан чиқаётганимда

миямда ҳамон бироз аввалги суҳбат ва берилмай қолган саволларим айланарди. Ҳаёлларим остин-устун бўлиб кетганди. Йиқилиб қолсам ҳам суҳбатни тугаллашим шарт эди. Чунки энг муҳим саволимга ҳали тўлиқ жавоб олганим йўқ эди. Чиқишдан аввал одоб билан миннатдорчилик билдирдим.

«Сиз билан танишганимдан мамнунман, хоним афанди. Катта қизиқиш ва интизорлик билан иккинчи суҳбатимизни кутаман».

Чиндан ҳайрат ичида эдим. Инглиз аёли қандай қилиб мусулмон бўлди? Ахмоқ десам ахмоқ эмас, ҳатто жуда дунёқараши кенг ва маданиятли. Ўйчан бувимнинг олдига кирарканман, бир томондан жуда хурсанд эдим. Асуманга энг яқин киши Баҳор эканини билиб олгандим. Нима қилиб бўлса-да, Баҳорни топиб уни йўлга солишим керак.

Дугонаси орқали Асуманни қандай қўлга олиш мумкин? Ёки онаси орқали...

Режа устига режа тузардим. Баҳорни кўндириш мумкин! Қимматбаҳо совға билан кўнглига йўл топиш қарорига келдим ва мийиғимда кулдим.

Бу оламда пул очмайдиган эшик бормикан?

Элизабет юқорида, мен эса бувимнинг ёнидаман. Аввалроқ эслаб ўтилган, аммо охирига етолмаганим бувимнинг севги қиссаси мени ғулғулага солаётганди. Олдига кириб бувимнинг бирон нарсага эҳтиёжи бор-йўқлигини сўраганимдан кейин шу мавзуни очдим:

- Бувижон, сиз ёшлигингизда енгиллоёқ бўлган эмишсиз, шу тўғрими?

Ётган жойидан сакраб тураркан бувимнинг кўзлари ваҳима билан катта- катта очилди.

Бу ёлғонни сенга ким айтди?

Дадам айтди. Бобом «мен уни севиб яшадим, аммо у бошқасини севарди» деган эмиш. Сиз бобомга хиёнат қилганмидингиз?

Томдан тараша тушгандек очилган бу мавзудан довдираб қолган бувимнинг оғзи ланг очилиб қолганди. Аслида бу ҳақда гапиришим бироз калтафаҳмлиқ эди назаримда. Бошини икки томонга сарак-сарак қилганча жавоб берди.

«Йўқ. У менга хиёнат қилди. Ҳали ёш эдим. Эндигина ўттиз учга киргандим. Ҳуррам деган дугонам бор эди. Ўша дугонам билан ушлаб олдим уни. Сен биласанми бу оғриқнинг, бу азобнинг қандайлигини? Асло билолмайсан. Хиёнат азобини бошидан ўтказмагунча ҳеч ким тушунмайди.

Ўшанда ақлдан озай дегандим... Тилимдан шу тўртлик тушмасди:

Хиёнат қиларкансан, нега мени ўлдирмадинг?

Тоғларга совурдинг кулларимни ҳар кун.

Телбаларча севсамда, ҳеч мени кулдирмадинг

Бўлақларга бўлдинг мени, ўлим, ўлим!

Ўшанда росатдан ҳам ўлиб қоламан деб ўйлагандим. Беш ойда йигирма килограммга оздим. Иштаҳам йўқолди. Рангим бир аҳвол. Бобонг билан хонамни алоҳида қилдим. Фойдаси бўлмади. Кейин ўз уйимга кетдим. Хиёнатини ҳазм қилолмадим. Жуда бахтли яшаётган пайтимизда содир бўлганди. Туркия инқилобларга юз тутган маҳал эди. Эркақларнинг бош кийимлари муаммоси ғарб ўлкаларига эргашган тарзда ҳал қилинди. Халқ Қуръон таъқиқланишига кўнди. Чунки мажбур эди. Султон Абдулҳамид ҳақида ким

нима истаса, ўшани гапирди — унинг «Қизил султон» бўлганига ҳам одамлар ишонди. Халқ бош кўтаради деб ўйлагандик, аммо ҳеч ким кўтармади. Ох, ох, ох, охххх... Усмонли салтанатини соғ-саломат ағдарган эдик. Бобонг «Бу кунларга эсон-омон етиб келдик» деган гўзал кунларимизнинг бирида шундай қилди. Жаҳаннамга ишонмайман. У инсоннинг хиёнатга учраб, изтироб оловида тириклайин ёнишидир. Уйимдалигимда ортимдан бобонг кўп бора келди. Ялинди-ёлворди. Аммо мен унга ортиқ ишонмай қўйгандим. Кейин маҳкамага бердим, ажрашдик. Мен туби йўқ бир ёлғизликка кўмилдим.

Бу вақтда бобонг менга такроран ошиқ бўлибди...

Шунда бобонгни «Мен ҳам бир ҳарбийга ошиқ бўлдим. Севмадим, ошиқ бўлдим. У мени ёлғизликдан халос қилди. Унга ишондим» деб алдадим. Узоқ вақт шундай алдаб юрдим. Бобонг эшигимга келиб йиғлай бошлади. Шунчалар йиғладики, чидолмадим, у билан уйга қайтдим. Ишқимни фидо қилган бир кўринишда бобонгга қайтдим.

Ўттиз йил индамай яшади. Кейин давомли ҳақоратлар бошлади. Алоҳида ётадиган одат чиқарди. Мен ҳам безовта қилмадим. Энди даданг ҳақорат қилишга ўтдими?! Сенга ўхшаб келиб сўраганида мен айтиб берган бўлардим. Мана, келиб сўрадингку...

Хато қилганлар хато билан юзлашяптилар. Дадангдан ҳам хафа бўлдим. Мен Отатурк қизиман. Даданг менинг ўрнимга ҳам хотинини қўйди. Мен қаридим, умрим тугамоқда, яқин орада ўламан. Лекин у отатуркчиларни шарманда қилган Самира профессоридан жазосини топади. Табиат интиқомини олади. Менга қилганларининг бадалини тўлайди ҳали».

Эшитганларимдан лол қолгандим. Инсон йиллар давомида бир ёлғонга шунча асир бўлиши мумкинми? Бундайлар нечта бўлиши мумкин? Аммо бувимнинг ўтмишидан бохабар бўлиб биляпманки, кўпчилик ёлғонга асир бўлган экан. Кўзлари ёшга тўлган бувимнинг қўлларини сиқдим, яна савол бердим.

«Бобомга ўлим олдидан бу ҳақиқатни айтдингизми?»

«Йўқ! Мен йиллаб оловлар ичида ёндим. У ҳам мени ёққанидек ёнишини истадим. Баъзан «Мен эшаклик қилдим. Сенга хиёнат қилдим. Кошки сен инсонлик қилсайдинг, кошки сен менга «жавоб» қайтармаган бўлсайдинг» деб йиғларди.

Шунда мен ҳам: «Айбга буюрманг, мен ҳам эшаклик қилдим» дердим. Табиат қасос олади. Бобонгга ҳам бадалини тўлатди».

Бувим ҳадеб тилга олаётган бу табиат ким ё нима? У қандай қилиб қасос олади? Маҳалламизда ҳеч ким Аллоҳга ишонмайди. Аллоҳга эътиқодда нима бўлса, улар буларнинг барчасини табиатга боғлайди. Шу тариқа эътиқодга бўлган эҳтиёжини Аллоҳ демасдан табиатга юкламоқда.

Бу кулгули эмасми?

«Эътиқодга бўлган инсоний эҳтиёжни қоплаш учун Аллоҳнинг ўрнига табиатни қўйдик», деганди дадамнинг бир дўсти. Шунда мен «Инсон эътиқодга нега ҳам муҳтож бўларди?» дегандим. Ҳозир адашганимни тушунаётгандим. Нимагадир ишониш эҳтиёжи инсон табиатига хос жиҳатдир. Фақат бу муҳтожлик ёшлиқда унча билинмаслиги мумкин. Аммо кексайиб бораркан бу эҳтиёж албатта овоз беради.

Бувим оиламиз учун бир жиҳоз каби аҳамиятсиз ва қийматсиз бўлиб қолган эсада, мен учун ундай эмас-

ди. Қариллик қадрсизлик дегани эмасдир. Фақат шахсий манфаатини ўйлайдиганларгина ўз манфаатларига мос келмай қолган ёки ортиқ манфаат келтирмай қўйган одамларга жиҳоз каби муносабатда бўлади. Фақат шундай манфаатпарастларгина одамни одам ўрнида кўрмаслиги мумкин.

Бувим билан қанча вақт ўтказмай, қанча кўп суҳбатлашмай ҳаёлимнинг бир четида барибир Асуман тураверарди. Ҳаёлим у билан мудом банд эди. Унинг ҳам ўзига ишонган, ҳам жуда маъсума тарбияли қиёфаси кўз олдимда муҳрланганди. Уни ҳам сева бошладим, ҳам ғалати бир ҳис билан ундан нафратланаётгандим. Бу қоришиқ туйғуларни қандай таърифлашни билмасдим...

Бувимнинг шу ёшда ҳам бунчалар чиройли гапирishi эътиборимни тортди. Бир жойда ётиб қолган бўлса ҳам, кўриниши ёмон эмас, хуши ҳам жойида эди. Бунга қандай эришгани ҳақида ўйлай-ўйлай жавобини топгандек бўлдим.

Биринчидан, кўп китоб ўқирди. Иккинчидан, кўп сув ичарди. Учунчидан, ҳар тонгда сут, ётар олдидан эса лимон шарбати қўшилган қатиқ ичишни қанда қилмасди. Тўртинчидан, охирги йилларда то ётиб қолгунча ҳар куни бир соат албатта пиёда юрарди. Қовурилган, ёғли таомлар емасди. Енгил салатлар ва кўкатларга сирка сепиб ер, шу тариқа ичакларини заҳар ва хилтлардан тозалашини айтарди. Уйига сариёғ ва зайтундан бошқа ёғларни киритмас эди.

Кўп китоб ўқиганларнинг ақли жойида бўлади. Лекин табиат қонуни шундайки, ҳар кексадан албатта нимадир кетади, озаяди, пасаяди. Одатда, кексалар мияси кичрайиб, хотираси пасаяр экан. Аммо кўп ўқиганларни бу четлаб ўтиши мумкин экан. Ўз ҳолига



ташлаб қўйилмай доимий ишлатилган ақл ва мия ту-  
файли хотира пасайиши уларда кам кузатилар экан.

\* \* \*

Бувимнинг хонасидан паришон аҳволда чиқаркан-  
ман, кўча эшикка қараб юраётган Элизабет хонимни  
кўриб тезлашдим. Олдига келиб одоб билан сўрадим.

«Бир дақиқа... Ҳалиги... Машинангиз борми?»

Элизабет ўтирилиб қаради ва биров хайрон бўлди.

«Йўқ».

«Унда сизни уйингизга ташлаб қўйиш шарафидан  
мени маҳрум этмасиз?» дедим назокат билан.

«Катта раҳмат. Фақат бугунга майли. Бошқа так-  
рорламаслик шарти билан» деди жилмайиб.

Шунчалар хурсанд эдимки буни таърифлаб бера  
олмайман.

Машинага ўтирдик, хоним орқага ўтирди.

«Қаерда яшайсиз?» сўрадим.

«Шишлида», деди.

Ҳаяжонимни сездирмасликка уриндим. Чала қолган  
сухбатимизни балки йўл бўйи тугатармиз. Бир томон-  
дан Асуман ҳақида кўпроқ билишни истаётгандим. Ўша  
мени ўзимни йўқотишга мажбур қилган қизнинг ўзи-  
дан давлат душмани бўлиши сабабини сўрамоқчи эдим.

Унинг «Илтимос, мени ташлаб кетманг. Сизсиз  
яшолмайман, керак бўлса - динимдан чиқаман, фақат  
ташлаб кетманг» дейишини кўриш учун бир дақиқа  
бўлса-да тўхташни, кутишни истамасдим.

Баъзан ўйлаб қолардим: «Ажабо, мен икки руҳли инсонманми?»

Машинани Шишлига ҳайдаб борарканман сўрадим:

«Сиз менга бироз ғалати туюлдингиз. Тўғриси, гапларингиздан жуда таъсирландим. Қандай қилиб мусулмон бўлганингизни менга бирор кун айтиб берасизми?»

«Албатта, мамнуният билан айтиб беришим мумкин... Олдин бир инглиз мақолини келтирсам — Яратувчилик билимдан муҳимдир. Менинг ҳаётий фалсафам шу тамойил устига қурилган. Эътибор қилинг, биз яратувчилик эмас, ихтиро қилиш жиҳатидан ёндашганмиз. Яратмоқ фақат Аллоҳга хос. Исломни ҳам шундай ёндашув орқали танидим».

«Демак, сизнинг исломгача ҳам таянган принципларингиз бўлган?»

«Албатта! Принципсиз ва мақсадсиз инсон ҳеч нарса қилолмайди».

«Мақсадлар муҳим, демоқчисиз?»

«Айнан. Яна бир инглизча мақол келтираман — бир нарсани ўз олдига мақсад қилиб қўйган, астойдил истаётган бўлсанг, демак, уни уддалай оласан. Мен принципларимга мақсадларимни қўшдим. Ўзимни ўзим ўқитишга, ўзим учун тўғри бўлган динни танлашга қарор қилдим».

Орқа ойнадан ҳар бир гапларига алоҳида мафтун бўлаётганим Элизабет хонимнинг юзига қарадим. Эътиборимни яна йўлга қаратдим. Ихтирочилик ва яратувчилик орасидаги фарқ ҳақида ўйларканман ёдимга Асуман келди. Аммо у ҳақда тўғридан-тўғри сўрай олмасдим. Гапни узоқдан айлантириб келдим.

«Қандай бахт сиздек онанинг фарзанди бўлиш... Фарзандларингизни ҳам ўзингиз каби етук қилиб тарбиялаган бўлсангиз керак?»

Элизабет жилмайди.

«Кўп шукур, қўлимдан келганини қилдим. Аммо менда тескари бўлди — қизим устозлик қилди. Дадамиз эса ҳам мен билан, ҳам болалар билан шуғулланади. Бизнинг икки фарзандимиз бор. Хўжайиним ҳафтада бир кунни фарзандларимизга ажратади. Биз яна ҳар куни кечқурун бир соат китоб ўқиймиз».

«Офарин, сиздек вазири бор оила қандай бахтли».

Ўзимдан нафратланиб кетдим. Расман жумҳурият душмани бўлган бир аёлга хушомад қилаётгандим. Аммо мен буни назорат қила олмаётгандим, Элизабет хонимнинг гапларига ростдан мафтун бўлаётгандим. Шу боис мақтовим ҳам самимий эди. Ҳатто унинг давлат душмани экани ҳам таассуротимни ўзгартирмаётганди. Йўл бўйи гаплашиб кетдик. Етиб келганимизда хоним мени бир финжон қаҳвага таклиф қилди.

Қувончдан юрагим ёрилиб кетаёзди, нафасим тезлашиб, ўзимни йўқотиб қўяй дедим.

«Сизнинг уйингизда қаҳва ичиш мен учун шараф, аммо овора қилишдан тортинаман» дея аслида истаётганимни билдирдим.

«Марҳамат, бемалол».

Албатта, бу таклифни севиниб қабул қилдим. Биргаликда қулай шароитли бинонинг 3-қаватига чиқдик. Элизабет эшиқ қўнғироғини чалди. Юрагим ҳаяжондан кўксимни ёриб чиққудай эди. Эшикни бинафшаранг юбка, нақшлари бинафшаранг енги калта кофта кийиб олган сочлари узун чиройли қиз очди. Қанча

диққат билан қарамай уни таний олмадим. Фақат овозидан Асуман эканини билиб, ўзимни йиғиб олдим.

Асуман бирдан ўзини четга олди: «Она, бу нима қилганингиз? Эшик тирқишидан қараб, сизни кўриб очтирмайсизми биров билан келганингизни билдириб? Майли... Марҳамат...»

Элизабет хоним ҳижолатдан юзи қизарди.

«Қизим, маъзур тутасан, эсимга келмабди» деди.

Ичкарига кирдик. Асуман кўринмай қолди. Ишончим комилки, мени кўриб роса ҳайрон қолди. Уйнинг безалиши, жиҳозлар жойлаштирилиши, умумий кўринишига мафтун бўлдим. Ҳамма нарса сутдек оқ рангда эди — ашёлар, гилам, девордаги махсус безаклар... Тўғриси, бунақасини илгари кўрмагандим. Диван ва оромкурсиларнинг чети қора қиррали, рамка ва гулдонларда ҳам бир сантиметрлик қора чизиқ бор. Бу ер ҳузур ва фароғат манзили десам муболаға бўлмасди. Алоҳида жойда очилиб-яшнаб ётган гунафшларга кўзим тушганида бу уй шинамлигининг сирини тушунгандек бўлдим. Бу уйдаги кайфият ва қувват унда яшайдиган одамларнинг тоза қалбларидан озикланарди гўё.

Бироз ўтиргач, гапни ҳатто «хуш келдингиз» ҳам демаган Асуманга бурдим: «Билмай қизингизнинг жаҳлини чиқариб қўйдим, шекилли. Чикса, узримни сўраб қўярдим».

«Йўқ, у жиддий зарурат бўлмаса, одатда, меҳмонлар олдига чиқмайди. Қизим бироз бошқачароқ».

«Демак, дунёқарашларингиз бир хил эмас?»

«Йўқ, ундай эмас, орамизда фақат битта фарқ бор. У эътиқодига ҳам ишонади, ҳам уни амалда яшайди. Мен ишонаман, аммо амалда қизим сингари бажаролмаяпман».

Сўнг Элизабет кутилмаган иш қилдики, натижада юрагим ўйнаб, оёқ-қўлларим титрай бошлаганини сезмади ҳам.

«Асуман, чиқ, қизим, меҳмонимиз безовта бўляпти. Сендан узр сўрамоқчи экан, шакар қизим, ёнимизга келасанми?»

Асуман қаршимда пайдо бўлгунча яна нафассиз қолдим.

Бепарво кўринишда, устида кўркам диний либос бор эди.

Ичкарига кирар-кирмас гапира бошлади:

«Чақирмасангиз ҳам чиқмоқчи эдим, она» деди ва менга қаради:

«Хуш келибсиз, жуда қизиқяпман, қандай сабаб билан сизни меҳмон қилиш шарафига лойиқ бўлдик?»

Асабийлашгани, жаҳли чиққани кўриниб турарди. Мен эса, аксинча, сокин ва табассум билан жавоб бердим.

«Онангиз қаҳва ичишга таклиф қилди».

Тўхтаб қолди... Яна ҳам асабийлашди.

«Унда мен қаҳвангизни тайёрлай, ишингиз кўп бўлса керак. Сизни кутдириб қўймайлик».

Мени ақлли ва маданиятли тарзда уйдан қуваётган эди. Онаси қандай қаҳва ичишимни сўради.

«Шакари ўртача бўлсин» дедим.

Қаҳвани тайёрлаб, онасига деди.

«Она, қаҳвани оласизми?»

Элизабет қаҳваларни олиб келди. Атайлаб қаҳвани жуда секинлик билан ичдим. Аммо қанча ўтирсам ҳам у қайтиб чиқмади. Бекорга кутаётган эдим, қаҳвам ҳам тугади. Ўрнимдан тураётганимда эсимга тушди — исмини билардим, аммо фамилияси, отасининг исмини билмасдим. Буларни албатта билишим керак эди. Элизабетдан Facebookда бор-йўқлигини сўрадим. «Борман» деди. У ердаги исм-шарифини сўрадим. «Дўстлик юборсам бўладими?» дедим.

Эшитган жавобим қизиқ эди.

«Албатта бўлади, ука. Эркаклар дўстлигини қабул қилмайман аслида. Аммо оилангизга бўлган ҳурматим, қолаверса, фарзандим қаторисиз, балки диний саволларингиз бўлиши мумкин, шу сабабли қабул қиламан».

Бу гаплари асабимни бузди. Оилам билан илиқ мунобатда эмаслигим, уларнинг атеист эканини ҳам билади. «Балки уларни ҳам исломга киритаман, диндор қиламан» деяётгандир ўзича. Бунда ўзим учун таҳлика кўрмаётгандим. Албатта сўрайман, дедим ичимда.

У ердан қайтиб, онамдан суюнчи олишга шошилдим. Тўғри залга кирдим. Ана, онам ҳам келган экан, столда тирноқ эговлаб ўтирган экан. Менга кўз қарида қараб, ишида давом этди. Менинг хушхабарни тезроқ бўлишгим келарди. Дадам диванда газета ўқиб ўтирарди.

«Она, сизни кўрганим яхши бўлди».

«Ҳмм, нимага?» деди бошини кўтармасдан.

«Асуман тузоққа қараб келяпти. Ҳозир уларнинг уйларида келаяпман. Дарров огоҳлантириб қўяй, иде-

ал оила экан» деганимда онам юзимга қаради. Битта қоши ҳайратдан тепага чиққан эди. Жаҳли чиққани юзидан кўриниб турарди.

«Диндорларнинг хатоларини кўрмаганингга яраша, илтимос, тўғри ишларига ҳам қарама. Қиз сен билан қизиқяптими?»

«Йўқ она! Жуда жиддий ва босиқ. Эртага университетга яна бораман. Уйда меҳмон бўлган одамга қўпол муомала қилолмаса керак. Эртага уни қафасга тушираман деб ўйлаяпман» дея бироз мағрурландим.

Аммо ичимдаги бир овоз унинг қаттиқ ёнғоққа ўхшашини, қўлга тушириш осон бўлмаслигини пичирларди.

Агар яшираётган ҳақиқатларимни уйдагилардан бирортаси билиб қолса борми, тамом бўламан!

Дадамнинг ёнига ўтириб унга ҳам мақтандим. Дадам иккимиз бир хил фикрлардик:

«Кўрқма, пулинг бор, сени ҳеч бир қиз рад эта olmayди» деди ишонч билан.

Оилам мени қўллаб-қувватлагани билан Асумандан ҳадиксираётгандим. Бунча мақтовдан кейин уни қўлдан чиқариш эркаклик шаънимни ер билан битта қиларди.

Онам эса бу сафар хурсандлигидан қичқирарди.

«Ураааа, яна битта рўмоллини яксон қиламиз, динидан суғуриб оламиз. Биз ғалаба қозонамиз, биз ютамиз!»

Гапларимизни эшитиб турган Белгин ҳам кириб келди ва уларга қўшилди.

«Сенинг бир қарашинг етади» деди кулиб.

Даҳшатли ва ҳалокатли йўлга кирганимни ўзим ҳам билиб турардим. Мен Отатурк ёшлариданман, ҳеч ким жумҳуриятимизга тил теккиза олмайди, дея бир тузоқнинг ичига кирдим. Эртага уни қўлга киритганимнинг илк натижаларини кўришдан умидвор эдим. Хонамга кириб, facebook ни очдим. Қидирувга Элизабет хонимнинг исм-шарифини ёздим. Хонимни топиб унинг «дўстлари» ичида Асуманни ҳам кўрдим. Ҳаяжонланиб унинг профилини дарҳол титкилай бошладим.

Интернет орада секинлашиб қолганида юрагим тўхтаб қолай дерди. У профилига юзи кўринмайдиган расм қўйган экан. Зудлик билан тармоқдаги дўстлари рўйхатини кўриб чиқдим. Ҳаммаси қизлар ва аёллар экан. Эркаклар деярли йўқ, борлари ўхшаш исм-шарифли, яъни қариндош-уруғлари экан.

Фақат биттагина эркак бошқача шарифли экан. Ўшанинг профилига кирдим. Расмини кўриб асабийлашдим. Чунки келишган ва кўркам йигит экан. Унинг ким эканини билиш учун текширгунча бўларим бўлди. У Асуманнинг ёзганларига давомли «ёқди» ишорасини қўйган ва ўз саҳифаларида улашиб борган эди. Йирик компания асосчиси экан. У мендан ортиқ бўлса ортиқ эдики, асло кам эмас эди.

Ишончим комилки, унинг ҳам кўзи Асуманда...

Охири нима бўлишини билмасдан кирганим бу майдонда катта тўполонлар, жанглар юз беради шекилли.

Маيلي! Катта урушларга тайёрланганлар янада кучли бўлармиш!



\* \* \*

Эртаси куни ўқишга бориб, доимги жойда Асуманни кутдим.

Ярим соатдан кейин қарасам, ёнида чиройли бир қиз билан бирга келмоқда. У ҳам Асуманга ўхшаб ўранган эди. Асуман мени кўриши билан ранги ўзгарди, дарров бошқа томонга бурилди. Чопиб ёнига бордим.

«Илтимос, мени эшитинг, илтимос. Дугонангиз билан бирга келинг, бирор кафедра чой ичиб, гаплашайлик. Битта чойга кетадиган муддатча имкон беринг менга».

Бу гапларимни эшитиб шиддат билан кетаётган қадамларини секинлатди.... Бошини сарак-сарак қилди...

«Исмингиз нима эди?»

Эййййй! Нима, бу исминини ҳалиям билмасмиди?

«Исмин Юнус».

Кўзларини мендан олиб қочиб сўради. Юзида қатъийлик ва жиддийлик бор эди.

«Юнусбей, мен сизга кафеларга бориб юрадиган ёш қизалоқ эмаслигимни айтган эдим. Бу биринчидан... Иккинчидан, сиз билан гаплашгим келмаётганини ҳам айтгандим. Сизга қандай гаплар таъсир қилади, шуни менга билдирсангиз».

Салмоғи тошдан оғир бу гаплар остида эзилиб, изза тортдим. Аммо таслим бўлиш ниятим йўқ эди.

«Имкон беринг, гапирай. Сизни кўрган кунимдан бери ҳаловатим йўқолган. Мени нима учун рад этмоқдасиз? Кўнглингизда бошқаси борми?» Бу гапимнинг жаҳлини чиқарган эди. Овоз оҳанги ўзгарди.

«Тўғри гаплашинг» дея дўқ урди. Нима дегани у?

«Мен мусулмонман. Айланиб, учрашиб, етаклашиб юрмайман. Қолаверса, ҳеч кимни севмайман, сиз эса менга умуман тўғри келмайсиз! Ҳар ҳолда ёш қиздан бундай гапларни эшитган эркак у қизнинг атрофида юрмайди, ҳатто қуш бўлса ҳам бунча гапдан кейин ўша ердан учмайди!»

Бошимга болғадек тушган ҳар бир сўзидан яхшигина асабим бузилган эди. Лекин у менинг аҳдимни билмасди. Уни ишонтиргунча тўхтамоқчи эмасдим.

«Менга фурсат беринг, ўзимни танитай, балки сизга тўғри келадиган инсон эканимни тушунарсиз».

Асабийлашганча кинояли кулиб деди:

«Йўғеее, сиз одамга ўхшаб тушунмаяпсиз. Охирги сўзим - қайтиб йўлимдан чиқманг! Баҳор, сен гувоҳ бўл, бу жаноб яна қаршимдан чиқса, аяб ўтирмайман, пушаймон қиламан»

Жуда қаттиқ хафа бўлганимни кўриб турган бўлсада, эътибор қилмади. Шафқатсизларча барча эшикларни юзимга қарсиллатиб ёпди.

Демак, Асуман Салжук айтганидек номусли, иффатли, иймонли, шахсиятли ва ўзига ишонган қиз экан.

Ўзимни худди чайлада яшайдиган ночорларнинг фарзандидек ҳис этдим. Бу оғир кайфиятдан қандай қутулиш ҳақида ўйлай бошладим. Уйга келганимда оила аъзоларимнинг барчаси мени ҳаяжон билан кутиб ўтирган эди. Залга кирганимда биринчи бўлиб онам ҳузуримга отилди:

«Нима бўлди, паҳлавон ўғлим? Қизни кафега олиб бордингми ё йўқми?»

Унинг ортидан Белгин гап қўшди.

«Балки кафе-ю таомдан сўнг бошқа нарсалар ҳам бўлгандир...»

Дадам ҳам хўр бўлиб жамоага қўшилди, у ҳам ишонч билан деди:

«Мени ўғлимга қайси қиз эътибор бермаслиги мумкинки!»

Оғизларидан чиқаётган жамики сўзлар менга найзадек санчилаётган эди. Ўзимни қопдек оромкурсига ташладим.

Элизабет принципларим ва мақсадимни бирлаштираман деган эди...

Онамнинг баланд овозидан чўчиб кетдим.

«Нима бўлди, Юнус? Нега индамайсан? Қизни бирор жойга олиб бордингми-йўқми?»

«Она! Бунақа ишлар бирпасда бўладими? Озрок вақт талаб қилади».

Орага Белгин суқилди: «Нима сабабдан бирпасда бўлмас экан?»

«Тушунмаяпсизларми, бу қиз бошқалардан фарқли».

Онам эътироз билдирди.

«Ноз қиляпти, айёр тулки. Аллақачон ўғлимни ёқтириб қолган, зотан ўғлимга ўхшаган йигитларни ёқтирмайдиган қиз йўқдир!»

Менинг устимдан бўлаётган бу суҳбатга ортиқ тоқат қилолмай, бақирдим:

«Етар! Баққолдан олма олмаяпмиз, бу қиз эътиқо-дида жуда мустаҳкам».

Онам яна ўзини йўқотиб бақир-чақир қила бошлади.

«Агар бу қизни қўлга тушира олмасанг, шармандангани чиқараман. Уларнинг чеккаларда қандай бир-бирининг қўйнига кириб ҳидлашаётганларини кўриб турибманку».

«Она, ўзини тутолмайдиган бир-иккита ахлоқ қиз билан буларни тенглаштирманг. Бу қиз бошқача. Нима, куч билан судраб олиб боришим керакми-ди? Қиз мени ҳатто одам ўрнида ҳам кўрмади. Мен унинг тенгги эмасмишман. Унинг ўзи юзимга айтди».

Уйимдагиларнинг юзи ўзгариб кетди, аммо билдирмасликка интилишди. Ўзимнинг кайфиятим ҳам тушиб кетганди. Хонамга кириб, Facebook ка кирдим. Элизабет ва Асуманнинг дўстлари ичидан Баҳорни осонликча топдим. Унга дўстлик таклифини юбордим. Дўстлик истагимни қабул қилиши билан ёздим.

Юрагини таърифсиз севги тимдалаётган ошиқ йигит ролида шундай ёздим:

«Баҳор, синглим, ишонинг, мен Асумансиз дунёни ҳаёлимга сиғдира олмаяпман. Мен у билан оила қурмоқчиман, ниятим жиддий. Менга сиз ёрдам бера оласиз. Бу яхшилигингизни ерда қолдирмайман, сизга истаган моделингиздаги автомашинани ҳадя қилишим мумкин» дедим.

Баҳордан заҳарлар ёғилган бир жавоб келди.

«Юнусбей, бизда пора олиш ҳаромдир, гуноҳдир. Қолаверса, биз дўстимизни сотмаймиз. Илтимос, менга бошқа ҳеч қачон ёзманг. Ва шуни ҳам унутманг - биз мусулмонлар одамларга ёрдам берамиз, аммо бу ёрдамни сотмаймиз. Аллоҳ учун, инсонийлик учун қиламиз».

Қўлларим бўшлиққа узалганча қолаётганди. Қизнинг бу кескин жавоби қаршисида дарҳол узр сўрадим.

«Илтимос, мендан нафратланманг, Асуманнинг севгиси ақлимни бошимдан олди. Ўтинаман, Аллоҳ учун мени кечиринг. Менга ёрдам беринг. Ахир динимизда никоҳга воситачи бўлмоқ савобдир».

Бу сафар яхши жавоб келди.

«Бу тартибда сўралган илтимосни ўйлаб кўриш мумкин. Мен бир ўйлаб кўрай».

«Мени нега истамаяпти, нимадир биласизми?»

«Билмайман, лекин сизни эслаётгани йўқ. Сизни пулига ишонган, кечирасизку, пули билан мақтанадиган йигит деб ўйлайди. Сиз «Мен бойман, шунинг учун барча қизлар менинг харидорим» деб ҳисоблар экансиз. Яъни сиз ҳақингизда бирорта ижобий фикри йўқ. Яна бир нарсани айтганди».

«Нима деганди?»

«Онангиз хақида... Онангизга Асуман бир байт ўқиб берган экан:

Инсон уч-беш томчи қон, ирмоқ уч-беш томчи сув

Бир ҳаётга келдикки, ҳаётга қурмиш тузоқ.

Келди ўлим билан ёлғон, кетди ўлимсиз ҳақиқат

Сизни тирик қолдирадиган жасадлар, сизни ким тирилтиради.

Бу аёлнинг ўғли диндор бўлса ҳам, турмушга чиқмайман, асло. Агар аёл яхши бўлса ҳам, барибир турмушга чиқмас эдим... У, менимча, даҳрий деганди».

Оҳҳх, Асуман аслимни танибди, очиқ китоб каби ўқибди... Лекин мен алдашда давом этавердим.

«Мени яқиндан яхшироқ билса, ҳали бу гапларидан уялади».

Баҳор ачинди:

«Менимча, сизни ҳеч қачон яхшироқ танимайди».

«Ундай деманг, умидимни пучга чиқарманг».

«Билганимни айтяпман, айбга буюрманг».

«Нима, кимнидир яхши кўрадими, севгани борми?»

«Йўқ, ундаймас. Лекин уни ёқтирадиганлар жуда кўп».

«Уни Комил Оққуюн деганлари кузатиб юради, биласизми?»

«.....»

«Биламан, ҳаддимдан ошаяпман... минг узр... Аммо бунини бошқара олмаяпман... ишққа мағлуб йигит ҳолини тушунинг... илтимос, эшитинг... умримда ҳеч қачон шунақа севиб йиқилиб қолганимни эслолмайман»

«.....»

«Баъзан бирор нарсани аниқлаш керак бўлганида сизга ёзиб турсам, телефон қилсам бўладими?»

Баҳорнинг бунга қаршилиги шундоққина билиниб турарди... «Маили, бўлиши мумкин» деди қисқа қилиб.

Озгина бўлсада хотиржам тортдим. Баҳорни ишқдан ёнаётган бир ошиқ эканимга ишонтирсам, режаларим тезроқ амалга ошарди. Лекин бу кетишда давом этса, ёлғон ростга айланиши мумкин.

\*\*\*

Орадан қанча вақт ўтса-да, Асуман масаласида ўзгариш бўлмади. Кунлар ўтгани сайин адоватим ва шу билан бирга севгим ҳам кучая бошлади. Сабр қилиш мен учун азобга, машаққатга айланганди. Оиламда-

гилар, айниқса, онам шу мавзуни очишдан чарчамас, бу эса аҳволимни баттар оғирлаштирарди. Топиб олган гапи: «Битта ўргимчак бошлини қўлга ололмадинг, қўлингдан ҳеч вақо келмас экан».

Ҳа, мен уни ҳар куни кўраётгандим. Унинг тик ва мағрур юриши мени ўзига ром этар, жозибаси олдида ҳаяжоним икки баравар ошарди. Ишимдан ҳам унум йўқолганди. Ишлашга хоҳишим ҳам, кучим ҳам йўқ эди. Дадам эса ғалати алфозда корхонага бориб-келар, текшириш ва назорат ишларини ҳеч ташлаб қўймас эди. Инсонни мунтазам кузатиш босим ҳисобланса-да, бунинг ижобий тарафлари ҳам бор экан.

Ўша куни дўстларим билан тунги клубга бордим. У ердан ҳам маза-матраса тополмай, ярим соатда чиқиб кетдим. Ҳаракатсиз бўш кўчаларда ўйчан машина ҳайдаб кетарканман, денгиз қирғоғида тўхтадим. Денгиздаги тўлқинларни томоша қилиб узоқ ҳаёл суриб ўтирдим. Мен ўзи нималар қиляпман? Ҳаётимда ҳеч бундай алдам-қалдам иш қилмагандим. Тобора ўзимдан нафратланиб бораётгандим. Шу ҳақда ўйлашдан зада бўлаётган эдим. Ҳазил-ҳузул билан бошлаган марафоним қандай ҳолатга келди.

Бу қиз мени қандай қилиб қабул қилмаслиги мумкин?

Буни ўйлаш ҳатто ҳужайраларимни оёққа турғизиб, тўзғитиб юбораётган эди.

Демак, мени аёллар бугунга қадар ҳаддан ортиқ эркалатиб кўкларга чиқариб юборган экан. Энди битта-сидан рад жавоби олганимни ҳеч қабул қилолмаяпман.

\* \* \*

Элизабет мен билан шуғулланмоқда. Асуман мен ҳақимда онасига ҳеч нарса демабди. Қизиқ...

Дарсимиз инглиз жиноят ҳуқуқига бағишланган. Ҳар бир ишим билан бошимга янги оғриқ сотиб оляпман... Элизабет хоним билан суҳбатларимиз борган сари самимий тус олмоқда. Ҳатто бир-биримизга сенлаб мурожаат қила бошладик. Аммо онам безовта. Фарзандларининг диндор аёлдан дарс олишларини ҳазм қилолмаётган эди. Ажратишга ҳаракат қилди. Аммо Белгинни йўлга ололмади, кўлидан келмади.

Элизабетнинг диндорлиги мени астойдил қизиқтириб қўйганди. Қандай қилиб мусулмон бўлганини ҳамон тушуниб ета олмасдим. Бир куни дарсимиз тугаётганида ундан бу ҳақда айтиб беришини илтимос қилдим. У рози бўлди, аммо бироз хавотир олаётган ва хавфсираётган эди.

«Онангиз шундоқ ҳам мендан норози. Энди сизга қандай қилиб мусулмон бўлганимни айтиб берганимни эшитса...» деётган эди, гапини бўлдим.

«Бунга аралаша олмайди!»

Элизабет хоним аввал орқа-олдига қараб олди, кейин бошини таъкид маъносида қимирлатди. «Унда бошлайлик» деган ҳам эдики, пастдан онамнинг овози келди. Хизматкоримиздан уйда ким борлигини сўраётган эди.

Ёрдамчимиз бизнинг уйда эканимизни, юқорида дарс қилаётганимизни айтди. Яна исломга кириш ҳикоясини эшита олмадим. Қачон бу ҳақида сўз очсам, албатта бирор тўсиқ чиқарди.



Бу гал ҳам «Сиз инглиз аёли бўлатуриб, исломни қаердан қандай топдингиз? Нима учун қабул қилдингиз» дея олмадим. Кичиклигимдан ислом ҳақидаги саволларимга фақат онам жавоб берган, менга исломни у танитган эди. Онам танитган ислом мени ҳеч қачон ўзига тортмаган, қизиқиш уйғотмаган эди. Ислом қандай қилиб бир инглизни бунчалар ўзига тортганини ҳеч тушуна олмасдим.

Шанба тонги. Мен уйғонгандим, аммо илиққина ўрнимда яна бироз ётмоқчи бўлдим. Аммо онамнинг пастдан кетма-кет чақираётганини эшитдим. Шанба куни ҳам тинчлик йўқ эканда. Аста уйқусираганча пастга тушганимда онам залда асабийлашганидан ер тепиниб ўтирарди.

«Она, тинчликми?» дедим.

Битта қоши тепага кўтарилди. Қаттиқ асабийлашгани юзидан кўриниб турарди. Жаврай кетди.

«Тинчлик-пинчлик деб қолибсанми? Эшитишимча, Элизабетнинг қандай қилиб мусулмон бўлганига жуда қизиқаётган эмишсан! Бир инглизнинг қандай ва нима учун мусулмон бўлгани сени нега бунчалар безовта қиляпти? Сенга нима?»

Энди тушундим, мени эрта тонгдан шу туфайли асабимни бузиш учун чақиринган экан.

«Она, илтимос, 28га кирган тадбиркор одамлигимни унутманг! Безовта бўлишим ё қизиқишим таъқиқланганми? Сиз менга тушунтирган дин зўравонлик, чиммат, ниқоб ва шахвонийликдан иборат. Бундай динни ақли бор инсон қандай қилиб қабул қилиши мумкин? Мен буларни аниқлашни, ўрганишни истайман».

Она бақириб-чақира бошлади.

«Ўрганмайсан, ўша хотинни нега исломни қабул қилганини ўрганмайсан! Мен қаршиман, умримнинг охиригача бунга рухсат бермайман!»

Онамнинг бундай таъқиқларига, менга қўллаётган қонун-қоидаларига чидай олмай қолгандим. Мен ҳам овозимни кўтариб бақира бошладим.

«Она, менга бундай буйруқ беролмайсиз, кап-катта эркакман, энди ёш бола эмасман. Мени ҳали ҳам саккиз яшар бола деб ўйлаяпсиз чоғи. Асло! Саккизга яна йигирмани кўшинг».

Овозимни бироз пасайтириб сўрадим: «Ўзингиз қизиқмаяпсизми?»

Кўзлари оловда ёнгандек қизарган бир аҳволда «Қизиқмаяпман!» деди.

«Ёлғон гапиряпсиз, она. Хавотир олмаслик, қизиқмаслик мумкин эмас. Менимча, сиз исломнинг аслида тушунтириб берганингиздек дин эмаслигини билиб қолишимдан чўчияпсиз. Ҳақиқатни билиб қолишимдан кўрқаяпсиз. Айтиб кўяй, сиз кўрққанингиз сари мен кўпроқ ислом билан танишгим, уни ўргангим келяпти».

Онамнинг баттар авзойи бузилди. «Жуда эркаланиб кетдинг сен бола. Ҳа, бошга чиқиб олдинг, ҳаддан ошдинг. Сенга қандай юриш-туриш, нима қилишни кўрсатиб кўяман».

Онам менга бундай таҳдидлар қилишга ўрганиб қолган. Аслида унинг бутун норозиликлари остида ётган бошқа сабабларни ҳам билардим. Тортиниб ўтирмай буни ҳам ўртага ташладим:

«Она, сайловда катта эҳтимол билан Ражаб Тойиб Эрдўғон кучли шаклда қайта сайланиши мумкин. Балки шу сизни асабийлаштираётгандир?»

Истеҳзо билан кула бошлади.

«Ҳа, жуда сайланади, сайлаб қўйишади. У энди ҳокимиятни тушида кўради. Қолаверса, келганда ҳам менга нима қила оларди? Университетларга биз раҳбармиз. Асл инсонлар бизмиз, биз ойдинлармиз. У ҳукумат бошига келган тақдирда ҳам ҳеч қачон кучли бошқарувчи бўлолмайди!»

«Нега?»

Менинг хотиржам берган жиддий ва оғир саволим онамни яна тутақтирди.

«Нега – пегаси йўқ, шунақа! «Ак Parti» бошқа ютиб чиқолмайди. Асло! Ҳеч қачон! Буни унутма!»

Онам кўпинча ноҳақ бўлишини биламан. Ҳамиша шундай бўлган. Айниқса, ижтимоий-сиёсий қарашларида. Фақат мен буни тушунмасдан ва изоҳ талаб қилмасдан қабул қилиб кетаверардим. Аммо энди саволларимга жавоб олишим шарт эди.

«Она, биз ойдинлармиз деб, ҳақиқат биз тарафда деб халқнинг катта қисмини табақалаштириб, айирмачилик қилиб, четга чиқардингиз. Четлаштирилганлар агар ҳайвон бўлганда ҳам сизларни севмас эди. Балки Ражаб Тоййиб Эрдўғон халққа сизлардан кўра яхши муносабатда бўлаётгандир, табақалаштирмаётгандир. Одамлар ўртасида айирмачилик қилмаётгандир. Шунинг учун ҳам унинг қайта сайланиш эҳтимоли катта деяпман».

Онам «Вой, бошим, ҳозир ўзимни ташлаб юбораман» дея оромкурсига йиқилди. Нусрия хоним спирт келтирди. Юзларини, қўлларини шошиб арта бошлади. Мен эса хотиржам эдим.

«Она, бунчалар ваҳима қилманг. Кейин бу диндорларни бир синаб кўрайлик-чи, нималар чиқаркин?»

Ўзига келганда қилган биринчи иши — шу гапларимга изоҳ талаб қилиш бўлди. Мен эса ҳайратдаман, хушдан кетиб қолганлар ҳам эшитар эмиш (!)

\* \* \*

Жума куни йўлда кетаётиб Салжукни кўриб қолдим. Шу бола мени доим ҳайрон қолдиради. Аслида уни кўрмаганга олиб кетаётгандим, мени чақириб қолди. Эшитмаганга олиб кетавердим. Чунки унга нима дейишни билмасдим. Лекин Салжук менга етиб олди. Қисқагина салом-аликдан сўнг ундан узоқлашдим. Чунки Асуман ҳақида сўраши аниқ эди. Менинг эса унга берадиган жавобим йўқ. Бузуқ истагим ва қарорим кундан-кунга жиддийлашиб борарди. Асуманни тамомила издан чиқармоқчи ва у билан қўлтиқлашиб Салжукнинг олдига бормоқчи эдим.

Бундай муваффақиятга Элизабетнинг ишончига кириш билан эришишим мумкинлигини тушуниб етгандим. Жумҳурият душмани бўлиш нима эканини кўрсатиб қўяман ўша сурбетга, ўша ўзидан бошқани ёқтирмайдиган худбинга бунинг бадалини тўлатаман. Буларни ичимдаги бошқа Юнус гапираётган эди. У эътирозга, инкорга, нафратга тўла эди. Асуманни қанчалар авайлагим келса-да, давлатга душманлик қилган, ким эканидан қатъий назар, жавоб бериши шарт.

\* \* \*

Элизабет билан навбатдаги машғулотдамиз. Мен яна қандай мусулмон бўлганини билмоқчи бўлдим.

Шу пайт ҳаёлимга ажойиб ҳийла келди. Тўсатдан-буни режалаштирмаган эдим.

«Элизабет хоним, биласиз, оила аъзоларимнинг барчаси даҳрий. Мен улардан яширинча исломни қабул қилдим. Фақат буни уларга ҳеч айта олмаяпман. Илтимос, сиз ҳам айтманг. Мен исломни астойдил чуқур ўрганишга киришдим. Аммо тўғри ва аниқ маълумотларни топишга қийналаяпман. Сиздан баъзан билмаганларимни сўраб ўргансам бўладими?»

Мусулмон бўлганимни эшитиб дастлаб ҳайрон бўлди, сўнг мамнун табассум қилди. Хурсанд бўлиб кетгани сезиларди.

«Албатта бўлади, бундан қувонаман, буни сезгандим» деди самимий.

Мен бироз ғамгин қиёфага кирдим.

«Лекин қаерда гаплашамиз, Элизабет хоним?»

Ўйланиб қолди... Ва ниҳоят мен интилаётган истак рўёбга чиқди!

«Хўжайиним уйда бўлган пайтларида бизникига келинг, уйда хотиржам гаплаша оламиз».

«Сизларни безовта қилмайманми?»

«Астағфируллоҳ, асло», деди.

Оҳ, Тангрим, ҳаяжондан юрагим тўхтаб қолай деди. Ҳаракатларим жавобсиз қолмади. Унга яна бир қадам яқинлашган эдим. Ҳаяжонимни билиб қолмаслиги учун сергак тортдим. Энди бу ёғи нима бўларкан... бироз саросимага тушгандим...

\* \* \*

Эртаси куни корхонага борганимда юз эллик кишига овқат олиб бердим. Бу ишимдан ишчилар ҳайрон бўлишди. Чунки мен одатда жуда тежамкор эдим. Буни ҳамма биларди. Балки бу кимлар учундир хасислик, қизғанчиқликдир. Хурсандлигим юзимдан билиниб турарди. Бувим мени кўриши биланок буни дарров сизди.

«Жуда севинибсан, хурсандсан, нима бўлди?» деди.

Мен ҳам «Бир диндорнинг азми қарорини ер билан яксон қилиш режам амалга оша бошлади» дедим кулиб.

«Диндорларга ўлим! Истиқлол судларида кўп диндорларни осдик, аммо тугата олмадик», деди.

«Кексаликда» дедим бувимнинг гапларига ортиқча эътибор бермай.

Пайшанба кунини кўзим тўрт бўлиб, орзиқиб кутяпман.

«Асуман хоним! Сени қандай очтиришимни кўрасан!» дедим ўзимга ўзим.

Онамга илгари ҳам у кутган кунлар яқинлашаётганини айтардим. Аммо ҳозир ўзимга жуда ишонган эдим. Ҳаммаси режамдаги каби кетаётганига амин эдим.

Ичимдаги Юнус эса безовта. Қай бурчакларда қолиб кетган, баъзан-баъзан овози чиқиб қоладиган бу туйғунинг номи Виждон бўлса керак.

Элизабет хонимнинг эшик кўнғироғини босганимда юрагим қинидан чиққудай гупиллаб урарди. Эшикни Асуман очди. Мени кўриб юзимга қаттиқ тикилди.

Унинг бу қарашларидан ўн беш ёшли ўсмирдек юзим қизарди.

«Тинчликми? Нима бўлди? Бирорта гапингиз қолиб кетдимми?»

«Тинчлик, мени онангиз таклиф қилган эди...»

Асаби таранглашгани ҳатто нафас олишидан билиниб турарди.

«Сизнинг бундай ҳаракатларингиз мени безовта қиляпти. Илтимос онамдан фойдаланманг!» деди қатъий равишда.

Шу пайт орқадан онасининг овози эшитилди.

«Асуман қизим, ким келди?»

Асуман дўнғиллаб жавоб берди. «Жаноб сизни сўраб келибди» деди жаҳл билан. Ҳийламини яна давом эттирдим.

«Асуман хоним, мен оиламга билдирмай мусулмон бўлдим. Диним ҳақида билмайман, ота-онангиз ёрдамида баъзи нарсаларни ўрганмоқчиман» дедим.

Яна қовоқ солганча юзимга қаради.

«Унда динингизни севмайсизми?» деди

«Шунақа ҳам бўлиши мумкинми?»

«Диним ҳақида билмайман дедингиз, ҳеч ким билмаганини, танимаганини севмайди. Сева олмайди» деди.

Нима дейишимни билмай қолдим. Чунки у ҳақ эди.

«Мен қизиқяпман, ўрганяпман. Бунда менга ота-онангиз ёрдам беришади». Овоз оҳанги озгина бўлса-да юмшади.

«Қарорингиз ва азмингиз давомли бўлсин!» Она-си чиқди:

«Келинг, Юнус ўғлим, киринг, мен ҳам сизни ку-таётган эдим.»

Менинг учун бу муваффақият вақти эди. Ўтирдик, аввал бироз суҳбатлашдик. Кейин унинг турмуш ўр-тоғи келди. У билан ҳам танишдик, тўғриси, жуда му-лойим ва одобли экани кўриниб турарди.

«Исломга яширин кирганингиз эътиборимни торт-ди. Сизни табриклайман» деди.

Қарасам, эшик олдида Асуманнинг сояси тушиб турарди, у бизни эшитаётган эди.

«Жаноб, ишонасизми, жуда қийин ҳолатдаман. Оиламдагилар исломга қарши инсонлар. Мен террор-га-экстремизмга қаршиман. Исломда бунчалар қар-ши бўлинадиган нима бор?»

Мен уларни макр билан исломдан узоқлаштир-моқчи эдим. Онам доим айтиб келадиган диндан сўз очдим.

«Айтишларича, исломда аёлларни уриш, калтак-лаш мумкин экан» деганимда қаршимдаги одам ҳа-яжон билан гапимни бўлди:

«Қуръонда хотинни уриш, аёл кишига қўл кўтариш йўқ. Бояги иддаонинг сабаби оятда «дрб» калимасининг борлигидир. Аммо бу сўзнинг арабчада 58 та маъноси бор. Қуръонни илк марта таржима қилганлар бу сўзни « урмоқ – калтакламоқ» деб талқин қилганлар. Аммо оятнинг тўлиқ ҳолатига умумий қараганимизда у ер-даги « дрб» сўзининг маъноси «яхшилик билан ажра-шиш» бўлиб чиқади. Мен бу оятни изоҳлашда жуда қийналдим. Туркчада унинг қирқ битта маъноси бор



экан. Шуларнинг фақат учтасида «уриш» маъноси учрамайди. Қолганларида эса гап бир хил. Қандай бўлса шундайлигича кўчириб ёзиб қўйилган. Хулоса қилиб айтганда, одамларнинг нотўғри талқинларини Қуръонга оид деб билмаслик керак».

Ниҳоятда таажжубланган қиёфага кирдим:

«Булар қандай қилиб Қуръонда уриш, калтаклаш бор демокдалар. Ақл бовар қилмайди...»

Сўнг Асуманнинг отасига жума намозида имом амру маъруф қилаётиб: «Исломни нотўғри тафсир қилганлар ва нотўғри тушунтирганлар сабабли шундай ҳолга келдик» «дегани»ни айтдим.

(Ўххў, ичимда шунча ҳийлаларим борлигини билмаган эканман. Агар ҳозир мендан жума намозининг неча ракат эканини сўраб қолишса борми?)

Мен нима қилсам ҳам давлатим учун қиляпман, шунинг учун баъзан виждоним хотиржам. Элизабет ва унинг турмуш ўртоғи менга кўп иззат-икром кўрсатдилар. Ишончим комил, Асуманнинг ҳам «елканлари сувга тушган». Бир нарса мени ажаблантирди: Элизабет хонимни қирқ-қирқ беш ёшлар деб ўйлардим. У эса олтмиш беш ёшда экан.

Лекин у ҳалиям бошига рўмол ўрамаган, ёшгина қизи эса биз ўтирган хонага кирмади. Шунақанги ўраниб олганки на макияж қилади, на замонавий аёлларга ўхшайди. Тўпикларигача узун ва кенг кийимлар кийиб олади.

\*\*\*

Бугун уни яна кўрдим. Билишимча учта плаши бор. Қаймоқранг, сиёхранг ва кўк. Ранглар уйғунли-

гига жуда эътибор беради. Кўк плашини кийганида сумкаси, оёқ кийимлари ҳам кўк рангда бўлади. Қаймоқ ранглисини кийганида эса бошига қора чизикли рўмол ўрайди. Бу сафар сумкаси ва оёқ кийими ҳам қора эди. Баъзилар шим кийиб, тепасига тиззага тушадиган либос кияди. Бу лаънати қиз эса ўзига шунчалар ишонадики, мода билан мутлақо иши йўқ. Унинг ранг танлашини модадан деб ўйлар эдим. Аммо ранглар уйғунлигига Усмонлилар вақтида ҳам эътибор берилган эмиш.

Бизнинг шундай замонда бунчалар собит эътиқодли қиз қаердан пайдо бўлганини тушуна олмасдим.

Онам ҳалиям овқатланишга олиб боролмаганимдан аччиқланиб, захрини сочарди.

Дадасининг исми Қосим экан. Муҳаммад пайғамбарнинг ўғилларидан бирининг исми эмиш. Тушунишимча, Қосимбей диндор оиладан чиққан. Уларга шундай саволлар топиб беришга қарор қилдимки, динидан чиқсинлар, воз кечсинлар. Қани, қаергача етиб борарканмиз?

Бир тарафдан исломда аёлни уриш йўқлиги ҳақидаги ҳақиқатдан уялиб қолгандим. Ёлғон гапириб нима қилдим...

Бошқа тарафдан дахрийларнинг исломга қарши ёзган китобларини ўқияпман.

Тадбиркорлар кўчинча китоб ўқимайдилар. Аммо мен уч ойда йигирмата китоб ўқидим. Улардан диннинг хатоларини ўрганиб, йиғиб чиқдим. Диндорлар билан мунозарага тайёр эдим.

Асуман! «Биз барибир муваффақият қозонамиз» демаслигинг керак эди. Мен мутаассиб давлатчи эмасдим. Сенинг динингда бунчалар собитлигинг ва дав-

латимга душманлигинг мени шунга мажбур қилди. Ичимда ҳам нафрат этганим, ҳам яхши кўрганим Асуман билан тўхтамай гаплашардим. Бу қиз мени ҳамма маънода хаста қилганди.

\* \* \*

Қосимбейни шошириб қўйиш учун ҳазиломуз тарзда сўрадим:

«Сиз Элизабет хоним кексайиб қолганида иккинчи аёлга уйлансангиз керак. Бизнинг тарзимизда иккинчи аёл деган нарса йўқ, лекин исломнинг бу тарафи гўзал, тўғрими?»

Эҳҳҳх, жин урсин сени, Юнус! Тилингни қовоқарилар чақсин!

Қосимбей ҳаддимни билдириб қўядиган жавобни берди. Бефаросатлик қилган эдим.

«Ҳа, сизларда ўйнаш бўлиб, яшириниб яшаш, кейин оёқ кийим тозалайдиган латтадек кўчага улоқтириб ташлаш бор. На никоҳ, на масъулият бор. Ўйнаш ҳам демайдилар, бирга яшайпмиз дейдилар. Ўйнаш бўлиб яшаш рисоладаги ҳаёт тарзига айланди. Шунинг учун сизникилар эркин ва жуда кўп аёллар билан юришади. Элизабет уйланаётганимда «Устимга хотин олсангиз, сиз билан ажрашман» деб шарт қўйган. Мен бу шартга рози бўлганман. Биз келишиб олганмиз. Исломда аҳдга вафо қилинади. Ундан ташқари ислом рухсат берган бўлса-да, мен бошқа аёлга уйланмайман. Сабаби Элизабетни жуда яхши кўраман».

Бошимдан қайноқ сув қуйиб юборилгандек бўлди. Пуфлаб алангалатмоқчи бўлган чўғим ер билан битта бўлган эди.

Бирдан хушёр тортдим. Менинг гапларим Асуманни кўрқитиши мумкин эди. Қош қўяман деб кўз чиқариб қўймай тағин. Дарҳол гапларимни тўғрилай бошладим.

«Шахсан мен ҳеч қачон иккинчи аёл ҳақида ўйламайман, нотўғри тушунманглар».

Қосимбей ҳазил билан жавоб берди: «Сен ҳали биттасини ҳам топмагансанку, иккинчини қаердан ҳам ўйлардинг?»

Атрофимдаги қиз-аёлларнинг кўпи шундоқ ҳам меники эди. Бечора одам буни қаердан билсин?

Сухбатимиз ярмида олдимизга кирган Элизабет одоб билан сўради: «Чой олиб келайми, қаҳвами? Кечирасизлар, ўғлим қорнингиз очми-тўқми? Ўзингизни уйдагидек ҳис қилаверинг» деди.

Аёлнинг бундай илиқ муомаласидан уялдим, виждоним қийналди. Лекин барибир Асуман ҳақида гап қистирмасдан туролмадим.

«Катта раҳмат, оч бўлган тақдиримда ҳам айтмаган бўлардим, чунки Асуман хоним таомни истамай тайёрласа керак... Қаҳва етади, тунов кунги қаҳванинг мазаси ҳамон оғзимда».

Худди хушомад қилаётгандек эдим. Элизабет ўрнидан турди.

«Қаҳвани ўзим тайёрлашга мажбурман, ўтган кунгига ўхшамаса ҳам, ичарсиз» деди жилмайиб.

Вой жодугар-ей, «Мен унга қаҳва тайёрламайман» деганига ишончим комил. Бу ҳолатда ишим жуда қийинлашади. Уялиб қоламан.

Қанийди унинг ичидаги туйғуларни била олсам. Тўсатдан шоҳона фикр келди. Бу ердан чиқишим биланок ижтимоий тармоқлар «бўри»си бўлган дўстим Самихнинг олдига бораман. У Асуманнинг facebook паролини бузиб унинг саҳифасига киради ва паролини менга беради. Бу қизнинг ичида нималар борлигини билмасам, ёрилиб кетаман. Менга қаҳва қилиб бермаганига ҳам кайфиятим бузилган эди.

Элизабет ошхонага чиқиб кетди. Қосимбей билан ёлғиз қолдик. Тўғриси айтсам, у яхши, одобли инсон. Аммо мен ўзим душман бўлган одамимнинг меҳрибонлик қилишини истамасдим. Ҳозир ёлғиз қолганимизда Қосимбейга ўзимни қизиқтирган саволимни бердим: «Қосимбей, сиз Элизабет хоним билан қандай танишгансиз? Менга бу қизиқ».

Оқ оромкурсида ястаниб, оёқларимни чалиштириб ўтирган эканман, ўзимни йиғиштириб олдим, оёғимни туширдим. Қосимбей ҳам стол устидаги товоқдан ёнғоқ мағзи олиб, оғзига солди. Кейин «узр» дедида менга ёнғоқли идишни узатди. Мен ҳам оғзимга мағиздан солдим. У эса хотиржам ва юзида табассум билан гапира бошлади.

«Қуёш ботишга тайёрланаётган аср намози вақтида масжиддан чиқаётган эдим. Англиядаги кичик шаҳарчада яшардик. Қарасам, жуда чиройли бир қиз имомнинг олдига кириб кетаётган экан. Қизиқиб мен ҳам ортидан бордим. Турк миллатидан бўлмаган бу қизнинг масжидда нима иши бўлиши мумкин дедим. Масжидда одамлар кўп эмасди. Уч-тўрт киши бор эди. Улар ҳадеганда кетишмади. Қиз эса уларнинг кетишини кутиб турарди. Мен ҳам кутавердим. Мени кўриб қолмаслиги учун олисдан кузатдим. Аммо унинг гапларини эшитишни истардим. Қиз имомдан исломда

тақдир нималигини сўраш учун келган экан. Имом ҳам «Тақдир Аллоҳнинг бандаларга чизиб берган режали ҳаёти...» қабалида сўзлаётган эди.

Қиз «Яъни қандай? Масалан, мен мусулмон бўлишни истаётган бўлсам, Аллоҳ эса тақдиримга мусулмон бўлишни битмаган бўлса, унда мен мусулмон бўла олмайманми?» деди.

Имом эса: «Табиийки бўлолмайсиз, мисс. Аллоҳ кўриб турибди, таъқиқланган ишни қилиш мумкинми?» деди.

Миямга қон қуйилгандек эди. Ғазабдан ўзимни кўярга жой топа олмай қолдим. Қиз имомнинг ёнидан чиқаётганида «Мен исломни мантиқли дин, деб ўйлаган эдим» дея маҳзун бўлди. У кетиши билан ғазаб билан юриб имомнинг олдига бордим.

«Бу қандай тушунтириш, биродар? Сизларни синовдан, текширувдан, имтиҳондан ўтказмасдан юборишадими бу ерга?» дея бақирдим қаттиқ асабийлашганим туфайли».

Қосимбей сал нафас ростлаш учун тин олди. Фурсатдан фойдаланиб Асуманни ёшини билиш учун савол бердим.

«Бу нечанчи йилларда бўлган эди?»

«1975» деди ва давом этди:

«Қул нима демокчи эканини ўйлаганида Аллоҳ билдирмагунча билинмас бир тезликда у китобга ёзилади. Кейин қул ўша гапни айтади ва ҳаракатга айлантиради. Қулга хоҳлаганини бажариш ихтиёри берилган яъни. Истаса - мусулмон бўлади, истаса - кофир. Инсон нима бўлса ҳам иродаси билан бўлади. Сиз атайлаб одамни диндан узоқлаштирасизми? Қулга «Унда

менинг қиладиган биронта ишим йўқ экан дейдиган шаклда тушунтириб беряпсизми?» дея жаҳлим чиқди. Яхшики, имомни нияти ёмон эмас экан.

«Ҳақлисиз, шом намозига эртароқ келинг ва менга шу тақдир мавзусини чиндан ҳам тушунтириб беринг» деди.

Унинг таклифини қабул қилдим. Ва анави қизга етиб олиш учун чопганимча чиқиб кетдим. Унга етиб олиб тақдир ҳақида гўзал қилиб тушунтириб бермоқчи эдим. Аммо, афсуски, улгурмадим.

Ташқарига чиққанимда масжид ҳовлисида бирорта аёл зоти кўринмас эди. Кўчага чиқдим. Ўнг-чапга қарадим, йўқ. Ичимга олов тушди. Шундай яхши ниятли қиз исломга кираман деб келса-ю, бир бемаъни фатво сабабли энди мусулмон бўла олмаса.

Ўша куни масжидга яқин барча кўчаларда айла-ниб қидирдим. Мен Имом Ҳатибда «тақдир» мавзусини яхши бир билимли устоздан ўрганган эдим. Синфда ўн киши «тақдир» мавзусидан юз балл олган эдик. Ўша куни кечаси соат учда навбатчи бўлишим, шу боис яхшилаб ухлаб олишим керак эди. Аммо қандай ухлаш мумкин? Кечаси цехда ишлаб турган станок тепасида ухлаб қолиб, бош бармоғимни машинага киргизиб юбордим. Бармоғимни тикдилар. Аммо миллионда бир бўладиган нарса менга тўғри келганди. Бармоғим эски ҳолига қайтмади.

Бир неча кунлар хурсанд бўлиб юрдим. Чунки Аллоҳ учун уйқусиз қолган эдим. Аллоҳ учун бармоғим кесилган эди. Сен тушуна оладиган қаҳрамон бўлган эдим. Мусулмон Аллоҳ учун бир иш қилса, қаҳрамон бўлади. Фақат кейинроқ бу тушунчани ўзгартирдилар. Исллом душманлари яраланса, уларни ҳам қаҳра-

мон дея бошладилар. Менинг ҳаракатим эса фарқли эди. Бир ёш қиз мусулмон бўлмоқчи экан, унинг исломга киролмаганига ачинган, унинг учун югурган эдим. Кечалари билан юриб уни кафелардан, ҳатто тунги клублардан қидирдим ва тополмадим. Уч йил ёндим. Уч йил уни қидирдим. Ҳеч ҳаёлимдан чиқмади. Унинг юзи кўз олдимдан кетмас эди. Уни баъзан тушларимда кўриб ҳақиқатни тушунтирардим. Аммо уйғонганимда бунинг туш эканига хафа бўлардим.

Орадан уч йил ўтди. Автомашинамда кетаётган эдим. Регент кўчасидан ўтаётганимда ўша қизнинг рўпарамда светофордан ўтиб кетаётганини кўрдим. Машинамни ўртада келаётган жойида ташлаб, ҳеч нарсани ўйлаб ўтирмасдан ортидан чопдим.

Бу сафар унга етиб олдим. «Хоним афанди, сизни мумкинми? Сиз билан икки дақиқа гаплашишим керак» дедим бироз ҳижолат бўлиб. «Майли» деди одоб билан. «Мен сизга «тақдир» мавзусида ёрдамчи бўлмоқчи эдим. Ўша кундан бери сизни ахтараман». Жилмайди: «Жаноб, мен у мавзуни ҳал қилдим. Раҳмат сизга» деди.

Яхши, ҳал қилибди, аммо қандай? Исломни ғалати дин экан дея умид узибми?

Қиз кўлидаги пакетлар билан шошиб кетаётган эди. «Раҳмат» дегани учун бу суҳбатни давом эттиришга жасорат тополмаётгандим. Секин орқасидан юрдим. Қарасам, олдинроқда уни бир машина кутиб турган экан. Севгилиси деб ўйласам ҳам гапирдим.

«Хоним афанди, ҳалиги имомнинг «тақдир» ҳақидаги гаплари нотўғри эди». Пакетларни автомобил юкхонасига қўяркан жавоб берди: «Биламан жаноб, тўғриси уни ўргандим».



«Қандай?»

«Исломга кирдим, жаноб. Демакки, тўғриси уни ўрганибман» деди ва машинага ўтирди. Ойнани очиб «Сиз билан битта динда бўлганимдан хурсандман. Уч йил ўтса ҳам мени унутмабсиз, бунинг учун алоҳида раҳмат айтаман» деди ва жилмайганича кетди. Уни кўрганим ва мен билан гаплашгани учун севинчидан учардим. Қолаверса, ҳайрон қолдим. Турган жойимда ўн дақиқача қолиб кетдим.

Қайтиб келсам, йўл ҳаракати ҳодимлари автомашинамни олиб кетишибди.

Маيلي, дедим, бу заҳмат Аллоҳ учун эди, вақти келиб бу роҳатга, абадий ҳаётга айланади дедим.

Бу орада қоним ҳам қайнади, ҳаёлимни у эгаллаб олганди.

«Қизнинг севгилиси бўлса ҳам уни ўйлаяпсан, уят сенга. Сен бошқаларнинг севгилисига қарайдиган даражада номуссизмисан?» дея ўзимдан жаҳлим чиқди.

У вақтларда Локи деган котиба менга ошиқ эди. Уни ёқтирмаслигимни била туриб «оила қурайлик» деб ёлворар эди. Лекин ҳаёлим ҳатто исмини билмайдиганим ўша қизда экан, менинг оила қуришим мумкин эмасди. Унинг исмини «Сирли Малак» қўйган эдим. Ҳозир ҳам уни шундай деб чақираман. Локи мени деб ўз жонига қасд қилмоқчи бўлганини билиб қолиб ундан қочдим. Узоқлашдим. Унга қайтиб кўринмадим. Аммо «Сирли Малак»ни унута олмаётган эдим».

Қосимбей чуқур тин олди. Ҳаёли ўтмишининг ўша кунларига кетганини фаҳмлаш қийин эмасди. У худди менга айтиб бермаётган, ёшлик хотиралари, ҳаяжонларини қайта яшаётгандек эди. У ҳатто хонада менинг борлигимни ҳам унутган эди. Деразадан қа-

раб хаёлларига шўнғиб кетган эди, оғзимни очмасам, гапирмасам, ким билади қанча вақт турарди...

«Хўш, кейин нималар бўлди? Қандай оила қурдингиз?» деб сўрадим қизиқишимни яширмай.

Табассум қилди. Мен эсига тушдим. Дераза ташқарисига тикилган нигоҳларини менга қаратди. Ўтмиш-ни соғинчи тўла овозли нафас чиқараркан «Сабр...» деди. Кейин яна ўйлади. «Такдир» деди бу сафар.

Унинг барча ҳолатидан шундай таъсирланган эдимки... ҳам бу ҳикоянинг охири қандай тугашига қизиқар, ҳам Қосимбейнинг садоқати ва тақдирга таслимиятига қойил қолган эдим.

У давом этди.

«Юқорида айтганимдек, жуда таъсирланган эдим. Бир неча кунлар сархуш юрганимни эслайман. Ҳаркунни Регент кўчасида дарбадар юрардим. Уни кўраман, яна учратаман деган истакдан зерикмадим, умид қилишдан тўхтамадим. Қилган сабрим учун Аллоҳ менга мукофотини берди. Роппа роса ўн беш кундан кейин уни яна учратдим. Бу сафар ишимни омадга топшириш ниятим йўқ эди. Уялсам ҳам унинг ёнига бориб рўпарасига туриб олдим.

Мени яна кўриб ҳайрон бўлган эди. «Нима бўлди» дегандек ишора қилди. Юзим қизариб кетгандек, ҳароратим қирққа чиққандек эди. Лабларим орасидан нималардир, қандайдир овозлар чиқаётганди: «Ҳалиги... Мен... Сизни ёқтириб қолдим... Бирортасини ёқтирасизми, яъни севганингиз борми?» дедим.

Ниятимни тушунган эди. Аммо ҳеч нарса осонликча бўлмайди. Мен яна нималардир дейишим, қилишим керак эди. Бироз ноз қилди, аммо мен ҳам аҳдимдан қайтадиган эмасдим.

Ниҳоят «Бор эди, аммо ажрашдик» деди. Ана энди уни бирга чой ичишга таклиф қилишим мумкин эди.

«Бирга чой ичсак нима дейсиз?»

Ўйлай бошлади. Унинг ўйлашга кетган вақти мен учун худди бир йилга тенг эди. Кейин «Сиз ҳам менга бошқача туюлдингиз, майли ичамиз деди»

Бизнинг ҳикоямиз ана шундай, ниҳоясида оила қурдик.

Биз гаплашаётганимизда Элизабет хоним қаҳва олиб кирди. Чиқиб кетаётганида эрига майин табас-сум қилди. Мен эса ҳамон хавотир ичида эдим.

«Жуда ҳам романтик танишув ва ўтмиш ҳикоянгиз бор экан. Қосимбей айтинг-чи, Элизабет хоним қандай қилиб мусулмон бўлди?» деб сўрадим.

«Йўқ, мен уларни ҳам айтиб беролмайман, яхши-си ўзи айтиб берсин» деди.

Бу орада эшик олдида Асуман кўринди. Кўчалик либосларини кийиб олган эди.

«Ойи, дада, мен кетяпман Баҳор билан ишларимиз бор» деди.

«Бўпти» дедилар иккиси ҳам бир вақтда. У уйдан чиқиши билан мен учун у уйнинг роҳати қолмади, аммо мен бу оилани қўлга киритишим керак эди. Яна саволларимга қайтдим.

«Энди мен Тангрига, кечирасиз Аллоҳга қайтганим учун бунини билган дўстларим менга давомли саволлар беришмоқда. Жойи келганда сизлардан сўраб билиб олсам дедим. Улар Набаъ сураси 33-оятдаги хур қизлар ҳақида гапириб кулишяпти».

Элизабет хоним ўрнидан туриб кетди.

«Мусулмонларнинг хатоси, нафрати ва хиёнати сабабли...

Набаъ сурасида тенгдош дейилган! Қизлар деган, ёш қизлар деган жойи йўқ. Ёшда ва ҳуснда тенгдош ҳурлар бор дейилган. Бу оятдан қандай маънолар чиқариб олдилар, тушунолмаяман. Жаннат аҳлига дейилган ҳурларни ҳам бузиб кўрсатмоқдалар» деди ва ўтириб йиғлай бошлади. Кўзларимга ишона олмасдим. Кап-катта хотин динимни нотўғри кўрсатишяпти деб йиғлаб ўтирарди.

Узоқ вақт бу суҳбат таъсирида юрдим. Элизабет хоним мени янги мусулмон бўлган деб билгани учун эринмасдан ҳаммасини тушунтириб берди. Буларни уялтираман деб ўйлаган навбатдаги «бомба» саволим ҳам кўлимда портлади.

Бир соатдан кейин уларга раҳмат айтиб у ердан чиқдим.

Мени яхши кўриб қолдилар. Ишончим комилки, қизларини чақириб «Бу йигитни кўлдан чиқарма» дейдилар. Мен чиқишим билан ҳалиги паролларни бузиб кира оладиган дўстимнинг олдига бориб Асуманнинг профили маълумотларини бердим ва уйга кетдим.

Соат 21 ни кўрсатаётганда мен уйда эдим. Онамни кўрдим. Онамнинг мени эшик олдида кутиб олиши яхшилик ишораси эмас эди. Доимгидек кўринишида нафратларнинг турфа хили акс этиб турарди. Нималар эшитар эканман яна...

\* \* \*

Дадам, онам ва Белгин мени кутишаётган эди. Залда ҳамма ўз жойида ўтирганини кўриб ҳайрон бўлма-

дим. Телевизорда сайлов хабарлари дастурлари кўрсатилаётган эди. Йигирма кундан кейин президент сайлови бўлади. Шунинг учун Туркиядаги мавзулар асосан сайлов билан боғлиқ эди. Онамнинг кайфияти жуда ёмон эди. Бугун телевидениеларга телефон қилган эмиш «Ражаб Тоййиб Эрдўғонни экранларга чиқарманглар» деганмиш. Энди шу билан менга мақтанаётган эди.

«Мен нималар қиляпман, сен ҳалиям бир қизалоқни йўлдан уролмайсан, бундан кейин сени заррача ҳурмат қилмайман. Сен оиламизнинг юзини ерга қаратдинг» деди.

Сабримни косасидан тоширадиган бу «баҳоси»дан қаттиқ асабийлашдим.

«Она, мен бугун у қизнинг уйида эдим. Бу сизнингча муваффақият эмасми?»

Қулоқлари динг бўлди, кўзларини катта-катта очиб «нималарни гаплашдингиз?» деди.

«Арзимаган нарсалар. Катта ишлар қилмоқчи, миёларини алғов-далғов этмоқчи эдим. Уларни динидан чиқармоқчи эдим... Аммо, тушунганингиздек, чақалоқ ўлик туғилди, ишлар биз кутгандек эмас».

Онам икки дақиқа аввал турган оромкурсига қайтиб ўтирди.

«Улар қайсар, ўжарлар. Динларини яхши биладиганлар ундан қайтмайдилар. «Межелла» (Адлия аҳкомлари 1868-1876) ни ёзган Аҳмад Жавдат пошонинг набираси роҳиба бўлган. Нима учун? Чунки Аҳмад Жавдат ҳуқуқшунос эди. Ўзи миллат олдидаги вазифамни бажарайин дея оиласига динни ўргатишни унутди. Насронийлар ҳам динни билмайдиганларни қўлга оладилар. Бу имом Ҳатибдан келганлар, мадраса

ва илоҳиётдан чиққанлар фарқлилар. Уларни ишонтириб, йўлдан чиқариб бўлмайди. Биз қаттиқ ишлашимиз керак. Вақфимиз уч юз мингта талабаларни ўқитмоқда, аммо бу кам. Бизлар бошқача ишлашимиз керак. Телевидение ва интернетни ҳам қўлга олишимиз керак. Бир кўрсатувда, битта баҳсда миллионларга таъсир қилишимиз керак. Сендақа уқувсизлар уддалайдиган иш эмас бу» деди менсимай.

«Она, ошириб юборяпсиз. Бу қиз ҳаммага ўхшаймайди. Дарров чойга-таомга судраш осон бўлмайди. Қизнинг ҳаёт тарзи билан боғлиқ қатъий принциплари бор. У мени севиб қолмаса, уни ҳеч қаерга олиб бориб бўлмайди. Унга таъсир қиламан, албатта».

Бу гапларим Белгинга тегиб кетди. Гапга суқилди.

«Сен нима демоқчисан? Унда биз кимни ёқтириб қолсак, шу билан кетаверадиганлар тоифасиданмизми?»

Уларнинг ўлчовларига кўра шундай. Шахсиятли қиз рўпарасидан ким чиқса, етаклашиб кетаверадими?

Белгиннинг бу сўзларимдан яхшигина асаби тараглашди.

«Эркак-чи? Эркак кетаверадими?»

Онам тортишаётганимизни тушуниб, орага кирди.

«Бўлди қилинг аҳмоқона тортишувни. У қиз ҳақида тўғри гапирдинг. У севиб қолса, кейин измингга тушади. Кейин муроса қилиш мумкин.»

Белгин мазахомуз кулди: «Гуноҳ деб биладиган бўлса, севгач ҳам шу фикрида қолавермайдими?»

Онам ўзининг тажрибали эканини кўрсатмоқчи бўлиб ишонч билан гапирди: «Сен севгини тушунмайсан. Севгилисини тез-тез алмаштириб турадиганлар

ошиқ бўла олмайди. Севги шундай туйғуки, у бошингга тушса, сени ҳеч ким тўхтата олмайди, ақл-хушингни олади. Мен кўп йўллар билан синаб кўрдим. Аммо унга таъсир қилолмадим. Дўстлар билан келишиб олиб баҳоларини пастлатдик, танбеҳлар бердик, аммо унда ўзгариш бўлмади. Ўзини Марва Кавакчи (Сиёсатчи, 1968-йилда Анқарада туғилган Гарвард Университетини тамомлаган, 1999-йилда депутат сифатида бошида рўмоли билан мажлисга киргани учун мажлисдан чиқариб юборилган илк аёл, Туркияда рўмол муаммоси ҳақида гап кетганда, кўпинча Марва Кавакчи тилга олинади) деб ўйлаяпти. Худди бир амалдорнинг қизидай... Унга бизни менсимаслик қандай бўлишини кўрсатиб қўяман. Бугун доскага нима ёзганини биласизларми — ҳар нарсанинг ҳисоби бор, қайтар дунё эмиш... Ундаги шижоатни қаранг, журъатини кўринг. Эй, сенлар кимсанлар биздан ҳисоб сўрайдиган! Юз мингларчангизни йўқ қилдик, қўлингиздан бир нарсаси келмади. Вазифангиздан бўшатдик. Сургун қилдик. Қанча диндорларни «РКК» (Туркиядаги сиёсий ҳаракат) қучоғига отдик».

Онамнинг ҳолатида ҳам, менинг ҳолатимда ҳам зиддият бор эди. Онамдан сўрадим:

«Она, балки чиндан хабарлар тўғридир, яна қайта сайлансачи?»

Онамни шу қадар жаҳли чиқдики, бир муддат таний олмадим.

«Мен ундайлар раҳбар бўлган ўлкада яшай олмайман. Европага кетаман ёки жонимга қасд қиламан! Аммо асло яшамайман, яшай олмайман! Тасаввур қил-япсизларми ҳукумат бошида улар, мен эса бир эшикдан ичкарига кириб Асуман билан кўришаман. Ундан кўра ўлганим яхши!» Онам ўрнидан турди-да худ-

ди қафасдаги шер бетоқатлиги билан у ёқдан бу ёққа юра бошлади. Белгин ҳам биздан безор бўлиб, сериалини кўришда давом этди. Мен онамчалик исломдан нафратланмайман. Менинг дардим давлатимиз. Онам ҳам давлат учун қилиб кўрсатмоқчи, аммо уни аслида ислом қийнайди! Буни энди тушундим. Исломий ҳаёт тарзини қабул қилолмайди. Юраркан «Биргина йўли шу — у сени севиб қолиши керак» дея такрорлай бошлади. Дадам ҳам таниш мавзуни эшитиши билан кўшилди: «Юнус кимнинг ўғли! Менинг ўғлим. Шунинг ўзи кифоя. У аёллар тилини билади» деди ишонч билан.

«Дада, сиз билмайсизда, масалан, оддий бир қизга кимдир сени ёқтираман, сен гўзалсан деса, у қиз уялади, қизаради ва ҳоказо... Лекин Асуман ҳар бир қадамини онгли равишда ташлайди, хушомаду илтифотларни писанд қилмайди. Мен қанча қизларни кўрганман, аммо бунақасига биринчи бор дуч келишим. Машинамни кўриб ҳам пинагини бузмади».

Белгин бу сафар рашк қила бошлади.

«Қиздаги шансни қаранглар, уни қўлга олиш учун нималар қилинмоқда. Менинг орқамдан бирорта эркак шунақа югурмаган».

Аччиқ ҳақиқатни юзига гапиргим келди.

«Сен дарров қўл ушлашиб кетаверган бўлсанг керак. Дуч келган билан кетмаганингда ортингдан чопганлар ҳам кўп бўларди. Инсон ўз қадрини билиши лозим».

Ҳамманинг нигоҳи менга қадалди. Дадам бақириб берди:

«Ҳой, Юнус! Бу нима деганинг? Сенинг опанг ким чақирса, кетаверармиди?»

«Ўзидан сўранг, дада».



Дадам Белгинга қаради.

«Қани, жавоб бер, Белгин».

«Дада, мен тенгим бўлмаганнинг олдига чиқмайман».

Дадам унинг гапларига ишонди. «Эшитдингми, Юнус? Аввал опангни яхшилаб таниб ол».

Онам ўша мавзуга ёпишиб қолганди. Бизнинг гапларимизни эшитмаётган эди.

«Унга яхши гапир, мақта, ҳар куни кутиб ол, бир куни албатта сенга розилик беради. Сени севиб қолсин, шунчалар ошиқ бўлсинки...»

Гапини бўлдим: «Мени қаттиқ севиб қолганини қардан биламан? Худди фарқли нарсаларни гапираётгандексиз, севиб қолса нима қилади? Фикрлаш услуби, яшаш тарзини, шаклини ўзгартирадими?»

«Албатта ўзгартиради, иродаси заифлар ўзини назорат қилолмай қоладилар. Атрофидагилар ҳам аҳамиятсиз бўлиб қолади. Фақат сени кўришни истайди, кунда камида йигирма марта сени излаб қўнғироқ қилади. Унинг бору-йўғи сен бўласан».

«Она, бу айтганларингизни Асуманга ҳатто ҳаёлан ҳам тақай олмаяпман. Таслим бўлмайман. Фақат бир ҳафтада эмас, балки бир йилда ҳал қилишим мумкин. Ишнинг чигал томони шу».

Бирдан хушимни йиғдим. Гапни жойида тўхтатдим. Сал қолса «Уни мен ҳам севиб қоламан шекилли» дейишимга оз қолганди. Агар буни айтганимда онам аниқ телба бўларди...

Энди оиламизда Асуманни исломдан чиқариш мавзуси очиқ гапириладиган бўлди.

Ҳақиқатдан ҳам онгли, ақлли бир мусулмонни йўлдан чиқариш мушкул экан. Гапларимни ичимга ютдим. Дарҳақиқат, мушкул, аммо имконсиз эмас.

\* \* \*

Бир хил суҳбатлардан зерикиб бувимнинг ёнига тушдим. Бувим ҳам ислом ҳақида даҳрийлардан эшитган даражасида билар эди. Унга эшитганларимни айтиб бердим.

«Исломда аёлни калтаклаш йўқ экан, буви», дедим.

«Бу гапларингни ҳеч ким эшитмасин» деди.

Аввал унинг рўпарасига ўтирдим, кейин орқасига ўтиб сочларини тараб қўйдим. Кайфияти кўтарилиши учун бироз ҳазиллашдим. Унинг хотираларини эшитдим.

Бувимнинг кайфияти чоғ бўлгач, сўрадим:

«Халиги севган одамингиз борку, бобом – ҳеч эсингизга келадими? Бу сизни маҳзун қилмайдими?»

Кутилмаган бу саволдан бувим кулиб қўйди.

«Ақлдан оздингми, болам, ҳиёнат қилган инсон учун кўз ёш тўкилмайди. Ўша бобонг менинг кўз ёшларимга лойиқ эмас. Зотан ўлганида ҳам йиғламадим. Чунки у менга ҳиёнат қилган куни мен учун ўлган эди.»

«Эҳ буви, сиз ҳам жуда кин сақлайсиз лекин».

«Бу кин-адоват эмас, бу кучли севгининг қалбда ўлиши, болам. Бошингдан ўтказмагунча тушунолмайсан».

Рўпарасига ўтирдим. У ҳам кроватида ўтирарди. Охирги кунлари кўзлари ичига ботиб кетибди.

Кўриб яна раҳмим келди. Бу ёшимгача мени қучоқлаган, бағрига олган, ўпиб-эркалаган фақат бувим эди. Болалигимда ўқитувчи онам уйга шу қадар кўп ишларини олиб келардики, мени эркалашга вақти бўлмасди. Кейинчалик ҳам вақти бўлмади. Онаси тарафидан севилмаган, эркаланмаган бола бўлиб вояга етдим.

Биламан, бувимнинг энг яқини дадам унга эътибор бермагани учун бувим хафа бўларди, кўнгли оғрирди. Инсоннинг севгани севмагунча азобланади. Буни билсам ҳам яна сўрадим.

«Буви, дадамдан хафа бўлганмисиз, қийналяпсиз-а?»

Қийналмайманми?

Буни дадамга айтаман.

Айтавер, фарқи йўқ.

Сизни яхши кўрмайдими?

Шундай...

Инсон онасини ҳам севмаслиги мумкинми?

Мумкин эмас-да...

Гапиринг, буви, нима? Айтинг.

Бўлди, гапимиз тугади, уйқум келяпти...

Бу сафар энди бувим портлади. Бақириб-чақиришга ўтди.

Сен бошимни қотиргани келдингми, уялмайсанми?

Бечора ўзини шу тарзда қутқарганига ишонаётганди. Ҳа, инсонлар кексайганда бошқа одамга айланар экан... тўғри, шекилли..

\* \* \*

Кунлар ўтди. Қувончимнинг чеки йўқ. Ҳалиги дўстим Асуманнинг facebook даги паролини топди ва ниҳоят у менинг ҳам қўлимга келиб тушди. Биринчи мени қизиқтирган нарсани кўрганимда кўзларим ярақлаб очилиб кетди. Суҳбатларини ўқий бошладим.

«Баҳор, анави довдир нималар қилди, биласанми? Яна бизникига келди. Ўзича бирам димоғдорки...»

«Нималар қилди?»

«Ҳеч нарса, менга нимадир қилишга унинг ҳадди сиғмайди, шунчаки димоғдорлик унинг қонида бор.»

Баҳор яна сўрай бошлади:

«Нималар қилди у?»

«Биласанми, ўзини қандай тутди? Мен бадавлатман, мени қабул қилишга ҳамма мажбур, дегандай! Тарбиясиз, ўзини ким деб ўйласа? Фақат бир жиҳатига хурсанд бўлдим, оиласидан яшириб мусулмон бўлибди. Бундай оилада мусулмон бўлиш ҳамманинг ҳам қўлидан келмайди. Айниқса Самира опадек онанинг исломни ёмонлаб, нотўғри кўрсатиб катта қилган боласига бу ҳазилакам иш эмас».

«Сенга буларни ўзи айтиб бердимми?»

«Ҳа, ўзи айтди. У қайси қизга осилса - унинг ёқасига қўнишига ўрганиб қолган экан. Унга қарамаганимга ақлдан озай деяпти».

«Шунақами?»

«Ҳа, шунинг учун баҳона топиб бизникига келяпти. Ота-онам ҳам ҳолатни билади, албатта».

«Унга кўполлик қилмадингми? Йўқ, сен тарбияли қизсан, кўполлик қилолмайсан».

«Ишонасанми, пулнинг кучидан ўзидан кетиб қолган ўша мақтанчоқ димоғдорга доим кўпол гапиргим келади».

«Ундай қилма, сен динни яхши биладиган қизсан, сенга ярашмайди».

Онамга «Мен унга ҳеч қачон қаҳва тайёрламайман!» дедим.

«Нима бўлди кейин?»

«Ўзи айбдор... анави олифтага дарс бўлсин, дедим.»

«У сени севиб қолган... бечора...»

«Ҳай, ҳай, ҳай, сен нималар деяпсан, бойвуччаларнинг эркатои севгини биладими?»

«Бу кўнгил иши, қиз. Бадавлат оилаларда ҳам яхши инсонлар бор».

«Йўқ, сен менга ишон, у хотиннинг кўлида вояга етганлар сева олмайдилар. Фақат ошиқ ролини ўйнашлари мумкин. Шунақанги ўхшатишлари мумкинки..»

«Сен мунча бераҳм қизсан, Ҳилмига ҳам шундай қилдинг.»

«У ҳам ўзини бир дона, ягона санайдиганлар тоифасидан. Мен бундайларни кўрсам, асабийлашаман, кўришга кўзим йўқ ундайларни.»

«Аслида сен ўзидан бошқани ёқтирмайдиганлар портретини чизяпсан.»

«Оҳо, шунақами, сени кўрганлар Юнуснинг адвокати деб ўйласалар керак. Сенга нима бўляпти?»

«Кечирасанку, лекин бола сенга ошиқ.»

«Вой, бечора, ақлини еб қўйибди. Ақли бўлмагандан кейин унга ишониб бўладими? Ҳой қиз, сенга нима деяпман, унақалар севишга қодирмас!»

«Сен бадавлатларга душманмисан?»

«Йўқ! Мен савияли, ўзидан кетиб қолмаган, бойлиги сабабли оёғи ердан узилмаган инсонларни ажратмайман, лекин...»

«Нима лекин?»

«Анави олифтадан ташқари... Унга пулга учмайдиган, ўзини ҳурмат қиладиган қизлар борлигини исботладим. Уйдан ҳайдадим.»

«Бечора...»

«Бунақалар бечора бўлмайди.»

«Раҳмсизсан, бешафқат»

«Ҳа, шунақаман... майли... Яратганга омонат бўл.»

«-Сен ҳам сенга ақл берганга омонатсан!»

Ёзишмаларни ўқиганимдан кейин оромкурсига ёнбошлаб, қўлларимни бошим орқасига қўйиб жилмайиб ўйлай бошладим. Аслида шунақанги роҳатладимки, тушунтириб беролмайман.

Энди услубимни ўзгартиришим керак эди. Бунинг учун Баҳорни топишим керак. Содда қиз менга ишонган экан.

Ичимда қандайдир бир овоз «тўхта, Юнус, ундай қилма, бунчалар икки юзламачи бўлма» деди. Аммо мен давлатим учун қиламан, давлатим учун арзийди дедим. Ўзимга ўзим гапира бошладим:

«Мени кутгин, Асуман! Сени шунақанги ёмон ҳолатга тушираманки, мени дея ақлдан озасан ҳали. Кейин: «Биз оила қуролмаймиз, севгилим, чунки сен

ўрангансан, менга турмушга чиқиш учун рўмолинг-ни ечишинг керак. Акс ҳолда оиламдагилар менинг ҳамма нарсамни олиб қўйишади, битта нонга зор қолдиришади» дейман. Сен эса бўзлаб «Майли, сизга етишиш учун шундай қиламан» дейсан. Мен яна: «Эътиқодингдан мени устун қўйишинг мен учун шарафдир. Буни нишонлаймиз. Сен ҳам рўмолингни ўша ерда ечасан. Ечиб ерларга отасан, оёқларинг билан эзасан. Кейин мен микрофонни қўлимга олиб: «Она, қандай уддалаганимни кўрдингизми? Сизнинг ўғлингиз эплейди, демаганмидим. Кейин дўстларимга, атрофимдагиларга дейманки: «Мана кўрдингизми, эътиқоди шунчалар мустаҳкам Асуман хонимни динидан чиқардим. Мен учун Аллоҳнинг динини олма каби сотиб юборди, динидан кечиб юборди». Сўнг кўзларингга тикилиб қарайман, Асуман!

«Сендек бечора, иймонини сотадиган бир шўрлик қиз билан оила қуришим мумкинми? Сен энди ердан рўмолингни олгинда кўз ёшларингни Қуръон саҳифаларига оқизгин, борақол, бўл, мен билан оила қуришни тушларингда кўр» дейман.

Сен кўз ёшларингга пишилиб, чошиб жонингга қасд қилишга шошиб қоласан. Мен эса шу тариқа қолиб бўламан. Онаминг ва атрофимдагиларнинг гап-сўзларидан ҳам қутуламан.

Бу мусулмонлардан қасос олиш керак! Америкада эканимда бу ҳолатлардан анча узоқлашган эканман.

Майли, Асуманга қайтсак. Уни севиб қолаётганга ўхшасам ҳам бу режамни амалга ошираман.

Ҳар ярим соатда унинг профилига кираман. Унинг туйғуларини ўқиш менга бошқача ҳаяжон берди. Энди бир ками шу давлат душманига ошиқ бўлишим қолув-

ди. Агар шундай бўлса борми... Йўқ ! Юрагимга бунга рухсат бермайман! Асло! Керак бўлса уни суғуриб отиб юбораман!

Ёки баъзиларнинг гаплари рост чиқсачи... «Қалб сўз тингламайди...»

Унда нима бўлади?

Йўқ, мен қалбимни енггаман, мен бир Имом Ҳатибликни севиб қолишим мумкинми?

Мутлақо!!!

\* \* \*

Яна университет олдидаман. Доимги ерда Асуманни кутмоқдаман. Бу қиз ортидан юравериб талаба йигитларга ўхшаб қолдим.

Аммо қароримда қатъийман, бу сафар янада ишончлироқ гапираман. Нима дейишимни режалаштира бошладим. Шу вақт яна доимгидек мени писанд қилмайдиган кўринишида қаршимда У пайдо бўлди. Асуманни кўришим билан беихтиёр «тайёрман» вазиятини кўлимга олдим. Виқор ва менга таъсир қиладиган салобати билан юра бошлади, йўлини бурди. Ортидан бориб гапира бошладим.

«Илтимос, мени бир дақиқа бўлса ҳам эшитинг. Уйимдагилар сизни севиб қолганим учун мендан воз кечмоқдалар. Лекин мен ортга қайтмайман. Сизга етишиш учун ҳатто чодирда яшашга розиман. Илтимос, Асуман, мени рад этманг. Сиз мен ахтарган, менинг савиямга тўғри келадиган қизсиз, сиз билан бахтли бўла оламиз, мен бошқаси билан оила қила



олмайман, бошқага уйланишни ҳатто тасаввур ҳам қила олмайман».

Тўхтади. Ақлли нигоҳлари билан кўзларимга тикиларкан жавоб берди:

«Менга нима сизнинг уйлана олиш-олмаслигингиздан? Мен сизга тенгим эмассиз дедимку. Аммо сиз барибир орқамдан юриб иккита хато қиляпсиз. Биринчиси, ишингиз оқсамоқда, иккинчиси - асабимни бузаяпсиз. Учинчиси ҳам бор: бир жанобга ёш қиз «тенгим эмассан» деяётган бўлса, У жанобга ярашадиган иш ўша қизни қайтиб безовта қилмасликдир. Илтимос, ўзингизга ярашадиган ишни қилинг. Яхши қолинг».

Орқасига қарамай кета бошлади. Яна турган жойимда михланиб қолгандим. Бу қиз ўзини ким деб ўйлаяпти? Доим асабимни бузади. Ўша куни кечқурун ишдан чиқиб бироз соҳилда айланиб юрдим. Ҳеч уйга боргим келмасди. Аммо қиладиган бошқа иш йўқ, мажбуран сархуш одамдек уйга келдим.

Аввал бувимнинг хонасига кириб юзларидан ўпдим. Сочларидан силадим. Кейин тўғри хонамга чиқдим. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан олдимга онам кирди. Ундан қочишнинг имкони йўқ эди.

«Эплолмадинг, шундайми? Аҳволингдан кўриниб турибди» деди жанжал чиқарадиган оҳангда. Асабларим таранг эди, ҳар қандай гап ортиқча эди.

«Она, вазиятни баттар таранглаштирманг! Қиз бирга чой ичишга келдию, мен олиб боролмадимми? Тушунсангизчи, ойи, қиз ҳақиқий мусулмон. Кўринишга эмас, моҳиятга қарайди, танимаган одамига ишонмайди. Жуда ақлли. Ҳам мен унинг тенги эмас

эканман. Ҳар кўнгилнинг ўз аржуманди бор. Мен аржуманд эмас эканман, шунақаси ҳам бўларкан».

Онам тўхтамасди. Қандай қилиб доим бунчалар ўжар ва айтганим тўғри деяверишини тушуна олмайман. Ўзининг разил ишларини ҳам тўғри деб ўйлайди ва менга ҳам сингдиришга уринади.

«Мумкин эмас, сени ёқтирмайдиган қиз бўлиши мумкин эмас. Сен дунёнинг энг кўркам энг келишган эркагисан. Қиз фақат нозланяпти, ноз қиляпти фақат.»

«Ундай эмас, агар шундай бўлган тақдирда ҳам у бормаяпти, чиқмаяпти, она! Мен улғайдим, менга қаранг, кўрмаяпсизми, ёш бола эмасман, тушунсангизчи!»

Сурбет деб хонамдан чиқиб кетди. Ташвишим ўзимга етиб ортарди. Ўнг тарафдан онам, чапдан Асуман пастга уриб, менсимай турибди. Менинг айбим нима эдики, булар орасида жанг қиляпман. Жумхуриятимни севишнинг бадали оғир бўлади, шекилли...

\* \* \*

Ҳеч кутилмаганда отаси Белгиннинг болаларини олиб келди. Шундан бери биз билан бирга яшамоқдалар. Эгизаклар бирам ширинки, улар менинг жонларим. Уларни шунчалар яхши кўраманки, ҳамма нарсани унутаман. Болалар билан ўтирган эдик, залга онам кириб келди. Бу орада кичкина Йилдиз Белгинга «Ойи, мен жуда ёмон туш кўрдим» деди.

Белгиндан аввал онам сакради.

«Ҳой бола, туш-пушларингни суҳбатимизга аралаштирма! Биз гаплашмоқчимиз, орага қўшилма! Ўз саройимда хотиржам ўтира олмайманми?»

Белгин онамнинг гапларидан роса хафа бўлди. Кўзлари жикқа ёшга тўлиб, жавоб берди:

«Она, бу нима деганингиз? Боламни баҳона қилиб менга кет деяпсизми? Мен ажрашиб эшигингизга келган бўлсам, ёлғиз яшашдан кўрққаним учун келдим. Меҳмонхонада ҳам яшашим мумкин эди. Болаларимни болалар уйига беришим мумкин эмасми? Сизнинг бу ҳақоратларингизни кети кўринмаяпти. Бу туришда болаларимга болалар уйининг йўли кўринмоқда».

У йиғламоқчи эди, яна онам бошлади:

«Сурбет! Болалар уйига берсанг Сечиўғилларининг шаъни нима бўлади, бу ҳақида ўйлаб кўрдингми?»

Белгин ўрнидан турганида асабийлашганидан йиғлар эди.

«Сизнинг шаънингиз булғанади, дея мен бунчалар ҳақоратни кўтара олмайман. Бу ҳафта мен уйдан кетяпман ва изимни ҳам тополмайсизлар. Лаънат бўлсин ўша ифлос Оранга. Ўша сабабли шунча гапларни эшитиб ўтирибман. Оиламни бузган ўша аёлни бориб ўлдириб ташлагим келяпти».

Ҳаёлимга Қосимбейнинг гаплари келди. «Сизларда иккинчи аёл осон, никоҳ эса масъулиятдан иборат» деган эди. У ҳақ бўлган экан.

Аслида атрофимизда иккинчи, учинчи, ҳатто бешинчи хотинли эркаклар бор, лекин ислом номига доғ тушириш учун иккинчи аёл масаласи нотўғри қўлланаётган экан. Миям чалкашиб кетди. Бизми кўп хотинлилар ёки диндорларми? Табиийки, биз кўп хотинлимиз. Баъзан тушуна олмай кўп такрорлаб юборяпман.

Шу пайт дадам онамга ҳазил қила бошлади.

«Муҳтарам профессор, дунёнинг энг кўркам эркаги мен эмасмидим?»

Ҳеч ҳазил қиладиган вақт эмасди. Бирдан залга жимлик чўкди. Кичкина Йилдиз кўрқиб кетганди. Секин оромкурсига ўтирди. Кўзлари тўла ёш эди. Онасига маҳзун қараб тураркан, лабларини жуфтлади. Ичидан эзилиб йиғлаётгани кўриниб турарди. Кимдир яна бир нарса деса бутун кўз ёшларини тўкарди.

«Ойижон, илтимос, бизни болалар уйига олиб борманг. Девримга қарамайдилар, мен сизсиз қололмайман». Овозининг борича йиғлай бошлади. «Бизни ташлаб кетманг, ойижон, илтимос».

Бечора тўлиқиб йиғлаганидан гапира олмай қолди. Дадам ҳам кўриб чидолмай қолди, ўрнидан туриб уни кучоғига олиб ўпди. Онамга қарадим. Юзида заррача раҳм деган нарса йўқ эди. Бу қандай бағритошлик?

Бир жойда бир-бирларига ортиқча нафрат туйган инсонларда раҳм-шафқат туйғуси қолмайди, деб ўқигандим. Онамнинг исломга бўлган чексиз нафрати раҳм-шафқатдан узоқлаштириб юборган эди. Эсимда, саккиз-тўққиз ёшларда эдим. Телевизорда Эрбакан хўжа сионизм (яхудийларнинг сиёсий ҳаракати) ўйинлари ҳақида нималардир деяётган эди. Онам кўлидаги бордоқни телевизорга отди. Бордоқ экранга эмас, телевизорнинг четига, қутисига теккан эди.

Дадам динсиз, лекин онам каби исломга тенгсиз душман эмас. Онам нима учун бундай? Нима учун инсонийлигини бу қадар йўқотганини билмас эдим. Фақат қарши тарафга нафрати бўлган жангариларда шундай шафқатсизлик бўлишини ўргангандим.

Йилдизни кўриб эзилдим, нима қилишимни билмай Белгинга қарадим.

«Белгин, бувим бўлмаганида сен билан кетардим. Бувимни бу уйда инсон ўрнига қўядиган одам бўлмагани учун уни ташлаб кетолмайман. Мен буни инсонлик номига яраштира олмаяпман. Сен бошқача ўсгансан, менинг туйғуларимни тушуна олмайсан. Самиранинг қучоғида улғайдинг. Мен эса бувимнинг. У менинг жоним, меҳрибоним. Профессор бўламиз деб ота-онам тинмай ҳаракат қилаётганда, менинг ҳатто юзимдан ўпишга вақт топиша олмаганда бу эҳтиёжларимни бувим таъминлади. Шунинг учун бувимни уни севмайдиганлар орасида қолдириб, сен билан кетолмайман».

Белгин асабларимни бузадиган шунақаям гап гапирдики, тишларим ғижирлаб кетди.

«Бўпти, бўпти, келма. Ўзимга бирорта эркак шерик топаман».

Онам Белгиннинг аниқ уйдан кетишига ишонгач авзойи бузилди.

«Ҳеч кераги йўқ. Ҳамма ўз жойида қолади. Ҳеч кимнинг карьерамга зарар етказишига йўл қўймайман. Мен бу карьерага тирноқларим билан тирмашиб етишдим» деб вазиятдан чиқаркан, шунда ҳам ўзини ўйлаётган эди. Унинг бу ҳолати кулгимни қистатди. Ичимда «Бу карьерани болаларингизни ҳам кўшиб тирмаштириб қилдингиз» дедим. Онам суҳбатда ғолиб чиқди. Белгинни ишонтириб залдан чиқарди. Девримнинг йиғламсираган овози чиқаётган эди.

Мен зерикиб кетдим. Белгин «Болаларимнинг ҳар бир ҳаракатига эътибор беряпсиз. Бу дунёда мени кимдир тушунадими?» дерди.

Ногиронлар олаמידан буткул беҳабар эдим. Фалаж инсонлар ҳолатини Деврим сабабли бироз тушундим. Деврим саккиз ёшда. Белгиннинг эгизакларидан

бири. Саккиз ёшдагилар ғам-қайғуни унчалик тушунмайдилар. Баъзан «мен нега юра олмаяпман, докторлар нега мени тузатмаяпти» деб қолади, аммо ички дунёсини кўп ҳам очмайди.

Доимий ётади, ўтиради. Ўзимни унинг ўрнига қўйиб кўрдим. Ҳақиқатдан ҳам жуда қийин унга. Диний эътиқодли бўлса, жаннатда ажрини оламан дерди. Жаннатга ишонмайди, эътиқоди ҳам йўқ. Эҳхх, инсон қандай тасалли топиши мумкин... билолмаяпман...

\* \* \*

Асуман билан Баҳорнинг мен ҳақимдаги суҳбатини ҳеч унутмаяпман.

Биласанми, бугун ҳеч кеч тушишини истамаяпман. Бу Юнус асабимни бузаяпти. Исломни нега айнан менинг ота-онамдан ўрганмоқчи, борсин бошқасини топсин...

Лекин сен ҳам бераҳмсан, Асуман. Йигит сени севиб қолганку. Сенга олиб борадиган ҳамма йўлни синаяб кўрмоқда, шу.

Синаб кўрмасин. Бу сафар ранги сабабли йўқотмоқда. Мен буғдойрангман, мен турмушга чиқадиган одам оқ бўлиши керак. Юнус эса жигарранг, менга жигарранг эр керакмас. Ёки сарикроқ ёки оппоқ бўлиши керак. »

Бу гапларидан кўзларим қинидан чиқай деди.

Мана шунга чиндан жаҳлим чиқди. Лекин ўзимни қўлга олдим.

Эсиз меҳнатларим! Мен аслида оппоқ эдим. Қуёш ваннаси қилдим, ҳафталаб нурда ётиб теримнинг ран-

гини атай қорайтиргандим. Зудлик билан оқараман. Беш кун теримни қуёшдан сақладим. Юзимга оқ тонал крем сурдим. Қаршисига шундай чиқдим. Мени кўриб бироз ҳайрон бўлди. Ҳарҳолда ўзгарганимни сизди, аммо гапириш оҳанги яна чақиб оладиган эди.

«Яна нима?» деди жаҳл билан.

«Сиздек маданиятли қизга «Яна нима?» дейиш ярашадими?» дедим ниҳоятда бемалоллик билан. Чуқур уф тортди. Кейин менга қаради ва асабийлашиб гапира бошлади.

«Эй, Юнусбей, сизга ҳамма тилда жавоб бериб чиқдим. Мен яна қанақа ифода билан гаплашай сиз билан? Мутлақо тушунмаяпсиз. Мен сиз билан оила қуролмайман. Мен сиз билан учрашиб юрмайман. Мен сиз билан дўст-пўст бўлмайман, шундай экан, нега ҳалиям орқамдан юрибсиз? Бас қилинг, биз бошқа-бошқа инсонлармиз».

«Менга бироз вақт беринг, балки туйғуларингиз ўзгарар».

«Ўзгармайди, бугун ҳам уйимизга келадиган бўлсангиз, мен уйдан кетаман».

Бу сафар кўзларига чуқур қайғу билан қарадим.

«Сиздан илтимос, кетманг, ёлвораман. Мен кетишингизни ўзимга нисбатан ҳақорат, деб тушунаман. Аллоҳ учун менга шу яхшилиқни қилинг, уйингиздан кетманг».

Нима бўлганда ҳам инсонку, бироз ўйланди..... кейин «яхши» деди мулойимлик билан.

«Кетишимни ҳақорат деб қабул қилмаслигингиз учун кетмайман».

Бу кичик мулойимлик қаршисида талтайдим.

«Унда сиздан яна бир марта қаҳва илтимос қилсам, сиздан катта нарса сўраган бўлмайманми?»

Асуман жилмайди. Энди севина бошлаган жойимда бу табассум асабийлашиш натижаси эканини тушуниб қолдим. Лекин жилмайгани қалбимга имзосини ёзган эди. Бошқа ҳеч нарса демасдан кетди.

Кеч бўлишини интизорлик билан кутдим. Уларникига кетмасдан аввал facebook ка кириб унинг ёзишмаларига назар солдим. Баҳорга яна ёзибди.

Бугун анави аҳмоқни яна кўрдим. Ранги очилибдими, билмайман, анча одамга ўхшаб қолибди. Сал раҳмим келди. Бирам ёлворди, «уйдан кетма» деб туриб олди... бошқа ҳеч нарса демади.

Дарҳол уларникига бориш учун ўрнимдан туриб кийиниб, бувим ва Девримни ўпиб, уйдан чиқдим.

Умид билан чопаётган одам чиндан кучли бўлиши, куч топиши керак.

\*\*\*

Элизабет «Қандай мусулмон бўлганимни айтаман» деди.

Ўзимни ҳаяжонлангандек кўрсатдим. Унинг қандай мусулмон бўлганининг менга нима қизиғи бор?! Мен фақат ролимни чиройли ўйнашим керак эди. Ҳаёлим Асуманда, уни ҳалиям кўра олмадим. Менга эшикни онаси очди. У уйдаи, йўқми билолмаётгандим. Ҳаяжонландим. Бир вақтнинг ўзидаги ҳам нафрат, ҳам ошиқлик, тўғриси оғир келаётган эди.

Қосимбей ҳазилкаш инсон. Ичкарига кирганимда менга бошдан-оёқ қараркан, бу бўйинг билан булут-



«Менга қандай мусулмон бўлганингизни айтиб бермоқчи эдингиз» дедим яна ҳавас билан.

«Ҳа, эсимда турибди, қаҳваларимизни ичгандан кейин» деди.

Элизабет ошхонага қараб «Қизим, меваларни олиб кел» деди.

Ошхонадан Асуман «Ҳозир» дея овоз берди. Овозини эшитиб туйган қувончим ёнига яна қувонч қўшилди. Ҳозир меваларни олиб келса, яна юзини кўраман. Аммо ундай бўлмади, орадан кўп ўтмай дадасини чақирди. Жин урсин, меваларни дадасига берди. Менга ҳатто юзини кўрсатмаяпти. Қолоқ диндор. Бу ўзини ким деб ўйлаяпти-а?

Асуман, ҳали мен учун шунақаям кўз ёшлар тўкасанки, хўнграб йиғлаб шунақанги ёлворасанки... бунга қасам ичаман — шундай бўлади. Менинг севгимдан бошингни деворларга уриб йиғлайсан ҳали. Қизга бўлган нафратим янада ошди. Жин урсин, шу билан бирга эътиқодидан қайтмаслигини кўриб унга бўлган севгим ҳам ортмоқда. Элизабет хоним қандай мусулмон бўлгани ҳақида гапира бошлади.

«Мен фалсафа факультетида ўқирдим. Дильтейнинг «Диний билимлар кадр-қиймати»ни йўқотди. Диннинг ўрнини тўлдирадиган бир иддао, бир куч, бир ҳақиқат ўртага чиқади. Бу фақат фалсафа билан амалга оширилиши мумкин» деган фикрлари илгари сурилаётган эди. Фалсафа ичида юриб чарчаб кетдим. Ҳамма саволларимга жавоб топишни истардим. Аввал «Инсон нима?» саволимга фалсафадан жавоб ахтардим. Бу мавзуда энг ишонган файласуфим антрополог Мартин Хайдеггернинг китобларига муро-

жаат қилдим. Менинг саволимга жавоб бериши керак эди. Ҳамонки, диннинг ўрнига фалсафа таклиф этилмоқда экан, унда у инсоннинг нима эканини албатта тушунтириб бериши керак эди. Мартиннинг тафаккур оламини кезиб чиқдим. У фалсафага шунчалар ишонганки, бутун оламни ва коинотни кашф этиш антрополиянинг вазифаси дейди. Бу қандайин такаббурлик?

Аммо фалсафа менинг саволларимга тўлиқ жавоб бера олмади. Бера олмасди ҳам...

Бера олмаслигини айтиши керак эди, аммо айтмадику?!

Мени фалсафага қарши деб ўйламанг. Мен «динни кўпориб, ўрнига фалсафани кўяйлик» деганларга қарши фикр билдиряпман. Сиз тўлақонли юракнинг инсон ё ҳайвонларда ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолишига, томирлар, ҳужайралар, ҳар бир аъзолар, бўлақларнинг тасодифан ёки эволюция натижасида мукаммал тарзда ўз ўрнига жойлашиб қолишига ишонасизми?

Кўз кўриш учун бўлмаса, ошқозон таом учун эмас, ўпка нафас олиш учун эмас, қулоқ эшитмоқ учун, оёқ юриш учун, тил сўзлашмоқ учун эмас. Бу қанақа саводсизлик?

Нақадар расво зиддиятлар ичидасизлар, диннинг ўрнини сизлар тўлдирасизларми? Борлиқни мутлоқ бутунлигича асло қамраб ололмаймиз дейсиз, инсон ақли билан таниб бўлмаслигини, ғайбни билолмаслигини биласиз, аммо Аллоҳнинг ўрнига ўтишни истайсизлар. Сиз Қуръонда ёзилганидек, Аллоҳнинг ҳукмидан беҳабарлардансиз».

Элизабет хоним шошиб ўрнидан туриб кутубхонадан бир китоб келтирди. Мени яхшироқ ишонти-

ришни истарди. Ақлим, зехнимда бироз тушунмовчиликлар бўлди, лекин иродамга ишонардим. Менга китобни кўрсатди: «Қаранг, кактусдан чиққан бир китоб. «Метафизика нима?», унинг 17-саҳифасидаги учинчи бобга қаранг».

Гапини бўлдим: «Ўқиган жойларингизни расмга олсам бўладими?»

«Нега?» деди болаларча соф қараш билан.

«Бир китоб ёзаётгандим, ўқиган матнларингизни хатосиз кўчиришни истардим». Буни эшитиб ҳайрон қолди: «Оооо, табриклайман. Қандай қилиб китоб ёзиш фикрига келдингиз?»

«Америкада ўқиб юрганимда уч йигит дўстлашиб қолгандик. Учаламиз ҳам уч мавзуда китоб ёзамиз деб келишгандик. Биринчи мавзу ўзимиз, иккинчиси ўлкамиз ва унга муҳаббат, учинчиси эса ўлкамизнинг раҳбарларидан етган зулм бўлади. Ҳамма шахсан гувоҳи бўлганлари асосида ва борини ўзгаришсиз ёзади. Мен ҳам ёмон кўринсам-да, лафзимни бажариш учун фақат ҳақиқатни ёзаяпман.

Бу гапларимдан Қосимбей ҳам ҳайрон қолди.

«Табриклайман, яхши чиқишига ишонаман», деди.

Элизабет хоним ҳам гапларимдан таъсирланган эди.

«Жуда қизик келишув. Аллоҳдан ҳайрларга васила бўлишини тилайман» деди. Мен ҳам дарвешона тарзда «омин» дедим.

Элизабет кўлидаги китобдан ўқий бошлади.

«Ҳамма нарсага жавоб топганини иддао қилган Мартин Хайдеггер «Метафизика нима?» асарида фалсафа ҳақида нима деганига қаранг — ҳаётни ақл билан қамраб олиб бўлмайди».

Бирдан ҳайратга тушдим. Элизабет хоним ҳам ҳайрон қолганди. «Юнус, «Ҳаётни ақл билан қамраб олиб бўлмайди» деяптими?»

Агар шу айтганидек, ҳаётга ақл билан ечим топилмас экан, унда фалсафа диннинг ўрнига ўтишдек тақаббурликдан воз кечиш керак. Икки хил файласуфлар бор: бири Аллоҳга ва динга ишонмайди. Кечирасиз уч хил экан — теист, деист ва даҳрийлар. Диндор фалсафачилар ҳам бор. Менинг фалсафага арз-шикоятим йўқ. Эътирозим фалсафани диннинг ўрнига қўймоқчи бўлганларга. Кимсизлар ўзи деб сўроқлаётганим ана ўшалар...

Хўш, метафизикани давом этаман.

«Ҳаётни ақл билан қамраб олиб бўлмайди. Ҳаёт иррационал қарашларда... Иррационализм, менинг фикримга кўра, мантиқсизлик, сабабсизлик, олиб қочиш, ақлга қаршилик, ақлсизлик, ақлдан озиш, ноаниқлик...

Ҳаётни тушунтира олмаганлари учун уни ёшларга иррационал тушунча деб ўтказиб юборишяпти. Ёшлар у сўзни тушунмайдилар. Ҳаётнинг йўқдан бор қилиганини тан олмаган ҳеч бир ақл бунни изоҳлай олмайди. Ҳар зарра атом, ҳар атом бир оятдир. Даҳрийлар фалсафаси зиддият ва чалкашликка тўладир. Давом этаман..

Ницшедан то Бергсонгача ҳаёт фалсафасининг якуни шакллантирилган. Аммо бу анъанавий ҳаёт фалсафасини илмий назариянинг олдидаги ақл билан қамраб олиб бўлмайдиган ҳаёт дарёсини келтириш билан Хайдеггер бир қадам олдинда. Ҳаётнинг тартибсиз ва йўналиши номаълум оқим эмас, бир қанча тамойиллар ва шаклларни ўз ичига олган мутлоқлик, бутунлик эканини айтмоқда. Илмий назариялар ҳаёт иррационал ва қамраб олиш мумкинмас дегани учун,

ҳатто мавжудликнинг аниқлигини ошиб ўтадиган даражада бўлгани учун ҳаётга мос келмаяпти. Ҳаёт иррационал эмиш. Ана шу ўхшаш тушиб-чиқишлар, айтганларини билвосита рад этувчи фалсафа менга зиддиятларнинг уясидек туюлади. Фалсафа етти бошли дев каби эди. Гўзалликларни таклиф қиларкан, даста-даста етти боши билан ўша гўзалликларни йўқ қилаётган ҳам эди. Бу шаклдаги принципларни ўз ичига олган ҳаёт космосга қаердандир ташланган бўлиши мумкинми? Бу принциплар Яратганга ишора бермаяптими? Ҳаёт нима ўзи?

Инсон ақли билан тушуниб етолмабди. У ҳолда шу ақлнинг ортида бир борлиқнинг мавжудлигини тан олиш шунчалар қийинми?

Менимча, буни даҳрийлар кўришни ва билишни истамаётгани учун кўрмаяпти. Ана шу кўрмаётганларини биламан. Бу борлиқ, бу коинот, бу табиат бир тасодиף бўлиши мумкин эмасди, бўлолмасди. Исони бир аёл дунёга келтирди. Аллоҳ туғмас эди. Исо уйланди, Аллоҳ уйланмас эди. Аллоҳ инсонлар ва коинотдан устун бўлиши керак эди. Насронийлик Аллоҳни тушуна олмагани учун Аллоҳни учга бўлган эди. Аллоҳдан келган Инжилни тўқиш билан ўйин қилдилар. Буни идрок қиларкан, исломда Аллоҳнинг тасаввури қандай экан деб қизиқдим. «Аллоҳ Қуръонда аёлга зулм қилдириши мумкин эмас» дедим. Унда Аллоҳни қайси диндан топа оламан? Шу кенг оламда қапалак сингари кўрган гулимга қўндим. Барча динларни суриштирдим. Шу қадарки, бутга сиғинувчиларнинг Тангричилик эътиқодини ҳам ўргандим.

Йўқ!

Менга айтилаётганларнинг бирортаси бу оламни яратган бўла олмасди. Бир куни поездга ўтириб бу-

тун Лондонни бошдан-оёқ кездим. Поездда ўранган бир аёл ҳамроҳим бўлди. Фурсатини топиб дарҳол ўша аёлдан сўрадим. «Исломда аёлни калтаклаш унга зулм қилиш бор экан, у исломни қандай қилиб севдингиз?» Аёл «Қуръонда ундай нарса йўқ» деди. Ўша вақтда янги бир уфқни кўрдим. Инсонлар инсонни Аллоҳ деган эдилар, Қуръон маъноларини тушунтиришда ҳам хатолар ва янглиш фикрлар беришлари мумкин эди. Инсонларни Инжил билан таниган эдим ва тўғрини қанчалар бузганларини кўргандим. Мен инсондан кўрқдим. Эътиборимни фақат Аллоҳга қаратганим учун одамларга эътибор қилмасликка қарор бердим. Кўп ҳаракат қилдим, қаттиқ чарчадим.

Қуръондан бошқа ҳамма диний китобларни суриштирдим. Қуръондан ёмон кўрқитилган эдим. Узок вақтлар Қуръонга яқинлашолмай юрдим. Бирига Қуръонни кўриб чиқмоқчиман дедим. У ҳам «Қуръонда тақдир бор, ҳаммасини Аллоҳ қилдиради, кейин эса нега қилдинг, деб жаҳаннамга отади», деди. Кейин кўрганларим мусулмон аёллардан (эркакларнинг мусулмонми-йўқлигини билиш қийин, аммо мусулмон аёллар ўранганлари учун ажратиш осон) сўрадим. Савол берганларимнинг барчаси «Аллоҳ тақдир қилмаса, ҳеч ким ҳеч нарса қилолмайди» дедилар. Исломдаги Аллоҳнинг тасаввури мени жуда севинтирган эди.

«Ана шу Аллоҳ» дедим. Лекин Аллоҳнинг дини қайси? Ҳамма нарсани тақдир қилган Аллоҳ экан, қуллар нима қилса, Аллоҳ уни ирода қилган бўлар экан. Аллоҳнинг аввали йўқ. Даҳрийлар бу аввали йўқликни моддага қиёсладилар, аммо Аллоҳга қиёсламадилар. Аллоҳ туғмаган ва туғилмаган, инсонга ва яратганлари ичида бирор нарсага ўхшамайди, истаганига ҳидоят беради. Бир тарафдан Аллоҳ истамагунча ҳеч ким ий-

мон келтира олмайди. Лекин Аллоҳ тўғри эътиқод билан иймон келтиришни истаганларга ҳидоят беради.

Аллоҳ истаганини кўтаради, истаганини пасайтиради. У ҳеч нарсага муҳтож эмасдир, аммо ҳамма нарса унга муҳтождир. Аллоҳ адолат соҳибидир. Ўзини кўрсатмайди, аммо асарлари билан билдириб туради. Ақлини ишлатган, тафаккур қилганлар Аллоҳни яратилган нарсаларда кўра оладилар. Буларни ўргандим. Аллоҳни сифатлари билан таниганим сари ҳайрон бўлдим. Лекин тақдир мавзуси менга ёмон таъсир қилган эди. Бутунлай фикрларим ўзгарган эди. Мусулмон бўлмоқчи эдим. Масжидга бориб имомдан сўраб ўрганай, у яхшироқ билади, дедим. Мен у вақтларда имомлар ҳамма нарсаларни биладилар, улар хато қилмайдилар, деб ўйлардим. Ваҳоланки, у ҳам инсон эди...

Маيلي...

Бир масжидга бордим. Қосимбей мени учратган ўша жой. Имомдан тақдир ҳақида сўрадим. Жавоб разолатдан бошқа нарса эмасди. Бутун хаёлларим тугагандек масжиддан чиқдим. Ўша куни чўқдим, йиқилдим.

Бир мақол бор эди «Ўлим тақвимдан фойдаланмайди» деган. Мен уни бошқача талқин қилдим — умидсизлик ва тушкунлик ҳам тақвимдан фойдаланмайди...

Яна бир мақол бор: «Секин ҳисобла, тез тугат». Мен тез тугатмадим. Ҳатто атайлаб тугатмадим.

Умидсиз хаёлларимга қарамасдан «Инсон адашиши мумкин, мен суриштиришда давом этаман» дедим. Чунки одамлардан сўрайман деб, докторлар орасида «Нима қилайлик?» деб юргунча касал ўлиб бўлади. Модомики, ҳамма келажагининг, қисматининг меъморлари экан, у ҳолда мен ҳам келажагимнинг меъморлари бўламан дедим.

Ахир айтишадику, ҳаётнинг сири шудир, қилгингиз келганининг ҳаммасини қилманг, фақат қилаётган ишингизни ёқтирадиган даражада бажаринг.

Мен ҳам шундай қилишим керак эди. Шундай бир динга киришим керак эдики, уни севишим керак эди. Кейин эса ўша тўғри динни топа олганим, танлай олганим учун ўзим билан фахрланишим керак эди. Ўша масжид имоми исломни яхши билмаслигини тахмин қилдим. Суриштиришда давом этдим. Журъат муваффақият бошидир. Қуръони Каримни ҳаммасини ўқиб тугатишга ғайрат қилдим. Исломда айтилган тақдирга ишониш насронийликдаги Аллоҳга ишонишга баъзи тарафлардан тўғри келарди. Осилиш учун туғилган одам ҳеч қачон чўкиб ўлмайди бунга тўғри келади. Тўғри келмаса, нима бўларди? Дунё уйдирмалар ва тўқималар сабабли чўкиб кетаётганмиди?»

Элизабет хонимни иштиёқ билан эшитарканман бир вақт ташқарида шовқин-сурон бошланди. Хавотирдан деразага югуриб қараганимизда қаршимиздаги манзарадан даҳшатга тушдик. Биз ўтирган бинонинг биринчи қаватида ёнғин бошланган эди. «Эй, воҳ, энди нима қиламиз?» деб бир-биримизга қўрқиб кетганча қараб турардик. Ёнғин тутунлари юқорига чиқаркан, бурқсиётган манзарадан нима қилишимизни билмай қолгандик. Кўп ўтмай ўт ўчириш машиналари овози эшитилди. Кимдир уларни чақиришга улгурган эди. Аввал ташқарига чиқиш учун махсус зиналарни бизнинг қаватга узатди. Бир томонда пастдаги ёнғинни ўчириш учун одамлар югураётган эдилар. Кўча худди ота-оналар кунидек сершовқин ва югур-югурли эди. Лекин ёнғиндан баттар бошқанарса содир бўлганди — қаттиқ ҳаяжонланган Қосимбейнинг юраги ушлаб қолди. Вазият издан чиққан



эди. Асуман дадасининг кўйлагини ёқасини ечганча «дадажон, илтимос ўзингизга келинг» деб ёлворар эди. Лекин унинг ёлворишларидан бирор фойда чиқмади. Қосимбей ўзига келмади, ҳушсиз эди. Мени фақат Қосимбейга қандай ёрдам бериш ўйлантирарди, асло кўз ўнгимда кимнингдир ўлаётганига тоқат қилолмасдим. Қосимбейни елкамга олдим ва зинадан туша бошладим. Асуман ва Элизабет ҳам менга ёрдам беришга ҳаракат қиларди. Қосимбейни кўчага олиб чиқишни уддаладим. Улар пастга тушаётганларида ҳеч кимни кутмасдан такси ушлаб Қосимбейни «Шишли Этфал» касалхонасига олиб кетдим. Қосимбей кўлларимда тўлғанар, нимадир демоқчи бўларди. Мен ҳам юрагини уқалаётган эдим, шунда бирдан ҳаракатсиз қолди.

Нима бўлаётганини идрок қилишга уринарканман, ҳайратдан қотдим. Кўзларим катта-катта очилган, кўлларимда Қосимбей нафас олмай ётарди. Бунга ишониб қийин эди. Ҳаммаси ҳаддан ташқари тез содир бўлган эди. Бироз аввал қаҳва ичиб суҳбатлашиб ўтирган одамим қучоғимда ўлган эди. Бу мусибатдан қандай чиқишни билмасдим. Томири урмаётган эди, мутлақо қимирлаш ва нафас олиш йўқ эди. Ниҳоят касалхонага етиб келдик. Биз етиб келишимиз билан орқамиздан яна бир такси келиб тўхтади. Асуман ва Элизабет ҳам етиб келган эдилар. Мен ҳам Қосимбейни олиб машинадан тушмоқчи бўляпман. Касалхонага кирганимизда бизга керакли доктор йўқ эканини билдим. Етмишдан ортиқ касал бор эмиш, ҳаммаси унга қараб турган эмиш. Мен ғазабдан бор овозим билан бақирдим.

«Касалнинг юраги ушлаб қолган, балки ўлиб бўлди. Доктор етиб келсин!» дедим.

Шу вақт кўзларим орқамда турган Асуманга тушди. Онаси билан кириб келган эдилар.

«Дадажоним, фақат ўлманг, бир донам, жон дада, кўзларингизни очинг. Фақат мени ташлаб кетманг. Аллоҳим, мен нималар деяпман, Роббим бизга ёрдам бер. Уни бизга қайтариб бер» деб изиллаб йиғларди. Бу орада доктор чиқди ва уни текшириб кўриш учун ичкарига олиб кирди. Доктор кўп ўтмай қайтиб чиқди. Унинг кўзларидаги ифода гапирмаса ҳам нима бўлганини айтаётган эди. Одам зўрға бир-икки оғиз нималардир деди ва тезда чиқиб кетди.

«Аллоҳ сабр берсин, афсуски, улгурмадик»

Асуманнинг кўзлари катта-катта бўлиб кетган, йиғлаб фарёд қиларди. Дод солиб бақирмас, аммо кўз ёшлари юзини юваётган эди.

Мен эса жуда хафа эдим, нима дейишимни, нима қилишимни, унга қандай тасалли беришимни билмас эдим. Элизабет эрининг устига ўзини ташлаганча қичқирарди. Асуман бошини қўллари орасига олиб сиқарди. Ҳушини йўқота бошлаган эди. Дарҳол сув олиб келиб ичирдим, юзига сепдим. «Асуман хоним, ўзингизни қўлга олинг, сиз бундай қилсангиз, онангизга қандай тасалли берасиз» дедим.

«Жоним, бир донам кетди. Дадажон, мен сизсиз дунёда қандай яшайман, дадажоним, менинг дунём, энди нима қиламан» дея зор қақшарди. Ўрнидан туриб дадасининг жасадини ўпди, йиғидан тўхтамасди. Элизабет эса «Келишувимиз бундай эмасдику, жасур аскар» дея ҳайқирарди. «Аллоҳим, бизга сабр бер» дерди.

Дақиқаларча йиғладилар. Майитни ўликхонага ола-миз, юраги ушлаб қолган бошқа касал келмоқда, унга жой бўшатишимиз керак, дедилар. Элизабет дарҳол

«Йўқ, бермайман, ўликхонага қўймаймиз» деди. Элизабет хонимнинг хуши жойида эмас эди. Балки уйлари ёниб кетди, билмас, қизиқадиган ҳолатда ҳам эмасди. Қосимбейни кўтариб чиқиб, коридорга ерга қўйдилар.

«Шошилинич касаллар тугасин, доктор рухсатнома ёзиб беради, кейин олиб кетишларингиз мумкин» деди. Она-қизнинг аҳволи паришон эди. Йиғидан тўхтамас эдилар. Бу орада бутун қариндошлари етиб келдилар. Бундай оғир кунда яқинларнинг жуда муҳим эканини шу ерда кўрдим. Бунга жонли гувоҳ бўлдим. Ўрта яшар бир одам шунчалар куйиб йиғладики... У Қосимбейнинг укаси экан.

«Ака, жоним акам, бизни ташлаб кетдингизми» деб қайта-қайта сўрарди. Акасининг оёқларини ўпди.

Ичимда «Мен ўлсам, Белгин ҳам менинг оёқларимни шундай ўпармикин?» дердим. Соатлар ўтиб рухсат берилди. Чиқиш учун ёзув-чизувлар қилингунча бомдод вақти бўлди, азон эшитилди. Қариндошлардан бири уйдан хабар олибди. Уй ёнмабди. Асуман энди дадажонимни уйга олиб борайлик деди. Майит махсус машинада уйга олиб келинди, залга олиб кирилди. Қосимбей олти-етти соат аввал ўтирган жойида энди жонсиз ётарди. Ўлим — жуда қайғули ҳолат экан. Кўзларинг олдида суғуриб олинган рух, унга кийилган кийим ва бир тана эмиш инсон вужуди. Йиғисиги давомида мендан воқеани сўрадилар. «Қучоғимда ўлди» дедим. Ҳамма менга миннатдорчилик билдирди. Асуман «Аллоҳдан сўрайманки, дадам вафот этган ўша қучоққа ҳеч қачон оташ тушмасин, ёнмасин, куймасин» деди. Ё, Тангрим, бу қандай дуо, ҳаяжонланиб кетдим, баданим жимирлаб кетди. Ғалати кечани ўтказдик. Ҳаётимда аввал ҳеч дуч келмаганим,

яшаб кўрмаганим ғалати бир кеча. Кетишимни ҳам, қолишимни ҳам билмасдим.

Элизабетга: «Меҳмонларингиз кўп, мен ҳалақит бермай» дедим. Лекин у мени қўйиб юбормади. Мен ҳам суянчиқ бўлишим кераклигини тушундим, кетмадим. Пешин намозидан кейин Қосимбейни тупроққа қўйдик. Даҳрийлар ўликларини ашулалар билан, муслмонлар эса дуолар билан кузатишар экан. Ҳамма нарсамиз бир-биридан фарқли, баъзан кулгига қоляпмиз. Ўликни кузатиш ва олқиш... Буни қандай тушуниш мумкин?

Бу орада уйдаги мушук йиғлатди мени. Қабристонга Қосимбей билан бирга келганди. Ҳайвондаги туйғуни қаранг. Қосимбей кавланган қабрга қўйиларкан мушук ўзини унинг устига ташлади. Бу манзарага йиғламаслик мумкин эмасди. Қосимбей ҳайвонларни жуда яхши кўрар экан. Аввалги уйларида ҳам ити бўлган экан, ўлибди. Кўп қаватли уйга кўчгач, бошқа ит олиб келишмабди.

Жанозадан кейин улардан ажраб уйга келмоқчи эдим. Элизабет менга раҳматлар айтди, шунда Асуман «Йўқ, илтимос биз билан уйга келинг, таомдан кейин кетинг» деди. Шу вақт руҳимда Асуманга бошқача бир илиқликлар ҳис этдим. У жондан, қанчалар ич-ичдан ёлвориш эди. Тили билан эмас, худди кўзлари билан ёлвораётганди. Уйларига кетдик. Уйда кўпчилик эди. Бироз безовталиқдан балконга чиқдим. Чарчокдан ўша ерда ухлаб қолибман. Уйғонганимда устимни кимдир ёпиб қўйганди.

Ким ёпганига жуда қизиқдим. Шу вақт телефоним тўхтовсиз жиринглай бошлади. Қаерда эканимни сўраганларга жанозадаман дедим... ўчирдим. Соат 16 лар атрофида дастурхонга ўтирдик. Қосимбейнинг охириги

гаплари нима эди деб сўрадилар. «Зўрға калимаи шаҳодатни айтди» дедим. Албатта одам эътиқодига ишониб яшади ва жони чиқиш онда ҳам ишониб ўлди. Биринчи марта динсизлигимдан кўрқдим, титрадим.

\* \* \*

Бир ойдан кейин Асуманнинг facebook даги ёзишмаларига қарадим. «Дадамга шундай жон куйдирдики, мени айтган гапларимга уялтирди. Дадам унинг кўйнида эканида омонатни топширди, ишонасанми? Ҳеч хаёлимга келмаган. Қоним қайнади, у менинг дадам ўлган қучоқнинг эгаси».

«Маили, хайрлиси, Юнусбей, буни эшитса хурсанд бўлади».

Бугун шундай суҳбат бўлган экан. Чиндан хурсанд бўлдим, чунки энг камида мен билан қизиқа бошлаганди. Мен эса тентак бўлаёзган эдим, фикри хаёлим мудом унда. Чидолмасдан Элизабетга телефон қилдим. «Сизларникига боргим келяпти. Лекин жасоратим етмаяпти. Нима деб боришни билмаяпман» дедим.

Элизабет хоним эрининг қайғусида бўлса ҳам доимгидек меҳрибон ва самимий эди. «Бемалол келавер. Сен энди бизнинг ўғлимиздексан. Раҳматли Қосимбей сени яхши кўрарди. Ҳатто шундай деган эди... узр, ҳозир мавриди эмас, келавер...» деди. Бу таклиф таъсирида телефонни қандай кўйдим, машинани қанчалар тез ҳайдаб уларникига қандай келганимни билмайман. Ҳаммаси бир зумда бўлгандек эди. Эшикни Асуман очди. Бу эшик менга кўринишидаги ифодалар ўзгарган шаклда биринчи марта очилиши эди. «Киринг, марҳамат» деди у одоб билан.

«»Безовта қилмадимми?» дедим ҳижолат бўлиб.

«Нега безовта бўлайлик, киринг, илтимос».

Ичимда «Эй, Аллоҳим, агар чиндан бор бўлсанг, шу қизни менинг тақдиримга ёзгин» дедим. Мен унга чиндан ошиқ бўлдим, мен уни севиб қолгандим. Усиз худди нафас ололмаётгандим. Қарасам, уйда яна тўрт-беш киши бор. Бири Асуманнинг туғишгани Анас эмиш. Уни биринчи марта кўрдим. Анқарада ўқир экан. Жуда одобли ва маданиятли эди у. Неча ёшсан дедим. «Йигирма бир» деди.

Асумандан каттами-кичикми ... усталик билан сўрадим.

«Ака бўлиш қанақа?» дедим.

«Йўқ, Асуман менинг опам» деди. Худди ростдан унга уйланадигандек хотиржам бўлдим. Уйланадиган қизимнинг мендан жуда кичик бўлишини истамасдим. Мен ўта чалкаш, аралаш туйғулар ичида эдим...

Энди нима бўлади?

Билмайман, ўша кеча қароримни бергандим. «Аллоҳ бор шекилли, Аллоҳ бўлса, уни инкор этишнинг нима кераги бор, яна биров суриштирай» деб ўйлай бошладим. Уй эгалари мусибатга оз бўлсада кўникибди, ҳеч ким йўғида йиғлаб юришибди назаримда.

Элизабет хоним эри ҳақида гапира бошлади.

«У жуда ажойиб инсон эди. Баъзан асабийлашиб мени хафа қилса, қайта-қайта узр сўрарди. Мендан хафа бўлсанг, хотиржам бўлолмайман, дерди. Илтимос, мени кечиргин, дерди. Менга ҳадя қилишни яхши кўрарди. Қанчалар хато қилсам ҳам болаларнинг олдида менга асло бақирмасди. Эътирозларини ёлғиз қолганимизда айтарди. Ҳар куни оилавий би-

рор мавзуни ўрганар эдик. Масалан, «Аллоҳ истаганига ҳидоят берур» оятини. Бу оятни Аллоҳ истаганларга ҳидоят беради деб таржима қилмоқдалар. Қосимбей ота сифатида, умр йўлдош, ака, бобо сифатида ажойиб инсон эди...»

Бирдан ҳайрон бўлдим. Ишонолмадим: «Анас уйланганми?»

«Ҳа».

«Лекин жуда ёшқу? Қандай қилиб уйлантирдигиз? Тушунолмадим».

Элизабет хоним жавоб берди.

«Раҳматли эрим бировларнинг қизига кўз олайтириб, хотинидек фойдаланган ёки фоҳишахоналарга бориб эҳтиёжини қондирган ақлсиз эркак бўлиш ўрнига, эркаклар вақти келиши билан уйланиши керак. Ўттиз беш, қирқ ёшга келмоқда - уйланмайди. Нима учун? Чунки кўчада хотинлар кўп. Зино ва ифлослик билан яшаб юрадилар. Бизда чинакам мусулмонлар зино қилмайдилар. Тавба қиладилар. Туғилганлик ҳақидаги гувоҳномага қарайдиган мусулмонлар ҳаром эмасдек зино қиладилар. Унга кўра ёшлар ўн саккиздан кейингина уйланиши мумкин» деганди.

Бир пайт қарасам, Асуман кўлидаги патнисда қаҳва қилиб келибди.

Тушундим, менга яхши ният билан кўриняпти. Бўлмаса бундай қилмасди. Яшавор! Менга ким ҳам ноз қилиб чидаб юра оларди ахир?

Ичимдаги бошқа Юнус тилга кирди:

«Юнус, нега бунчалар ёлғончисан? Одамга ўхшасанг нима бўлади»

«Лекин булар хавфли, булар давлатимизни йиқитмоқчи, буларни йўқ қилиш керак аслида».

«Лекин Асуманни қандай кўзинг қияди, қандай раво кўрасан?»

«У давлатга қандай раво кўрмоқда? Қўй, Юнус, йўлнинг бошидасан, яхши кетяпсан. Асло йиқилма, қайтма!»

Қаҳвани олаётиб унинг кўзларига қарадим. Бу қанақа қарашлар эди?

Ҳеч нарсани сездирмай ўша куни ёнғин ва мусибатлар сабабли чала қолган ҳикоямизнинг давомни сўрадим ундан.

«Ҳаааа, чала қолганди. Хўп, охирига етказиб қўяй. Аллоҳнинг борлигини онгли равишда суриштиравердим. Топдим. Аллоҳга ишонганимдан кейин динларни суриштирдим. Аёлларга зулм ва тақдирга ишониш ҳақидаги гапларнинг ҳам жавобини топдим. Исломдаги адолат менга жуда манзур бўлди. Бошидан инсонни кўрқитадиган жазолар бор, титратиб юборади. Масалан, пайғамбаримиз САВ айби аниқлангач, икки киши учун «Уларнинг кўзларини ўйинг, кейин ўлдиринг» деган эканлар. Жуда кўрқинчли. Лекин аввали ва сабаби муҳим. Чунки у одамлар бир кишининг кўзларини ўйиб ўлдирган эканлар. Исломда тажовуз қилишдан бошқа, бир кишини қандай ўлдирса, ўзи ҳам ўша шаклда ўлдирилади. Даҳшатга ўхшаб кўринган, парда орқасидаги нарсалар яхшилаб ўрганилса, адолат ва гўзалликлар ўртага чиқади. Ҳар доим айтаман, исломни тушуниб бораркан, инсон бу динни шунчалар севадики...

Мусулмон бўлдим. Оиламдагилар учун қиёмат бошланди. Дадам урди. Онам: «Уйдан кет, қайтиб келма» деди. Тоғам, амаким — ҳаммалари мен билан



гаплашмай қўйишди. Укам «Агар сени мафтун қилган ислом менинг эшитганларимдаги ислом бўлгани ҳам суриштирди. Бир куни қарасам, укам жилмайиб келмоқда. Мен дўкондан чиқаётган эдим. Қўлларим тўла нарсалар бор эди.

«Элизабет, сенга мужда олиб келдим. Мен мусулмон бўлдим» деди.

Қўлимдаги пакетлар тушиб кетди. Уни шундай қучоқладимки, қанчалар қувонганимни тушунтириб беролмайман. Укам ҳам тўғри йўлни — Ҳақ йўлини топган эди. Кўча ўртасида иккаламиз ҳам йиғладик. У мендан яхшироқ мусулмон. Атрофимиздагиларнинг асосий мавзуси ойларча, ҳатто йилларча биз бўлдик. Шайтон уларни ислом ҳақидаги доимий ёлғонлари билан алдаётган эди.

Курашдим. Менга ҳамisha бир гапни айтардилар «Сен яқинда чимматга, қанор қопга кирасан, кўзларингга тўр тақасан». Уларга қарши бориб ўранмадим. Эримдан ҳам босим ўтказилмаганини уларга исбот этиш учун рўмол ўрамадим».

Ошхонадан Асуманнинг овози эшитилди: «Юнусбей, менинг онам гуноҳлар олдида жуда жўмард, журъатли. Гуноҳлардан ўзини шундай оқлаб олади. Сиз онамга алданманг» деди. Унинг мен билан гаплашаётганидан қувониб кетдим. Жилмайиб жавоб бердим: «Бизни бошқа шаклда алдайдиган шайтон, демакки, онангизни шу йўл билан алдамоқда.»

Элизабетнинг ранги оқариб кетди. Асуман ошхонадан ичкарига кирди: «Офарин, худди шундай, жуда гўзал таърифладингиз. Зотан шайтон ҳамманинг мантиғига кўра йўл топиб одамларни алдайди. Қолаверса,

нафс деган нарса бор. Нафс, инсоний худбинлик ҳам шайтондан қолишмайди». Элизабет хоним жим бўлиб қолди. Мендан узр сўраб хонадан чиқди. Ўн беш дақиқадан кейин у хонага ўранган ҳолатда чиқди.

«Юнус, сенга раҳматлар айтаман. Шайтоннинг мени бу шаклда алдаши ҳаёлимга ҳам келмаган эди. Саломат бўлгин. Қизим менга қанчалар ёлворди, таъсир қилмади. Аммо сенинг бу гапинг менга етарли бўлди».

Буни қаранг, мен динсиз ҳолимда гапириб, бир аёлни ўрантирдим. Мен сабабли бир аёл рўмол ўради. Эътиқодимга ёт нарсаларни қилиб ўтирибман...

\* \* \*

Вилламизга келганимда ичкарига кирмасдан қаҳқаҳа отиб кула бошладим.

«Ҳой Сечиўғиллари! Эшитинглар мени. Мен зафар кунимни эълон қилмоқдаман. Бир имом ҳатиблик қиз кўлимга тушди, меники бўлди, у тамом энди».

Аввал бувимнинг олдига кирдим. Ухлаётган эди. Кейин Девримнинг олдига кириб, уни эркалатдим. У бирам ақлики, саволларидан баъзан эзиламан. Онам ва дадам билан кўришишим керак деб унинг ёнидан чиқдим. Залга кирганимда ҳамма ўша ерда эди.

Телбаларча бақирдим: «Мени табрикланглар, қиз менга харидор»

Онам севинчдан шок бўлди. Мени эркалаб-эркалаб ўпди.

«Унинг ўқишда шарманда бўладиган кунни кўрадиган бўлдим, бундан жуда бахтлиман... «Биз имом

ҳатибликмиз, Аллоҳнинг изни билан енгилмаймиз» деганларини бурнидан булоқ қиламан ҳали» деди.

Ҳаёлларимиз Асуман атрофида айланаётгани, режаларимиз унга боғлиқ ҳолда тузилаётгани қанчалар ғалати. Асуман энди қафасимдаги каклик эканига ишончим комил эди. Биринчи ишим хонамга чиқиб, унинг профилини текшириш бўлди.

«Бугун унинг ёнига чиқдим. Мен Юнусга турмушга чиқишим мумкин. Уни яқиндан кўриш ниятида унга қаҳва олиб кирдим. Уни яхшироқ кўрдим. Ҳозир дадамнинг айрилиқ азобини чекапман. Кейин эса унинг таклифини қабул қилмоқчиман. Билмайман, мушрик онаси нима бўлади?»

«Шу ҳам муаммоми, алоҳида яшайсизлар».

«У аёл ўқишда менга тинчлик бермайди. Ўғли билан оила қурсам, тинч қўяди, деб ўйлайсанми? Ўғли қандай инсон, иродали ёки заифми ҳали билмайман. Иймони бутун, мустаҳкамми ё йўқми — бу жуда муҳим. Йўқса бирорта оқимга боғлиқми?»


«Суриштирасан, ҳаётим».

«Масалан, бизникида эканида шом намозини ўқимади. Демакки, Аллоҳни жуда яхши кўрадиган ва ундан кўрқадиган бириси эмас. Лекин жумани ўқиётган эмиш. Қайси масжидга боради, уни ўрганиб, бориб имомдан суриштираман».

«Имом ўшанча жамоат ичида уни қандай танисин?»

«Танийди, танийди. Уни бир марта кўрган одам унутмайди. Бўйи-басти келишган, кўркам».

«О, буни ўйлаб кўрмабман».



Дарҳол хуфтон намози вақтида имомга бериш учун бир конвертнинг ичига минг лира солиб, уйимизга яқин масжидга келдим. Масжидга келиб биринчи пулни имомга узатдим. Имом конвертдаги пулни олди. Тушунмасдан юзимга ғалати тикилди. Хайрат билан «Нима бу конверт?» деб сўради. «Хўжам, бу иш ҳаёт-мамот масаласидир. Ҳам савоб, буни менадан яхши биласиз. Мен уйланмоқчиман. Уйланадиган қизим диндор. Жума намозини масжидда ўқийманми-йўқми келиб сўраши мумкин».

Имом юзимга менсимасдан қараб турарди.

«Ҳммм... Кейинчи?»

«Кейин сиз Аллоҳ учун доим шу ерда жума намози ўқишимни айтасиз».

Имом ювошгина, ландовурга ўхшаб жавоб берди.

«Йўқ, нега Аллоҳ учун бўлсин? Пулини бердингизку»

«Пул муҳим эмас, сиз Аллоҳ учун қилинг».

«Аллоҳ учун қилишимга ишончинг комилми?»

«Албатта, ишончим комил».

«У ҳолда нима учун пул, пора беришга эҳтиёж сездинг? Демакки, сен ҳам мени танимайсан, ҳам мени порахўр деб ўйлаяпсан. Сенингча, мен сотиладиган порахўр имомманми?»

Конвертдан чиқарган пулларни ғазаб билан устимга сочди.

«Асрлардан бери имомларга қилаётган ҳақоратларингиз етмади, энди сотиб олишга журъат қиляпсанларми?!»

Имом асабийлашганидан ва ғазабдан лавлагидек қизариб кетди. Менга «Йўқол, чиқиб кет» демасдан ўзи масжиддан чиқиб кетди. Имом кетди. Муаззин кириб келди. Ердаги пулларни тўплади. Унинг юзига қарадим. Муаззин қарорли ва ўзига ишонгандек кўринарди. Қандай жасорат қилдим, билмайман, омадимни яна синаб кўрмоқчи бўлдим. Илтимос, бу пулларни сиз олинг, дедим. Балки қиз келиб сизга учрар...

У гапимни бўлди: «Муаззинлар энг камида имомлар сингари мусулмондир. Пулингни ол, порахўр, сотиладиган бўлганимда келарсан. Менда шундай бирор кўриниш, ифода борми? Агар сен диндор бўлсанг диндор қизга харидор бўласан, ундай бўлмасанг, ёлғондакам диндор бўлишнинг маъноси йўқ. Аллоҳ учун дегин.... Бундай мавзуларда ёлғон гапириб бўлмайди».

Бизникилар имомларни ёмонлайди. Чиндан ҳам бизнинг маҳаллада ким бўлса, ҳаммаси динга алоқали бўлганларнинг барига тухматлар ёғдиради. Биз ғояларимизни ёлғон ва тухмат ҳисобига сақлаб яшатиб келяпмизми? Неча ойлардан бери диндорлар билан қизиқиб юрибман. Улар ҳақида билганларимнинг бари остин-устун бўлди. Бир неча дақиқалар масжиднинг ўртасида шок ҳолда ўтириб қолдим. Муаззин ҳам «Бу ердан йўқол» демади, ҳайдамади. Кейин билсам, масжиддан ҳеч кимни ҳайдаб бўлмас эмиш.

Уялиб кетдим. Ер билан битта бўлган эдим. Қани диндорларнинг ҳаммаси манфаатпарастлиги? Биз диндорларга бошқача шаблонлар ёпиштирган эканмиз. Шундай, биз ўзимизнинг дунёмиздаги диндорларга душманмиз. Булар бошқача, булар жуда маданиятли.



Орадан ойлар ўтди.

Бир куни жасорат топдим ва Элизабет хонимга гап очдим. «Мени тушунсангиз ва тўғри қабул қилсангиз... Мен қизингизни яхши кўраман» дедим.

Элизабет хоним тушунчали, тортинмасдан очик гаплашса бўладиган аёл.

«Мен қизимнинг фикрини билишим керак. Бунга мен эмас, у қарор беради. Агар у рози бўлса, мен ҳам рози бўламан» деди.

Асуманни чақирди. Диний машғулот ўтаётгандик. Фақат кеча Асуман «Энди ўзингизга бир эркак домла топинг, бу оқшомдаги дарсимиз охирги дарс» деганди телефонда.

Асуман узун кийимларини кийиб, ўранган ҳолда келди олдимизга.

Онаси ҳолатни унга тушунтирди ва сўради.

«Қарорни сен берасан, нима дейсан, қизим?»

Бошини кўтарди. Кўзларимга қаради. Кейин жавоб берди.

«Билолмадим, ойи! Юнусбей жума намозларидан бошқа намозларни ўқимайди. Менинг болаларим дасининг намоз ўқимаслигини кўрса, қандай бўлади? Юнусбей Исломга яқинда кирган. Вақтимиз бор ҳали, унга биров вақт берайлик. Чиндан ҳам Аллоҳнинг берган ҳаёт шартларини қабул қилиб яшаса, ўшанда бу ҳақида ўйлаб кўрайлик».

Кайфиятим тушиб кетди. Дарҳол ўрнимдан туриб у ердан чиқиб кетгим келди. Кечқурун у ердан чиқиб, уйга келишим билан хавотирда яна facebook ка қарадим, унинг нималар ёзганини кўрмоқчи бўлдим. Она-сига ҳалиги гапларни айтган Асуман Баҳорга яна ичини тўккан эди.

«Баҳор, мен Юнусни севиб қолдим шекилли, нима қилишимни билмаяпман, бу кетишда ёниб кул бўлман, катта гапирибман».

«Унда оила қуринглар, битсин бу иш».

«Мен ҳали унинг иймонидан ишончим комил эмас, қандай оила қураман, Баҳор? Оилам пойдеворини қийшиқ қилиб қурайми?»

Шунақами?!

Менга телбаларча ошиқ бўлибди. Ёмон томони, мен ҳам уни севиб қолгандим. Кеча-кундузим фақат ундан иборат. Худди мактаб боласидек ошиққа айландим.

Ишқ шамолига тутилдим.

Занжирдек боғлади мени

Юрагимдан урилдим

Сув каби ютди мени

\* \* \*

Асуман энди менга одоб билан муомала қиляпти. Кеча онаси билан ислом тарихи ҳақида гаплашдик. Нималар ўрганаётганимни кузатиб бормоқда. Уни ҳаддан ортиқ яхши кўриб қолдим. Ортиқ бу севгининг қийноғига, ҳижронига чидай олмаяпман. Ҳамма нарса назоратимдан чиқмоқда, режаларим бар-

бод бўлмоқда. Яхши бўлишга қарор қилдим ва унга телефон қилдим.

«Бундай бўлмайди, Асуман! Сен жумҳурият душмани бўлишдан...» деяётган эдим бирдан гапимни бўлди.

«Бу нима деганингиз ? Биз жумҳурият билан биргамиз. Зотан, жумҳурият ислом билан келган».

Бу қиз нималар демоқда? Қандай?... Бир муддат кулишни ҳам, йиғлашни ҳам билмай қолдим. Дудукланиб, ҳайратлар ичида тиржайиб сўрадим:

«Сен рост гапиряпсанми?»

«Мен ёлғон гапирганманми?»

Тўғри, ҳаммадан ёлғон кутсам ҳам ундан кутмайман.

«Сен жумҳурият душмани эмасмисан?»

«Тавба, мендан қандай қилиб бундай нарса чиқиши мумкин, сизга ишона олмаяпман...»

Севинганимдан ва уялганимдан ҳайратлар ичида эдим. Телефонни қўйганимдан кейин ўзимни қўлга ололмадим, йиғладим.

Кейин эгизаклар олдига чиқдим. Уларни ўпиб эркалатдим. Ётоғимга кирганимда мени кўрпа ўрнига уят ҳисси ўраб олган эди. Ўзимдан нафратланиб кетдим. Қурган тузоғимдан шунчалар уялдимки... Ортиқ яширинча ишлар қилолмасдим. Кечаси соат учда унга яна телефон қилдим.

«Асуман, узр сўрайман, мени кечир »

«Тушунмадим?»

«Сенга азоб берадиган бир гапни эътироф этишим керак. Сени севишим рост, лекин сенга айтмаган бир ёлғоним бор».



Шу захотиёқ сўради (бу қизнинг фаҳми мени доим ҳайрон қолдирарди) «Сен имон келтирмаганмисан, исломни қабул қилмаганмисан?»

«Қандай билдинг?»

«.....»

Узун вақт жим бўлиб қолди.

«Шубҳаланаётган эдим, ҳис этаётгандим, очиқ гапира оласизми? Нега менга ёлғон гапирдингиз? Илтимос, менга ҳаммасини борича, ёлғонсиз айтинг, мен буни билишим керак, менга айтишингиз шарт, илтимос»

Ютиндим, бу жуда қийин қарор эди, мен ортиқ бундай давом этолмасдим, ҳаммасини унга айтиб тушунтиришга мажбур эдим.

«Сендан ўч олмоқчи эдим. Лекин сени севиб қолдим. «Мен Жумҳурият душмани эмасман» деганингни эшитгач, интиқомга сабаб қолмади. Виждоним қийналди, сенга кўзим қиймади, раво кўролмадим, ишонсанми, сенсиз ҳаётимни тасаввур қилолмаяпман».

Мени эшитаётиб йиғлаётганди. Билдирмасликка ҳаракат қиларди.

«Мен билан бундай ўйин ўйнаш керак эмасди. Мен сизни умуман алдамадим. Жаҳлим чиқди, ўзимдан хафаман, мен англаб етишим керак эди. Бизни қирмоқчи, йўқотмоқчи бўлаётган ўша она исломни тўғри тушунадиган фарзанд ўстира олмасди. Буни билишим керак эди» деди.

Бу менинг учун буюк бир ҳақорат эди.

Қалбимни билмасди. Шунчалар қаттиқ гапирдики, гапларидан жоним ёнди. Бу қизни деб қачон ақлдан оза бошладим, билмайман.

Хавотирланиб саволлар бераркан, худди айтаётганларимнинг тескарисини эшитиш учун дуо қилаётгандек, ёлвораётгандек эди.

«Хўп, ҳалиям даҳриймисиз?»

«Тўлиқ деб бўлмайди».

«Ақидада аросат йўқдир, ўртада қолиш йўқ, ёки ишонасиз ёки йўқ! Сизнингча, Аллоҳ борми?»

«Бор... Онанг атомнинг тузилишини тушунтириб берди, Аллоҳнинг борлигини қабул этмаслик мумкин эмаслигини, бу имконсизлигини тушундим».

«Онамдан фойдаланяпсиз яъни... Гўзал... аммо ҳар бир жонли маҳлуқот атом сингари жуда қизиқ, ишонинг».

«Шундай, албатта...»

«Майли, Аллоҳ давомини насиб қилсин. Фақат сиздан илтимос, энди дарс қилишга бизникига келманг. Ўзингизга эркак устоз топинг. Мен бундан кейин сизни кўришни истамайман. Ортиқ ишона олмайман. Илтимос, мендан хафа бўлманг».

«Мени боримча қабул қилолмайсанми?»

«Сизнингча?»

«Илтимос, мени синаб кўр, вақт бер»

«Асло, бу ҳақида хатто гап бўлиши мумкин ҳам эмас».

«Мени ҳеч севмадингми?»

«Мен кимнидир севиб ўлиб қолаётган бўлсам ҳам, Аллоҳнинг изни билан асло эътиқодимга хиёнат қилмайман. Ҳақиқатларимни сиз билан бўлишмоқдан ортиқ фойда йўқ».

Яна қаттиқ уялдим.

Моҳирона жуда ақлли жавоблар берди. Сизни севаман деса бўлмайди, севмайман деса ёлғон бўлади. Вазият бундай экан, унинг ичидан худди асарларда ёзиладиган изоҳлар чиқаверди. Унга ҳақиқатни айтиб хотиржам бўлдим, аммо уни йўқотяпман, буни билиш, буни қабул қилиш оғир, кўтара олмаяпман, касал бўлиб қоламан.

Чиндан ҳам босган жойимни кўролмайдиган ҳолга келдим. Ақл тан олмайдиган бир ришта билан боғланибман унга. Тонггача ухладим, уйғондим.

Фасоbook ка қарадим, лекин ҳеч нарса ёзмаган экан. Хонамга чиқиб ётдим.

Эшик олдида онам келди, Белгин келди, дадам ҳам келди. Лекин эшикни ҳеч кимга очмадим. Ёлғиз қолишни истаётгандим.

«Мени безовта қилманглар» дедим. Узоқ йиғладим, йиғлаб ухлаб қолибман. Ярим кечаси уйғондим.

Бирон нарса ёздимикин деб яна профилини текширдим.

Билдимки, у ҳам йиғлаяпти.

«Бунчалар қийналишимни билмасдим, Баҳор. Ҳаётим остин-устун бўлди. Дадамнинг ўлимидан бадтар азоб беряпти менга. Мени алдаб юрган экан».

«Бирпасда-я?»

«Ундай алдаш эмас, фикр билан алдаш, мени ўзингга ошиқ қил, кейин эса бунинг хиёнат эканини айт. Инсонлик шунақа бўлиши мумкинми?»

«Бошқаси бўлса буни айтмасди ҳам».

«Тўғри».

«Энди нима қиласан?»

«Билмайман, билолмаяпман. Оловлар ичида ёняпман. Шунчалар эътиборли ва ҳушёр ҳолимда бундай савдога қандай тушдим, билмайман. Уни аллақачон соғина бошладим. Лекин бир даҳрийни севмаслигим керак. Аллоҳни танимайдиган инсонни севсам, Роббим мендан хафа бўлмайдими?»

Майли, Баҳор, бошим қаттиқ оғрияпти...

Йиғлайвериб, бошим оғриб қолди. Ухлашим керак, яхши дам ол. Таҳажжуд намозига турсанг, мени ҳам уйғотгин».

«Хўп, Асуманим, Аллоҳ ошиқ юракларга сабр берсин. Биламан, жуда азоб беради қалб яраси... Сабр қил, унутасан, вақт ҳаммасини даволайди».

«Жоҳилларга ўхшаб гапирма, Баҳор. Ҳамма нарсани даволайдиган бир даво, дори йўқ. Албатта Аллоҳнинг изни билан унутаман. Мени заҳарлашга келган инсонни севиб юролмайманку, Аллоҳ менга куч берсин».

«Амин Асуманим, сен учун қўлимдан дуодан бошқаси келмаяпти».

Демак, мени унутишга ҳаракат қилади. Мен бу азобларга чидолмасам керак. Ишларим ортга кета бошлади. Дадам мендан мудом аччиқланган, бақириб-чақиради. Менга ҳатто ишчиларнинг ёнида бақиряпти. Фақат буларнинг бирортасига пинагимни ҳам бузганим йўқ.

Бир ҳафтадан бери ётибман.

Ўрнимдан туришга ҳолим йўқ.

Билдимки, у ҳам ётган эмиш. Нима бўлади иккимиз ҳам ўз эътиқодимизга кўра яшасак? Асуманнинг ёзаётганларига қараганда Элизабет хоним бизга ачи-

наётган экан. Менинг даҳрийлигимни билгач, «Билардим, аммо билмаганга олдим» дебди.

Ажойиб асл инсон. Унинг ишончини йўқотишни истамасдим. Бу ҳолатни кўтаролмайман, шекилли. Иродасиз ва чорасизликка тушдим. Иштаҳам ҳам йўқолди. Бу сафар онам жиддий хавотирга тушди.

«Юнус, нималар бўляпти, болам илтимос айтгин» деб йиғлаганида чидолмадим.»

«Она, овга чиқдим деб ўзим овландим. Ҳа, уни ўзимга ошиқ этдим, аммо мен ҳам унинг ишқида ўляпман. Шундай севгики, тасаввур қила олмайсиз, она. Бола севгиси каби бутун иродамни қўлимдан олди. Илтимос, ҳеч нарса деманг, мени ўз ҳолимга қўйинг, буни ўзим енгиб ўтай».

Онам буларни эшитиб, доимгидек тутақиб кетиб бақира бошлади: «Мен у қизни кечирмайман, бунинг ҳисобини сўрайман. Жин урсин уни! Ўғлимни яксон қилди».

Буни қаранг, ўғли у қизни яксон қилгани ҳолда, қизнинг тинчини мен бузганим ҳолда онам уни айбламоқда. Одамлар нега ўзи айбдор бўла туриб ҳам ўзини ҳақман дейди? Қуръон бу ҳақда «Ҳақсизлик қилган ўзинг бўлсанг ҳам ҳақиқатни гапир» дейди. Мен бу кетишда эътиқодли инсонга айланаман шекилли. Онам шошиб-пишиб электрон тарози келтирди.

«Қани, устига чиқ, вазнингни кўрайчи».

Кўрсаткич етмиш беш килони кўрсатмоқда. Онам учун қиёмат кўпди.

«Бўйинг биру тўқсон, сен энг камида саксон кило бўлишинг керак. Беш килога озибсан. Ўша қиз сени шу аҳволга солди. Университетга ҳам келмаяпти. Ҳали

келсин, мен унга ўғлимни касал қилиш қандай бўлишини кўрсатиб қўяман».

Энди ўтирган жойимдан шартта туриб кетдим: «Она, агар у қизга бирорта ёмон сўз айтсангиз, сизни судга бериб оналикдан маҳрум қиламан. Баҳолари ҳам паст бўлмайди, сиздан қўрққан ўқитувчилар сизнинг таъсирингизда баҳоларини пастлатиши мумкин. У қизнинг асло айби йўқ, айбдор менман. У менинг фариштам, унинг гуноҳи йўқ. Агар бирорта дарсдан паст баҳо олса, бунга сиз жавоб берасиз».

Онам «малагим» деганимга ловулламасмиди? Боровози билан бақира бошлади: «У бир шайтон, уни фариштам дема! Мени ўзимдан чиқарма, Юнус!»

«Она, сиз шайтон ва фариштага ишонасизми?»

«Бу бола ақлдан озибди, бир ақидапараст боламни издан чиқарибди. Уят менга, уят менинг иродамга, сенинг тутумларингга ақлдан озяпман, жинни бўлиб қоламан».

Бир соатча бақирди...

«Ундан воз кечасан. Сенга бошқа қиз йўқми?»

Онам ўзи қурган тузоққа ўзи тушган эди. Инсон юракдан севиб қолса, кўзлар бошқани кўрмайди. Онам мени эшитмади, шекилли. Қарасам, доктор келибди. Онам чақирган экан. Рухшунос. Мени эшитиб ўтириб-ўтириб «Тиббиётда севгига чора йўқ» деди-да кетди. «Ўз ҳолимга қўйинглар» деб ҳаммани хонамдан ҳайдаб чиқардим. Дарҳол facebookка қарадим. Асуман ҳам менинг ҳолатимда эди.

«Баҳор, ўляпман. Менга бирор чора топайлик. Мен ўзимда эмасман, Баҳор. Ҳиёнатига ёнайми, севгисигами?»

«Унутишга ҳаракат қиляпсанми?»

«Кўнгил билан келишиб бўлмас экан, Баҳорим».

«Ҳақлисан».

Буларни ўқиб, ўйлаб ҳам ўтирмай Асуманга телефон қилдим. Овозидан яхши эмас эди.

«Эшитаман» деди хорғинлик билан.

«Салом, Асуман».

Чуқур нафас олиб жавоб берди.

«Салом».

«Қандайсан?»

«Яхшиман».

Жим туравердик. Худди тоғлар босиб қолгандек.

«Асуман...»

«Лаббай...»

«Мен яхши эмасман, адо бўляпман, тугаяпман, илтимос, мени боримча қабул эт. Куйиб кетяпман, Асуман».

«Бўлмайдиган дуога омин дейилмайди. Бундай нарса йўқ. Сизга тўғриси айтмай, мен ҳам сизни севиб қолган бўлсам-да, севгим учун динимни қурбон қилмайман. Қиладиган ҳеч нарса йўқ. Мен диним билан, сиз ҳам ўз ҳолингизча қоласиз. Иккимиз ҳам унутамиз. Бошқа чора йўқ».

«Асуман, ишон, мен унута олмайман».

«Унутишга мажбурсиз. Унутишга мажбурман. Ҳаёт йўлимиз айри, сиз бизга душман бўлганлар қаторидасиз. Эътиқодингиз йўқ. Ўлсам ҳам сиз билан оила қуролмайман».

«Менга ишон, мен диндорлашяпман. Аллоҳга қайт-япман, ишон».

«Иншааллоҳ, қайтарсиз. Эътиқодли бўлиш сизга ҳам жуда ярашади. Ҳамма динсиз, даҳрий бўлиши мумкин. Лекин ҳамма ҳам мусулмон бўлолмайди. Мусулмонлик ақл истайди, адолат, виждон, фидокорлик истайди. Ҳаракат, меҳнат ва жўмардлик истайди. Ислом яхшиликлар бозорини истайди. Агар бир инсон виждонсиз бўлса, адолатсиз бўлса унда исломни яхши ўргана олмабди».

«Шундай, ишона бошладим, чиндан ҳам ислом бошқача экан. Дилим аста-секин тайёрланиб бормоқда. Ишон, сен учун эмас, мен сизлар тушунтириб берган ислом динини яхши кўриб боряпман. Бу дин мени жуда қизиқтиряпти. Онангдан дарс олишни давом эттирмоқчиман».

«Сенга неча марта айтдим, узр, сизга неча марта айтдим, бошқасидан дарс олсангиз».

«Бўлмайди, мен онангнинг дарс услубига ўргандим, бошқалардан ҳам ислом ҳақида эшитдим. Кўришимга қарама, мен яхшилаб суриштириб юрадиган одамман. Ўтган йили бир воқеа бўлди. Қуръонда бир оят кўргандим. «Мўминларнинг жонларини осонлик билан тортиб оладиган фаришталарга қасам» деган. Бу оятдан ҳам хурсанд бўлдим. Аллоҳ ўзини таниганларни мукофотлашни ўлим вақтиданоқ бошлар экан, деб тушундим. Лекин ижтимоий тармоқда бир домлани кўрдим. Ўлим ҳақида жуда ёмон гаплар гапираётган эди. Ҳайрон қолдим. Оятни рад этаётган эди. «Энг яхши мусулмон бўлса ҳам унинг жони саккизта қилич билан кесиб, бўлиб олинади» тарзида гапираётганди. Унда оятда ёзилгани ёлғонми? Оят ёлғон бўладими? Ҳадиси шарифларчи? Тўқима ҳадисларда ёлғон бўлиши мумкин. Лекин мени қўлламасанг, бун-



ча аралаш маълумотлар ичида ҳақиқатни қандай топаман? Топдим дейлик, қандай ишонаман?»

«Бемор билимсиз докторлар ичидан ҳақиқийсини топганидек топишинг керак. Узр, топишингиз керак. Сиз онангиздан кўра яхшисиз. Истасангиз, менга даҳрий эканингизни айтмаслигингиз, алдашда давом этишингиз мумкин эди. Шунда балки сиз билан оила қурардим».

«Омон Тангрим! Унда яхшилигим, ростгўйлигим туфайли сени йўқотибманда! Қабул қилиш қийин бўлган ҳақиқат».

«Мени уйланадиган аёлингиз сифатида йўқотдингиз, аммо инсон ўлароқ ишончимни қозондингиз. Оила қуриш масаласида қанчалар ишончсизлик бўлсада, бу ҳолатда мен сизни кўпроқ ҳурмат қиляпман. Аммо Аллоҳни ҳис этишингиз, буни тафаккур қилишингиз керак, менимча. Аллоҳнинг буйруқларига кўра яшамоқ лозим. Намозни бошлашингиз керак. Ичингиздан истамасангиз ҳам, зарур ишларингиз бўлса ҳам, намозга қарши туйғуларингиз бўлса ҳам. «Менинг намозим нима бўларди гуноҳкор бўлсам» десангиз ҳам намоздан узилманг. Мендан сизга сингиллик тавсияси бу. Кейин фақирларга закот беринг. Иложи бўлса, фақирни ўзингиз қидириб топинг, ўз қўлларингиз билан беринг. Ориятли бўлинг».

«Асуман, бу нима деганинг, мен ориятсизманми?»

«Исломга кўра зино қилганлар ориятли, номусли эмаслар. Тавба қилмоқ лозим».

Юрагимда яна умидлар титраб бош кўтара бошлади. Минг ҳадик билан сўрадим:

«Мен буларни бажарсам, турмуш қура оламиз, шундайми?»

«Турмуш қуришимизни унутинг, сиз буларни Аллоҳ учун қилинг. Сизни Аллоҳ яратди».

Менинг умидим оқланмади.

«Сен йўқ эдингку, сени тасдиқласин. Ҳам сенинг устингда сенинг ҳаққинг кўпми ёки Яратганнинг? Сен ўзингнинг бирор қисминг, бирор толанг, заррангни яратмадингку? Француз философи Декарт шундай дейди: Менда бир муаззамлик, бир улуғворлик бор. Бу улуғворлик ота-онамдан эмас. Мени яратган, мендан устун қандайдир мавжудлик бор. Буни инкор қилиш, бундан қочиш мумкин эмас. Мен бир тасодиф натижаси эмасман. Ҳужайралар йиғиндиси ҳам эмасман. Ўйлаб кўринг, ҳамма аъзом, ҳамма нарсам ўз жойида. Кўлим бошимнинг тагида бўлса яхшироқ бўларди дейдиган бирор сабабимиз, эҳтиёжимиз, шикоятимиз йўқ. Яратган ҳаммасини жой-жойига қўйиб яратибди. Сиз эса унинг бетакрор асарларига бирор ҳоҳиш ва истаксиз бу эволюция, бу «инсон такомиллашуви» демоқдасиз. У нимани тақиқлаган бўлса, ўшани қилмоқдасиз. Ҳа такомиллашув бор, лекин у бир жонли маҳлуқдан (маймундан) бошқа жонлилар тарқалди шаклида эмас. Масалан, осмон ва ернинг яралиш жараёнини олсак. Ҳазрати Одам аввал тупроқ эди, сўнг босқичма босқич инсонлашди. Бу ҳам эволюция, аммо илоҳий ирода, назорат остидаги такомиллашув. Коинотда тасодиф йўқ. Чунки ҳаммасининг ҳисоб-китобини қилиб турган Зот бор».

Шунчалар чиройли тушунтираётган эдики, уни эрталабгача эшитиб чиқишга тайёр эдим. Ўтмишдаги режаларимни эслаб кулгим қистарди: «Шу қиз динини қурбон қиладими? Шу қиз рўмолини ечадими? Унга «рўмолингни ечсанг, сенга уйланаман» демоқчи эдим. Қандай аҳмоқона режалар қурган

эканман. Чиндан ҳам шахсиятли инсонлар бошқаларнинг таъсирига тушмас экан. Бунга мен ҳам гувоҳ бўлдим.

\* \* \*

Кечки овқат вақти. Ҳаммамиз залда ўтирибмиз. Деврим билан Йилдизни ўпдим. Бирини ўнг, бирини чап томонимга ўтқиздим. Белгин жуда хурсанд, ишончим комил. Овқатланаётганимизда онам гап бошлади.

«Анавингни кўрдим бугун. Ранги қочиб, сўлиб қолибди. Қарашлари маъюс... Ҳақиқий ошиқ. Унга таклифингни айт, айни вақти».

Онам ҳалиям нималар бўлиб ўтганини тушунмаётган эди.

«Она, у қизни ҳеч билмас экансиз. У қиз тилла муслмон. Ишқдан ёниб кул бўлса ҳам қабул қилмайди. Рўмолини ечишни айтасиз, у шу ҳолида ҳам мени қабул қилмайди. У эътиқодига кўра яшайдиган қиз».

Онам яна захрини соча бошлади.

«Улардан нафратланаман. Умримнинг охиригача нафратланаман. Ҳаммасини курсда қолдиртираман. Ўзини ким деб ўйлаяпти?»

«Иймонли ва мужоҳида, деб ўйлайди. Чиндан шундай ўзи. Она, биз ундай сифатларни тушуна олмаймиз. Эътиқоди суякларигача сингиб кетган. Ўтиб кетаверамиз. Тортишмайлик. Бу қизни унутинг. Курсда қолдирилса, ҳисобини сўрайман. Ҳозирдан айтиб қўяяпман, она» дея огоҳлантирар эканман қарорим қатъий эди.

Деврим гапларимизни эшитиб турган экан.

«Тоға, Асуман опанинг айби йўқку, шундаймасми?» деди.

Онам Девримга бақирди. Бола шу захотиёқ жимди. Ўзим билан ўзим гаплашгандек эдим, онам тушуниш у ёқда турсин, эшитишга ярамасди. Худбинлиги қулоғини кар, кўзини кўр қилган эди.

Эҳх, Асуман! Сени тушунмайдилар, Асуман, сени эътиқодинг учун ўлдирсалар ҳам тушунмайдилар.

Асумандек эътиқоди собит қиз агар юз мингта бўлса, худди шунча эркак ҳам бор. Икки юз минг киши ўлимга маҳкум этиладиган бўлса, шулар бўлади.

\* \* \*

«Онамдан жаҳлим чиқяпти, Баҳор. «Юнусга дарс бераман» деб ёпишиб олган. Мен бунга қаршиман. Майли, бир нечта дарс берсин. Лекин давомли бўлса, чўзилиб уланиб кетаверади, қадрдонлашадиган даражада яқин бўлиш жоиз эмас».

«Э-э, сен Юнусдан онангни қизганяпсанми? Кўй-е, бунақа кайфиятдан, бунақа руҳий ҳолатдан чиқ!»

«Аҳмоқлашма, қанақа қизганиш, мен жоиз эмас деяпман. Сенингча, жоизми?»

«Ҳа-а, сенинг дардинг бошқа. Ҳақсан».

«Албатта, ҳақман. Онам барибир ўтмиши ва маданияти таъсирида. Бугун унга Истанбулни кўрсатмоқчи. Ақли, ҳаёли узоқларда бўлган ёшлар ўз ўлкаларини кўролмайдиган ҳолатда экан. Лекин мен уларнинг ёлғиз боришларига йўл қўймайман. Менимча, эртага шанба. Ҳеч бўлмаганда маҳрам бўлиб бораман».

«Сенга ҳам қийин».

«Йўқ, гап менда эмас. Мен у билан турмуш қуриш истагидан воз кечдим. Қалбим усиз ҳувилламоқда, аммо ўрганади. Онам эртами-кеч уни барибир куёв қилмоқчи. Жуда қисқа вақтда Юнус иймон келтирар эмиш. Мен томонга илк қадамини ҳиёнат билан ташлаган инсонга ортиқ ишона оламанми? Онам бу ҳақида ўйлаб кўрмаяпти».

«У унақа ёмон инсон эмаску?»

«Билмадим, Баҳор. Қалб ҳиёнатни кўрса, ўзига келиши қийин бўларкан».

«Лекин тўғриси яхшилик билан айтиб тушунтирди».

«Ўшаларни ҳам юрагим унутолмаяпти».

«Вой, Асуман сен ҳам ажойибсан-да. У иймон келтирса ҳам, у билан турмуш қурмасанг».

«Тўғри гапиряпсан. Мен Юнусни номаълум мазорга кўмдим».

«Лекин тилингдан тушмаяпти».

«У менинг ичимдаги Мен. Менинг кўлимда бўлмаган Асуман. Назоратимдан чиқиб Юнус дея ўлаётган Асуманнинг таърифлари у».

Асуманга раҳмим келди. Ҳамма нарса мен сабабли бўлди. Буларнинг кераги йўқ эди. Ҳамма эътиқодига кўра яшаши мумкин.

Биз Туркия бизники бўлишини истаяпмиз. Бу худбинлик. Элизабет хонимнинг мени куёв қилиш истагидан эса хурсанд бўлдим.

Демак, Аллоҳ бор. Нима учун унинг динини топиб, ўша динга кўра яшамаслигим керак? Ҳозирча дунёв-

ий қоидаларига кўра яшаяпман. Аллоҳнинг қоидаларига кўра яшамоқ янада олийроқ эмасми?

Дарҳол уйдан чиқдим. У гапдан кайфиятим кўтарилди. Жонланиб кетдим. Ишхонамга бордим. Сўнг Элизабет хонимнинг таклифига биноан уларникига келдим. Эшикни Асуман очади деб ҳаяжонлангандим, Элизабет очди.

«Келақол, ўғлим, марҳамат» деди мулойимлик билан. Уяла бошладим.

«Ичкарига кирмасак» дедим ўзимни тортиб.

«Кир, битта қаҳва ичиб, кейин чиқайлик».

Ичкарига кирдик, Элизабет гапиришда давом этди.

«Сенга бугун Усмонли тарихини айтиб бераман. Тўпқопи саройига борамиз. Эртага эса 1453 Панорамага олиб бораман сени. Аввал борганмисан?»

«Йўқ, бормаганман» дедим ҳижолат бўлиб.

«Тўпқопи саройига-чи?»

«Униям кўрганим йўқ».

Кулиб киноя қилди. Хафа қилиш учун эмас, уйғотмоқ учун эди гаплари.

«Ҳа, кўрмайсизларда, сизлар туркиялик эмас-сизларку. Америка ва Европа Туркиядан устун сизлар учун, фақат ўша тарафларга аҳамият берасизлар. Фикрларингиз ҳам худди шунақа. Мусулмон ёшлар ҳам билмайдилар билиши керак бўлган хазиналарини».

«Мен энди даҳрий эмасман, Аллоҳга ишона бошладим».

Ҳайратдан қошларини кўтариб суюниб кетди.

«Ростданми? Жуда хурсанд бўлдим».

Ичкарига қараб «Асуман, қаҳвамизни қилиб келсанми, қизим?» деди.

«Хўп» деган овоздан сўнг ўн дақиқаларда эшикни очиқ тарафидан қаҳва узатди.

Ичкарига кирмади.

«Уфф, бу қиз мени ўлдиради, бунда бошқа якун йўқ».

Қаҳвамизни ичиб бўлиб йўлга чиқиш учун эшикка қараб юрдик. Энди лифтга чиқмоқчи эдик, ичкаридан «Ойи, мени кутинглар, мен ҳам сизлар билан бораман» деди Асуман. Мен унинг келишини билардим. Лекин Элизабет хоним ҳайрон бўлди. Асуман чиқди, бирга лифт кута бошладик. Онасига тушунтирган бўлди:

«Ойи, бугун айланиш ҳам, дарслар ҳам энг охиргиси бўлсин. Юнусбей ўзига эркак домла топсин».

«Мен ҳам эркак домладекман, қизим. Юнус ўғлимдай гап» деди ишонч билан.

«Бизнинг динимизда бунчалар яқинлик йўқ, ойи, ҳар доим ёлғиз машғулот ўтказасизлар. Бунга бошқа изн беролмайман».

«Қизим, мен сендан сўраб иш қиламанми? Сен менга буйруқ беряпсанми? Ўзингга кел, Асуман! Сен мени билмайсанми?» дея Асуманга таҳдид қилгандек кўзларини катта-катта очиб қаради.

Асуман жим бўлди. Шу вақт лифт ҳам келди. Кўзларини мендан олиб қочаётган эди, аммо барибир икки марта кўзларимиз тўқнашди.

«Асуман, ўляпман, сенсиз ўлиб қоламан» дея унга смс юбордим. «Сен нималар ёзаяпсан» дегандек қаради.

Пастга тушганимизда машинамга ўтирдик, улар орқа ўриндиққа жойлашдилар. Кўзларим унинг кўзлари билан тўқнашишни истарди. Бу қизнинг қаердан бунчалар кучли иродаси бор, бирор марта ойнага қарамади. Афсуски, тугабини ҳеч истамаганим йўл тугади. Бирпасда етиб келдик. Улар тушдилар, мен ҳам машиналар қўйиладиган махсус жойга уловимни қўйиб уларга етиб олдим.

Ҳаммамиз Тўпқопи саройига кирдик. Элизабет хоним тушунтира бошлади.

«Усмонли империясига 1299-йилда асос солинган (1299 йилдан – 1329 йилгача пойтахти Соғут бўлган)».

Бир инглиз аёлидан Усмонли ҳақида эшитиш мени уялтираётган эди. Аммо эшитишдан бошқа чора йўқ эди.

«Буларни биламан» дедим.

«Нима бўлибди, мен ҳам айтиб берсам, ёмонми? Агар сенга эшитиш заҳмат бўлса, унда айтмайман. Мен бошқа тарафлардан қарашларимни тушунтирмақчи эдим».

«Айтаверинг, илтимос» .

«Соғутдан кейин Усмонлининг пойтахти Бурса бўлган. Усмонли ундан кейин кенгайган экан. Давомли кенгайиб боргани учун Эдирна ҳам торлик қилибди. Истанбул пойтахтга айланибди. Усмонлилар уч асосга таянган экан: куч, интизом, ишонч. Ана шу ишонч ва эътиқод билан етти иқлимнинг учтасига эгалик қилибди. Буюк ўлка шу саройдан туриб бошқарилган».

Элизабет хоним гапиришда давом этаркан, ёнидаги эшикка ишора қилиб «Кирайлик» деди. Ичкарига кирдик. Аввал олтин қопламали оромкурси ва стол-



лар эътиборимизни тортди. Кейин бошқалари... Ишониб бўлмайдиган даражада мухташам эди.

Сўрадим: «Сизнингча, Усмонли давлати нима учун қулаган?»

«Усмонлини сизнинг ва менинг оталаримиз қўлдан-қўлга бериб қулатдилар. Усмонли осонликча қуламас эди».

«Усмонлиларнинг ўзида хато йўқмиди?»

«Нега йўқ бўлсин, бор эди. Усмонли империяси технология тараққиётига дош бера олмади. Ғарб қуроллар чиқарди, усмонлилар эса йўқ. Ғарб ривожланаётганида усмонлилар заиф кўрина бошлади. Шундагина уни енгиш мумкинлиги ҳақида ўйлай бошладилар. Усмонлиларнинг иккинчи катта хатоси ҳуқуқшунослик эшигини ёпгани бўлди. Инсон бор экан, бу эшик ёпилмайди. Саҳобалар даврида ёпилмаган эшик, улардан кейин қандай ёпилсин? Усмонлилар илк йилларда ўзини кичик санади, ғарбга катта эътибор берди. Саройда махсус пианино, ғарб мусиқа асбоблари, айниса, чет тилларига алоҳида эътибор берилган эди. Чет тилларини ўрганиш албатта гўзал ҳолат, аммо улар ўз тилларида гаплашишни унутдилар. Ғарб бу вазиятдан чиройли фойдаланди. Усмонлилардан доимо кўрққан ғарб уни қулата бошлаган эди. Ғарбнинг фойдасига ён босган хоинлар шунчалар кўп эдики... Улар учун Олмониядан келаётган пуллар муҳим эди.

Сўнг Туркия Жумҳурияти қурилди. Сиёсат шунчалар нотўғри йўллар билан юритила бошландики, Олмониянинг пули турк пулини босиб ўтди. Бу сафар технология ва тараққиётга ҳам эътибор берилмади.

Қайсаридеда учоқ фабрикаси қурилгани ёдингиздами? Американинг «Сизлар чиқармай қўяверин-

глар, бизлар чиқариб, сизларга арзонга сотамиз» дейиши билан фабрика ёпилди. У ерда ишлаб чиқарилган учоқлар тупроққа кўмилди. Кейин нима бўлди? Ҳеч қандай техника, қурол-аслаҳалар чиқарилмади.

Мен илк учоқ ширкати қурган одам Важих Хуркуш бўлганини биламан. У улкан ишларни амалга оширди. 1931-йилда Туркияда учоқ ишлаб чиқарган Важих Хуркушга Туркия лицензия бермайди. У даҳолигини намойиш қила олмади. Учоқни чиқарган ва учувчилар мактабини очган Хуркуш ҳамма тарафдан тўсиқларга дуч кела бошлади. Унинг жанги ва учраган ҳақсизликлари шунчалар кўп эдики... Уларнинг барчасини англантиш имконсиз.

Сўнг Нури Демирағ деган киши ундан катта пул эвазига учоғини сотиб олди. Учоқ «Нурибей» номи билан самоларда парвоз қилди. Нури Демирағ 1931-йилда Бўғоз кўпригини қуришга салмоқли ҳисса қўшди. 1936-йилда ND-36 номи билан битта моторли учоқ ишлаб чиқарилди. 1938-йилда қўш моторли учоқ тайёрланди. Ҳа булар расман Туркияда ишлаб чиқарилди. 1939-йилда маҳаллий парашют ихтиро қилинди. 1941-йилда тўлиқ Туркияда ишлаб чиқарилган учоқ Истанбулдан Онадўлига парвоз қилди. Шундай босқич ва даражада ишлаётган учоқ ишлаб чиқариш фаолияти «Америка истамаяпти» дея тўхтатилди. Давлатнинг қўли билан учоқ фабрикаси банкротлик ҳолатига келтирилди. Туркиянинг ўз учоқлари бўла туриб ташқаридан олина бошлади.

Сизлар ўз тушунча ва истакларингизга кўра ҳаммасини қўлдан бой бердингиз. Биламан, сиз турк маҳсулотларини сотиб олмайсиз. Ҳолбуки, дунёда турк моллари, тўқимачилиги ва либосларининг сифати тилларда дoston. Сизлар ғарбга тил теккиздирмай-

сиз, гард юқтирмайсиз. Аммо улар ҳам хатодан ҳоли эмас. Сизлар уларни кўрмасликка оласизлар», деди.

Элизабет хоним бироз тин олди. У нафас ростларкан, мен чалкашиб кетгандим. Бу аёлнинг мақсади нима эди, тушуна олмадим. Нима учун бу маълумотлар ўрганган? Қолаверса, бу Асуманга ҳам ёқмади.

«Ойи, буларни нима учун гапиряпсиз?»

«Туркия нега ортида қолаётгани сабабларини билсин. Юнус, ҳар доим дин сабабли орқада қоляпмиз, дейдиганларни танисин. Улар ҳам кўп хатолар қилдилар. Усмонлилар қанот тақиб учган Ҳазерфан Аҳмад Чалабий<sup>1</sup>га тўсиқ қўйдилар. Жумҳуриятчилар эса темир билан учадиганларга тўсиқ қўйдилар. Сизларда бир гап борку — қозоннинг таги қора, сеники меникидан ҳам қора. Яъни сизлар ҳам, бизлар ҳам қораларни кўришимиз керак. Дунёни тартибга келтирмоқчи бўлсак, аввал қандай қарашни, кўришни ўрганайлик».

Мен жим кетавердим. Элизабет хоним мавзунини ўзгартирди. Асуман орқамиздан келаётганди. Қадимимни секинлатиб, Асуман билан тенглашиб сўрадим:

«Асуман, сен ҳам онангдек ўйлайсанми?»

«Ҳа, онамга бундай қарашлар мендан ўтган».

Ҳайрон қолганимни кўриб, изоҳ берди:

«Сизлар узоқ вақт бизни ғарбга қул қилиб, бунда ислонини айблаб келдингиз. Бизникилар озгина уйғоқ, озгина ҳушёр бўлсалар эди, бизни қоралашни мақсад қилмасдан ишласалар эди — балки бугун ойга чиққан

---

<sup>1</sup> Таржимондан: Ҳазерфан Аҳмад Чалабий 1609 йилда туғилган. Усмонли тупроқларида яшаган бу муҳандис қанот ясаб ўқиб кўришни синаб кўрган. 1632 йилда ўзи ясаган қуш шаклидаги техникаси билан «Галата сарой»дан 3358 метр масофадан ўқиб тушган ва Турк ҳаво йўллари тарихида илк ўқини бажарган инсон сифатида тарихда қолган.

бўлардик. Ҳеч бўлмаса ўзларингизни ҳам мусулмонларни айблаганингизчалик айблаганингизда эди қанчалар ривожланган бўлардик. Узр, Туркия ўлароқ демокчи эдим. Ёшлар доимо сизлар каби диний қатламни айблади. Диний қатлам ўз вазифасини тўлиқ бажарганида ёшлар сизларнинг аслида ким эканингизни биларди. Ҳозир фақат битта айбдорни кўрадилар, у ҳам ислом. Ҳолбуки, бу ўлка ислом билан бошқарилмаётган эдику? Бу ўлка учоқ ишлаб чиқарганида Қуръон буни тўхтатиб қўйдими? Унинг устига, бизни жумҳурият душманлари, дея эълон қилдингиз. Қанчалар ажойиб... Исломдан жумҳуриятни ажратдингиз. Биз қонсиз, қурбонларсиз жумҳуриятни яхши кўрамиз ва аслида миллат равнақидан келиб чиқиб қарор бериш шиоримиздир».

«Ўҳхў, Асуман, чуқур билимларга эга хазинасан» дедим ичимда.

Нимагадир гаплари жуда ёқиб кетди. Гапираётганлари эртак ёки лоф эмас, айна ҳақиқат эди. Саройни айландик, ундаги нарсалар мени ҳайрон қолдирди. Ҳатто олтин тошлар ҳам бор экан. Бошқа миллат вакилларига олтиндан ишланган товоқларда таом берган эканларки, давлатимиз қанчалар бойлигини кўришлари учун. Анчагина асабийлашдим, лекин бунга ҳақим йўқлигини ўйладим. Она-бола тўғри айтганди. Тарихимиз, айниқса яқин тарихимиз чиндан ҳам мен ўйлаганчалик тоза эмас экан...

Улар саройни томоша қилаётганларида мен жой топиб ўтирдим, ёлғиз қолгим келди. Асуман бироз безовта бўлди, аммо ҳеч нарса демади.

Кеч тушди, улар майдонда ҳам намоз ўқидилар. Қайтаётиб сўрадим:

«Эртага Панорамага борамизми?»

Асуман жавоб берди:

«Узр, онамсиз борасиз, айбга буюрманг».

Элизабет хоним асабийлашди.

«Ўз тукқан болам менга буйруқ беролмайди. Эртага панорамага бирга борамиз. Юнус, раҳматли дадаси ҳам сен билан Тўпқопидаги Панорамага боришни истарди. Унинг ўрнига мен бораман, ишинг бўлмасин, Асуман» деди. Қиз индамади. Чунки у тарбияли қиз. Ҳарҳолда, бир бегона эркак бегона аёл билан айланиб юрмайди. Бу уларнинг эътиқодларига зид. Асуман ҳам буни истамаяпти. Мусулмонларнинг олами қизиқ... Мен тушуна олмайдиган даражада.

Асуманнинг жаҳли чиқди: «Ўзингиз биласиз, ойи. Ҳар кимнинг гуноҳи ўзига ёзилади. Эртага мен бормайман. Маҳрамсиз борасиз».

Хафа бўлдим. У келмас экан. Майли, уйга келганимизда кўрамиз. Ўзимча аҳмоқона режалар тузардим. Бу кеча ўртоқларим билан кўришаман. Асуманнинг олаמידан чиқишим керак. Бу ишқнинг охири йўқ. Буни биламан.

Аммо умидимни узолмайман.

Умидим узилса, ғайрат ва шижоатим ҳам тугайди.

\*\*\*

Девримнинг ёнига келдим. Мени кўриши билан севиниб кетди. Бечора бола меҳмонлардан яширилиши сабабли жуда эзилади. Қуюқ рангли сочлари ва қаҳваранг маъсум кўзлари жуда чиройли. Менга қа-

раб тикилиб туриб, қалбимни ҳанжардек ўйиб олган саволини берди:

«Тоғажон, ногирон бўлиш шунчалар айбми, шармандаликми?»

Қалбим пора-пора бўлди, нима деб жавоб беришни билмас эдим.

«Нега ундай дейсан? Миллионлаб ногирон инсонлар бор. Ҳеч қанақа шармандалик эмас бу, қўзичоғим. Миллионлаб ногиронлар ичида машҳур бўлган инсонлар қанча. Ўз ишининг устасига айланганлар бор, кичкина фариштам».

«Нега унда бувим мендан уялади. Меҳмон келса, уларга кўринмай ўтир, дейди. Мени яхши кўрмайди. Нима учун мени ёқтирмайди? Ахир мен ҳам одамманку, шундайми?»

Уни дарҳол қучоқлаб олдим.

«Сени ўпиб-тишлаб еб қўяман, бир донам-ягонам, албатта одамсан. Жуда ажойиб қалби тоза фариштасан. Сен онамнинг гапларига эътибор берма. Онам инсонийлигини йўқотиб қўйган. Лекин кун келади, бу ишларидан уялади».

Уни кўтариб хонасини айлантирдим. Деразадан ташқарини кўрсатдим. Ташқарида юрганларни кўрса, биламанки, янада эзилади. Яна ётоқхонасига олиб келдим. Ётган жойида кўзларимга тикилиб қаради.

«Тоғажон, мен тузалмайманми?»

Балки бу саволни эшитгандан кўра ўлимни танлаш осонроқ эди. Фариштамга нима дейман? Ёлғон умид беришни истамасдим. Лекин тиббиёт ривожланмоқда. Унга шулар ҳақида гапирдим. Бола севиниб кетди.

«Яшасин!!! Демак, тузалишим мумкин. Тоғажоним, катта раҳмат!»

Девримни ҳар кўрганимда ичим эзилади. Ногирон инсонларда қандай иштиёқ уйғотилади? Бунинг учун психологик курсга бориб кўраман. Онамдан эса бу ҳаракатлари учун изоҳ сўрайман ҳали. Инсонда озгина раҳм-шафқат бўлиши керак. У ҳали бола бўлса, уни ногирон деб меҳмонлар келса, яшириб қўйиш нима дегани? Бу борада ўз қарашим бор. Яқинда кўришадди. Бошқа бундай бўлмайди.

\* \* \*

Кечки пайт дўстларим билан кўришдим. Ҳамма зўр кайфиятда, фақат мен кайфиятсиз юрибман. Дўстларимга айтмоқчи эмасдим, Ҳоқон қатъий сўраб туриб олди. Вазиятни гапириб бердим. Уларнинг учалови ҳам мени айблаб хафа қила бошладилар:

«Сенга диндорлар маҳалласида нима бор?»

«Келиб-келиб ўранган қизни топдингми, жиннимисан?»

Гўкхон масхара қила бошлади: «У қиз сени иссиқ-совуқ қилгандир. Бўлмаса, жоҳилларга ёпишиб, бу ҳолга тушмасдинг...»

Шунчалар асабийлашдимки, ўзимни тута олмай бақирдим:

«Аслида биз жоҳилмиз. Қани айтингчи, Туркияда илк учоқни ихтиро қилган ва давлатдан рухсат ололмаган учувчи ким?»

Бири Нури Демирағ деди, иккинчиси тасдиқлади.

«Ҳа, сизлар маданиятли эдингизку? Илк учоқни ихтиро қилган Важих Хуркуш деган одам бўлган. Мен буни сиз жоҳил атаётган ўша қиздан ўргандим».

Ҳаммаси бир-бирига қаради. Мен давом этдим.

«Уларнинг дунёсини биз аслича эмас, ўзимиз истаган шаклда кўрдик. Лекин биз ўйлаётганимиздек эмас. Энг камида шунга ишонаман, ҳеч бир диндор ногирон қариндошидан уялмайди. Уни яшириб ертўлада сақламайди. Инсон экани кифоя унга. Билимсиз жоҳил деб ўйлаймиз, аслида улар биздан кўпроқ билишади».

Учалови яна масхаралашга тушдилар:

«О-о, бизнинг устозимиз дори ичиб олибди, яқин кунларда «Аллоҳ бор» деса ҳам ажабланарли эмас».

«Албатта бор. Атрофга қарасанг, кўрасан. Ҳеч кимнинг овози бошқаники билан бир хил эмас. Кўзлар, сўзлар ҳаммаси фарқли. Минглаб турли-туман тухумлар бор. Ҳеч бир тошбақанинг тухумидан чумчуқ чиқмайди. Туядан кўзичоқ туғилмайди. Миллион йилларки янги бир маҳлуқ туғилмади, маймун одамга айланмади. Булар ҳаётда тасодифан бўлиши мумкин эмас. Эволюция бор, лекин ҳар бир жонли яратилди. Шаклланиш жараёни эволюция синфига кириши мумкин. Масалан: биринчи одам лойдан яратилди».

Улар мени ҳайратлар ичида эшитдилар. Биттаси гапиришимга йўл қўймай роса луқма ташлади, кулоқлари берк эди, мени эшитмасди.

«О-о, бу тугаб бўлибди, бунинг расвоси чиқибди. Бечора ишқ йўлида адо бўлибди. Қиз унга «дарҳол Аллоҳга имон келтир» дегандир, Юнус ҳам қўллари-ни кўтариб таслим бўлган. Бу энди ароқ ҳам ичмайди», деб қаҳқаҳалар отдилар.



«Ҳақиқий мусулмон албатта ҳаром ичкиликларни ичмайди. Лекин мен ҳалиям мусулмон бўла олмадим. Аллоҳга ишондим, У шубҳасиз бор!»

Улар хавотирга тушиб қолдилар:

«Ўртоқлар, бундан кейин Юнусни ёлғиз қолдирмайлик. Бўлмаса, уни диндорларга бериб қўямиз».

Ҳаммаси оғзини катта очиб ҳаҳолаб яна кулдилар. Менга ғалати туюла бошлади. Аллоҳнинг асарлари бунчалар очиқ ва аниқ кўриниб турган бир пайтда «Аллоҳ йўқ» деганнинг устидан кулмасдан, Уни бор деганларни масҳара қилиш... Уларнинг юзларига қараганча туриб қолдим.

Тўғриси айтсам, уларнинг ёнида зерика бошладим. Дўстлар билан бўлсам, Асумандан узоқлашаман деб ўйлагандим. Аммо ҳаёлим фақат унда. Қалбим «Ҳозир узоқдасан, лекин юрагим сенинг соғинчинг билан тўлди» деб пичирларди. Мени масҳара қилаётган дўстларимга ортиқ дардимни айтишдан воз кечдим. Дард дардни тушунадиганга, дармон бўлишга интиладиганга айтилади. Одамнинг дардини масҳара қиладиганга киши дардини айтадими? Булар севгини қадердан тушунсинлар? Севганларига ҳам жисман, ҳам қалбан хиёнат қиладиганлар. Бундай хиёнаткорларга севги ҳақида гапириш бекор. Ўзимга сиғмай кетаётгандим. Уларнинг ёнидан кетиш ҳақида ўйладим. Дарҳол кетмоқчи бўлдим. Эътироз билдирдилар. Шунда Ўгун «Бирорта «қушчани» топиб, кечамизни кўнгилхушликда ўтаказайлик» деди.

Менинг динга меҳрим орта бошлаганди. Улар бундай гапларни гапирганда ҳар нарсанинг янада яхшироқ, аниқроқ фарқига бора бошладим.

«Тўхтанг! Бировнинг қизидан кўнгилхушлик учун фойдаланамиз. Эртага бизнинг қизимиздан ҳам кимдир шу чиркин йўлда фойдаланади. Ҳолатимиз ўзи расво, яна биз ривожланишдан, миллатсеварликдан гапирамиз, сизнингча, бу ғалати, мантиқсизлик эмасми?»

Менинг гапларимни ҳатто ўйлаб кўрмадилар. Улар билан туришга ўзимни бошқа мажбурлай олмадим. Ташқарига отилдим. Тоза ҳавода чуқур-чуқур нафас олишни истардим. Машинамга ўтириб, ҳеч кимсиз денгиз қирғоғига қараб кетдим.

Чидолмадим facebook ка кирдим. Қалбимнинг гўзал эгаси Баҳор дугонасига яна дардларини тўккан эди. Аммо гаплари менинг фойдамга эмасди:

«Аллоҳ жазоласин уни. Ҳаётимни зимистон қилди. Беш ойда мен уни шунчалар севиб қолдимми? Ошиқ бўлиб қолмоқ... Буниси нима энди... Ақлим бошимдан учди шекилли. Ўтаётган кунлар оловларимга бензин сепмоқда. Эртага онам билан панорамага борар эмишлар. Онам ҳайрон, ўйланяпти шекилли... Билмайман... Укам ҳам дадамни сўнгги йўлга кузатганимиздан бери келмайди. Келса, онамга ҳамроҳлик қиларди».

«Нима бўляпти, Асуман, нега бунчалар жаҳлинг чиқяпти?»

«Йўқ, ундай эмас, онам Юнус мусулмон бўлади уни куёвим қиламан дейдими-ей.... билмайман... Ҳар ҳафта албатта у билан шуғулланади. Камига вилласига бориб, инглиз тилидан дарс ҳам бериб келяпти. Яъни Элизабет хоним уларнинг амрларига мунтазир».

«Онанг ёш бола эмас, ақли-ҳуши жойида ёши катта аёл, бир нарсани ўйлаб қилаётгандир».

«Исломга зидда бу. Улар билан сен бирга борсанг бўлмайдами?»

«Сени хафа қилмоқчи эмасман, лекин эртага якшанба бўлгани учун шаҳардан ташқарига чиқмоқчи эдик».

«Онам Юнуснинг гапи билан ўранганини биласан-а?»

«Қанча вақт бўлдику бунга, ҳа, биламан».

«Кечирасан, мен ой-кунларни ҳам адаштириб юборяпман. Юнус ҳаётимга кирди — ҳамма нарса ўзгариб кетди. Дадажонимнинг ўлими билан бошланган вазият ўзгармаяпти».

«Энди нима қилмоқчисан, нимани режа қиляпсан?»

«Унга телефон қилдим. Бизникига умуман келманг демоқчи эдим. Телефонни дарҳол босиб қўйдим. Журъатим етмади. Аввал ҳам айтган эдим. Яна такрорлашга кўнглим бўлмади».

«Сен ақлдан озибсан, Асуман. Бу қанақа беқарорлик, қанақа номувофиқлик? Оила қурасанми ё йўқми? Қура олмайдиган бўлсанг, унда воз кеч, умидингни уз, унут — ўзингни қийнама! Ёки унинг ҳидоятга кириши учун ҳаракат қил. У билан оила қур, азоблама ўзингни».

«Сенга гапириш осон, Баҳор. Ахир ишқда ёнган менман, сен эмас. Бўйдоқнинг йўқ хотинга талоқ бериши осон бўлгандек... Бўлмаяпти-да, Баҳор, кўлимдан келмаяпти. Ёки яна бироз кутаймикан? Балки имон келтирар? Чунки Аллоҳга ишона бошлади».

Оҳ, бечорагинам, ягона менинг. Мендек ҳайвонни, ўзидан интиқом олиш учун ошиқ ролини ўйнаган аҳмоқни ҳали ҳам севади.

«Менимча, кутганинг маъқул. Чунки аввалги ғоялари учун бошлаган ўйинидан афсусда. Мана кўрасан, у қарашларининг исломдан нафратланиш холос эканини тушуниб етади».

«Лекин қачон, Баҳор? Мен ҳассага суяниб қолганимдами?»

«Ҳа! Агар яхши кўрсанг, бунда хайрли якун бўлса, сабр билан кутасан».

\* \* \*

Элизабет панорамага боришни кейинроққа сурди. Хафа бўлдим.

Бу оқшом мени вилламизда ҳам ёмон хабар кутиб турган экан — Девримни реабилитация марказига ётқизадиган бўлишибди. У ерда кайфияти кўтарилади, зарур машқларни бажаради, ижтимоий мослашади дейишди. Марказда бир амалиётчи қиз Деврим билан илиқ муносабатда бўлаётган экан. Деврим ҳам уни яхши кўриб қолибди. Ўзи ойисига «Мен шу ерда қоламан, уни жуда яхши кўрдим» деганмиш. Ойиси ҳам «Хўп» деб рози бўлганмиш.

Амалиётчи ким экан, биласизми? Тўғри — Асуман.

Турк фильмлари ғарб фильмларидан кўра ҳақиқатга яқин. Мана, ҳаётда ҳеч қандай турк фильмидан қолишмайдиган воқеалар бўлмоқда. Онам билан Белгин безовта, бир жойда ўтира олмаяптилар «қандай қилиб Деврим ўранган бирини яхши кўриб қолди?»

Асуманнинг устидан марказга шикоят қилиб, бўшатиб юборишмоқчи. Онам буларни аёвсизларча гапирди. Мени гаплари билан уялтирарди.

«Бу чўчка ҳаммасини атайдан қиляпти. Фарзандларимизни биздан узоқлаштирмоқчи». Ўзлари доим мусулмонларнинг болаларига таҳдид қилишарди. Аммо ҳеч ким уларнинг болаларига тегмас эди. Худди бу фақат бизникиларга тегишлидай, патентлаб олингандай!

Бу адолатсизлик эди. Ҳаётимда биринчи бор онамга қаттиқ таҳдид қилдим. Онам биринчи бор менда бундай қатъият кўраётганди.

«Агар ўша қиз марказдан ҳайдалса, уйни ёқиб юбораман, жаҳаннамга айлантираман».

Уйдагилар бирдан сокинлашиб, жиддий тортиб қолди. Гапириш оҳангларини ўзгартирди. Асуманга бошқа тарафлардан ҳужум қила бошлашди.

«Диндорлар совутгичга ўхшайдилар. Назокат, ноз-карашма нималигини тушунмайди, сайр қилиш, баҳра олиш нималигини билмайди. Сен барибир у билан чиқиша олмайсан».

«Она, диндор қизлар кўчада ноз-карашма қилиб, сузилиб юрмайди. Улар асло чегарадан чиқмайди. Жойи келганда аёллигини ҳам қилади. Биз уларни тушунадиган савияда эмасмиз!»

«Вой тавба, шу гапларни сен айтяпсанми?» Онам билан онам бир-бирларига қараб олдилар. «Уятсиз, безбет! Ватан хоини! Сени ўлдираман» деди онам кўзлари косасидан чиққудай бўлиб. Белгин юзимга тупурди. Ёрдамчимиз буларни кўриб оғзи очилиб қолганди. Йилдиз атрофимда паришон эди. У ҳам мени Деврим сингари жуда яхши кўради. Менинг ҳақоратланишим, хафа бўлишимни истамасди. У дарҳол дамга телефон қилди.

Тез орада дадам келди. Йилдиз дадамга «Тоғамни ўлдиришмоқчи» деган экан. Дадам келиб «Бу ерда нималар бўляпти?» деб бақира кетди.

Мен жим эдим. Онам эса захарли сўзларни танлаб-танлаб гапира бошлади:

«Анави чўчқани жин урсин! Шу қурбақа кўзли, эчки оғизли ҳийлагар ифлос ҳаётимизга кириб келдики, ҳузуримиз қолмади. Бўпти, Юнус, йўлдан уришни эплотмадинг! Тушундик! Нега орқага қайтмадинг, нега қайтмайди? Бу ўраниб-ўралашиб юрадиган шу қизни севиб қолди. У ким-у Юнус ким? Мен шу ниятда дунёга келтирганмидим? Мен шунча йил мана шу натижа учун курашдимми? Энди менинг болам душманларим тарафида. Қанақа ҳимоя қилаётганини бир кўрсангиз эди, ақлдан озардингиз. У билан оила кура олмаётган бўлсанг, ўзидан ол аламингни!!!»

«Қаердан биласиз, оила кура олмаслигимни?» дедим. Онам ўзини йўқотиб қўйди. Гулдонни олиб менга улоқтирди.

«Шунақамасми ахир? Рўмолини ечмади, ечмайди ҳам дединг. Бу ҳеч қачон оила қурмайсизлар дегани!»

Бирдан уни йўқотаётгандек саросимага тушиб қолдим.

«Рўмоли билан қабул қилавераман» дедим.

Бизнинг оилада шу гапни айтиш мумкинмиди? Қасримизда зилзила юз бергандек бўлди. Уй ҳавоси ҳақоратлардан ифлосланди. Айтишни унутибман, холам ҳам бизникида эди. Ҳаммаси бир бўлиб таҳқирлаб ташладилар. Онам яна диванга ўзини ташлади. Телевизорда рўмолли Фотима Барбарос ўғли деган ёзувчи интервью бераётган эди. Онам кўзларини очиб телевизорга қарадида, туфлисини ечиб экранга улоқтирди.

«Ифлос террористлар, юртимизнинг ҳамма жойидан кўзиқоринга ўхшаб босиб кетдиларинг. Сизларни йўқ қиламиз, кўпориб, қириб ташлаймиз бу ерлардан!!!»

Холам: «Сен уйингдагиларни юзини ерга қаратдинг. Менинг болам менга диндан гапирса, диндорликни ёқласа, уни ўлдириб ташлайман».

Мен мусулмонларга тан бердим. Бизникилар бу ўлкани ўзиники деб ўйлаяптилар. Истиқлол учун курашда худди бирорта мусулмон иштирок этмагандай. Худди мусулмонлар ватан учун ўлмаган, қурбон бўлмагандек... Шу пайтгача ишонган ва суянганларимни ёмон кўриб кетаётган эдим. Яна ҳам очик гапирадиган бўлсам — мен энди мусулмонлар тарафда эдим. Мен уларни жумҳурият душмани деб ўйлардим, аммо улар байроғимиз учун ўлимга тайёрлигини айтишмоқда. Истиқлол мадҳиясига қарши дердим, улар «Бунга ватан хоинларигина қаршилик қилади» демоқда.

Шундай экан, мен уларга нима учун душман бўлай?

Улар дунёвийликка қаршимизми? Нима қилибди? Бизда ҳам исломга қарши одамлар бор. Бунинг бизга қандай зарари бор? Дунёвийлик Туркияда ишлаб чиқарилган маҳсулот бўлса эканки, унга душман бўлганларни ватан хоини десак! Лекин истиқлол мадҳияси бошқа масала.

Онамга буларни англатмоқчи бўлдим. Аммо дадам орага тушди, шунақанги кўпол гапирдики оғзим очилиб қолди. Онам билан бир эди фикрлари. Дадам иродасиз одам, биламан. У ҳам мени ҳақорат қила кетди. Шу он ёрдамчимиз бувим мени чақираётганини айтди. Дарҳол ўрнимдан турдим. Белгин кўлимдан ушлаб мени тўхтатмоқчи бўлди.

«Анави қизчани унутасан, тўғрими, бизни унга алишмайсанми?»

Кўзларига тик қараб қўлларини силтаб ташладим: «Ҳеч нарсага кафолат бермайман» деб туриб кетдим. У йиғлай бошлади: «Худо ҳақи, нималар деяётганингни биласанми ўзи?»

«Худо дедингми?» - кўзларига қарадим. Аслида Аллоҳга ишонадилар, аммо буни тан олиш уларга оғирлик қилади. Шу боис инкор қиладилар. Уйимиз жаҳаннамга айланди. Бир томонда дадам сўкинмоқда, бир томонда онам қўлига тушган нарсаларни ўнг-чапга қарамай отмоқда.

Онам яқинда қайсидир телеканалда «эркин фикрлаш, озодлик» ҳақида гапирган эди. Озодлик тарафдоримиз деганимиз учун одамлар бизни «эрк инсонлари» деб ўйлашарди.

Лекин аслида битта рўмол атрофида қиёматни қойим қилмоқдамиз.

«Сен ҳатто имон келтирсанг ҳам буни яширишинг керак, рўмолли келин нимаси?» демоқда. Рўмолдан худди юнон буқалари қизил латтадан кўрққандек кўрқадилар. Нима қилишимни билмай қолдим.

Энди нима бўлади?

Аниқ саволга келдик. Менинг жавобини исломда топишим керак бўлган баъзи саволларим бор эди. Агар уларнинг жавобини топсам, нега мусулмон бўлмаслигим керак?

Бувимнинг олдига кирдим. Мени тушунади, деган умид билан дардларимни бувимга айтдим.

«Асуманни севаман буви, нима қилишни билмаяпман».



Авваллари истамас эди. Менга ачинганидан бўлса керак, бу сафар мени қўллади.

«Ўғлим, уйлан! Ҳеч кимга қулоқ солма. Агар у билан оила қурмасам — бахтсиз бўламан десанг, унга уйлан! Лекин ҳозирдан айтиб қўяй, олдимга бош яланг кирсин. Мен ўранган келинни кўришга тоқат қила олмайман».

Оиламдаги бу ҳолат мени чиндан ҳайратларга соларди. Шу одамгарчиликданми? Мен ҳам шундай эмасмидим?

Йўқ, ундай эмасдим. Мен фақат ватан хоинларига чидай олмасдим.

Тобора инсонийликка яқинлашяпман шекилли.

\* \* \*

«Баҳор, уни тушимда кўрдим».

«Нималар бўлди, қандай ҳолатда кўрдинг?»

«Бизникига келганмиш, оила қурайлик, сенсиз ўлиб қоламан деб ёлвораётганмиш».

«Бу кетишда имон келтирса, ҳайрон бўлмайман».

«Имон келтирса, тўсиқ ҳам қолмасди. Лекин йўқолган ишончни қайтариш қийинда. Қолаверса, шундай онанинг фарзанди осонликча имон келтирмайди. Чунки унга исломга душманлик дозалари болалигидан бошлаб томизиб келинган. Қийин масала...»

«Сен учун имонга киради, менимча».

«Мен, мен учун имон келтиришини қабул қилармидим? Шунинг учун алоқани мутлақо уздим ва мавзунни ёпдим. Шунда имон келтирса, Аллоҳ учун бўлади».

«Ойинг унга ҳалиям дарс беряптими?»

«Ҳа, баҳонаси ҳам тайёр — Имом Шофеъий ҳазратларининг устози ҳам аёл киши бўлган экан. Нима сиз ўша аёлмидингиз? Мусулмон аёл ҳеч ким билан чегарадан ўтиб, қадрдонлашадиган даражада яқин бўлмайди. Имом Шофеъий, Имом Ҳанафий ёки бошқа саҳобалардан кимдир хато қилган бўлса, уни қайтаришга биз ҳам ҳақлимиз дегани эмаску».

Мени Имом Шофеъийнинг устози аёл киши бўлгани ўйлантириб қўйди. Етук олимлар агар аёл кишидан дарс олган бўлса, нега бизга диндор аёлларни саводсиз ва паст тоифа қилиб кўрсатилган? Бунинг тухмат экани менга тобора ойдинлашмоқда эди.

Яна бир нарса эътиборимни тортди. Дунёдаги биринчи ҳамшира ҳам мусулмон — Руфайда Бинт Саъд<sup>1</sup> исмли саҳоба аёл бўлган экан.

Биз эса илк ҳамшира сифатида Флоренс Найтингейл деган ғарблик аёлни билардик. Дунёдаги биринчи инсон ҳуқуқлари ташкилоти Маккада қурил-

<sup>1</sup> Таржимондан: Ҳаким Сааднинг кизи Руфайда Ҳазраж қабиласидан эди. Унинг отаси жуда билимли ҳаким, шу билан бирга мунажжим эди. Отаси умри давомида барча билимини кизи Руфайдага ўргатиб боради. Ўлимидан аввал қизига бу билимларини қабиласига хизмат кўрсатиш орқали жонлантириб боришини васият қилади. Унинг эри Абдуллот-Лотнинг кули эди. Жоҳилият давридаги бутларга сиғинар эдилар. Хурмо савдоси билан шуғулланар эди. Кунлардан бир кун бозорда янги пайгамбар Муҳаммад САВ ҳақида эшитиб қолади. Пайгамбаримиз САВ нинг тавсияси билан Мусъаб (р.а) ёрдамида Абдуллот ва Руфайда Исломни қабул қилдилар. У Исломга киргач исмини «Абдуллот» дан Абдуллоҳга ўзгартиради. Ҳамшира Руфайда Масжиди Набавий ичида чодир тиклайди. У ерда хаста мусулмонларни даволай-аёлларига ҳам тиббиётни ўргатади. Асҳобларга нимадир бўлса муолажа учун дарҳол унинг чодирига олиб келинар эди. У нафақат хасталарга, умуман ёрдамга муҳтож мавжудот борки, ёрдам кўлини чўзарди. Айниқса амал дафтарини садақан жория билан тўлдирарди. У илк ҳамшира ва Ҳайбарда илк касалхона очган аёлдир. Унинг кўлларида бугунги замонавий тиббиётнинг қуроллари ва шаротлари йўқ эди. Аммо у ўша давр шароитидан келиб чиқиб муолажалар қилган, касбини яхши биладиган 100/100 ҳамшира эди. Негадир илк ҳамшира дейилса, ғарб ва француз аёл эсланади, доим улар ҳақида гапирилади. Руфайда эса деярли эсланмайди.

ган экан. Муҳаммад пайғамбар ўша жамиятнинг асосчиларидан бўлган экан. Ҳайратимнинг чегараси йўқ эди. Ғарб «Инсон ҳуқуқлари ташкилоти жамиятини биринчи бўлиб биз таъсис этганмиз» деб жар солади. Биз ҳам бунга ишонган эдик. Энди аслида буларнинг тескариси бўлганини ўрганяпман. Ичимга сиғдира олмай, онам билан бу билганларимни ўртоқлашдим:

«Она, дунёдаги биринчи инсон ҳуқуқлари ташкилоти Маккада ташкил топгани, Муҳаммад пайғамбар уни бошқарганини билармидингиз?»

Саволим онамнинг жаҳлини чиқаришини билсамда, негадир сўрашга аҳд қилгандим.

«Сен ҳали ҳам Маккада кезиб юрибсанми? Сенга нима Маккадаги ташкилотдан? Сен мени жинни қилмоқчимисан?»

Истагим бу ҳақиқатни етказиш эдими — билмайман. Яна давом этдим: «Она, мусулмонлар инсон ҳақ-ҳуқуқларига қарши дегандингиз, инсонийлик учун ҳеч нарса қилмаган дегандингиз! Энди нима дейсиз? Ҳуқуқлар ҳимоясини улар бошлаган эканку!»

Бу савол дадамни қуюшқондан чиқарди:

«Бўлиши мумкин эмас, ўз болам ўзимга душманлик қилса! Бундан кейин сени назоратга олмасам бўлмайди. Бу ёшимизда шариятчи мутаассиб ақидапарастнинг бошимизга келиши етмай турганди ўзи».

«Дада, ақидапараст аслида ким? Модомики, мусулмонлар юқорида келтирган мисолларимдаги инсонлар экан, нега менга исломни буткул тушунтирддингиз? Нега мени динсиз даҳрий қилдингиз? Мен диндор бўлган тақдиримда ҳам сизларга нима зарар келтиришим мумкин эди?»

Онам исёнимга чидай олмади. Устимга бостириб келиб, юзимга шапалоқ туширди. Кўзларидан чиққан олов ҳатто ўзини ёқиб юборадиган даражада шиддатли эди. Ғазабимни кўзларимга жойлаб тик қарадим, яна шапалоқ туширмоқчи эди, кўлини ҳавода тутиб қолдим.

«Ислон сизларнинг мафкурангиздан юксакда экани учун, сизнинг мафкурангиз исломдан енгилишини билганингиз учун ақлдан озмоқдасиз!»

Мутлақо диндордек гапираётганим уларга зарба бўлди. Уларни яралаётган, озорлаётган эдим, аммо шунга мажбур эдим. Чунки ўзимни ортиқ шундай ҳис этаётган эдим. Суякларимда, иликларим, хужайраларим, қонимда, ҳар бир заррамга қадар исломни англаётгандим. Гапларимда ҳам «биз» дея гапираётган эдим. Балки онгим, ақлим, зеҳним аллақачон имон келтириб бўлгандир. Ноҳақликка чидай олмаётган эдим.

Дунё мамлакатларининг исломни йўқ қилиш учун бирлашиши чиндан ғалати эди. Бошқа динлар билан иши йўқ, уларга аралашмайдилар, фақат исломдан қўрқади...

\* \* \*

Жанжалимиздан сўнг онам жаҳл билан чиқиб кетди. Тўғри университетга қараб йўл олибди. Етиб бориши билан Асуманнинг гуруҳига кирибди. Асуманга: «Ҳой, жаҳолатпараст, доскага чиқ» дебди.

Асуман бу ҳақоратни қабул қилармиди? Дарҳол эътироз билдирибди: «Мени ҳақорат қилишга ҳақингиз йўқ» деб жавоб қайтарибди. Онам ҳам «Менга гап

қайтарди» деб Асуманни дарсдан чиқариб юборибди. Буларни Асуманнинг ёзишмасидан ўқиб билдим...

Онам ўша куни уйга келганида ҳам авзойи кўрқинчли эди....

Аммо мен онамдан баттар эдим. Нима бўлганини сўрамадим ҳам. Дарғазаб ҳолда қаршисига чиқиб баланд овозда дедим:

«Она! Эртага ўша қиздан бутун гуруҳ олдида узр сўрайсиз ва ёзган шикоятингизни қайтариб оласиз. Акс ҳолда мен уйдан кетаман!»

Кўзларини катта-катта очганча эътироз билдирди:

«Мана бу тентакни қаранглар, азалий душманимдан узр сўрармишман. Асло сўрамайман. Асло!»

Таҳдидларим шунчаки гап эмасди, мутлақо жиддий гапираётгандим.

«Майли, унда чамадонимни тайёрлай, қайтиб келмайдиган бўлиб уйингиздан кетяпман» дедим. Хонамга қараб кириб кетаётганимда онам ишонқирамай қотиб қолганди.

«Бўпти, хўп, сен учун қиламан бу аҳмоқона ишни» деди. Бунга мажбур қолганди. Онамдан ваъдасини олдим. Эрта тонгда дарҳол Асуманнинг уйи олдида пайдо бўлдим. Асуман мени кўриб ҳайрон қолди. Уни ҳимоя қилаётганимни билсин деб бўлган воқеани ошириб-тошириб гапирдим.

«Сени хафа қилган эканку, кимнинг ҳадди сиғаркан менинг яғонамни хафа қилишга? Виллани бошимга кўтардим, Асумандан дарҳол узр сўрайсиз, йўқса, ҳамма жойни ёқиб юбораман, ҳибсда ётаман кейин» дедим. Кўрқиб кетишди, бугун сендан узр сўрайди. Агар узр сўрамаса, менга айт ёки ёзиб юбор» дедим.

Маҳзун бўлди: «Керак эмасди. Ҳамма савиясига кўра ҳаракат қилади».

Шундай десада, ичида хурсанд бўлди. Мен ҳам баҳонада уни кўриб олдим. Ҳужайраларим яна жонланди, нафас ола бошлади. Уни кўрмасам чўкиб кетяпман. Бу ҳолат яна қанча давом этади, билмайман. Унга ёлвордим:

«Асуман, мен Аллоҳга ишоняпман. Битта дин қолди. Уни ҳам ўрганяпман. Ёлвораман, менга турмушга чиқ. Ишон, мен учун дунёда сендан бошқа аёл йўқ энди. Кўзимга бошқаси кўринмайди».

Зиналардан тушаётиб тўхтади. Менга қаради.

«Дунёда фақат иккимиз қолсак ҳам, минг йил ўтса ҳам, ишқингиздан ўлсам ҳам сизга турмушга чиқмайман. Илтимос, бу мавзуга қайтманг ».

Менга шундай деди. Аммо кўзлари бошқача гапирарди. Баҳорга ёзганларида ҳам шундай эди.

«Жин урсин, яна қаршимга чиқди, Баҳор. Юрагим тўхтаб қолай деди. Уни шунчалар севибман, шунчалар соғинибманки... Балки ишонмассан, аммо нигоҳларим билан уни қучдим».

Баҳор ҳайрон эди ва албатта буларни ўқиётган мен ҳам...

«Ие, Асуман хоним, ие! Бу гаплар сиздан чиқяптими?»

«Ишқ келса бошга, ақл тушар тошга. Мен ўзимда эмасман, лекин барибир имонимга кўра ҳаракат қиляпман, туйғуларимга қулоқ тутмаяпман. Шунинг ўзи этади. Эртага болаларимга ишққа шунчалар мубтало бўлганимни, аммо динимга хилоф ҳеч нарса қилмаганимни шараф билан айтиб бераман».

Қандай бетакрор ва шоҳона жумлалар эди. У қанчалар гўзал айтди «Нигоҳларим билан қучдим». Эй, Аллоҳим, бу қанчалар буюк севги. Мен албатта унга уйланишим керак. Фақат бир тарафи ёмон... Мен бу ерда унинг ишқидан ўляпман, у эса шарафдан гапириб ўтирибди. Бир умр исломнинг душмани бўлиб яшаганман. Ислом болалигимдан ёмон кўрсатиб келинган. Бирданига имон келтира олмайманку?

Суриштириб кейин қарор чиқараман. Лекин Асуман раҳмсиз. Ошиқлар марҳаматли бўлади дейишарди. Бу қизнинг севгиси ҳарҳолда марҳаматни, раҳм-шафқатни еб битирган бўлса керак. Йўқса шундай қилармиди?

\* \* \*

Олдимга холамнинг қизи Бону келди. Асло мумкинмас деб юриб лўли йигитни севиб қолибди. Уни тушунадиган инсон фақат мен эмишман. Балки... Чунки оиламизда фақат мен бировни эшитаман ўзи. Лўли йигити Ўйхан билан гаплашибди. Ўзи устидан кулиб, масхаралаб юрган лўли йигит билан...

«Буни ўйлаб ҳам ўтирма, биз оила қура олмаймиз. Чунки биринчидан, мен диндорман, иккинчидан, лўлиман» дебди.

Аслида йигит тўғри гапирган. Лекин Бону алдашга мажбур бўлибди: «Менинг оилам ҳар тарафлама кенг тушунчали, одамларни унақа ирқларга ажратмайди» дебди.

Ўша куни Ўйхан ҳақида холамга гап очибди. Холам ақлдан озай дебди.

«Асло!!! Ҳеч қачон бўлмайди. Қандайдир лўли менга куёв бўлолмайди. Камига диндор эмиш. Ёки сени ўлдираман, ёки ўзимни» дея йиғлабди. Мана шу низодан кейин дардини тўкиш учун ёнимга келибди. Унга раҳмим келарди, қандай ёрдам беришга ҳайрон эдим. Унинг вазияти меники билан деярли бир хил эди.

«Мен нима қилай, Юнус? Ўйханни жонимдан ортиқ яхши кўраман. Ахир у лўли бўлиб туғилишни ўзи танламаганку. Оиламиз миллатсевар оила эмасмиди? Ишон, ҳайратлар ичидаман. Барча миллатлар тенг эмасмиди? Онам қандай қилиб ўлим ҳақида гапириши мумкин? Меросдан маҳрум қилса ҳам тушунган бўлардим».

Унга тасалли беришим керак эди. Ишқ қалбини забт этган, аммо кўлидан ҳеч нарса келмасди.

«Бону, хафа бўлма. Онанг асабийлашганидан, жаҳли чиққанидан шундай дегандир. Аввалги нотўғри ҳаракатларинг сабаб буни ҳам ўшалардан бири деб ўйлаган. Онангга бу сафар ҳаммаси рост ва жиддий эканини тушунтир».

«Юнус, минг марта тушунтиришга уриндим, аммо бефойда. Лўлилар рақсини томоша қиласиз, кўшиқларини эшитасизда, куёв қилишдан нега чўчийсиз? Туркан Шорайни севишади, Сибел Жанни севади. Модомики, лўли бўлиш айб экан, нега буларга мухлислик қилишади? Ўйхан тиббиёт соҳасида ўқимокда, доктор бўлади. Бир йилдан кейин ўқишни тугатади, дедим.

Бунга нисбатан онам ғазаб билан «Менга деса ҳоким бўлмайдами, лекин мен лўлини куёв қилмайман» деди. Қиладиган бошқа иш қолмади, Юнус. Ёшим ўттизда. Бориб у билан бировга айтмай турмуш қурамиз».



Хавотирга тушдим. Бонуни охирги кўрганимда Ёйхан билан тортишганларини гапириб берган эди. Наҳот уч-тўрт ойда шунчалар ўзгарган бўлса. Уни тинчлантиришга уриндим.

«Асло ундай қилма. Қадр-қийматингни, шаънингни ўйла. Тўй либоси киймай яширинча оила қуришинг келгуси ҳаётингда сенга хафаликлар олиб келиши мумкин. Озгина кут, мен сенга ёрдам беришга, холамга тушунтиришга ҳаракат қиламан».

«Аммо мен онамнинг кўнишига ишонмайман».

Бечора қиз. Қандай қилиб бунчалар севиб қолибди... тушунарсиз. Ёйхан учун ўламан дейди. Бу ирқчилик чиндан ҳам ноинсоний тушунча. Дарҳол Асуманга телефон қилиб, ундан бу ҳақида сўрадим. Телефоннинг овозини баландлатиб қўйдим.

«Асуман, узр, сени безовта қилдим. Бир муаммо бор эди. Унга исломда қандай қаралиши ҳақида билмоқчи эдим. Бироз вақт ажрата оласанми?»

Бир муддат жим қолди. Бону диққат билан эшитиб турарди. Бону даҳрий, аммо Ёйхан билан гаплашиб, анча юмшаб қолган эди. Севган қизимга ҳам қизиқаётгани аниқ. Бону менга меҳрибон эди.

Асуман бироз ҳижолат тортгандек «Бирорта эркак домладан сўрамабсизларда» деди. Унинг шу жиҳати ҳам одамни уялтиради.

«Мен ҳаммага ишона олмайман, Асуман, илтимос, гапир, сени жияним ҳам эшитиб турибди. Ислонм лўлиларга қандай қарайди? Бу ҳақида тушунтириб бера оласанми?»

«Бу ҳақида «Лўлилар» номли китоб бор. «Мактуб» нашриётидан чиққан. Унда буларга оид батафсил маъ-

лумотлар берилган. Уларнинг қаердан келиб чиққанлари, қандай қилиб лўли номини олганлари ва бошқа кўплаб аниқ асосли маълумотлар келтирилган. Мен қисқача шуни айтишим мумкин. Исломга кўра барча ирқлар бирдир. Инсон ирқига кўра ёмон бўлмайди, балки тарбияси ёки нафси туфайли ёмон бўлади... Ҳамма ирқда ҳам яхши ва ёмон бордир. Пайғамбаримиз САВ ҳеч бир ирқ бошқасидан устун эмаслигини таъкидлаганлар. Гап ўзи нима ҳақида, менга бироз аниқ гапирсангиз, балки батафсилроқ жавоб берарман» деди.

Унинг нима гаплигига қизиққанидан хурсанд бўлдим. Вазиятни тушунтирдим.

«Худди «Лўлилар» романидаги каби ҳолат. Бону хоним у йигитни суриштирсин. Агар у яхши бир оилада вояга етган бўлса, ахлоқи чиройли бўлса, ўйланиб ўтирмасин. Лўли фарқли бир ирқ эмас. Инсон севганини ўлимга ташлаб қўйиши керак эмас».

Бонуга Асуман билан боғлиқ барча нарсани айтиб бергандим, шу боис қизиқиб сўради:

«Унда нега ўзингиз севганингиз ортида дастак бўлиб турмаяпсиз?»

Асуман кутилмаган бу саволдан бироз жимиб қолди.

«Менинг эътиқодимга тўғри келмайдиган ҳолатлар бор. Мен учун эътиқодим ҳаммасидан муҳим».

«Озгина фидокорлик қила олмайсизми?»

«Эътиқодга қаршилик фидокорлик бўлмайди. Унинг номи хиёнатдир.»

«Ошириб юбормаяпсизми?»

«Йўқ бу қарорнинг номи имондир. Сизлар ҳаддан ошиш ҳисоблайсизлар... Исломга оид барча нарсада қарашларимиз фарқлидир. Чунки исломни унга

душман бўлганлардан ўргангансиз. Агар асл исломни билганингизда эди, у учун жон бериш мумкинлиги, бу шарафлигини англаб эдингиз» деди. Бону менга қаради. Юзларида ҳайронлик бор эди. «Ҳа-а» деди. Ақлли қиз экан маъносида бошини қимирлатди. Асуман давом этди: «Уйдагиларга йигитнинг келиб чиқиши ҳақида айтиш керак. Кейин битта Одамдан тарқаганимизни... Аллоҳ ирқларга эмас, яхши ва мўмин кул эканимизга қарашини тушунтириш лозим».

Асуманга ҳайрон қоламан. Мен замонавий диндорман, дейдиганларни биламан. Исломни тушунтириб бера олмайди. Асуман, мен учун қанчалар қийматли эканингни билсанг эди. Хайрлашиб, телефонни одоб билан қўйди. Бону кулгиси қистади. «Менинг диндордан маслаҳат олганимни онам билса борми» деб кула бошлади.

Ҳақли эди. Бонуга билганларимни тушунтирдим. Чекинмасликни, тортинмасликни, кўркмасликни тавсия этдим. Кўрайликчи, нима бўларкан. Бонуни хавотир билан кузатиб юраман энди.

\* \* \*

Онамга қўйган шартим иш берди. Асуманнинг гуруҳига кириб уни ўрнидан турғизибди. Қийналса ҳам «Уша куни жуда чарчаган эдим, сенга ёмон муносабатда бўлдим, узр» дебди.

Жуда яхши бўлибди. Асуман дарс тугаши билан менга қўнғироқ қилди. Овози дадил чиқаётган бўлса-да, бироз безовта эди.

«Сиз туфайли онангиз мендан узр сўради. Раҳмат. Лекин мендан ёши катта аёлнинг ва сизнинг онангиз

бўлган кишининг узр сўраши мени ранжитди... майли, у бошқа масала... қанийди шунақа нарсалар ҳеч ҳам бўлмаса» деди ва телефонни қўйиб қўйди.

Бир соатдан кейин эса Баҳорга шуларни ёзибди.

«Агар Юнус диндор бир эркак бўлса, албатта унга турмушга чиқиш мумкин».

Буларни кўриб ҳайрон қолдим. Мен уни онам узр сўраса, кибрланиб тепадан келади деб ўйлардим. У эса шунчалар гўзал бир тавозе соҳибаси экан, бу ҳолатдан ғурурланмади. Мен уни янада кўпроқ сева бошладим. Фақат мен диндор бўладиган даражада қийинчиликларга чидамли эмасман. Ҳаракат қиляпман. Биргина Асуманга уйланиш учун эмас, Аллоҳ чиндан бор. Асуманга эришишни истайман, аммо... Эришишдан умидимни асло узмаяпман. Қасос воқеаси менга жуда шафқатсизликдек туюлмоқда.

Ислонда мазҳабларнинг ўрнини биламан. Тўрт мазҳабдан учтасида «Вояга етмаганлар билан ҳам турмуш қуриш мумкин» дейилганмиш. Бу ҳолатдан кўнглим озди. Агар Ислон болалар билан оила қуришга изн бераётган бўлса, мен бундай динни қабул қилолмайман. Буни Асуманга айта олмаяпман. Элизабет хоним «Ислонга тиқиштирилган хурофот ва хатоларда маънавий тошқинсиз ислоннинг софлиги, тиниқлиги ўртага чиқа олмайди» деди. Бу гап менга умид бераётган эди. Ҳеч бўлмаса Элизабет хоним мени ёлғиз ташлаб қўймаётган эди.

\*\*\*

Элизабет хоним ёнига дугонасини олиб, менга кафедра дарс бермоқда. Денгиз бўйидаги гўзал бир ма-

конда ўтирибмиз. Денгиздан завқ олайлик дея кафе охирроғига ўтирдик.

-«Менга саволларинг бўлса, сўра, ўғлим».

«Ҳозирча сизни эшитай» дедим. Аслида саволларим уни ҳуркитишидан чўчияпман. Кейин мен билан кўришмай қўйса-чи? Бир куни Уйғониш даври ҳақида гаплашишни таклиф қилди. Рози бўлдим, аммо нега бу мавзуни танлаганини тушунмадим. Жуда ажойиб аёл, билимли, қатъиятли ва шижоатли. Нозик ва майин табассумли. Қизи эса ундан жиддий. Буларнинг «тақво» аталадиган ҳаёт тарзи бор экан. Бундай муҳитда улғайган қизлар бегона эркаклар билан мулоқот қилмас эканлар. Буларни билиб олганим яхши бўлди. Қани, уйғониш даври ҳақида нима янгиликларни эшитарканман?

Элизабет хоним учта қаҳва буюрди. Ёнидаги аёл ҳам менга бошқача кўринди. Ўранмаган, фақат намоз ўқиркан. Физика фанидан дарс бераркан.

«Мен Аллоҳни математикада топдим», деди.

Ҳайрон бўлдим, аммо батафсил сўрамадим. Ўғли гиёҳвандликдан ўлган экан.

«Боламни асролмадим, уни маънавиятдан, диндан йироқ қилиб ўстирдим. Болам сиқилса, Аллоҳга эмас, гиёҳванд моддаларга сиғинди. Ва ўша йўлда ўлди. Ўзимни кечира олмаяпман» деб йиғлади. Гаплашини эшитганимда ичим музлаб кетди. Чиндан ҳам ўғли диндор бўлганида эди, бундай бўлмасди. Қанчалар тўғри эди. Дунё биз ўйлагандан кўра кўрқинчлироқ тарафга кетмоқда. Бу кетишнинг ортида эса даҳрийлик ётарди. Даҳрийлик зарарли ишларнинг ҳаммасига «эрк, ҳурлик» деган калит топиб берди. Кунлар ўтган сари исломнинг қийматини тушуниб

бормоқдаман. Фақат мантиғимга тўғри келмаётган баъзи масалалар бор...

Элизабет хонимнинг берган саволи ҳаёлимни тарқатиб юборди.

«Уйғониш даври мавзуси сизни қизиқтирмайдиганга ўхшайди. Яна ҳам тўғрироғи, бунинг нимаси қизиқ деб сиз ўйлаяпсиз. Уйғониш даври дунё учун жуда муҳим. Бу давр динда ҳаддан ошишнинг натижасини тушунтирадиган воқеа ҳамдир. Бузуқ динлар сабабли ҳақ дин бўлган исломнинг ҳам жазолантирилиши дейишимиз мумкин. Номига эътибор берайлик — Уйғониш даври...»

Эндигина суҳбатни бошлаган эдик, телефоним жинглиди, узр сўраб телефонга жавоб бердим. Белгининг болалари, эгизаклардан бири йўқолиб қолибди. Суҳбатимизни давом эттира олмаслигимни айтиб, шошиб йўлга чиқдим.

\* \* \*

Йилдизнинг йўқолганига бир ой бўлди. Ўша куни уйга югуриб етиб келганимнинг фойдаси бўлмади. Қанча қидирмайлик, топилмади. Белгин паришон, кундан-кунга сўлиб борарди. Бир ой ичида нималар бўлиб кетди. Дунё бошимизга йиқилди. Ўша куни жияним Йилдиз йўқолиши билан полицияга хабар бердик. Кунлар ўтди, бирор хабар йўқ. Уйдагиларнинг ҳаммаси бирин-кетин тушкунликка тушиб қолди. Инқироз... Деврим ҳар куни тинмай йиғлаб шериги Йилдизни сўрайди. «Энди мен ким билан ўйнайман? Нега синглим топилмаяпти, у қаерда?» дерди.

Набираларини ҳеч ўпиб эркаламаган онам кун, соат, дақиқа санай бошлади. Ишидан жавоб олди. Онам бу-

гунга қадар бирор марта ишдан қолмаганди. Дадам бу мусибатни кўтара олмай ётиб қолди. Белгинга ҳар кун тинчлантирувчи уколлар қилинди. Оиламизга худди жаҳаннам олови тушгандек эди. Қидирмаган жойимиз қолмади. Кейинроқ полиция ҳодимлари кўчага қўйилган камерадан ғалати тасвирларни аниқлади. Менинг митти фариштам уйдан чиқди. Соҳилга келди. Бошқа бир тасвирда эса балиқ овлайдиган кема ёнида турибди. Ёнига бир одам келди, Йилдизимга нималардир деди. Уни олиб моторли қайиққа ўтиргизди. Моторнинг очилган тасвирлари бор, қолгани йўқ. Бизни шундай ташвиш босдики, уларни қалам билан ёзиб тасвирлай олмайман. Ичимда бир олов, кўрқув, кўзимга ҳеч нарса кўринмайди. Ҳаёлимга йўқотганимдан бошқаси келмайди. Уйқу йўқ, емоқ-ичмоқ йўқ. Ҳамма жойда унинг расмлари, маълумотлари...

Ниҳоят, уни олиб кетган ҳайвоннинг шахси аниқланди. Қаттиқ суриштирув ва тинимсиз ҳаракатлар натижасида орадан беш кун ўтиб уни топдилар. Шафқатсиз ҳайвон митти қизалоқни зўрламоқчи бўлибди. Бечоҳайвон эса қичқирибди ва ўзини денгизга ташлабди. Қайра эса қичқирибди ва ўзини денгизга ташлабди. Қайтиб чиқмабди. Бу мусибатдан барчамиз эзилиб кетдик. Уни тутиб қамоққа олдилар. Аммо бундан бизга нима фойда, жонимизнинг парчасидан айрилдик. Онам тинмай бақриб исён қилди, Белгиннинг кўз ёшлари тинмайди, дадам ва менинг аҳволимиз ҳам улардан яхши эмасди. Онам: «Боламнинг қотилини осинглар, унинг арқонини мен тортай» дерди.

Белгин эса: «Уни менга кўрсатинглар, ўзим ўлдирай» дерди. Мен ҳам шу қарорда эдим. Бирор жиноят қилиб қамоқхонага кирсаму уни ўша ерда ўлдирсам, дея режалар туздим ҳатто. Ҳафталар ўтиб бироз ўзимни қўлга олдим. Эътибор берсам, ҳаммамиз ша-

риятчи, қасоскор бўлиб қолибмиз. Барчамиз қотилнинг ўлдирилишини истардик. Исломнинг фитрат дини дейилишининг маъносини тушунгандек эдим. Ҳуқуқнинг арабчаси шарият демак. Ислом чиндан фитрат дини экан. Аввал қотилларнинг ёнини олар, уларнинг манфур қилмишини тушунишга, оқлашга интилар эдик. Дард чекиб, ҳайратлар ичида ҳолатга одил қарай олдим.

Энг изтироблиси, кунлаб, ҳафталаб денгизда миттигинамнинг, гулгунчамнинг жасадини қидирдик. Бир ҳафтадан кейин жасад бир балиқчи тўрига илинган ҳолда топилди. Бу ўлимдан оғирроқ эди.

Жасад қорайиб, шишиб кетганди. Унинг чиройли оппоқ вужуди таниб бўлмас ҳолга келганди. Уйдагилардан Йилдизни фақат мен кўрдим. Бошқаларга изн бермадим. Жасадни кўришларини тақиқладим. Ёлворсалар ҳам изн бермадим. Жанозада кўпчилик бор эди. Рухимга тахт қурганлар ҳам — Элизабет хоним, ўгли ва Асуман ҳам келган эдилар. Ёнларига бордим. Келганидан хурсанд бўлганимни айтдим. Девримга бошида эгизагининг ўлганини айта олмадик. Орадан вақт ўтиб айтишга мажбур бўлдик. Бечора гўдак. Шеригининг ўлимини эшитиб дунёси қоронғулашди. Уни қучоғимдан туширмадим. Асуман ёнимга келиб «Мунчалар яхши тоға экансиз» деди. Оғир кунда бу гапи ҳам кайфиятимни кўтарди. Шириним, эркатоийиянимнинг қабрига бориб йиғладим. Ўша ерда илк бор: «Жаннатда бўлишинг керак, бундай соф ва масъум гўдаклар жаннатда бўлади» дедим.

Мусибатнинг бераётган азоби бор, унга чидаш, куч топиш яна бир азоб...

Юрагимизга озгина таскин берган хабар келди. Маҳкумлар «Сен қандай маҳлуқсанки, кичкина қиз-



чага кўзинг қийди? Қандай қилиб шундай номус-сизлик ҳаёлингга келди?» дея ҳайвонни ўласи қилиб қалтаклабдилар. Ғазабдан тушмабдилар, сочларини битта-битталаб юлиб олибдилар. У ҳам етмабди. Пичоқлаб, қирқ жойидан яралаб шишириб ташлашибди. Ўлолмабди, жони оғриб ётаверадиган ҳолга келтиришибди. Комага тушиб қолибди. Қамокхона ҳодимлари касалхонага қўйибдилар. Истасак-истамасакда ҳаммамиз «Баттар бўлсин» дедик.

Зулматда яшаётгандек эдик. Бувим учун бу оғир руҳий зарба бўлди. Дадам ҳам ўзига кела олмаяпти. Бу мусибатни енгиш уларга осон бўлмаяпти. Дадамнинг йиғлаганини ҳаётимда биринчи марта кўрдим. Оловларнинг энг куйдирадиганида ёндик. Ич-ичимдан: «Аллоҳ бундай азобни ҳеч кимга яшатмасин!» деб тилардим. Кейинроқ Элизабет хонимдан ўргандимки, бундай азобларни инсонга Аллоҳ эмас, инсонлар яшатар экан.

\* \* \*

## 2-БЎЛИМ

### УМИД

Малагимнинг ўлимидан кейин олти ой ўтди. Бувим бардош бера олмай, иккинчи ойда вафот этди. Дадам кутилмаганда динга қайтди. Онаминг исёнлари кучайди. Белгинда руҳий бузилиш аломатлари пайдо бўлди. Деврим ёлғизланиб қолди ва буни қабул қилолмади. Уйдагиларга «Болалар уйдан бирорта бола олайлик» дедим. Белгин эътироз билдирди: «Йўқ, меросимиз бўлинади», деди. Унда васий сифатида асраб олайлик, дедим. Рози бўлдилар. Болалар уйига бордик. Девримни ҳам олиб боргандик. Уни кучоқлаб кўтариб олгандим. Кимдир ёқса, руҳига муносиб бирортаси бўлса, ўшани олиб келмоқчи эдик. Юришда нуқсони бор бир қизчани яхши кўрди. Етти ёшли Нургул гўдаклигида масжид эшигига ташлаб кетилган экан. Олдимизга келди. Худди уни танлаётганимизни билгандек эди.

Масъумлик билан «Мени уйлариңизга олиб кетсангизчи» деди.

«Бўпти!» дедик.

«Уй дегани қанақа жой ўзи?» дея савол берди. Бу болаларнинг кўплари бу ерга динсизлик сабабли ташлаб кетилган деб ўйладим. Ичимда даҳрийликка қарши қандайдир нафрат кўринди. Инсонийликдан динни олди, аммо ўрнига ҳеч нарса бермади. «Фал-

сафа диннинг ўрнини босади» дедилар. Аммо бўлмади. Дунё инсонлари ҳалокатли аҳволда... Деврим Нургулдан сўради:

«Сен билан дўст бўламизми?»

«Бўламиз!» деди.

«Сени бизникига олиб кетмоқчимиз, кетасанми?»

«Кетаман!»

«Менга опа бўласанми?»

«Албатта, сен менга ука бўласан».

Дунё аҳли Нургулнинг кўзларини кўриши керак эди. Бунчалар бахтли ва севинган кўзларни кўрмаган эдим. «Яшасииин!!!» дея қичқирди. Ўртоқларининг ёнига «Энди менинг оилам бўлади, оилада, уйда яшайман энди» дея бақириб югурарди.

Кейин менинг олдимга келди.

«Сиз менга дада бўласиз, шундайми?» деди.

Эй, Аллоҳим, бу ҳислар мунчалар аччиқ бўлмаса? Ўзимни тортиб турсамда жавоб бердим, унинг қалбини оғрита олмасдим.

«Бўпти! Мен сенинг даданг бўламан!»

Бу гапларни айтаётиб эсимга бир нарса тушди.

Америкада севгилим бор эди. Бирга яшардик. Ҳомиладор бўлди. Мен болани олдиришини айтдим. У эса фарзанд истайман, деди. Жанжаллашиб қолдик. Эшикни қарсиллатиб ёпиб чиқиб кетди. Уни қайтиб кўрмадим...

Бир фильм кўргандим. Бир одам фоҳишахонага боради. Унинг олдига ёш бир қизни чиқарадилар. Қараса, қиз хотинининг ёшлигига жуда ўхшайди. Қиздан қа-

ерлик эканини сўрайди. Қиз онасининг ва отасининг исмини айтади. У ўша одамнинг қизи бўлиб чиқади.

Нургул менга яширин гуноҳимни эслатди. Ўша Америкадаги эски севгилим кўп ичарди ...

Балки туғиб у ҳам черковнинг олдига ташлаб кетгандир. Черковлар ва масжидларнинг олдига ташлаб кетилаётган болалар сони шунчалар кўпайибдики, мутахассисларнинг боши қотаётган эмиш. Нургулни олиб уйга келдик. Ўлган жиянимнинг кроватига ўтиргиздим. Оиламиз аъзоси сифатида рўйхатга қўймоқчи эдим. Онам қиёмат қойим қилди. Анча вақт сиқилиб юрдим. Охири ўтган ҳафта ўзимнинг номимга қайд қилдирдим. Боланинг бирорта ишонган, суянадиган одами бўлиши керакку. Меросим ҳали дунёга келмаган боламга қолар эмиш...

Манави гўдак ҳам севинсин, унинг ҳам ҳаётда ишонадиган кимидир борлигини ҳис этсин. Мени дада деб чақиряпти. Белгинни эса она. Белгин ҳам уни яхши кўриб қолди. Нургулни ўлган қизининг ўрнида кўрмоқда.

\* \* \*

Ойлар ўтиб эски ҳаёт тарзимизга қайта бошладик. Машғулотларимизга ҳам. Инглизчадан сиёсий тушунчалар ҳақида дарс ўтяпмиз. Диний мавзуларни ўрганишни ҳам канда қилганим йўқ.

Элизабет хоним менга узоқ вақтдан бери Аллоҳ ҳақида тушунча бериб келади: «Аллоҳнинг мўъжизаларини идрок этиш учун табиат ва ҳайвонот олами ҳақидаги дастурларни кўр, жониворларнинг оғиз-бурниларига эътибор бер», деганди.

Мен энди Аллоҳга ишонаётганимни айтдим. Хоним «Унда Аллоҳнинг динини топ» деди. Жуда ақлли аёл, ойлар аввал чала қолган мавзумизни унутмаган экан. «Юнус, ўғлим, эсингдами, сенга «Уйғониш даври» ҳақида гапираётган эдим. Телефонинг жириглаб суҳбатимиз чала қолганди. Истасанг, давом эттирамыз».

Аслида мен Асуман ҳақида гаплашишни жуда истардим. Аммо буни билдира олмасдим, албатта. «Хурсанд бўлардим» дедим мажбуран. У эса астойдил гапира бошлади:

«Уйғониш даври — эскиси тугаб, янгидан туғилишни билдирадиган тушунчадир. Балки биларсиз, Уйғониш даврининг юзага келишига Ғарб мамлакатларининг бир-бирини тўхтамасдан йўқ қилишлари сабаб бўлганди. Юз йиллар аввал черков насроний динига ҳаддан ортиқ ўзгартириш киритиб ташлаганди. Шунчаларки, черков бирор янги ижодга, ихтироларга изн бермаётган эди.

Шу даражага келдиларки, руҳонийларнинг баъзилари пул билан одамларни гуноҳдан поклашга ўтдилар. Чўмилмаган диндор яхши намуна дейилди. Руҳонийларга оила қуриш мумкин бўлмагани туфайли баъзи руҳонийлар болаларга жинсий тажовуз қилган ҳолатлари кузатилди. Диний низолар ўртага чиқди. Ўлкалар бир-бирларининг устларига бостириб кела бошлади.

Ниҳоят норозиликлар зўравонликка, у эса исёнга олиб келди. Дин зулмга айланди. Вазият бундай бўлгач, одамлар уйғониш даврини юзага келтирдилар. Динга тошлар отилди.

Уйғониш даври 1789-йилда француз инқилобини тарих сахнасига олиб чиқди. Ўзгаришлар бошланди. Фақат бу ўзгаришлар инсонларнинг ҳам фойда-

сига, ҳам зарарига эди. Дин бегоналаштирилди, дунёвийликка урғу берилди. Диндорларнинг бир қисми учоқларга ва уни ишлаб чиқаришга қарши бўлдилар: «Тангри инсонларнинг учишини истаганида қанотли қилиб яратарди».

Кейинроқ эса насронийлар айтган бу гап мусулмонларга «чиройли» қилиб «тақалди». Яна асрлар давомида «Мусулмонлар учоқ ишлаб чиқаришга қарши бўлган» дея ёзилса керак. Европада ёзилган бу маълумотлар туркчага, арабчага ўгирилади. Ўша маълумотларни, ўша китобларни ўқиган ёшлар «Учоққа, техникага диндорларнинг қарши чиққани»ни гапирадилар ва бунга ислом айбдор, деб ўйлайдилар.

Бу мавзуни нега бошлади?

Ҳозир ислом олами Уйғониш давридан аввалги ҳолатни яшамоқда. Динимизни ботқоқ қилиб кўрсатдилар. Хурофотлар кўплигидан дин кўринмай қоляпти. Авваллари насронийлар бир-бирларини мазҳаб сабабли ажратиб ихтилофга борарди. Энди бу хатони мусулмонлар такрорламоқда. Протестантлик<sup>1</sup> мазҳаби қандай дунёга келганини биласиз-а?

Ғарбдаги бир гуруҳ руҳоний ва черковнинг дин номидан қилаётган ишларига қарши чиқди. Бу қарши чиқиш ҳаракатлари билан ўша гуруҳ бир мактаб яратди. Унинг номини протестант дедилар. Уни кейинроқ мазҳаб деб номладилар.

Маълумотларга кўра, исломда 126 та мазҳаб бор экан. Танлаб, ўрганиб чиқилгач, 4та мазҳаб қолибди. Аслида мазҳаблар ҳозир ҳам кўп. Гуруҳларга эъ-

<sup>1</sup> Таржимондан: Протестантлик (лотинча оммавий исботлаш) учта асосий йўналишдан бири бўлиб, келиб чиқиши черковлар билан боғлиқ. Аллоҳнинг мавжудлиги, руҳнинг ўлмаслиги ҳақидаги умумий насроний ғояларига қўшилади. Инсоннинг Исо алайҳиссалом орқали гуноҳлари кечирилишига ишонишади.

тибор берсангиз, ҳар бири алоҳида мазҳаб қилиб олган. Фақат мавжуд тўрт мазҳабга муҳолиф бўлмаслик учун ўз гуруҳларини мазҳаб демайди. Баъзи дин вакиллари ўз мазҳабларидан келиб чиқиб иш қилади, тарафдорларини ҳам қўллайди. Аммо фалончи мазҳабдамиз, деб айтмайди. Буларни нега сўзлаяпман: сиз ўйлаб, тафаккур қилиб исломдан берухсат кириб келган «чиқит»ларга эмас, Аллоҳ юборган асл динга қарайсиз».

Шу пайт Элизабет хонимнинг дугонаси унинг гапини бўлди. Ҳаёли бироз паришон кўринарди: «Миям чалкашиб кетди, Элизабет, бу қандай тушунтириш бўлди? Буларни Юнусбейга нима учун гапиряпсан?»

Элизабет дугонасига жилмайиб жавоб берди:

«Юнусбей экраннинг, жадвалнинг ҳамма томони ни тўлиқ кўриши керак. Ўтган йили бир уйда бўлган суҳбатда қатнашгандим. Маъруза қилаётган ёшгина аёл маърузада нималарни гапирди, биласизми? Бир қарашда мантиқ бордай: бир келин ҳаммомга кириб ювинади. У ишлатган совунда соч толаси қолади, унга эса қайноғасининг кўзи тушади, шу боис келин дўзахга равона бўлади... Мана шундай аҳмоқона қарашлар билан тўлдирилган китоблар бор. Исломдаги хурофот ва бидъатлар Уйғониш давридан аввалги ҳолни ёдга солади. Ғарбнинг уйғониш даври яхши ислоҳотлар билан бирга динсизликни ҳам олиб келди. Ислом оламига ҳам бир уйғониш даври лозим. Аммо бизнинг уйғонишимиз динни олиб келиши керак. Ҳақиқий дин бу ҳаёт йўли, диний қонунлардир. Тузалиш, ўзгариш, янгидан туғилиш деганидир.

Мана, Юнус, менга тўғри гапни айтди ва мен ўрандим. У ҳам мен айтган тўғри гапларимни ўйлаб кўради, хулоса чиқаради».

Бечора Элизабет хоним, менга исломни тушунтириш учун шунчалар ҳаракат қилиб, куйиб-ёнардики... Албатта, гаплари мантиқли, суҳбати чиройли... Лекин мен унинг Асумандан гап очишини кутаман доим. Охири чидай олмадим:

«Ислом марҳаматни, меҳр-шафқатни ҳам тавсия этади. Илтимос, Асуман ҳақида очик гаплашиб олайлик. Менга турмушга чиқишга кўндилинг. Мен уни бахтли қилишимга ишонаман, менга ёрдам беринг».

Элизабет хоним ҳайрон қолди. Чунки бундай жиддий гапни мендан биринчи марта эшитаётган эди. Мен унинг ҳам изтиробини туйдим. Бу вазиятдан қайғуда эканини тушундим. Дугонаси бизга жим қараб турарди.

«Юнус, ўғлим, қара, илк кундан сени ўғлим дедим. Яхши кўрдим. Раҳматли дадаси ҳам сени яхши кўрарди. Бизнинг куёвимиз бўлишингни жуда истадик, орзу қилдик».

Одоб билан гапини бўлдим.

«Сизнинг орзунгиз етмайдику, буни Асуман ҳам орзу қилиши керак».

«Сенга очиғини айтай ўғлим, Асуман ҳам сенга ошиқ. Сени таниган кунлардан бошлаб эмас, отасининг ўлимидан кейин сени жуда яхши кўриб қолган. Менга ишон, анчадан бери уйга келиб дарсини қиладида ўзини ётоққа уради. Дунёдан узилиб қолди. Кўп йиғлайди. Ҳеч ким билан гаплашмайди. Лекин менинг қизим ҳақиқий муслима, ёниб кул бўлиши мумкину мусулмон бўлмаган эркак билан ҳеч қачон оила қурмайди».

«Лекин мен исломга душман инсонлар сафидан чиқдим».



«Бу кифоя эмас, Юнус! Мусулмон қиз фақат мусулмон эркак билангина турмуш қура олади. Аслида мусулмон эркак ҳам шундай қилгани маъқул. Аммо улар келажагини ўйламасдан номусулмон аёлларга уйланди. Кейин эса ажрашишлар... Бундай оила фарзандларининг 70 фоизи насроний бўлмоқда. Ахир ҳазрати Умар «Динимиз ёйилди, энди насроний қизини олишга эҳтиёж йўқ» деганларку. Мен эркакларга ҳайрон қоляпман. Насроний қизга уйланиб, бола тарбиясини унга ташлаб қўяди. Насроний она қандай қилиб боласига исломни ўргатиши мумкин? Бир мусулмон эркак бу ҳаракати билан мусулмоннинг эмас, насронийларнинг кўпайишига сабабчи бўлиб қолмоқда».

Элизабет хоним қайси мавзудан сўз очмасин илдири исломга бориб тақалмоқда эди. Асуман менга турмушга чиқмаслигини тушуниб етгандим. Энди унга ёлғон гапира олмасдим ҳам. Уни ортиқ алдай олмасдим. Унга буни раво кўролмасдим.

Инсон севганига ҳиёнат қилолмайди.

\* \* \*

Оқшом уйга қайтганимда Нургулнинг «Дадажоним» деб кутиб олиши менга файзли уйим дейдиган бир ҳисни бермоқда. Нургул жуда хурсанд...

\* \* \*

Фабрикада эдим. Олдимга Бону келди. Йиғлайвериб кўзлари шишиб-қизариб кетган эди. Менга ёлво-ра бошлади:

«Юнус, менга ёрдам бер. Ўлиб қоламан. Ўйхан билан оила қурсам, онам мендан воз кечаркан. Мен онамсиз яшолмайман. Лекин Ўйхан сиз ҳам яшолмайман. Энди нима бўлади, Юнус? Ўйхан ҳам тушкунликда... Биласан, у ҳам мени яхши кўради».

Бир жойда ўқиган эдим. «Бир-бирига етишган ошиқларнинг севгиси тугайди».

Бону авваллари йигитлар билан кўнгилхушлик учун гаплашиб юрган қиз эди. Ор-номус деган тушунчалар унга бегона эди. Қандай қилиб севгига йўлиқди, тушуна олмасдим. Ноқулай бўлсада, сўрадим:

«Бону, Ўйхан билан бирга яшаб юрганинг йўқми?»

-«Асло, у бундай ишларга яқинлашмайди. «Мен аёллар билан ҳоли қолмайман, зино қилмайман. Оила қургуниimizча қўлтиқлашиб ё етаклашиб юрмаймиз» дейди. У бу масалада жуда ғалати. Ўқиётган жойида ҳам бирорта қиз дўстинг йўқ, «касал»мисан дейишган экан. Юнус, Ўйхан жуда диндор йигит. Жин урсин, шунча юриб бир диндорни севиб қоламан деб ҳеч ўйламагандим!!!»

«Мусулмон эркак даҳрий қиз билан оила қура олмайди. Қандай турмуш қурмоқчисизлар?» дедим.

Бону йиғлай бошлади: «У менинг даҳрий эканимни билмайди. Мени Аллоҳга ишонади, деб ўйлайди. Оила қурганимиздан кейин рўмол ўрайсанми деди, мен ҳа, дедим. Мен уни шунчалар яхши кўраман, тушуняпсанми?»

«Тушундим, уни чиндан севиб қолибсан. Фақат Аллоҳга ишонмасдан, ҳеч нарсани билмасдан қандай ўранасан?»

«Билмадим, Юнус. Ўзимни диний асарлар ўқишга мажбурлаяпман. Аллоҳга ишонишни истайман ва бу туйғу ичимда пайдо бўлганини сезиб турибман. Яратилганларнинг, жонли маҳлуқотларнинг кўзлари ҳақида ўйладим. Илоннинг кўзи нега бошқа ҳайвонга қўйилмаган? Минглаб хил кўзлар бор. Ҳаммаси бир жуфтдан ва гавданинг бош қисмига жойланган. Буларнинг эволюцияга алоқаси йўқ. Мен исломнинг энг мантиқли дин эканига ишона бошладим. Калимаи шаҳодатни ҳам айтаман. Фақат яхшироқ тушуниш ва ўрганиш учун ўзимга бир диндор дўст ахтараяпман».

«Исломга имон келтириш учун бирор диндор одамга эҳтиёж борми? Мен йўқ деб ўйлайман. Ўзинг ҳам айтиверасан имон калимасини, ҳал бўлади-тамом.»

«Ҳал бўлмайди, Юнус, калимаи шаҳодат айтишнинг махсус қоидаси бўлиб, уни билишинг шарт экан».

«Ўйхан дан сўра».

«Иложи йўқ, менинг мусулмон эмаслигимни билиб қолади. Ундан сўрай олмайман».

Жуда кўнглимдаги иш бўлди. Асуман билан учрашувимизга баҳона топилди. Кеча Баҳорга ёзган хатида «Юнусни жуда соғиндим, нима қилай, Баҳор?» деб ёзган эди. Севиниб кетдим. Телефон қилиб сўрамоқчи бўлдим. Тўхтадим, озгина ўйлаб олай, унга телефон қилганимда доим тортиниб тураман. Лекин ба-рибир жасорат топдим.

«Асумандан сўрайликми, сенга у ўргатсинми?» дедим Бонуга.

«Жуда яхши бўлар эди. Илтимос, сўра, ўргатармикин?»

Дарров телефон қилдим. Ҳолатни тушунтирдим. Телефоннинг овозини ҳам очиб қўйдим. Бону ҳам эшитаётган эди. Севгилимнинг овози бирам ёқимли эшитилардики...

«Аввало, табриклайман. Аллоҳ бозоргача эмас, мазоргача имонли қолишни насиб этсин. Майли, Бону хоним билан бирор жойда кўришайлик. Дафтар-қалам билан келса, яхши бўларди. Маъноларини тушунтириб бераман. Бирпасда ўрганиб олади. Албатта, калимаи шаҳодатнинг маъносини билиш ва уни ҳис этиш жуда муҳим. Инсон кимга ва нимага имон келтиришини билиши шарт. Яна ҳам очикроғи, инсонлар калимаи шаҳодатни айтмоқда, аммо нима деяётганларини билмаяптилар. Бу бўлмайди, чиндан имон келтираётган бўлсак, албатта унинг маъносини билишимиз керак».

Гаплашдик. «Шишли» масжидида кўришадиган бўлдик. Лекин менинг бориш-бормаслигим ҳақида гап бўлмади. Уни жуда соғинган эдим. Ортиқ чидашга кучим етмайди. Нима бўлса ҳам Бону билан бораман. Оловларда ёнгандан кўра қадрсиз бўлган афзал, дедим.

Бир ҳақиқатни тушуниб етдим — ошиқ одам учун кадр аҳамиятсиз бўлиб қоларкан. Бу ҳақда ташвишланмай қўяркан. Айни ҳолат мени қийнаяпти. Бу севгидан қутулиш йўлларини ахтаришим керак. Бўлмаса, ўлиб қоламан. Ишхона ҳам ўлда-жўлда қолди. Дадам Йилдизнинг ўлимидан бери мудом касал, ишнинг қандай кетаётгани билан қизиқадиган аҳволда эмас.

Ошиқлик – ақлнинг бошни тарк этиши, шекилли. Барибир қандайдир ечим бўлиши керак. Шоирнинг «Ҳар шеърнинг тугаши, ниҳояси бор, аммо ишқнинг

худуди йўқдир, Меҳрибон» дейиши мени кўрқитса-да, бирор ечим топишга ҳаракат қиламан.

\* \* \*

Бону билан биринчи марта масжидга кирдик. Мен аввал ҳам киргандим. Аммо бу Бону учун илк ташриф эди. У ҳаяжондан титраётган эди. Учрашув вақтига озгина қолганди. Асуман ҳали келмаган эди.

Ҳаяжондан ўлай дердим. Ўтмишда ошиқ бўлганимда «Энди ҳеч кимни қайтиб севмайман» деб ўзимга сўз бергандим.

Аммо инсон иккинчи, ҳатто учинчи марта севиб қолиши мумкин экан. Шунинг учун мен биринчиларига эмас, сўнггиларга қарайдиган бўлдим. Уфф... Нималарни ўйлаб ўтирибман? Асуман келишига беш дақиқа қолди. Юрагим кўксимни ёргудек гупиллай бошлади, қонимда адреналин миқдори бир неча баробар ошди. Ақлим хотиржамлигим билан бирга мени тарк эта бошлади. Нафас олмаётгандек эдим. Ҳали кўрмай руҳимда тушиб-чиқишлар бўлди. Унинг ёнида мен мен эмасдим.

Бону ҳолатимни тушуниб кулди:

«Иккаламизни ҳам диндорлар оловда ёқяпти, ажойиб-а?» Иккаламиз ҳам аччиқ-аччиқ кулишдик. Кўзларим бир рўмоллига тушди. Узун тўқ қизил рангли, олдида нақши бор пальто кийган, бошидаги рўмоли белига тушиб ҳилпираб турарди. Рўмолидан нафратланиб юрган вақтларим ҳеч эътибор бермаган эканман — ўраниш шунчалар гўзал кўринадими? Кўзларимга ишона олмасдим. Кўриниб турибди, бу либосларини янги тиктирибди. Мен учун тиктирган, деб ўйладим.

Ёнимизга келди. Менга боши билан «салом» ишорасини қилди. Бону билан эса қучоқлашиб, ҳатто ўпишиб кўришдилар.

Асуманнинг юзи илгари ҳам шунчалар табассумли, жилмайиши шу қадар чиройлимиди?

Бонуга «Кўзларинг бунча чиройли» деб самимий илтифот қилди. Кўриб севмасликнинг иложи йўқ эди уни. Кошки доим шундай бўлса. Масжидга кирарканмиз, жияним ҳижолат бўлиб «бошимда рўмолим йўқ» деди. Асуман жилмайиб унга жавоб берди:

«Ҳечқиси йўқ, масжиднинг деворлари сочларингизни кўрса ҳам унга зарар бермайди» деди. Ичкарига кирдик. Менда ҳам бироз хавотир ва кўрқув бор эди. Таҳоратим йўқ, имоним ҳам аросатда...

Ҳаёлим паришон Асумандан сўрадим. «Масжидга ҳамма ўз ҳолида кириши мумкин» деганидан кейин хотиржам бўлдим. Масжиднинг ичида бир чеккага ўтирдилар. Бечора Бону ҳеч бундай ўтирмаган эди. Калта юбка киймай қўйибди. Шим кийиб олган эди.

«Мен ҳам эшитсам майлими?» дедим. «Майли» дедилар. Қизиқаётган эдим. Мен учун калимаи шаҳодат оддий бир калима, аммо уни бу тарзда бир маросим ҳолига келтириш сабабини тушунолмаётган эдим. Шулар ҳақида ўйлаб ўтирганимда Асуман Бонуга «Бизникига кетсакмикин, бемалол ўтира олмаяпсиз, баҳонада онам билан ҳам таништириб қўяман» деди.

Бону Асуманнинг фаросатига лол эди. Хурсанд бўлиб таклифни қабул қилди. Ўрниларидан турдилар. Мен эса уларникига боришга тайёр турибман. Биргаликда Асуманникига кетдик. Мени ҳам тил учида уйига таклиф қилди. Охурга талпинган хўкиз каби ичкарига кирдим. Чунки бундай таклифни рад этиш

мумкин эмасди. Диванга ўтиргач, ўзимдан уялдим. Бу қандай ҳол, ўзимни йўқотиш менга ярашяптими? Телбалик эди бу ...Ўз ҳолимдан уялдим.

Инсон севиб қолишдан ўзини сақлаши керак. Анча пайт жим ўтирдим. Асуман жилмайиб: «Онам уйда йўқ экан, сизларга ўзим қаҳва олиб келаман» деди. «Ўтириб туринглар, кейин исломнинг кириш эшигига борамиз» деди.

Бону раҳмат деди. Деярли барча жиҳозлари оқ бўлган муҳташам уйга разм солаётган эди. Асуман ошхонада қаҳваларни тайёрларкан, мен яна facebook дан дугонасига ёздимикин дея мўраладим.

Қарасам интернет «онлайн» турибди. Баҳорга ёзибди: «Баҳорим, ақлдан озганман, биласан. Ҳақимга дуо қил. Уйга Юнус ва унинг жиянини таклиф қилдим. Агар ёлғиз бўлганда бундай қилмасдим. Юнус энди яна мендан умид қилмаса бўлди. Аҳмоқ қалбим уни кўриб баттар ловуллаш бошлади. Унинг қарашлари мени худди ёнаётган тоғларнинг ичига ташлаган бўлди».

Қаҳва қилаётиб ёзган, менимча. Унинг ҳам мени севиши чиндан менга умид бермоқда. Аммо мен имон келтирмоқчиман. Қалбим тасдиқламаган озгина ҳолатлар бор, уларни ўрганиб албатта бир қарорга келаман. Исломга кираман. Модомики, Аллоҳ бор экан, ҳамма нарсани гўзал яратган Зотнинг гўзал дини ва албатта биз учун чизилган мукамал йўли ҳам бўлиши керак. Қаҳвани ичдик, ҳушимни ҳам қаҳва билан қўшиб ичиб юбордим чамамда.

Асуман: «Истасангиз, гапларимни ёзиб олинг», деди. «Калимаи шаҳодатни айтмасдан мусулмон бўлинмайди. Ҳар бир тизимнинг ўз йўналиши бор. Масалан, олийгоҳга киришда рўйхатдан ўтамиз. Чунки

университет дуч келган одам кириб кетаверадиган жой эмас. Ислом эса тамойиллар тартибидир. Калимаи шаҳодатни тушуниб, уни ҳис қилиб, тафаккур қилиб айтган инсон исломнинг рўйхатига тушди, ҳудудига кирди демақдир. Ислом бир ҳаёт йўли тизимидир. Унга киришдан олдинги тайёргарлик жараёнида албатта Аллоҳни, кейин эса ҳазрати Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи вассаламни таниб олиш керак. Исломнинг оламларга раҳмат бўлиб юборилган пайғамбарига ишониш лозим. Шу тарзда исломга кирилса, бу янада самимий ва истакли шаклда бўлади. Исломга кирган инсон эса Аллоҳни топади. Аслида Аллоҳни билмаганлар жиддий ва чуқур ўйлаб кўрмаганлар, тафаккур қилмаганлардир. Қуръони каримда икки даҳрийдан сўз юритилади. Улар қалбан Аллоҳга ишонади. Бири — Мусо алайҳиссалом давридаги Фиръавн. Фиръавн милоддан аввал Миср ҳукмдорларигагина берилган исмдир. Биздаги президент, давлат раҳбари атамалари каби. Тарихда фиръавнлар кўп бўлган, аммо Мусо алайҳиссалом давридагиси жуда золим даҳрий бўлган экан. Иккинчиси — Мусо алайҳиссаломнинг ўғли Сом. Сомнинг золимлиги бошига етди. Аллоҳга ва Аллоҳнинг огоҳлантиришига ишонмагани учун ҳалок бўлди. Истасангиз, бу мавзуда яна алоҳида гаплашамиз. Қуръонда махфий даҳрийлар ҳақида ҳам сўз юритилади. Масалан, Лут алайҳиссаломнинг аёли. Даҳрийликни илм ва ривожланиш, тараққиёт ҳисоблайдиган баъзи даҳрийлардан ўзларини жуда замонавий деб ўйлашади. Замон ўзгаргани учун ҳам биз даҳрий бўлдик, дейишади.

Даҳрийлик инсон яралган вақтларда ҳам бор эди. У замонавийлик эмас, тафаккур қила олмаслик белгисидир. Чинакам қолоқлик — бу мўъжизаларни пай-



қамаслик, оддий ҳодисалардан фарқлай олмаслик. Қуръонда айтилганидек: «Сиз бир даҳрийликдан воз кечиб исломга кираркансиз қимматли нарсани тарк этдим, деб ўйламанг!»

Бону Асуманни қимирламасдан мароқ билан билан тинглар, бутун диққати унда эди. Эшитганларидан қаттиқ таъсирланаётгани кўриниб турарди.

«Даҳрийликдан воз кечаётганимга асло ачинмайман. Сиз менга калимаи шаҳодатни ўргатинг» деди.

Асуман жилмайиб давом этди: «Калимаи шаҳодатнинг манбаи Қуръони Каримдир. Мусулмонлик илми Қуръонда, унга бориш эса ҳадислардан бошланади. Калимаи шаҳодат бир инқилобдир, қачонки маъноларини тушуниб айтилганда. Унинг шартлари бир нечта.

Биринчиси, чиндан Аллоҳга қайтмоқ истаги, гўзал ният ва қалб тозалиги;

Иккинчиси, Аллоҳни билиш ва диний билимларни ўзлаштирадиган ақл.

Ана ундан кейин калимаи шаҳодат келтирилади».

Бону қизиқиб хавотир билан сўради:

«Калимаи шаҳодатни айтган ҳамма одамлар унинг маъносини биладими?»

«Йўқ, дунёда миллионлаб мусулмонлар калимаи шаҳодат келтирган, аммо аслида нима деганини билмайди. Нега шу аҳволга тушиб қолдик? Шу боисдан ҳам яширин даҳрийлар кўп».

«Ундай даҳрийларни қандай таниш мумкин?»

«Исломга қарши фикрларга ишонган одам динсиздир. Масалан, телевизорда никоҳсиз ҳомиладор бўлиб қолган аёлни айблаш нотўғри, уни тушуниш керак,

замон ўзгарди дейилса ва бунга ишонилса... Замоннинг ўзгариши Аллоҳнинг қонунларини ўзгартиради-ми? Йўқ! Ўзгартирмайди. Исломга кўра фанда, техникада тараққиёт бўлади, ўзгариш, ривожланиш бўлади. Аммо имтиҳон шартларининг олтин каби шакли, ранги ўзгармайди. Ислом ҳаёт тизимидир. Дейлик, телевизорда акробат аёл машқлари кўрсатилмоқда. Аёлнинг устида баданига ёпишган, бутун қомати, шакл-шамойилини билдириб турадиган хунук нарса (кийим деб бўлармикан). Уни фақат ётоқхонада кийиш мумкин. Уни олқишлаётган томошабинлар ичида эса рўмол ўраган мусулмонлар бор. Мусулмон эса ҳаромни олқишламайди.

Яширин даҳрийлар олқишлайдилар, кўпинча ўзлари билмаган ҳолда. Майли, бу мавзуларда узоқ гапириш мумкин. Калимаи шаҳодатга ўтайлик.

Ўқилиши — Ашҳаду анла илаҳа иллаллоҳ ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва росулуҳу.

Маъноси — Гuvoҳлик бераманки ва ишонаманки, Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқдир ва яна ишонаманки, Муҳаммад унинг қули ва элчисидир.

Энди сўзма-сўз кўриб чиқамиз:

Мен гuvoҳлик бераманки (инсон кўрмаганига гuvoҳлик беролмайди, яратилган нарсаларни кўриб, фикр юритган инсон Аллоҳни ҳис этади, унинг борлигини кўра олади, оддийгина гулларнинг шакли ва турларини кўриб ҳам... Қуръонда Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқлигини келтирган оятни кўриши ёки эшитиши керак), Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқдир. Муҳаммад унинг қули ва элчисидир. Яъни Муҳаммадни илоҳийлаштирманглар, дейилмоқда. У қулдир. Насронийлар бу борада ҳаддидан ошди. Исони Аллоҳ дедилар. Сизлар асло

ундайлардан бўлманглар. Аллоҳнинг элчисидир, лекин қулдир дейилмоқда. Буни қаердан биламиз?

Илоҳ нима дегани?

Калимаи шаҳодатнинг энг нозик нуқтаси шу ерда. Мусулмон учун илоҳ фақат Аллоҳдир. Илоҳ – итоат этилиши керак бўлган, бутун борлиқни яратган Зот. Ҳаёт тарзимизни у буюрган тарзда яшамоғимиз лозим. Аллоҳни қўйиб, Лениннинг қарашларига кўра яшаганлар илоҳи, исломга кўра, Лениндир. Аллоҳнинг амрлари қолиб, фиръавн буйруқлари асосида яшаганларнинг илоҳи Фиръавндир».

Бону чуқур ҳайратда ўтирарди. Эшитаётганларидан онги ларзага тушаётганига аминман.

«Ие, бу қандай бўлди энди? Масалан, мен исломга эмас, модага кўра яшамоқдаман. Шунда мен модани илоҳ қилиб олган бўламанми?»

«Афсуски, бу ҳақиқатга яқин...»

«Лекин мен ҳеч қачон ундай нарсани ният қилмадимку?»

«Ният исломнинг савобларидан, амаллардан қидирилади. Ҳаром ишлардан ният қидирилмайди. Фақат савобларда ният қидирилади. Киши ҳаром иш қилмоқда. «Амаллар ниятга кўрадир» ҳадисини ўқимоқда. Ундан бошқасини билмайди. Ҳолбуки, у ҳадис гўзал ишлар қиладиганларни назарда тутмоқда. Киши қилаётган ишларини Аллоҳ учун дея ният қилса, бу вақт унинг қилаётганлари ибодатга айланади. Ниятлар ҳаромларга кўра эмас, ҳалолларга нисбатан дейилган».

Бону илоҳ масаласини эшитиб, кайфияти бузилди. Исломнинг ўзига хос дастури борлиги ва унга киргач, бошқа илоҳлардан воз кечиши кераклигини билма-

ган эди. Бону сигаретини олди. Ва энди тутатмоқчи ҳам эдики Асуман:

«Бизнинг уйда чекилмайди» деди.

Бону «Унда балконга чиқиб чекиб келаман», деди. Асуман ҳижолат чекса-да, қоидаларига тескари бормади.

«Узр сўрайман, лекин балконда пастдаги болаларга хунук ўртак бўладиган манзара бўлишини истамасдим. Мени кечиринг, мени тўғри тушунасиз, деган умиддаман», деди жилмайиб.

Бону кинояли кулди: «Лекин мен меҳмонманку?!»

Бу сафар Асуман ҳам кулди: «Майлику-я, лекин меҳмоннинг ҳам болаларга ёмон ўртак бўлишга ҳақиқ, узр», деди.

«Хўп, сиз бизникига меҳмон бўлиб келсангиз, балконга рўмолда чиқманг, десам сизга ёқадими?»

«Эътиқод билан заҳарни битта тўрвага солиш жуда нотўғри нарса! Оламшумул универсал тушунчалар, ҳақиқатлар бўлгани сингари оламшумул хатолар ҳам бор. Масалан, спиртли ичимликлар, сигарет, қимор, баданга ўйиб ёзиш, расм чиздириш ва ҳоказо... Инсон сифатида биз буларга қарши чиқишимиз керак».

Асуманга қойил қоламан! Эътиқодини қанчалар аниқ, қанчалар тўғри ва қатъий тушунтирмоқда. Фақат битта хатоси бор. Тингловчисига ҳамма нарсани тушунтираётгани...

«Энди саволларингиз бўлса, беринг. Кейин қўлингизга Қуръон таржимасини олинг. Юзта оят нотўғри талқин қилинган бўлсада, олти минг тўрт юзтасининг маъноси тўғридир. Исломни билган ҳолда тасдиқлаган маъқул. Шу вақтда калимаи шаҳодатни айтиш ло-

зим. Ҳозир эътиқодингиз қайси оламда? Агар мумкин бўлса, менга гапириб берсангиз».

Бону кутилмаганда Асуманга қалбини очди:

«Сиз билан очик гаплашаман. Аввалига Ўйхан учун ишончлироқ рол ўйнамоқчи эдим. Кейин ўйлаб қолдим — Аллоҳ ростдан бўлсачи? Мен ислом ҳақида унинг душманларидан эшитганман. Аслини биладиган одамлардан ҳам сўрай дедим, эштай дедим. Қуръонни ўқиб кўрай дедим. Бир Қуръон тафсирини ўқидим. Ҳаммасини тушуна олмадим. Аммо Фотиҳа сурасидаги аниқ бир ўлчовни, инсонлар инсонларни илоҳийлаштирмаслиги кераклигини, Аллоҳдан бошқасидан ёрдам сўрамаслик, тиланмаслик ва ёлвормаслигини, Аллоҳ бутун Коинотнинг, чегарасиз оламларнинг Илоҳи, Парвардигори эканини ўргандим».

Асуман ҳайрон қолди:

«Сиз мен ўйлагандан кўра билимли экансиз. Ҳеч билдирмаётган эдингиз. Айбга буюрманг, мен сизни мутлақо билмайсиз, деб ўйлабман».

Бону кулди.

«Бир неча ойлардан бери яширинча диний китоблар ўқияпман. Ичимда имон келтирганман. Лекин шаҳодат калимасини озгина аниқлаштира олмадим. Энди навбат исломни қабул қилишга келди».

Бону мени ҳам ҳайрон қолдирди, очиғи. Бу туйғуларини қандай сақлаб юрди экан? Мен бунчалик беркита олмаган бўлардим. Узоқ суҳбатлашдик. Бону шаҳодат калимасининг маъноларини ўрганиб чиқиши ва имон келтиришини айтди. Ўрнимиздан турдик. Кетишга ҳозирландик. Эшикдан чиқаётиб Бону Асуманга ўгирилди:

«Мен сизнинг олдингизда калимаи шаҳодатни айтмоқчиман. Сиз гувоҳсиз. Агар ўлсам, мени мусулмон эди, денглар. Жаноза ўқишсин.

Ашҳаду анла илаҳа иллаллоҳ ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва росулуҳу » деди.

Қотиб қолдик. Асуманнинг қаҳваранг кўзлари порлаб кетди. Ажойиб инсон. Кўйида юрганимдан бери ҳатто қўлини ушлатмаган биринчи қиз. Қизлар бир ҳафта ўтмай алданиб қоладилар. Асуманда эса ҳатто бундай эҳтимол йўқ. Мени севиб адо бўлаётган эсада, айтмайди, билдирмайди.

Бону ҳам жимгина юрган экан, ичидан бутун бошли хазина чиқди. Машинамда кетарканмиз, Бону йўл бўйи Асуман ҳақида, уни яхши кўриб қолгани ҳақида гапирди.

«Бундай қизларни биз «мутаассиб қолоқлар» деймиз. Аслида ўзимиз шундай эканмиз. Қизнинг ақллилигини қара. Имом Ҳатиб лицейидан чиққан экан. Мен уларнинг бундай билимли эканини билмасдим. Улар ҳақида нималар деб ташламагандим. Агар имконим бўлганида бутун Имом Ҳатиб толибларидан битталаб узр сўраб чиқардим».

Мендан ҳам кўпроқ лол қолди Асуманга. Бироз қизғанчиқлигим тутди. Инсон севганини ўзидан ҳам қизғанар эмиш. Ўша аҳмоқ менман. Асуманни ҳаммадан қизғанаман. Бу мени ҳам қувонтиради, ҳам қизни кўриш эҳтимоли мени телбалантиради.

Ақлдан оздим шекилли. Бонуни ташлаб қўйишим билан Асуманнинг ёзишмаларини кўришга шошилдим.

«Биласанми, Баҳор, бугун мени яна ёндириб кетди. Сенга озарбайжонча «Ноз эт» ашуласини айтгим келяпти. Худди мен учун ёзилганга ўхшайди:

Кўзларим йўлдадир, қулоғим сасда,  
Унутмасман ҳатто сўнгги нафасда.  
Эй, жайронкўзлигим, эй, бўйи баста,  
Эй тоза гулим ёдимга тушдинг».

«Асуман, чиндан ҳушинг ўзингда эмас».

«Ҳа, шундай, бугун шу қўшиқни эшитдим. Юнус ёдимга тушди. «Биласанми ёд дегани нима дегани?»

«Йўқ, билмайман».

«Нега унда маъносини сўрамайсан?»

«Билмайман, қўшиқнинг сўзлари шунчалар сеҳрлики, худди руҳингни эркалаётгандек. Нозли севгилим ёдимга тушди... аслида буларни айтишим, қўшиққа бунчалар эътибор беришим тўғрими? Билмайман... уфф, бу ёш йигит ақл-ҳушимни олиб кетди».

«Ёш йигитми?»

«Сенингча, қарими?»

«Билмадим».

«Орангизда неча ёш фарқ?»

«Етти ёшлар бўлса керак...»

«Ҳа-а, эсладим. Юнус севиб қолганингни биладими?»

«Билса керак. Кўзларим унга сарлавҳа ташлаётгандир...»

«Турмуш қуролмасангиз-чи?»

«Аллоҳ асрасин! Менимча, яқин кунларда имон келтирдим, ислом мукаммал ягона диндир, деб калима келтирса керак».

Буларни ўқиб чиқиб ўйланиб қолдим. У менга шунчалар ишоняпти. Тўғри айтмоқда, мен бу кетишда диндор бўламан. Кечки пайтда уйдагиларга айтмоқчиман. Ҳаммасини очиқ гаплашиб олиш керак. Бироздан кейин дастурхонга чақирадилар. Аввал кичик фаришталаримнинг олдига бораман, уларни олиб овқатланишга тушаман. Кейин эса...

\* \* \*

АКП<sup>1</sup>нинг иккинчи марта кўп овоз олиши...

Оқшом. Овқатланяпмиз. Телевизорда АКПнинг иккинчи марта ғолиб бўлгани хабари берилди. Онам асабийлашди, бир нарсалар деб ёзғирди-да, ерга йиқилди. Мен дарҳол болаларни хонасига олиб кирдим. Улар билан озроқ ўйнаб залга қайтиб чиқдим. Дадамнинг касали тузалиб кетмаган. Ҳаммамиз залда ўтирибмиз. Онам ҳамон ўша аҳволда. Йиғлаб-сиқтаб сўради: «Ўлиб қоламан ҳозир, бу партия қандай қилиб иккинчи марта ютиб чиқди?»

Уларга гапим борлигини айтдим. Барча диққатини менга қаратди. Ҳаммалари бир бирларига қараб олдилар. Хавотир билан юзимга қараб туришибди. Ичимда «Сизларга шундай хабар бераманки, унинг олдида АКП ип эшолмай қолади» деб ўйладим. Қаҳвамни ичиб бўлиб гап бошладим:

«Меҳрибонларим, мен ҳозир сизларга айтадиган гап яхши хабар эмас, лекин мени тушунишингизга умид қиламан. Ҳарҳолда фикр билдиришга ҳақим бор. Кўнгил гапга кирмайди...»

1 Таржимондан (АКП – Адолат партияси 2001-йилда Туркия Президенти Р.Т. Эрдўгон томонидан ташкил этилган сиёсий партиядир)



Онам тулкидек айёр хотин, дарҳол тушунди:

«Асло оиламизга, одатларимиз ва қоидаларимизга қарши гап гапирма, ёмон бўлади!» дея таҳдид қилди.

Демократларда ҳурлик ва эркинлик энг муҳим тушунчалар ҳисобланади, шундай эмасми? Кўзимга ҳеч нарса кўринмаяпти. Онам кўнгил, қалб деган нарсаларни тушунмайди. Дадам Асуманни диндор деб хушламаса-да, «ўғлим севгани учун ҳаракат қиляпти», деб мени тушунади. Аммо онамнинг ваҳималари дадамга ҳам таъсир қилмай қолмаган.

Ҳаяжон билан гап бошладим:

«Қадрдонларим, мен исломни қабул қилмоқчиман!»

Ҳамма бир-бирига қаради. Онам кафтлари билан юзини беркитди.

Давом этдим: «Мен Асуманга уйланмоқчиман!»

Уйда қиёмат бошланди. Онам ҳаммани номма-номланъатлаб, бақира бошлади: «Лаънатлар бўлсин! Билардим ўша боши боғланган, ўранган сенга тузоқ қўйганини. Асло изн бермайман! У билан оила қурадиган бўлсанг, ҳозироқ фабрикани сендан олиб қўяман. Биздан заррача ёрдам ололмайсан. Заррача қувватлов кўрмайсан. Бу уйдан йўқолиб чиқиб кетасан. Сендек ўғлим йўқ менинг! Юнус балиғини (дельфин) севганим учун ўшандек юмшоқ феълли бўлгин деб исмингни Юнус қўйгандим. Аммо сен исёнкор чиқдинг. Сен оиламиз обрўсини ер билан битта қилдинг. Бу уйда энди яшамайсан. Менга спирт келтиринглар, ҳушимдан кетяпман...»

Ҳар доимгидек диваннинг устига йиқилгандек ўзини ташлади.

Орада яна аюҳаннос тортди. Кейин ўрнидан туриб устимга ташланди. Уриб, дўппослай бошлади. Чангютгичнинг дастасини олиб келиб дадам кўлидан тортиб олиб кўйгунча урди. Қаршилиқ кўрсатмадим. Шу тариқа аламдан чиқса, майли, дедим. Онанинг кўлидан етган зарбалар инсоннинг жонини оғритмайди. Дадам ҳам онамнинг гапларини таъкидлади ва менга эшикни кўрсатди.

«Бўл, нарсаларингни йиғиштир ва уйдан чиқиб кет» деди.

Жиддий қабул қилмаётган эдим. Аммо жиддий эдилар. Кўлимдаги пули бор карталаримни ҳам олиб кўйдилар. Шиддатлари жаҳаннамдан келаётгандек эдилар. Айтмаган ҳақоратлари қолмади.

Онам тинмай шу гапларни такрорларди:

«Сен оиламиз душманисан. Топганинг бирорта ойдин қиз бўлса ҳам майли эди. Бизга хиёнатингни кечирган бўлардим. Бор, йўқол! Душманимга сенга уйланаман, деб айт. Сени бошқа қабул қилмайман, ҳозирок кўзимдан йўқол, даф бўл уйимдан!»

Ҳолат жиддий эди. Аммо мен ҳам қароримдан қайтмадим. Чунки унга осонлик билан келмадим. Севгим учун курашишим керак эди. Жомадонимни тайёрладим. Митти фаришталарим йиғлай бошладилар.

«Дадажон, кетманг, тоғажон, кетманг. Илтимос, бизни ташлаб кетманг».

Кетишдан бошқа чорам йўқ эди. Кетдим. Қаерга бораман? Дўстимни кига. Машинамнинг калитини ҳам олиб кўйдилар. Одам ўз отасига ҳам ишонмаслиги керак эканда. Ўз машинам, ўз пулим бўлиши керак экан. Бир вақтнинг ўзида ишимни ҳам, машинамни ҳам олиб кўйдилар. Ҳайратда қолгандим. Майли де-

дим. Асуманим қийматлироқ дедим. Фақат Асумангина эмас, сиғинадиганим Аллоҳ бор эди. Қароримда қатъий эдим. Охиригача қароримда тураман, дедим.

Хўп, тура оламанми?

Ҳа! Қолаверса, Асуман бор. Бундан буён усиз яшай олмайман. Икки соатдан сўнг ўзимни кўчада кўрдим. Такси чақирдим. Таксида кетаётиб Элизабет хонимга телефон қилдим.

«Салом, Элизабет хоним, э, узр, устоз!»

«Салом, Юнус! Нима бўлди, овозинг титраяпти?»

«Биласизми, нималар бўлди?»

«Йўқ, Юнус, айт».

«Мен уйдагиларга Асуман билан турмуш қурмоқчи эканимни, исломга кираётганимни ҳам айтдим. «Асло! Ҳеч қачон бўлмайди» дедилар. Мен ҳам агар Асуман билан турмуш қуролмасам, ишингизни ҳам, машинангизни ҳам олинг дедим. Калитларни отдим. Эшикни ёпдим, уйдан чиқиб кетдим. Ҳозир кўчадаман».

Бечора аёлнинг раҳми келди. Жим қолди. Лекин ўзини қўлга олиб, уйига таклиф қилди:

«Хафа бўлдим. Истасанг бизникига кел» деди.

Асуманнинг овозини эшитдим.

«Ойи, нималар деяпсиз? Унда никоҳимизни ҳам ўқиб қўяқолинг. Уйланмаган йигит бўйи етган қизи бор уйга таклиф қилинадими?»

Мен уларникига бормасдим. Бу гаплардан кейин эса асло.

«Ташаккур сизга, дўстимникига кетяпман».

Бечора Элизабет хоним нима дейишини билолмай қолди.

«Ё, Аллоҳ! Асумандан воз кечдим десангчи ота-онангга?»

Бу она-бола ҳалиям севгим кучини тўлиқ тушуна олганлари йўқ эди.

«Ҳеч қачон! Бирор жойда ишчи бўлиб ишлайман, керак бўлса ҳаммоллик қиламан. Лекин Асумандан воз кечмайман!»

Элизабет хоним буни эшитиб мени огоҳлантирди:

«Асло катта гапирма, ўғлим. Инсон катта гапирди-ми - бажаролмайди. Сен ишчи бўлиб ишлолмайсан. Оталаримизнинг гўзал дуоси бор «Аллоҳ ҳеч кимни эга бўлганларидан маҳрум этмасин» деган. Инсон ўрганиб қолган тўкин ҳаётидан бошқа чорасиз вазиятга тушса, қуруқликка чиқиб қолган балиққа ўхшайди. Кейин Асуман билан судралиб севгининг роҳатини, тотини ҳам сезолмайсан».

Яна тушунтиришда давом этдим.

«Ундай бўлмайди, мен Асумансиз қирол бўлиш ўрнига Асуман билан чўпон бўлишни афзал кўраман».

«Унда майли...»

Асуманнинг онасига Асуманга қолдирайлик денг» деб пичирлаётгани эшитилди.

Ох, Асуман, сени қанчалар севишимни билсанг эди. Ҳақиқий севгини, агар хиёнат аралашмаса, ҳақиқий инсонлар англайдилар. Асуман бебаҳо инсон.

«Сен шахсиятли қизни эътиқодидан қайтаролмайсан» деган дўстимнинг уйида уйғонганимда Асумандек шеър ёзадиган бўлган эдим. Ичимда бир азоб бор эди. Туйғуларимни Асумандек қоғозга тўқдим:

Бир куни уйғондимки

Қалбимга ишқинг тушмиш.

Соғиндим қалбим тилим

Хоҳ ишон, хоҳ ишонма

Билолмайманку аммо

Сенсизлик менга - ўлимдир ўлим !

Бу мисраларимни ёзгач, телефонга қарадим. Уйдагиларнинг барчасидан СМС келганди. Кичик фаришталарим йиғлаб «Қайтинг» деб ёзишибди. Онам «Уйга бошқа келма», дадам эса «Ақлингни йиғ, ўғлим, ҳеч ким молингдан, жонингдан, ишингдан, оилангдан кечиб кетишингга арзимайди. Онангни биласан, содиқ даҳрий, қароридан қайтмайди» деб ёзибди. Ҳаммадан ҳам Белгиннинг ёзганларига ҳайрон қолдим «Илтимос мен ҳам, болалар ҳам сенсиз яшолмаймиз. Биргина Асуманга бизларни алишма».

Белгиннинг қандай турмуш қургани эсимга тушди. Ота-онам унга: «Бўлмайди! Бир-бирларингга тўғри келмайсизлар. Сен бадавлат оиланинг, ширкат бошлиғининг қизисан, у бўлса бор-йўғи шофёр» деганди. Белгин ўз жонига қасд қилишга такрор-такрор урингани учун касалхонага ётқизилган эди.

Хабарларнинг охиргиси ажойиб эди, мени шошириб қўйди: «Эшитдим, мен учун оилангизни тарк этиб чиқиб кетибсиз. Машаққатли йўлга кирайсиз. Имон келтирганингиздан сўнг сизга турмушга чиқаман ва

бу йўлда сизни ёлғиз қолдирмайман. Аллоҳ изн берса, доим ёнингизда сизга дастак бўламан».

Кўзларимга ишона олмадим. Қайта-қайта ўзиям қирқ марта ўқиган бўлсам керак. Чиндан Асумандан келганмиди, дея қарадим. Ҳа, Асумандан келган эди. Бўлмайдиганларни бўлдирадиган бир хабар эдики, нима дейишимни билолмайдиган ҳолатда эдим.

Шунчалар севиндимки, таърифлай олмайман. Дарҳол Асуманга телефон қилдим: «Сенга қандай миннатдорчилик билдиришни билмайман. Сенинг бу қарорли ва мени дастаклайдиган ҳаракатларингни ҳеч қачон унутмайман»

«Инсон унга қиймат берадиган инсонни кўра олади ва унга фарқли шаклда эътибор беради. Буни тушуниб етдим. Қандай қувонганимни тахмин этолмайсиз. Саломат бўлинг, раҳмат сизга. Лекин сизга айтадиган яна бошқа гапим ҳам бор эди».

Хавотир олдим. Нима экан у?

«Сиз уйингиздагиларга фақат мен ҳақимда эмас, исломга киришингиз ҳақида ҳам гапирибсиз. Агар бу гаплар бўлмаганида мени танлаганингиз учунгина сиз билан турмуш қурмасдим».

«Асуман, саломат бўлгин!»

«Сиз ҳам!» деди. Мен бу қиз учун жонимни беришга тайёр эдим. Чала қолган саволларимнинг жавобини топишим билан имон келтираман ва исломни қабул қиламан. Кейин дарҳол Асуман билан унаштириш маросимини ўтказамиз.

Дарҳол иш қидиришга тушдим. Кўп жойларда телефон рақамимни қолдирдим. Чақиришларини кутяпман. Муҳандисман, текстил ишларини ҳам тушунаман.

Орадан икки ҳафта ўтди. Жимжитлик, ҳеч қаердан хабар йўқ.

Кичкиналарим менсиз роса йиғлаётган эмиш. Кетишим билан соғина бошлашибди. Уларни мен ҳам соғиндим. Иккисини ҳам барабар соғиндим. Фақат улардан айрилишга мажбур қолдим. Онам ишда бўлган пайти уйга икки марта бориб келдим. Уларни кўрдим, эркалатдим, ўпдим, ўйнатдим. «Яна келаман» дедим. Онам йўқлигида бориб тураман, уларни соғинтирмайман.

Дўстимнинг уйида яшаётганимга бир ой бўлди. Зерика бошладим. Ёнимда бир қуруш ҳам қолмади. Иш ҳам топа олмаяпман. Сиқилганимдан табиат ва ҳайвонот олами каналини кўриб ўтирибман. Бойқушларнинг оиласини кўрсатяпти. Ҳайвонларда тумшук, панжа ва қанот бор. Уларнинг бола тагини алиштириш, овқат пишириш, кир ювиш, ширкат қуришга эҳтиёжлари йўқ. Отаси уларга ўлжалар - емаклар олиб келмоқда. Агар онаси тухум босиб ётган бўлса, аввал уни тўйдирмоқда. Кейин тухумлар очиб чиққач, полапонлар қорнини ҳам тўйдирмоқда. Ота бойқуш яна сичқон овига кетди. Бу орада бир бургут келди. Бойқушнинг тухумлари ёки полапонларига кўз олайтирмоқда. Она бойқуш ўрнидан туриб панжалари билан ҳавода унга зарба берди. Бургут нима қилишни билмай қолди...

Уларни кўриб ўтириб, Аллоҳ яратган маҳлуқотлар ҳақида ўйладим. Табиат қанчалар ғаройиб асар...

Аллоҳни инкор қилиш учун Унинг ўрнига табиатни кўйдилар. Экранда пингвинлар оиласи, галаларини кўрсатмоқда. Биз ёввойи атайдиган ҳайвонлар олами мўъжизаларга бой. Баъзан инсонлар олами улардан ваҳшийроқдир. Улкан ўрмонларда йиртқич ҳайвонлар мингта жонлини парчалар балки. Аммо одам ядровий қуроллар ва бомбалар билан юз мингларча инсонларни бир сонияда парчалаб ташламоқда. Қутбларда яшаётган пингвинларни томоша қилиб ўтирибман. Авваллари табиат асари деб қарайдиганларимга энди Аллоҳнинг маҳлуқотлари дея қарай бошладим. Аллоҳнинг борлигини янада теран ҳис қила бошладим. Барча пингвинларнинг овози бир-бириникидан фарқ қилади. Жуфтлар, оналар, болалар бир-бирларини фақат овозларидан танир экан. Аллоҳ бу фарқлиликларни жисмига, кўринишига бермаган бўлса ҳам овозларига берган экан... Алоҳида эътибор билан тингладим, чиндан бирининг овози бошқасиникига ўхшамайди. Худди инсоннинг бармоқ излари сингари.

Пингвинлар одатда шимолий қутбда яшайдилар. Асосан битта жуфт билан ўтади. Лапанглаб юришлари ёқимли, киши яхши кўриб қоласан.

Эркак пингвин аёл пингвинга тош совға қилиш билан жуфтлик таклифини беради. Урғочи пингвин тухумини тагига босиб қўриқлайди. Ҳамма ҳайвон боласини қандай боқишни, парваришлашни билади. Аллоҳ ҳамма жонлиларга, маҳлуқотларга ўргатибди нима қилишларини, қандай яшашларини... Бир-бирларини қандай танишларини... Нимани еб кун кўришларини...

Худди ҳамма маҳлуқот ҳаёт университетиде ўқиб-ўргангандек. Ҳамма нарса миллиметригача ҳисобланган. Аллоҳнинг асарлари экани равшан. Турли тиллар, тумшуклар, бурунлар, шакл ва шамоийиллар...



Филнинг бурни билан қушнинг бурнини солиштирган одам ажойиб дизайнга гувоҳ бўлади.

Ҳаёлим пулсиз қолганим ва иш топишда. Ақлим эса Асуманда ва қай бири Аллоҳнинг дини саволида...

Бир ҳақиқатни эътироф этай — Асуман ҳаётимнинг ҳамма томонини тўлдираётган эди.

Аммо ишсиз қолганимдан кейин ҳолат бироз ўзгарди. Мени кўрқув босаётган эди. Расман фақирга, йўқсилга айландим. Бунга ишониш қийин эди...

Худди бошимни кўтаришга мажолсиз қолгандай эдим. Аммо Асуманнинг ёнингиздаман, деган гаплари куч бермоқда. Асуман билан турмуш қурсам, мол-дунёга қизиқмайман. Лекин Асуман ўқияпти. Никоҳдан кейин ҳам ўқишни давом эттиради. Унда уй ижарасини тўлашим, Асуманнинг харажатларини таъминлашим керак бўлади. Эй, Аллоҳим. Пулим борлигида эркакнинг маъсулияти бунчалар қийин эканини ўйлаб ҳам кўрмагандим. Елкаларимга худди тоғ юклангандек бўляпман.

\* \* \*

Онам ҳалиям руҳий бузилишларни бошдан кечирмоқда. Университетда Асуманни кўрди дегунча унинг дилини хира қиляпти экан. Асуман эса: «Бирорта муаммонгиз бўлса, менга эмас, ўғлингизга гапиринг. Мени у тинч қўймапти. Нима қилай? Кўнгил гапга кирмас экан. Агар кучингиз етса, ўғлингизни йўлга солинг», дебди.

Арслон юраклим, жасурим менинг!

Мен болаларимнинг онаси шундай бўлишидан бахтиёрман.

\* \* \*

Мутлақо пулсиз қолдим. Улфатларимга «Қарз бериб тур» дея олмайман. Муносабатларимиз мустаҳкам эмас. Бу масалада мусулмонларга ҳавас қиламан. Ёрдамга муҳтож бўлса, бир-бирига суянади. Бойвачча демократларда эса бундай эмас. Тўғри, иккита квартирам бор. Лекин, назаримда, профессор хоним мени улардан ҳам маҳрум қилади. Жим кетганидан шуни тахмин қилишим мумкин. Эртага Элизабет хонимникида дарсимиз бор. Уларнинг уйига бораман. Жуда ҳаяжонланяпман. Нима бўлса ҳам, уни эртага кўраман.

\* \* \*

Орадан бир ҳафта ўтди. Эрталаб телефон бўлди. Антиқа сўзлашув: «Иш қидираётган экансиз, ательемизда иш юритувчи бўласизми?» Беш қуруш пули қолмаган менда жон қолдими? Тикиш ишларини тушунаман, иш юрита оламан. Дарҳол таклифни қабул қилиб, ишни бошлаб юбордим. Шу пайтгача раҳбар бўлиб ишлаганман. Биринчи марта ишчи бўлдим. Иш юритувчи ҳам барибир ишчи ҳисобланади. Раҳбар келди. Ҳамманинг қўли кўксида. Пулнинг ҳокимияти туфайли. Раҳбарнинг ажралиб туриши шу тарафдан эмасми? Раҳбар фақат яхши инсон бўлсагина, ҳурмат кўрсатилиши керак. Менимча, унга пулдор ва бадавлатлиги учун иззат-икром кўрсатмоқдалар.

Аммо мусулмонларда раҳбар, ишчи, хизматкор деган табақаланиш қораланар экан. Менга шу томони жуда ёқиб кетди. Тинмай, тўхтамай ишляпман. Шанба кунга ўн мингта тунги кийимлар тўплами топширилиши керак. Шим ва яна бошқа қўшимчалар ҳам бор. Раҳбарнинг олдига кирдим.

«Жаноб, бунча маҳсулотни бир кунда тикиб топширишнинг иложи йўқ. Бу миқдорни озайтирсак, сал ақлга сиғадиган шаклда қилсак, яхши бўларди» дедим. Қўлида сигарети билан гапирди. Одатда, текстил раҳбарлари камтарроқ бўладилар. Бу одам кеча бой бўлиб қолганлардан шекилли... Менга қараб жиддийлик билан деди:

«Бугунгача бу рақамлар индамай бажарилаётган эди. Эндиям бўлади, нима учун бўлмасин?» деди. Ҳайрон бўлдим. Демак мен билмаган нимадир бор дедим. Ичкарига кирдим. Хавотир билан бош устандан сўрадим.

«Сизлар бунча маҳсулотни бир кунда қандай қилиб чиқариб беряпсиз?»

«Нафас олмасдан ишляпмиз. Болали аёллар бор. Кечаси соат 22 дан кейин кетишади уйларига. Хитойлик ишчиларга ўхшаб ишляпмиз. Фақат фарқимиз Хитойдагилар биздан озроқ маош олади, иккинчи фарқ эса биз Туркиядамиз. Бундан ҳам очик гапириладиган бўлса, ҳаётимиз шу ишхонага аталган экан. Шахсан менинг ишчи аёлларга раҳмим келди. Уйига боргач, овқат пиширади, йиғади, ювади, эрталаб нушта тайёрлайди».

Ишчиларнинг оилавий ҳаётини ҳеч ўйлаб кўрмаган эканман. Бизда ишчилар ҳақини ейиш кўп учрайди. Бу қийинчиликларни ёшликдан кўриб борадилар.

Ўзлари раҳбар бўлиши билан ҳаммасини унутади. Ҳеч эсимдан чиқмайди. Тақсимда «Ишчилар куни»да пи-чокланиб, бир ой касалхонада ётган дўстимга теле-фон қилдим. Жуда тушкун эди. «Нима бўлди» дедим.

«Нима бўларди, бу ишчилар қавми асабингни бу-зади-да...»

Яъни фақирлигида ишчилар ҳақи, бойлигида иш берувчининг ҳақи кун тартибига чиқмоқда.

Бошлиқнинг олдига яна кирдим. «Жаноб, ишчилар кечгача ишлаётган экан. Кўпчилиги кеч борганидан болаларини ҳам кўролмаётган экан. Биз одамларнинг ҳолатига қараб ҳаракат қилсак, қандай бўларкин?»

Инсонийлик бу даврга келиб кимлар учундир кул-гуга айланганини билмасдим. Рўпарамдаги одам нақ чўчкага айланди. Мен унга инсонийликдан гапирар-кан, у бақира бошлади:

«Сенга нима, а, сенга нима?! Кеча келиб ишчилар-ни ҳимоя қиладиган қўмондон бўлиб қолдингми? Сен менга ёқмаяпсан, ашқол-дашқолингни йиққинда бо-риб ўзингга бошқа иш қидир! Аризангни ёз, жўна бу ердан» деди.

«Мен ариза ёзмайман, чунки мени сиз ҳайдадин-гиз, шарафим учун сиз билан ҳали ҳисоб-китоб қи-ламиз» дедим ва сумкамни олдим. Ательега кирдим. Ишчиларга юзландим: «Дўстлар, бир дақиқа мени эшитсангиз. Сизларнинг ҳақингизни талаб қилганим ва ҳимоя қилганим учун бошлиқ мени ишдан ҳайда-ди. Ҳалиям жуда кам маошга ишлаётганларингиз бор. Мен ҳам текстил раҳбари эдим. Оз даромад қилсам ҳам ишчиларга етарли маош бераётган эдим. Бир хил бошлиқлар виждонини йиғиштириб қўйиб, ҳақингиз-

ни ейди. Ўн уч соат ишламанглар, дўстлар, ҳақингизни талаб қилинг!»

Бир ишчи жавоб берди:

«Унда бизни ишдан ҳайдаб юборади. Ташқарида иш ахтараётганлар кўп. Бошлиқ бизга ялиниб ўтирмайди».

Шу вақт гапларимни эшитган бошлиқ устимга бостириб келди:

«Йўқол бу ердан, эшак! Бошимга бало бўлдинг-ку!» дея жағимга туширди. Мен ҳам унга зарба туширдим. Одамлари келиб ёқамга, елкамга ёпишдилар ва мени ташқарига олиб чиқиб ташладилар.

Бир ҳафта ишлаган ҳақимни ҳам бермади. Аммо виждонсизлик чегара билмас экан. У ердан чиққаннимда ёнимда ҳатто таксига пулим йўқ эди. Дўстимнинг уйига пиёда келдим. Ҳолсиз ва мадорсиз эдим. Пулнинг кучи мени енгаётган эди. Бундай ҳолатларга давлат бир ечим топиши, чора кўриши керак. Ишчилар иш соатидан ташқари ҳам ишлаётган бўлса, кўшимча ҳақ тўлашлари керак. Акс ҳолда бу разолатдан бошқа нарса эмас эди.

Уйда катмонимдан пул топиб олдим. Чўнтагимга солиб кўчага чиқдим. Қарасам, элик лира экан. Бу таксига етмайди, автобустга ўтирдим.

Оҳ, Асуман! Оҳ! Ҳаммасини сени деб қиляпман, сен учун ўлимга ҳам тайёрман. Сенга лойиқ бўлиш учун мужодала қиляпман. Буни биласанми?

Туркияда биринчи марта автобустга чиқдим. Шунанқанги тиқилинч эдики, ҳушимдан кетай дедим. Кеча пулни назарга илмасдим. Бугун эса қай ҳолатга тушиб қолдим. Кичкиналаримни кўришга бормоқ-

чиман, аммо пулим йўқ. Пул сўрайдиган одамим ҳам йўқ. Шу вақт бирдан амаким эсимга тушди. Бир авлодининг ҳамма аъзоси виждонсиз бўлиши мумкин эмас, дедим. Албатта ичидан бирорта дўст чиқади дедим. Амакимга телефон қилиб, қийналиб вазиятни тушунтирдим: «Амаки, буни айтиш осон эмас, аммо мажбурман, менга қарз бериб турасизми?»

«Қанча юз минг керак?» сўради.

«Ўн минг етади» дедим.

«Ҳозир ташлайман, картангнинг рақамларини юбор» деди.

Шу заҳоти амакимнинг аёли дадамга қарз сўраганимни етказибди. Дадам онамга айтибди. Ҳаммаси чиппакка чиқди.

Дадам амакимга «Агар унга пул берсанг, сендек укадан воз кечаман» дебди.

Сўз тутмоқ, гапида турмоқ осон эканми? Амаким мендан узр сўради ва пул беролмаслигини айтди. Инсонлар дунёни шундай ҳолга солгандилар. Мени ваҳима босди. Инсонларнинг инсонсизликлари мени кўрқита бошлади.

Бу сафар Элизабет хонимга телефон қилдим. Бироз дардлашдик. Кейин Асуманга телефон қилдим.

«Асуман, кайфиятим жуда ёмон, сенга эҳтиёжим бор. Илтимос, бугун кечга яқин соҳилда кўришиб, гаплашайлик» дедим.

У «хўп, албатта келаман», деди.

Бирор жойда чой ичайлик десам, чойга пулим етмайди. Келишган жойимизда уни кута бошладим. Келди. Лекин онаси билан бирга келди. Бу менга ёқмади, аммо билдирмадим. Ўтирдик. У ёқ-буёдан гап-

лашдик. Имон мавзусига кирмадик. Зотан, пулсизлик дардига тушгач, исломий мавзуларни эслаганим йўқ. Иш топсам, яна давом эттирмоқчи эдим. Узоқ сўзлашдик. Меросдан маҳрум этилганимни такрор гаплашдик. Ҳуқуқий тарафдан бу мумкин эмас экан. Асуман менга тарихимга ёзиладиган бир гап айтди: «Сизнинг энг буюк, энг катта меросингиз мен бўламан! Мен учун бунчалик ташвишларга отланган ўша ёрга мен ҳам йўлдош бўламан!»

Бу қиз курашишга арзимайдими?! Бундай қиз учун мужодала этилмайдами?! Бундай қиз учун фидо бўлинмайдами?!

Қизкулесининг рўпарасида тошларга ўтирдик. Денгиз, ҳаво — ҳаммаси гўзал эди. Ёнимда Асуманим. Аммо пулсизлик дарди ичимни кемирмоқда. Бошимга оғриқ кирди.

Тўйимиз вақти ҳақида гаплашмоқчи эдим, аммо ҳали имон келтиришим ҳал бўлмади. Элизабет хоним «Биладан, ўғлим, сен қалбингда, ичингда имон келтирдинг» деди. Асуман эса «Мен тўлиқ имон келтиришингизга ишонаман. Катталарни эъзозлайсиз, ишчиларнинг ҳақларини ўйлаясиз, болаларни севасиз... Бундай инсонлар барибир исломга киради. Нуқта!» деди. Биладан бунчалар ишонмаганида бу ерга келмасди. Таклифимни қабул қилмасди.

\* \* \*

Пулсиз қолгач, ҳайдовчилик қилишга қарор қилдим. Худди атай қилгандай устма-уст кўнгилсизликлар бўлаётганди. Бир йўловчим маст аёл таксида қайт қилиб юборди. Бориб ювиб тозалатдим. Кечқурун икки киши-

ни Сариерга олиб бориб қўйдим. Улар йўл ҳақини беришмади. Камига машина баллони ёрилиб кетди. Эҳҳе...

Ёнингда беш қурушинг йўқ, баллон алмаштир...

Ҳаёт қанчалар мураккаб, яшаш нақадар қийин экан? Бундай қийин ҳолатда яшайдиган инсонлар қандай қилиб бахтли бўлиши мумкин?

Кечки пайт ўзимни соҳам бўйича телефон қилдилар. Дарҳол қабул қилдим. Қўлимда таксидан қолган уч юз лира пул бор. Бу пулни шунчалар тежаб асраб юрибманки, ўзимга ҳайрон қоляпман.

Гаплашдик, ишни ҳозироқ бошлашингиз мумкин дедилар. Тўрт минг лира ойлик беришаркан. Олти ойдан кейин ошириб беришаркан. Пулсиз кунларимда бу сумма менга жуда катта миқдорда туюлди. Йўқсиллик шунчалар фалокатми... Билмасдим...

Тўрт минг лира етадими? Ижара, электр, газ, сув, телефон, йўл харажатларини ҳисобларкан бошим айланиб кетди. Аввал бошлаб олай, кейин кўрамиз дедим...

\* \* \*

Кеча онам кечки овқатга таклиф қилди. «Инсонийлик мендан бўлсин» дедим ва бордим. Девримни ўнг тарафимга, Нургулни чап тарафимга олдим. Бирга овқатландик. Болалар жуда хурсанд бўлдилар.

Онам яна оғзимни пойлади.

«Болам, эшит, сен тўкинлик ичида улғайдинг, тўқликда яшадинг, сен йўқчиликка чидай олмайсан. Сен фақир яшайдиганлардан бўлолмайсан. Уйга қайт, ўғлим. Минглаб қизлар бор. Сенга жонини фидо қиладиганлари қанча» деди.



Онамнинг гапларини бўлдим:

«Она! Бу мавзуни очмайлик. Мен Асумансиз яшашни тасаввур қилолмаяпман. Майли, мени моддий тарафдан ҳамма нарсадан маҳрум қилдингиз, энди бошқа гапнинг кераги йўқ!»

Дадам маҳзун эди.

«Ўғлим, ҳеч ким бундай фидокорлик қилишга арзимайди. Эртага сендан ёшроқ, сендан яхши гапирадиган, унга сендан кўпроқ вақт ажратадиган бирортаси чиқса, кўнгли унга тушади, ишон гапларимга».

Дадамнинг бу гапларига асабим бузилди ҳам кулгим келди.

«Дада, нималар деяпсиз? У қиз мен маймун бўлиб қолсам ҳам бошқасига кўнгил бермайди! Сиз танимайсиз уни!»

Онам ҳаётида биринчи марта ҳақиқатни тан олиб гапирди:

«Юнус тўғри айтяпти. Унинг эътиқоди суякларигача синггиб кетган. У ундай иш қилмайди».

Онамга қарадим. Ўзимни кулгидан тўхтата олмадим:

«Она, тинчликми? Нима бўлди? Инсоний туйғулар билан қарайдиган бўлиб қолибсизми? Келинингизнинг тарафини оляпсизми?»

«Келинингиз» деган сўздан онамнинг бирпасда юзи ўзгарди.

«У менинг келиним бўлмайди. Уни ҳар куни кўриш мени ўлдиради, ажалга рўпара қилади», деди. Онамнинг яна авзойи бузила бошлади.

Бу ерда ортиқ туролмасдим. Фойдаси йўқ эди. Кетмоқчи эканимни айтиб, ўрнимдан турдим. «Бугун қолгин» деди онам. Юзида боласини соғинган онанинг ифодасини кўриб «йўқ» дея олмадим. Болалар билан соатлаб ўйнадик. Онам яна «қўлига созини олди». Яна зехнидаги ислонни тушунтира бошлади: «Бу диндор хотинлар борку, ётоқхонада ҳам сочини кўрсатмайдилар, ўраниб ётадилар. Сен бунақалар билан келиша олмайсанку».

Дарҳол Элизабет хонимга телефон қилдим ва овозини очиб қўйдим: «Салом, устоз! Бир саволим бор эди. Мусулмон аёллар ётоқхоналарида ҳам ўраниб ётадиларми? Шундай иддао бор эдида?»

«Шунақа бўлиши мумкин эканми? Ўраниб юриш бу кўча учун. Инсонлар ётоғига истаса, кийим билан, истамаса, кийимсиз киради. Эр-хотинлар қандай истасалар, шу шаклда бўладилар».

Телефонни қўйдим ва онамга қарадим.

«Она, тухматларингиз қачон тугайди? Сизни тухмат қилишдан бошқа қувонадиган нарсангиз йўқми? Кечқурун faesobook ка кирдим. У ерда аҳмоқ бир даҳрий бор. «Балет курсларида тажовуз йўқ, лекин фалон диний муассасада бор» демоқда. Эшитганлар диндорларнинг муассасаларини бузуқ жой деб тушунади. Шу даражада тухмат қилиш мумкинми? Ҳозир кўрсатаман ўша юзи қорани, келинг, бирга ўқиймиз».

Онам йиғлай бошлади ва қаршилиқ билдиришда давом этарди.

«Истамайман, динга боғлиқ бирорта сўз эшитишни истамайман.»

«Она, тинчланинг, эшитиб кўринг. Сиз тарафдагилар мудом тухмат қилади. Мана шу одам ҳам дин-

га бўлган нафрати сабабли диндорларга қора чапламоқда. Қаранг, мусулмонлар бирорта қизга тажовуз қилса, қизни ўша тажовуз қилганга мажбурлаб узади, демоқда. Исломда бундай нарсалар йўқ. Тажовуз қилганга жазо берилади. Мана бунисини кўринг: «Муфти ўранмасдан очик юрган аёлларга тажовуз қилиш мумкин, деди» демоқда. Она, мен ақлдан озаман. Чидай олмаяпман. Мен шундай бўлгач, мусулмонлар қандай чидасин бундай тухматларга? Тушундик диндорлардан нафратланасиз, аммо ҳеч йўқ ўзларингизни ҳурмат қилинглари, она! Мен бунчалар тухматчи, ёлғончи оломондан жирканяпман. Адолат қаерда? Марва Кавакчи<sup>1</sup> халқнинг овози билан сайланиб келган эди. Уни мажлисдан ҳайдадингиз. Бирортангиз «Бу адолатсизлик! Бу ноҳақлик! Модомики, демократия демоқдасиз, халқнинг сайлаганини қувиб, ажратиб айирмачилик қилманг» демадингиз. Тўқиб чиқарилганлардан бошқа бир динни ижод қилдингиз. Мен ҳақиқатни ўргана бошладим ва исломни севиб қолдим».

Онам шокка тушган аҳволида менга қараб турарди.

«Қаранг, ахлоқсиз даҳрийлар нималарни ёзмоқда — домлалар жин чиқараётиб аёлларга тажовуз қилаётган эмиш. Агар қайсидир бир мараз шундай қилган бўлса, бунда исломнинг нима айби бор? Исломда сеҳр-жоду ҳаром саналади ва тақиқланган».

Онам ортиқ чидай олмади:

«Бас қил! Ўляпман, ҳозир жоним чиқиб кетади. Сен сабабли ўлиб қоламан ҳозир. Йўқол, йўқолиб кееттт уйимдан, кўзимга кўринмаааа!!!»

<sup>1</sup> Таржимондан: Марва Кавакчи 1968-йилда Туркияда туғилган, рўмолли илк сиёсатчи, дипломат аёл.

Онам ўз маҳалласидаги ёлғонларни, одамлар нима қилаётганини динга йўйиб айтиб беришига чидаб турсолмасди. Лекин мен ҳам адолатсиз бўла олмасдим. Мусулмонлар ҳам бошқа дин вакилларига тухмат қилишмоқда. У ҳолда динга ниманинг бадалини тўлаттиришмоқчи? Онамнинг иккинчи марта уйдан ҳайдаши билан ўзимни кўчага қандай отганимни билмадим.

\* \* \*

Орадан яна бир ой ўтди. Муҳандис бўлиб ишлаётган жойимдан ҳам кетдим. Кетма-кет икки марта кеч қолганимда огоҳлантириш беришди. Огоҳлантириш тарзи одамга қилинадиган муомала шаклида эмасди.

«Эй... бунақа бўлмайди» дея бошланган гаплар эди.

Ўрганмаган эдим. Давом эттира олмадим.

Бу ердан ҳам кетганимни эшитган онам қувониб рақсга тушибди. «Қайтади, уйга қайтади. Имкони йўқ, у қийинчиликларга чидолмайди. Севги қорин тўйдирмайди» дебди.

Кечқурун Асуманларникида эдим. Мендан «Имон келтириш масаласини нима қилдинг» деб сўраганлари йўқ. Аммо бундан кўнгиллари хотиржам. Асуманнинг укаси ҳам уйда эди. Иш жойидан топшириқ билан Истанбулга юборишибди.

Уйдагиларнинг мени ҳайдаб юборганларини эшитиб таъсирланди. Мени табриклади. Асуманнинг мен билан турмуш қуришга розилик берганидан жуда қувонибди. Асуман менга таом келтирди. Кейин эса қахва. Қахвани ичдик. Бироз ўтгач қайноғам балконга чақирди. Уч-беш дақиқа гаплашган бўлдик.

«Почча, узр, айбга буюрмайсиз. Уйдагилардан жабр кўргансиз. Ғурурга берилмасдан шу пулни олсангиз, бемалол бўлганингизда қайтарасиз» деди.

Ҳайратландим. Ўзи эса ичкарига кириб кетди. Қарасам, уч минг лирадан кўпроқ миқдорда пул. Менга илк бор биров пул бераётган эди. Балконда қолиб кетдим. Ичкаридан Асуманнинг овози келди: «Ойи, Юнусга қарайсизми, бир соат бўлди, қайтиб кирмади...»

Мендан хавотир олиши, мени ахтариши нақадар ёқимли...

Лекин пулни ҳурмат ўрнида қабул қилдим. Тўғри, очман, қашшоқман, ғурурланадиган ҳолатим йўқ. Қийинчиликка ўрганмаганман — ана шу ёмон эди. Инсон инсонга қачон керак унда? Бу ерда уяладиган нарса йўқ эди. Ўзимга «Юнус, энди ҳаётни танимоқ керак!» дедим...

Қайноғамнинг аввал айтган гапларини ҳам эслаيمان. Асуманга уйланиш истагимни билганида «Уни ранжитгани пушаймон қилдираман» деган эди. Бу гапига кулгандим. «Уни ҳеч ким хафа қила олмайди. Бунга журъат қилолмайди» дегандим. Ҳамма ўзига тааллуқли гапни тушунган эди. Ўшанда Асуман менга жилмайиб «Хуш келдингиз» деган эди...

Балкондан ичкарига кирдим. Ўтириб гаплашдик. Элизабет хоним мавзуни динга бурди: «Ўғлим, Юнус, диндан баъзи саволларинг бор эди. Жавобини топдингми?»

«Ҳали бошламадим. Бошлаганимда - олдингизга келаман».

«Исломга кириш қароринг қатъий яъни?»

«Албатта. Саволларимга жавоб топганим ҳамон уйингизда шаҳодат калимасини келтирмоқчиман. Кейин эса Асуманимдан менга турмушга чиқишини сўрайман» дедим.

Элизабет хоним табассум ва самимият билан «Иншааллоҳ» деди.

Асуман нимадир деди, аммо тушунолмайд қолдим. Кечаси Баҳорга ёзганда ўқиб оламан дедим ичимда.

Элизабет хонимдан бир хавотиримни сўрадим:

«Исломга кирганимда менга энг зарур бўлган йигирма қоида ёки қуролнинг номини менга ўргата-сизми?»

«Албатта ўргатаман, модомики, мендан муҳим санаган нарсаларингни сўраётган экансан, бемалол. Асуман ҳам ёрдам бериши мумкин».

Кўрнинг қидиргани кўздир. Асуманнинг ҳам ёрдам беришидан жуда севиндим. Дарҳол сумкамдан дафтар-қаламимни олдим.

«Қоидалар.

Биринчиси. Исломга кирганинг учун дарҳол ишларинг жойига тушишини, ҳеч қандай муаммо билан қаршилашмасликни, касал бўлмаслик кабиларни ўйлама. Аллоҳнинг мукофоти ва ваъдаси жаннатга оиддир. Ибодатларимнинг жавобини бу дунёнинг ўзидаёқ оламан, деб ўйлама. Бир мусулмон менга «Асло қўрқма. Аллоҳнинг йўлида кетяпсан. Аллоҳ сени қамоққа ташлатиб қўймайди» деди. Аллоҳнинг қоидалари ичида бундай нарса йўқ. Мусулмон бўлишнинг жавоби бу дунёда ваъда қилинмаган. Инсон бу ишларни Аллоҳ учун қилади, тамом!

Аллоҳ учун мусулмон бўл. Мусулмонлик — адолат, маданият, ақл, фаросат демакдир. Булар бу дунё учундир. Ва булар дунёлик мукофот учун сенга етади. Аслида мусулмонликнинг бу дунё учун ҳам фойдалари кўп. Аммо сен фақат Аллоҳ учун қил!

Иккинчиси. Бир олимнинг айтган гапи бошқасиникига тўғри келмаслиги мумкин. Аммо сен ҳар доим Аллоҳни эшит. Исломни яшамоқ лозим. Агар ёзилганлар хато бўлса, ўзинг билган тўғриларни яша. Аллоҳ икки ўртада қолсанг, сенга Анфол сурасининг 29-оятида хабар бермоқда. Сен билганингча оласан. Тафсирини ўрганишга ғайрат қил.

Учинчиси. Ислом олами Аллоҳдан узоқлашгани учун илгарилаб, ўсиб, ривожланиб кетолмаяпти. Шукурлар бўлсинки, ғарбнинг ҳолатида эмасмиз. Ғарб технология бўйича ривожланди. Аммо инсонийлик жиҳатидан ортда қолмоқда. Ғарбда отасиз ва отаси номаълум болалар сони миллионлардан ошди. Энг ёмон ислом ўлкасида ҳам ҳақиқий маънодаги ислом йўқ. Тупроқ ўлароқ борлиги маданият сифатида ҳам бор дегани эмас.

Шунга қарамасдан энг ёмон ислом ўлкасида ҳам исломнинг бир дона бўлса-да қонуни ишласа, отаси номаълум болалар сони юзга бормайди.

Орадаги фарқни қара. Ислом оламидаги гўзаллик ғарбда ҳозир ҳам йўқ. Ғарб Туркияга кўчиб келди, ғофилсиз. Чанокқалъа олинмайди дейсизлар, ғарб ёшларимизни Чанокқалъа ўрнида олмоқда, домига тортмоқда.

Тўртинчиси. Исломда вояга етмаган шахс билан никоҳ қилинмайди. Бу расман жиноятдир. Ўн ёшли бола билан турмуш қурса бўладими? Йўқ! Бу масалага мазҳаблардаги имомлар фатво бера олмайди-

лар. Аллоҳ Таоло Нисо сурасида «Никоҳланадиган ёшга етгунча етимларнинг мол-давлатни қандай бошқаришини синаб туринглар. Агар уларнинг ақли расо бўлганини кўрсангиз, унда мол-мулкини ўзларига топширинглар. Ёши улғайиб тортиб олади, деб кераксиз жойларга сарфлаб, уларнинг мол-мулкини битириб юборманглар. Ким беҳожат бўлса, ўзини пок сақлашга уринсин. Ким муҳтож бўлса, маъруфга кўра есин. Уларга мол-мулкини топшираётганингизда уларга гувоҳ келтиринглар. Ҳисоб-китобга Аллоҳнинг ўзи кифоядир.

Бир инсон мол-мулкини бошқара олиш ёшига келдими, демак, у вояга етган. Сиз тўққиз ёки ўн ёки ўн уч ёшли болага ширкатингизни, корхонангизни топшириб, «шуни бошқар» дея оласизми? Асло!

Бу мумкин эмас. Қолаверса, Аллоҳ Таоло аёлга махр ҳақини берган. Бу оила қуришда моддий келишув борлигидан дарак беради. Вояга етмаганлар эса бундай келишувларни англаб ололмайди. Аллоҳ етимнинг ўз молига эгалик қилиши учун унинг ақл ёшида бўлишини ҳисобга оладию болалик ёшида мумкин бўлмаган бошқа ишларни ҳисобга олмайдими? Қуръони Карим шундай китобки, ўрганишни истаганга албатта тўғри маълумотни кўрсатиб туради. Тушуна олмаганлар эса уйдирмалар ва асоссиз гапларни тарқатиб юради. Қуръондан ташқарида бўлган ҳеч нарса ақида бўлмайди. Инсонлар исломни шундай ҳолга келтирмоқдаларки, унинг Аллоҳнинг дини билан боғлиқлиги қолмаяпти. Бу масалада эътиборли бўлиш лозим.

Бешинчиси. Ислом душманлари тўхтамай мусулмонларга лой чаплаб келмоқда. Шунчалар ёлғон ва тухматлари борки, ақлинг бовар қилмайди. Булардан баъзилари шулар: «Муҳаммад Ойишага у олти



ёш эканида уйланди». Яна бошқалари тўққиз ёш, дейди. Ҳолбуки, ҳазрати Ойиша онамиз ўн тўққиз ёшда эдилар. Мусулмонлар арманларни қатл қилди дедилар. Ёлғон! Буюк ёлғон. Бундай ёлғонлар яна қанчалаб бор. Душманлар ўйинини билишинг ва унга аралашмаслигинг керак. Бир ёзувчи музқаймоқлар рекламаси нотўғри шаклда амалга оширилганини гапирса, «музқаймоқ ейишни ҳаром деди» дея тарқатдилар. Аҳмоқлар у гапларга ишонди...»

Асуман онасининг гапларини бўлди:

«Мен ҳам бироз гапирсам» деди. Асуман менга қаради:

«Мен давом эттиришимни истайсизми?»

Кулдим — бу бўрига қўзи гўштидан ейсанми дейиш билан баробар эди.

«Хурсанд бўламан, албатта» дедим.

«Кейингиси — исломга хизмат қилаётганлар обрўсини тушириш учун уларга тухмат қилиниши. Исллом душманлари бу ишларни жуда усталик ва маҳорат билан амалга оширмоқдалар. Эрбакан<sup>1</sup>ни гиёҳванд моддалар билан қўлга олинди дея тухмат қилганлар йиллар, асрлар аввал ҳам шундай қараш ва зехнийтда эдилар. Диннинг душманлари шундай китобсизлар. Шунчаликка борадиларми, дея қилган ишларидан ёқа ушлайсиз.

Навбатдагиси — исломда зўрлик ва куч билан бошқа ўлкани эгаллаб, таламоқ йўқдир. Агар буни кимдир қилган бўлса, бу уларнинг хатосидир. Демак, унинг мақсади ислом бўлмаган. Тушунтириб, фатҳ этиш им-

<sup>1</sup> Таржимондан: Нажмиддин Эрбакан (1926-йилда Туркияда туғилган, 2011-йилда вафот этган) сиёсатчи, академик, муҳандис, вазир, бош вазир лавозимларида ишлаган. Мархум хўжа Нажмиддин Эрбаканга ҳам дин душманлари, олчоклар томонидан героин савдосига алоқали жинойтлар ёпиштирилган эди.

кони бўлса бошқа ўлкаларни эгаллаш жоиз. Кўшин ёрдамида босқинчилик билан кирилмайди. Агар зулм остида бўлган халқ бошқа мусулмон ўлкадан ёрдам сўраган бўлса, унда бу ҳолат ўзгаради».

Бу маълумот менга манзур бўлди, чунки жавобини қидирган саволларимдан бири эди.

«Унда Муҳаммад пайғамбар нега бошқа ўлкаларга кирди ва фатҳ қилди?»

«Хатолик бор. Оламларга раҳмат қилиб юборилган Ҳазрати Пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоху алайҳи вассалам ҳеч бир ўлкага ҳужум қилмаганлар. Улар фақат исломни тушунтирганлар ва ислом қабул қилингач, у ўлкалар исломлашган».

«Лекин икки кишини ўлдирган».

«Йўқ, ундай эмас! У икки киши бошқаларни ўлдирган эди. Оламларнинг раҳмати улардан қасос жоиз дегандилар. Ислом душманлари бу вазиятни мушриклар билан тил бириктириб бошқача шаклда тарқатдилар».

Жуда таъсирландим. Куракда турмайдиган уйдирмаларга ишонганим учун. Бизларни бу ёлғон маълумотларга қанчалар ишонтирибди. Жоҳилларнинг хатоларини «мана шу дин» дея тақдим этишибди.

Буларни эшитиб, ўзимни негадир чаёнлар мақолида ҳис этдим. Бир эътиқод ҳамма тарафдан бу қадар таланиши, эзилиши, ўртага олиниши мумкинми? Одамлар ўзи тарафда бўлмаганларни шунчалар қоралайдими? Ўзимизнинг ҳаётимиз бунчалар ваҳшийликларга тўла экан, бу таърифни нега ҳайвонларга бермоқдамиз?

Чиндан дунёни инсонлар лойқалатмоқда.

Кейинги қоида — Аллоҳни фақат Ўзининг айтганлари билан таниймиз. Аллоҳдан бошқа ҳеч ким Аллоҳ ҳақидаги билимларга эга эмасдир. Аллоҳ бирор қулига кўринмайди.

Навбатдагиси — мусулмонлардан олим чиқмаган, деган гап тухмат. Юзлаб мусулмон олимлар бор. Абу Мусо Бин Ҳайвон - химик, физик, тиб олими. Абдулҳамид ибн Турк – математик. Бин Али — астроном. Ёқуб бин Торик — математик, астроном... Рўйхатни давоб эттирсам, зерикиб қоласиз. Бу маълумотларни интернетдан ҳам олиш мумкин. Ислонинг олтин даври ҳисобланган 9-12 асрларда яшаб ижод қилган юзлаб мусулмон олимларимиз бор. Улар ғарбдаги тафаккур тарзига, тараққиётга туртки берганлар. Зотан нолдан тўққизгача бўлган рақамлар ҳам ислом оламида вужудга келган. Ғарб бизнинг рақамларимиз билан ойга чиқди. Ислом дунёси, насронийлар дунёси ва ғарб дунёси бир ерга йиғилиб, ҳар бири ўзига тегишлисини олса, ислом олами фақатгина математикани олган бўлса ҳам ғарб Одан 9 гача бўлган рақамларимизсиз ҳеч нарса қила олмайди. У ерда илм ва технологидан асар ҳам қолмайди. Ғарб ихтироларини бизнинг соямизда амалга оширмакда. Фақат биз бизники бўлганларни ёшлигимизга ўргатолмаяпмиз. Ёшлик ислом оламини кўрмаяпти».

Мен бу гаплар таъсирида ўтирганимда онам қўнғироқ қилди:

«Дарҳол уйга етиб кел. Мен Нургул билан келиша олмайман. Уни йўқот» деб гўшакни қўйди.

Асуманлардан узр сўраб уйга югурдим.

Уйга етиб келиб тўғри кичкиналаримнинг хона-сига чопдим. Кирганимда Нургул йиғлаб ўтирарди. Мени кўриши билан чехраси очилди, аммо яна йиғи-да давом этди.

Нургулим, нима бўлди? Онам нега мени чақирди?

Нургул ҳиқиллаб йиғларди: «Дадажон, сизсиз бу уйда қолгим келмаяпти. Ойим мени яхши кўрмайди. Мени ўзингиз билан олиб кетинг».

Тўлиб-тўлиб йиғларди. Ичим ёна бошлади. Шу вақт қанчалар чорасиз эканимни ўйладим. Пулим бўлса, битта уйни ижарага олардим ва битта энага билан масалани ҳал қилардим. Уни қучоқладим. Иккимиз ҳам чорасиз ва соҳибсиз эдик.

«Илтимос, Нургул, кетма, менинг бирорта дўстим йўқ. Сен кетиб қолсанг, мен нима қиламан» дея энди Деврим йиғлай бошлади.

«Мен кетсам, сен хафа бўласанми?» деди Нургул Девримга

«Ҳа, жуда хафа бўламан, йиғлайман» деди.

«Унда кетмайман» деди. Чорасиз қизалоқ менга қараб: «Дада, сиз ҳам қоласизми?» деди.

Аслида мен сизлар билан қолишни қанчалар иста-шимни билсангиз эди, митти фаришталарим.

«Қололмайман, эркатойларим, лекин яна кела-ман» дедим.

Хонага онам кириб келди. Кириши билан: «Нур-гулни олиб кетяпсанми?» деди.

Деврим яна йиғлай бошлади. «Йўқ, бувижон, ил-тимос, Нургулни олиб кетмасин, мен усиз қолишни истамайман».

Онам Нургулга қаради «Унда тинмай дада, дадалаб йиғлашни бас қиласан. Бу ер етимхона эмас. Агар яна йиғласанг, етимхонангга олиб бориб ташлайман, айтиб қўяй «деди. Қизалоқ қучоғимдан тушди. Онамга қараб «хўп, буви, бошқа сира йиғламайман» деди

Ичим ёнарди. Аммо ҳеч нарса қилолмасдим. Онам гуноҳ қилаётганди. Бу гаплар етимхонадан олинган болага айтиладиган гаплар эмасди. Ўзимни қўлга ололмасдан бақирдим:

«Онаааа!!! Мен энди Нургулнинг отасиман. Менинг боламга ҳеч ким етимхонага олиб бориб ташлайман дея олмайди!!!»

Онам бу сафар ўлдирадиган сўзлари билан таҳдидларини сочди:

«Қандай қилиб эътироз билдиряпсан, ахир пулсизлар, йўқсиллар журъатсиз ва юраксиз бўладилар. Сенинг орқангда ишонганинг бирортаси турибдими?» Атрофимдагилар билан астойдил қизиқишини шу он англадим.

Бу инсонни ўлдириши мумкин бўлган оғир гаплар эди. Бу нима дегани — пулсизлар эътироз билдиrolмайдилар?! Менимча, эътироз диндорларда юракдан, даҳрийларда эса пулдан, лавозимдан, кучдан чиқса керак. Онам мени тинмай пастга урарди.

«Хор бўлиб, тиланиб юрасан ҳали», деди.

Онамга ортиқ яхши гапирсам, ўзимни сўзларни исроф қилаётгандек ҳис этяпман.

Яна бир ишга чақирдилар. Бу сафар «Ишимиз Анқарада» дедилар.

«Бўлмайди, жиянларимдан узоққа кетолмайман» дедим. Асл сабаби Асуман эди.

Бу гапим иш бермоқчи бўлган одамнинг эътиборини тортди:

«Нега жиянларингиздан узоққа кетолмайсиз?»

Ҳолатни тушунтирдим.

«Истанбулда фабрика қурамиз, унда сизни ўшанда чақирамиз» деди.

«Асуман учун ҳаммол бўлишга розиман» дегандим. Ҳаёт қийин экан...

Газетадаги эълонларни кўриб чиқиш билан бирга «21 хабарлари»ни эшитиб ўтиргандим. Хонамга дўстим кирди. Қаҳваранг диванда ўтирибман. Пардалар, гилам — ҳаммаси қаҳваранг. Бу рангни унча ёқтирмайман. Аммо уй меники эмас. Дўстим рўпамга келиб ўтирди.

«Юнус, Англиянинг пули ҳозир евродан юқори экан. Евроиттифоқ ўлкалари Англиянинг пулини енга олмабдилар, сенингча, ғалати эмасми?»

Дўстимга қарадим, тавба, нега бу саволларни бериб миямни ачитяпти?

Жимлигимга асабийлашиб «Жавоб бермайсанми?» деди

«Бу мавзуда гаплашгим келмаяпти. Мендан буни сўрама...»

«Кимдан сўрай унда?»

«Менга қизиқ эмасда бу мавзу».

«Майли, унда бошқа нарса сўрайман. Германия автомобил ишлаб чиқаришда дунёда биринчи ўринда туради. Биз нега биринчилардан бўлмаймиз?»

«Давлатни бошқараётганлар сабабли, эплотмаётганлари сабабли. Бу уқувсизликларини ҳам исломга юклаганлари сабабли. Ўлка ислом билан бошқарилаётгани йўқку. Нега айбни исломга юклашади?»

Дўстим ҳайрат билан менга қаради. Бундай гапларни мендан илк бор эшитаётган эди.

«Фикрлашинг ўзгарибди. Мен сендан нималарни эшитяпман?» Юзидан ҳайрон қолгани кўриниб турарди.

«Сен... Аслимиди ҳалиги қизнинг исми?»

«Асуман».

«Ўша қиздан кейин ўзгардинг, шунақами?»

«Шундай. Ҳаммасини ўргандим. Алданганимизнинг унинг шарофати билан тушундим. Қара, ислом ғарбдан математикани олиб кўйса, ғарб устунсиз қолади. Бизга кибр қилиб, тепадан келади. Ислом олами соясида технологиялари ривожланди. Буларни ҳам энди биляпман».

Дўстим ҳалиям менга ҳайрат билан қараб ўтирарди. Анча пайт жим ўтирди. Кейин мавзуни ўзгартирди. Голландия жонли гулларни етиштириш билан дунёда биринчи ўринда туради. Пишлоқ ишлаб чиқаришда биров олдига тушолмайди. Аммо исломий ахлоқ уларда нол. Сен Туркиянинг қайси томондан биринчилардан эканини биласанми?

«Йўқ, билмайман».

«Албатта билмайсан, сенга Сакарят шаҳидлиги қарда десам Сакарятда дейсан. Чунки ўлкамизни таниш-

га иштиёқинг йўқ. Фақат миллат, аҳоли, жумҳурият деб тураверасан. Лекин жумҳурият зулум билан эмас, адолат билан тирик. Туркия финдиқ ёнғоғи етиштиришда биринчи ўринда туради. Энг сифатлиси Гиресун худудида ўсади — пўсти юпқа, ёғли ва ширин.

«Демак, биринчилигимиз бор экан».

«Ҳа, худди туркиялик эмасдай, билмаймиз. Миллат миллат дейсиз, нега телефон яратолмаяпмиз, ишлаб чиқаролмаяпмиз дейсиз, эртага телефон ишлаб чиқара бошласак ўзимизникини олмайсизлар».

«Нега?»

«Чунки турк моли билан ўзингизни европалик ҳис қилолмайсиз. Яна юртни севиш, байроқ учун фидо бўлиш ҳақида баҳс урасизлар. Европа сен уларнинг кийимини кийганинг, маҳсулотини харид қилганинг учун юз минглаб еврони қўлга киритмоқда. Инсон аъзолари трансплантацияси бўйича дунёда нечанчи ўринда эканимизни биласанми? Ўзим айтақолай, бу борада Туркия дунёда иккинчи ўринда туради. Фақат буни билмайсизлар. Туркия эпллолмайди, деб ўйлайсизлар».

«Хитой дунё иқтисодиётини остин-устун қилганига қарамай пули евродан пастда. Мен нима демоқчи эдим ўзи... Сени деб гапимни эсимдан чиқардим...»

Бу сафар кулдим — тортишувни мен бошламадимку.

«Сен жуда хафасан, сенга ақл бераман деб бошим қотди, нима бўлди ўзи?»

Демак, ҳолатимга эътибор берган экан. Ташқи қиёфамдан ҳам англабди. Унга қисқача вазиятни тушунтирдим. Ишим масаласини биларди. Психологик ҳолатим жойида эмаслигини айтдим. Кейин юқоридаги суҳбатда сиз деб гапирганим учун узр сўрадим.



Чунки ўзим ҳам Туркия молларини олиб киймасдим, ишлатмасдим.

\* \* \*

Эркакнинг ишсиз қолиши, унга бирор жойдан пул, даромад келмаслиги кўрқинчли азоб экан аслида. Камига қариндошларинг ҳам қўлини тортиб олса, бировдан қарз сўрай олмасанг, ваҳима босаркан. Давлат қийин аҳволда қолганларга ёрдам бериши керак. Қийинчиликлар сабабли бу кунларда ўзимда эмасман. Юрагим сиқилган аҳволда ўтирибман. Асуман телефон қилиб қолди. Менга телефон қилмасди. Лекин уйимдагиларнинг бу ҳақсизлиги сабабли мени ёлғиз қолдирмаётган эди.

«Лаббай, дунёнинг энг асл қизи, мени йўқлашинг билан руҳимда қуёш порлади».

«Шошиб-пишиб уйимиздан кетдингиз, кейин хабар бермадингиз, шу яхши ишми?»

«Асуманим, мен онангга хабар бергандим».

«Онам менга индамади, ҳайронман...» Дарҳол онасига юзланди.

«Хавотир оласанми-йўқми, билгим келиб индамагандим» деди Элизабет хоним.

«Онам мени баъзан ҳайрон қолдиради. Инсон хавотир билан чиқиб кетгандан хавотир олмайдими? Тинчликмикан ахир, кўнгилсизлик йўқдир, иншааллоҳ?»

Вазиятни айтиб бердим. Кейин чидолмадим:

«Асуман, биласанми? Сени жуда соғиняпман. Осмонга қарасам ҳам, ерга қарасам ҳам кўзларимда сенсан».

«Бунчалар самимият ҳозирги ҳолатимизга тўғри келмайди» деди.

Ўх, ўзи ҳар нафасни исмимни айтиб оляпти, аммо эътиқоди сабабли буни билдирмайди. Ҳақиқий диндор деб шунақа «Асуманлар»га айтилади демак.

\* \* \*

Яна бир иш топдим. Ўн кун бўлди, ишляпман. Бугун Асуманга телефон қилдим. «Маош беришлари билан сенга узук оламан, ой охирида кўлингни сўрайман. Унгача қолган саволларимга ҳам жавобни топиб бўламан», дедим.

Жуда севинди.

«Онангиз нима бўлади?» деди.

«Мен у оилада «Ҳамма истаганини қилади, истаганича эътиқод қилади» деган гапларни эшитиб улғайдим. Бундан бошқа сўзлар билан ҳаракат этолмайман» дедим.

Орадан соатлар ўтгач, Баҳорга ёзган гаплари ичимни ёқди.

«Мана, ошиқ дегани шундай бўлади. Сўзининг устидан чиқади. Севганига жонини беради. У менга уйланганига ҳеч қачон пушаймон қилмайди, иншааллоҳ» дебди.

Баҳор жавоб ёзибди: «Аллоҳ қовуштирсин сизларни, агар етишолмасангиз, сен яшолмайсан, Асуман...»

«Аллоҳ асрасин, ростдан ҳам яшолмайдигандекман, менга ҳам шундай туюлди».

Жоним, Асуманим, сени ўлимга ташлаб қўймайман. Агар буларни ўқиётганимни билса, уятдан ерга кириб кетади, менга асло турмушга ҳам чиқмайди...

\* \* \*

Кўнгил нималарни истайди... оҳ, бу кўнгил...

Кўнглимнинг кўйида паришон бўлдим. Ўзим етмагандек, уни ҳам паришон қилдим. Унга ҳам азиятлар бердим. Аммо булар тугайди.

Ишдан чиқдим. Тўғри ҳаётимнинг, севгилимнинг уйига келдим. Ҳаммалари мени кутаётган эдилар. Саволларим ёзилган рўйхатни чиқардим.

Шу саволларимнинг ҳаммасига жавоб олишни истардим, баъзиларига жавоб бергансизлар, аммо ҳозир топиб-танлаб ўтиролмайман, дедим. Асуман келишимга таом пиширибди. Кейин саволларга мен жавоб бераман деди.

Саволларни бошладим:

«Исломда қуллик борми? Қисқача...»

«Йўқ, асир олинади. Эвазига нимадир олинади ёки олмасдан озод қилинг, дейди оят».

«Ит боқиш ҳаромми?»

«Йўқ, лекин савоб шартлари бор».

«Эркакларга ўраниш буюрилганми?»

«Тор киймаслик буюрилган».

«Исломда бола асраб олиш борми? Қанча урушларда болалар етим қолмоқда. Ғарбдагилар сақлаб олмоқда. Мусулмонлар ҳам шундай қилса бўладими?»

«Шундай қиладилар ва кўп савобга эга бўладилар».

«Болалар билан никоҳ қилиш мумкин деганларга лаънат ўқийман – бу ҳолат менинг ҳидоятга киришимга таъсир қиладими ёки тўсиқ бўладими?»

«Йўқ».

«Севмоқ гуноҳми?»

«Йўқ, аммо шартлари бор».

«Аёл ҳам эркакка оила қуриш таклифини айтса бўладими?»

«Ҳа. Фақат мусулмон бўлган ва исломни яхши билган эркакка».

«Арабистонда аёлларнинг автомобил ҳайдаши тақиқланган. Аёлнинг машина бошқариши гуноҳми?»

«Йўқ, гуноҳ эмас. У тақиқ исломга оид эмас, саудларга тегишли. Ҳадиси шариф бор — фарзандларингизга сузишни, бошқариш-минишни, қуролдан фойдаланишни ўргатинг, дейилган. Фарзандлар ичига қизлар ҳам киради. Чунки фақат ўғил болаларингизга дейилмаган».

«Ўликлардан мадад ва ёрдам сўраса бўладими?»

«Йўқ».

«Ўликлар ҳақиқага дуо қилинадими?»

«Қилинади, мўмин ўликларга дуо қилиш жоиз».

«Оч қолганнинг ўғирлик қилиши мумкинми?»

«Йўқ, бориб сўрайди».

«Мусулмон одам кофир кишини касалхонага олиб бориши мумкинми?»

«Албатта, мумкин. Биров ёрдам сўраса, дини сўралмайди, албатта унга ёрдам берилади».

«Аёл докторга эркак беморни кўрсатса бўладими?»

«Бўлади, аммо эркак доктор бўлса, у тўғрироқдир».

«Инсон аъзоларини кўчириб ўтказиш мумкинми?»

«Мумкин ва катта савоб».

Олган жавобларимдан жуда қувондим, нақ кўкларга учдим. Соатлаб саволларимга жавоб олдим. Жавоблар ажойиб эди.

\* \* \*

Ичимдан мутлақо имон келтирдим. Фақат бир кўрқувим бор. Мусулмон Аллоҳга таслим бўлган дегани экан. Мен таслим бўлолмаяпманку...

\* \* \*

Ишлаётгандим. Фабрика бошлиғи мени севгилисидан қизганиб ишдан ҳайдади. Асуман билан кўришишимга уч кун қолган эди. Яна ишсиз ва пулсиз қолдим. Кичик эркатойларимга ҳам ҳеч нарса ололмадим. Уялдим... Йиқилдим.

Фақат автобусларда юрдим. Дўстларимдан қарз сўрай олмадим...

Қариндошларим онамнинг йўриғидалар. Расман вайрон бўлдим.

Онам бир куни чақирди. Бордим. Ишонмасиз, йигирма километрдан ортиқ йўлни пиёда босиб ўтдим. Кетаётганимда биринчи марта пулсизликдан йиғладим.

Пулга ўрганиш ва ружу қўйиш ёмон нарса экан. Кўпчилик пулсиз қолади. Аммо мендек пулсиз қолдим, дея уялмайдилар, йиғламайдилар. Ҳаёт қийин экан. Яшамоқ осон эмас экан. Бу юракка эмас экан икки юкни бирдан кўтармоқ. Ота-онамнинг қарши-сига айбдор боладек чиқдим.

Дадамнинг илк сўзи жуда оғриқли эди.

«Пулинг борми? Қаердан ҳам бўлсин?»

Дунё шафқасиз экан ва мен буни энди тушундим. Онам мени кўлида қаҳваси билан кутиб олди. Очликдан йиқилар даражада оёқда зўрға тургандим. Мендан бегонадан сўрагандек ҳол сўрамоқда.

Белгин отилиб чиқди. «Унинг қорни оч» деди.

Жавоб беролмадим. Белгин болаларни қаровчисига менга овқат олиб келишини буюрди. Мен эътироз этмадим. Овқат билан бирга ғуруримни ҳам қўшиб едим...

\* \* \*

Онам нутқ сўзлаётгандек гапира бошлади.

«Менга қара, йўқсиллик эшиқдан кириши билан ишқ деразадан қочар экан. Сен ҳеч қашшоқликда яшамагансан. Чидолмайсан, кўтаролмайсан. Уйланмоқчисан яна. Уй харажатларини кўряпсан, камида беш минг еврога боради. Сен қандай таъминлайсан? Қайси бирига етказасан? Қўй, ўша қизни. Ёки айт ҳижобини ечсин. Модомики, сени севса бир рўмоличалик, бир латтачалик қийматинг йўқми? Ошиқ севгисига етишиш учун жонини, молини фидо қилади, агар чиндан ошиқ бўлса. Ўтган ой қайсидир мамла-

кат қироли севгиси учун қиролликдан воз кечди. Актриса Зайнаб Тегирмончиўгли севгиси учун санъатни тарк этди. Юлдузлик, машҳурлик — ҳаммасидан бир вақтда воз кечиб юборди. Агар сенга ошиқ бўлса, шу кичик фидокорликни қилолмайдами? Аллоҳга кейин тавба қилаверади. Кексайгандан кейин ўранаверади. Болам, қарагин, сенсиз қасримиз ҳувиллаб қолди. Битта севгига сотмагин бизни. Никоҳдан кейин бу севги тугайди. Агар Лайли ва Мажнун бир-бирига етишганларида эди, бунчалар тилларда дoston бўлмасдилар. Ўн беш йил севган шоир оила қургач, шуларни ёзибди:

Ҳамма нарсам у эди бир замонлар

Мен у эдим, у эса мен

Бу совуқлик қайдан энди

буни ким англар

Туғилмайманми бошқа янгидан

Ошиқ ҳам ўз ҳолига ҳайрон эмиш. Кел, ўғлим, бу савдодан воз кеч!»

Узоқ гапирди. Ҳақ жойлари ҳам бор эди. Кечкурун Асуманларникига бордим. Жуда тушкун, қаттиқ хафа эдим. Йиғлаган эдим. Асуманнинг олдида кимни кўрдим, биласизми? Жияним Бону унинг ёнида эди. Хи-жобланган, ўранган... Кўзларимни такрор очиб-юмдим. У ростдан ҳам Бону эди. Бону мендан чаққон ва ақли бутун чиқди.

«Бону, бу сенмисан?»

Жилмайиб ўрнидан турди.

«Ҳа, менман ярашибдимми?»

«Ўйхан кўрдими?»

«Йўқ, у билан соат бешда кўришамиз».

Ҳайратлар ичида эдим.

Элизабет хоним юзимдан аҳволимни тушунганди.

«Нима бўлди, Юнус, аҳволинг жуда ёмон?»

Асуман ҳам диққат билан юзимга қараб турарди. Бирдан ўзимни йўқотгандек ичимдагиларни тўкиб солдим.

«Асуман, мен бу ишнинг уддасидан чиқолмайман. Мен учун рўмолингни ечиб фидокорлик қиласанми? Мен пулсизлик ва қийинчиликка енгилдим. Оилам-сиз алоҳида бўлиш қўлимдан келмаяпти».

Ҳамма жим бўлиб қолди. Мен йиғлай бошладим.

Асуман кўзларимга қаради, у ҳам йиғлаётган эди.

Аммо гаплари аниқ ва оғир эди:

«Асло! Бир қўлимга ойни, бир қўлимга қуёшни берсалар ҳам, юрагим севгимдан тилка-пора бўлиб кетса ҳам мен яна рўмолимни, тасаттуримни, эътиқодимни танлайман. Сизга эса бахт тилайман».

Кўзларидан ёшлар қуйилган ҳолда залдан чиқиб кетди. Элизабет хоним бизга ҳайрон қараганча қотиб қолди. Бонунинг ҳам улардан фарқи йўқ эди. Ўтирганча қолганди. Кейин унинг айтган гаплари ҳам қалбимга ўқдек санчилди:

«Уят сенга! Минг афсус! Инсон пул учун севгисини сотадими? Сен сотиб олинадиган, сотиладиган одаммисан? Сендан уяляпман, сени кўришни истамайман...»

У ҳам йиғлай бошлади. Мен йиғлаётган эдим. Пулсизликнинг ҳийлалари севгимни енгди. Ҳеч кимга ҳеч



нарса демасдан ўрнимдан турдим. Жимгина эшикдан чиқарканман Асуманни чақирдим.

«Асуман, гапим бор, илтимос, менга қарагин» дедим.

Кўзларининг ёшларини артиб ёнимга чиқди.

«Лаббай?»

«Асуман, мен сен билан танишган кунимдан бери роман ёзаётгандим. Ёзганларимни сенга юбораман. Сенга ҳам ёқади».

Жим эди. Кейин: «Юборинг кўраман» деди. Оёқ кийимимни кияётганимда ҳам эшик олдида қараб турарди.

«Мени кечир» дедим.

«Ҳамма айбларни ҳам кечириб бўлмайди. Кечирим сўраш инсоннинг қўлида, аммо кечириш эмас. Қолаверса, мен сизга кимманки, кечириш-кечирмаслигимдан хавотир олсангиз. Менинг эзилишим, азият чекишимнинг сизга нима алоқаси бор?» деди.

Ҳақли эди... Уйга қайтдим. Хонамга чиқдим. Соатлаб йиғладим. Кечаси facebook ка кирдим. Кичкина мактуб ёзибди:

«Мана, Баҳорим, ҳаммаси тугади. Асло тугамайди деганим тугади. Аслида чинакам севги эмас экан. Ҳақиқий ишқ бўлганида эди, бундай тўкилиб кетмасди».

«Асуман, ишона олмаяпман. Моддият сабабли шундай гўзал севгидан воз кечиладими?»

«Кечилади, Баҳорим, кечилади. Миллионлаб одамлар моддий истаклари сабабли Аллоҳни тарк этмоқдаку... Пулдан қолмай деб одамлар дўконини беркитиб,

ҳеч йўқ, жума намозига бормаяпти. Бадавлат эркак билан оила қурган аёл, қиз ёки бадавлат қизга уйланмоқчи бўлган эркак камбағал севгилисини ташлаб, бадавлатни танламоқда. Пул фақат кўзи тўқ ва имони бақувват инсонларнигина енга олмайди!»

«Асуман, ишонолмаяпман, ўзимга келолмаяпман».

«Мен ҳам, лекин ўзимни қўлга оламан, иншааллоҳ! Бир куни албатта ошиқ кўнгил хиёнатни ҳам ва хиёнат қилганни ҳам туушуниб етади. Шунда унутди, мутлақо ўчириб ташлайди».

«Асуман, жуда қийналяпсан-а?»

«Қийналмаяпман, дея олмайман. Биласанми, шу даражадаки, ҳеч нарса ҳис этмаяпман, ўзимда эмасман. Ўзимни ҳис этмайдиган ҳолга келдим».

«Минг афсус... уят унга».

«Ундай дема, уйланиб, кейин ташлаб кетганда нима бўларди? Аммо ундай қилмади. Яна ҳам инсофли экан. Баҳор, мен ухлашга ётай...»

«Ухлашга эмас, йиғлагани кетяпсан, шундайми?»

«Қўявер тўйиб-тўйиб йиғлай, фақат шуни ҳам билгинки, ошиқ қалбим учун тасаттуримни фидо қилмаган шарафим билан ўзимга тасалли бераман».

«Жуда хафаман, ягонаам ўзимнинг, қадрлигим...»

«Хафа бўлма, қанча одамлар севгиларини бошқа нарсаларга қурбон қилганлар, алмашганлар. Менга бу азобни сабр билан ўтказмоқ тушди».

«Аллоҳ ёрдамчинг бўлсин, гўзалим!»

«Амин, бутун воз кечилган ошиқларга вафосиздан кеча оладиган юрак насиб этсин. Ҳеч бўлмаса, имон келтирганини билганимда эди...»

Йиғлаб-йиғлаб чиқдим facebookдан. Ўзимни ҳеч қачон кечира олмайман. Охирги бор қардим.

«Баҳорим, нафас ололмаяпман, мени кўпдан-кўп дуолар қилгин. Мен кўнгил мужодаласида ғолиб бўлай» деб ёзганди.

Уч кундан кейин Асуманга Баҳор ёзмоқда:

«Ироданга ҳавас қилдим, қойил қолдим, Асуман. Ётиб қоласан деб ўйлаган эдим».

«Ётиб қолдим, Баҳорим. Менинг ётиб қолишимнинг зарари йўқ. Етарки, шарафим йиқилмасин, шаъним ер билан битта бўлмасин. Қара, кеча бир шеър ёздим.

Мени ўраб олди қоп-қора қуюн

Юлқиб олмоқда ўзимдан ҳар он

Кўнглимдан тутиб қолгувчи йўқми?

Дунёим зиндондан баттар бир зиндон»

«Шаллақи онаси қувончидан байрам қилаётгандир. Бу шеърни ўқиса байрам қилади».

«Ўша она бўлади-ю байрам қилмайдими? Бугун менга «Ўғлим охири бизни тушунди. Йўқотган сен бўлдинг» деди. Мен ҳам: «Адашяпсиз, ўғлингиз пулингиз, мулкингиз эгаси бўлди. Аммо шахсияти ва кадр- қийматининг эгаси бўлолмади. Мен эса тик турибман, шарафим, шахсиятим доим ўзим билан» дедим. Юзи ўзгариб кайфияти тушиб кетди».

«Қизик, Юнус, нима қиляпти экан? Йиғлармикин?»

«Энди мени қизиқтирмайди. Балки йиғлаётгандир. Кейинроқ бирортасини топади, мени унутади. Қанчадан-қанча ошиқлар севганини унутмади...»

«Сен йиғлаяпсанми?»

«Ҳа, ҳозирча йиғлаяпман. Аммо Аллоҳга сиғин-  
япман. Кўнглимга тинмай «Сени сотганни севма» деб  
уқтиряпман. Узоғи билан беш-олти ой йиғларман. Кей-  
ин эса қийматли кўнгил унга қилинган хиёнатни ту-  
шуниб етади ва унутади. Ўзимга шундай тасалли бе-  
раяпман. Мен уни қаттиқ севгандим, жуда ишонган-  
дим. Юрагимга бир доғ тушди. Кўз ёшларимни тўхтата  
олмаяпман. Аммо тўхтайдди. Мен билан шарафим қо-  
лади. Соғ бўлгин, Баҳорим. Доим ёнимда эканингдан  
миннатдорман. Аллоҳга омонат бўл!»

Охирги бор телефон қилай дедим. Рақамимни қора  
рўйхатга солибди. Тўсиқ қўйибди. Чақирув кетмаяпти...

Олов оқаётган вўлқонга тушиб кетгандек бўлдим.  
Энди қандай яшашни билмаяпман...

Охирги ёзганини ўқидим. Баҳорга «Ва кафа бил-  
лаҳи вакила» деб ёзган эди. Ва кафа биллаҳи... Нима  
эканини суриштираман.

Kitob uchun @pushtirangbaxt ga  
Minnatdorchilik bildiraman!!!

Tayyorladi: @Aprel\_14

[T.me/quvnoq\\_ru](https://t.me/quvnoq_ru)